

ЁШЛК 1988

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН ССР
ЁЗУВЧИЛАР
СОЮЗИНИНГ
ОРГАНИ



(83)
Ноябрь

Ойлик
адабий-
бадий,
ижтимоий-
сиёсий
журнал

1982 йилдан
чиқа бошлаган

Бош редактор:

Омон МАТЖОН

Редакцион коллегия:

Эркин АЪЗАМОВ,
Эркин ВОҲИДОВ,
Хуршид ДАВРОН,
Владимир ЖОНИБЕКОВ,
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,
Ҳамид ИСМОИЛОВ,
Муроджон МАНСУРОВ
(бош редактор ўринбосари),
Насриддин МУҲАММАДИЕВ
(масъул секретарь),
Олим ОТАХОНОВ,
Азим СУЮН,
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,
Нурали ҚОБУЛ,
Абдурашид ҚОДИРОВ,
Ғаффор ҲОТАМОВ

Тошкент
«Ёш гвардия» нашриёти

НАСР



Шукр ХОЛМИРЗАЕВ, Тоҳир УСМОНОВ. Қизил командир қисмати. Ҳужжатли қисса. 22

НАЗМ



Мирпўлат МИРЗАЕВ. Номаълум коммунистлар 2
Юсуф ЖУМАЕВ 9
Муҳаммад ЮСУФ. Қора қуёш. Достон. 16
Олимжон БҮРИЕВ 37
Ҳалима АҲМЕДОВА 38

ТАНИШУВ



Муҳаммад ИСМОИЛ. Саҳройи гуллар. Ҳикоялар 3
Абдуқайом ЙУЛДОШЕВ. Эна. Икки ҳикоя. 39
Баҳром ҒОИИБ. Шеърлар. 44

НАСР ТОҚИДАГИ ЮЛДУЗЛАР



Дино БУЦЦАТИ, Жованни ПАПИНИ, Коррадо АЛВАРО. Париларнинг соҳир чироғи. Италиян новеллалари 45

ПУБЛИЦИСТИКА



«Миллат отаси»нинг соясида 10
Муртазо ҚАРШИБОЕВ. Тўқайга ўт кетса... 60
Набижон БОҚИИ. Генерал Жўрабекни ким ўлдирган? 64

НАФИС МАЖЛИСЛАР



Мўтабар ҒУЛОМОВА. 54
Санобар ФАХРИДДИНОВА 54
Венера ИБРОҲИМОВА 55

ГУЛЧАМБАР



Шодмонбек ОТАБОЕВ. Эл севган адиб 56

АДАБИЙ ТАНҚИД



Раҳим МУСУРМОНҚУЛОВ. «Ҳажрий» — Бобур эмасми? 68
Раҳматилла БАРАКАЕВ. Дилда дәрдинг бўлмаса 71

«ЕШЛИК» ПОЧТАСИ



МЕНИНГ ФИКРИМ... 73

ЕЛПИҒИЧ



Муҳаммад Али ЖАМОЛЗОДА. Шўробод. Ҳикоя. 77
Людмила ХАНАДЕЕВА. Езғувчининг ибодати. 80

Мен кажбахс мозийга бокмайин ҳар гал,
Аччиқ қисматингиз бағрим қилар хун.
Сизнинг ҳаётингиз кечди кўп чигал,
Не тонг, қабрингиз ҳам номаълум бу кун.
Барвақт энтикканди чақнаган буюк —
Инқилоб нуридан юракларингиз;
Лекин бу не таҳқир, бу не кўргулик —
Сизга чоҳ қазди ўз тилакларингиз.
Нечук замон экан, эвоҳ, у замон,
Ғаним номин олди имонлидир ким.
Урф бўлди юрт аро маломат, бўҳтон,
Сотқин дўст кўзига сиз боқдингиз жим.
Рўшнолик сурури — эзгу эътиқод
Сизни тарк этмади дилгир онларда.
Бу кун сўнгагингиз ётибди, ҳайҳот,
Сибирь ўрмонида, балки конларда.
Не ҳол бу — қодир халқ бамисоли қул
Тиз чўкмоқдан ўзин эркин қилса ҳис.
Энди аён бўлди — қотил экан ул
Доҳий сиймосида товланган иблис.
Хўрлик-ситамагарга тоб берганга тек,
Сиз-ку яшадингиз жўмард зотга хос.
Исмсиз, шарафсиз кўз юмдингиз лек,
Унсиз умидингиз қолдириб мерос.
Сўнмади, о, не-не қалблар ғурури,
Балки давр амри бу — тошбағир, ғаддор.
Лекин бу кун худбин сиймони кўриб,
Сизга ёзғираман мен тағин минг бор.
Унга нима камдир — у ҳам «коммунист»,
Бор эрур эл аро номию шони.
Фақат юрт дардини қалбдан қилмас ҳис,
Фақат омонатдир унинг имони.
Зинҳор анойимас, эмас калтабин,
Унга ўз дардидан бошқа дард абас.
Туғишгандан ортиқ кўрар мансабин,
Виждони уйғониб панд бермаса бас.
Унга миллат нима — на куяр-суяр,
На англай билади диёнат раъйин.
Не тонг, гоҳ ҳақ учун ҳакамлик қилар,
Гарчи ўзи иблис зотидан тайин.
О, бу очофат қавм талади юртни,
Сурди неча замон айшини илло.
Сизнинг бўғзингизда қолган умидни
Улар байроқ этиб йиғдилар тилло.
Ҳар қалай эътиқод — муқаддас туйғу,
Ворислик қилолмас унга ноҳалол
Бари бу кун нафрат чоғига тушди,
Сизнинг арвоҳингиз урди, эҳтимол.
Жафокаш халқ фақат то мудом пойдор,
Гарчи жим заққумлар ютди у беҳад...
Закий даҳоларин чунки кутди зор,
Энди у саробга инонмас минбаъд.
Мен тўниб боқаман теграмга гоҳо,
Тавоф этмоқликка эзгу қалб излаб.
Тағин каж жилвалар кўраман аммо
Ва беҳос юрагим кетади музлаб.
Шунда ёлбораман: «Улуғ Инқилоб,
Ўзинг мададкорсан, ўзинг қўллагин.
Манфур чехралардан йиртилсин ниқоб,
Жангар шаҳидларга жон бер, йўллагин!...»
Тонглар уйғонаман — шафақлар ёруғ,
Кўксимга тўлади мағрур ҳислар, ҳей!
Умидли руҳлари зулматни ёриб,
Келмоқда номаълум коммунистлар, ҳей!

Мирпўлат МИРЗАЕВ.

Чеча ориқ қўлларини чўзиб дастурхон зийини ёпди.

— Камбағал боёқишники шу экан-да. Эплаган икки ошар, энсаси тушган бир ошар, деб бекорга айтадим. Мана бу иш бўп қолағайсин, мана бу иш бўп қолағайсин деб айна этишар маҳалинда лоп этиб бошқаси чиқиб туради. Бошингни қайси деволга уришни билмай довлараб қолаверасан.

Опа юзидаги терни артди. Унинг қовоқлари тер тўкилаверганиданми, шишган, юпқа териси остидаги қон терни артганда, қовоқлар пириллаганида сачраб кетадигандек қизариб турарди.

Чирилдоқ яқингинадан чўзиб-чўзиб чириллади. Кун ҳаддан ташқари ёруғлашиб кетганди. Ялангликка узоқ тикилиб бўлмас, одамнинг кўзи қамашарди. Зарлангандай ярқираган сап-сариқ тупроқ қўйнидаги қуп-қуруқ тиканакгул шамолда бутун борлиғи билан қимирлаб, қисирлаган ун чиқарар, бошидаги катта нишдор ғужуми, эрта тонгда нурлари найзадек сачровчи қуёшнинг кичкина аксини ёдга соларди.

Атамасиз ўсимликлар, бахмал баргли, чумчўқнинг кўзича келадиган ҳўжағат шонали оч кўкиш гуллар, ҳар қанча жазирама бўлса-да, забаржад рангидаги, аранг кўзга ташланадиган майда-майда ғунчаларини асрай олувчи, новдаси йўғон гуллар, танаси ҳам, ранги ҳам олачипор махлуққа ўхшаган, ер бағрига эшилиб, узанган ёввойи ўтлар — ҳамма-ҳаммаси сахрога янги келган кишини бегоналатиб кўярди. Бу саҳройи гуллар ҳам одамнинг кўнглидаги, унинг ўзи ҳам билмайдиган туйғулар каби ҳар йили барқ уриб дунёга келар, ўз буйини таратар, уруғ сочар, қиш изғиринида яна ўзи билан ўзи андармон бўлиб замин бағрига сингар, қўкламда кўпайишиб яна ер юзига қайтиб келишарди.

Саратон офтобининг тафти қайтди. Энди офтоб ғанимат. Ҳадемай кун ботади. Ҳали бери қоронғи тушмайдиганга ўхшайди-ю, аслида...

Жўяк ичидаги ўтларни чопиқ қилаётган Дилшоджон қавариб сўғаллашган қўлларини энасига кўрсатади.

— Кетмон дастасини сиқиб ушлама-да, кўлинг бўш ҳаракат қилсин, — дейди энаси. Дилшоджон энасидай ишлолмаганидан ғайирлиги келиб кетмонга зўр беради. Упқаси тўлиб, юраги ўйнақлайди. Учакишади. Ўзини тўхтатиб олишни эп кўрмайди. Ахир тинмай ишлаш учун катта жисмоний куч бўлиши шарт ҳам эмас-да. Ана, энаси бошини кўтармаяпти. Бошқалар ҳам. Атрофдагиларнинг ҳаммаси бунга кўникиб кетган. Уларни меҳнат эркинлигининг кўринмас занжири тутиб тургандай ҳамма ўз ихтиёри билан ишлайверади. Шундай экан, салгина ўтириб ғуборни ёзишга, хусусан, Дилшоджон ор қилади.

Уйга шом қоронғусида кириб келишди. Соат ўн бирдан ошиб қолганди.

Чеча ҳар кун югуриб чиқадиган болаларининг жимлигидан хавфсиради. «Моҳигулга бир гап бўлдимикан!» — Эри ҳақидаги ўй кўнглидаги туманни жунбушга солди.

— Тинчгина ўтирибсизларми? — деди у тўшанчига оғир чўккаларкан. Урганиб қолганиданми, беихтиёр «вой, жоним-эй» деб юборди.

— Отамни бугун апараста қилишибди, — деди кенжа қизи. У тирноқларини ҳадеб ишқаларди. Келини эса, қайнонасига яқинлашолмай, ярим йўлда қовоғини ую турарди.

— Бугунми? — Келинига юзланди чеча. — Ундай-чақа гап йўқ эди-ку? Нимага туйқусдан уйтади? — Чеча сўнги гапни ўзига-ўзи айтди. — Қаҳҳор, юр эса, мошинангни ҳайда, бориб келайлик.

Тун ярмидан оққанда шаҳар касалхонасига кириб

боришди. Ҳамширалар вақт алламаҳал бўлгани учун эмас, бемор махсус хонада ётқизилгани учун уларни ичкарига киритишмади.

Чеча коридорда туриб, баланд каравотда оппоқ чойшаб ёпиниб ётган, кўзи очиқ бўлса-да, таниш овозларни эшитганда ҳам қимир этмаган, ғарибгина туюлиб кетган эрини элас кўрди. Эр, чала уйқуда, таркидунё қилмоқчи бўлган мўминдек, таниш овозларга қайрилиб қарай олмас, таниш овозлар жонли, аммо бирор нафи йўқ руҳлар сингари бежо силкиниб, ғайри товушлар чиқарарди, холос.

Чеча, махсус хонадан четланар экан, хонадаги қоронғилик йўл-йўлакай кўнглига ўтиришди. Шу қоронғилик таъсиридами, негадир ўзини айбдор сездди. Нечукдир ҳаётдан кўрқди. Яшаш мушкуллигини англамаган экан. Англамай туриб яшайвергани учун ҳам ҳаёт энди ундан ўч оладигандай туюлди. «Вой, худойим-эй» деб юборди. Бу зорланиш ич-ичидан ўрмалаб келди. Уғли ўгирилиб қаради-ю, нима дейишни билмай ютинди.

«Бу шўрлик ҳам индаёлмайди, — деб ўйлади чеча. — Дарди ичида. Одамгина, ичмай туриб захарни билмайди-я. Ҳайвон билади. Бу бойқиш ҳам то Моҳигулнинг аҳволига тушганча юраверади». Чеча ўғлининг йўғон бўйинига термилиб, ўзида сўнгсиз меҳр, фидойилик туйди. Кўзлари мўлтиради. Кўнглидаги гаплар учун ўзини қоралади. «Нега ўз азангни бошқаларга ҳам тикиштирасан. Қул ўлмай, ризқи камимас. Қозонингни сувга солиб қўясанми, тишингни оқини сўрасанми, ўтиши керак бўлган кун, бир амаллаб ўтади-да, шунга шунчами?»

— Бўлди энди, деҳқончиликни ҳам йиғиштириб қўй-сак бўлар, — деди у оҳиста.

— Ҳа, йилда шу гапни айтаман, бир тўхтама келмайсиз, — деб койинди ўғил.

Улар етиб келишганда, уйдагилар ухлаб ётишар эди. Чеча кўрпага чўзилар экан, танаси титраётганини сездди. Унинг руҳи ўзгарган бўлса-да, танаси бурунги кўникмалардан қутулолмаганиди. Меҳнатда қотган суяги энди тўғриланмасди. Чечанинг кўнглида тугилган ният эса, айрича ташвиқот билан ваҳима соларди.

Чеча ҳориган бўлса-да, кўзи илинмай ётди. Туннинг қайсидир маҳалида туш кўрди. Тушида кўринган оқ нарса эри ўралган чойшабмикан, илғай олмади. Оқ нарса қоронғилик қўйнидан яқинлашаварди. Бу, икки бошли илоннинг оғзидаги тилла танга экан. Тилла ой нурида ялтилларди. Чеча яхшироқ разм солди. Илон инидан тангаларни биттама-битта олиб чиқиб қуриятпти. «Сабрининг таги сариқ олтин. Ана менинг сабрим. Илоннинг оғзидаги абадий сабрим!..»

Кейин чеча илоннинг кўзини яққол кўрди. Қора тўр чизиқлар тортилган, аммо тўрлар кўринмайдиган даражада қип-қизил, бу шуълаланувчи кўзлар чечанинг таранг тортилган миясида намоён бўлдию шу заҳоти ромлаб ташлади. Чечанинг нафаси ичига тушиб... уйқуга кетди.

У эрталаб уйғондию кундалик майда-чуйдаларга уннади. Анча вақт ўтиб тушидаги илонни эслади. Бугун ишим ўнгидан келади деб суюнди. Эрини ўйлади. Хабар олгани бежиримгина кийиниб йўлга отланди.

Эри бир кеча-кундуздаёқ чўкиб қолганди. Кўзлари милтиллаб турарди. Чеча талмовсираб, айланиб-ўргилди. Тинчаси қуриди. Эри индамайди. Калта-култа тўнг жавоб қилди. Ўзини тутди. Кўнгил ёришни истамади. Шифтга қараб ётгиси келмай ағдарилмоқчи бўлди. Илож йўқ эди, бошини ёстиқ остига олди. Чечага кап-катта одамнинг бу қилиғи эриш туюлди. Аммо индамади.

Орадан ҳафта ўтди. Эрининг қовоғи ҳамон очилмас-

ди. Дастлаб, камдан-кам чўкилаб ерди, сўнгроқ шуни ҳам тусамай кўйди. Кўзидаги тундлиги аримади, қайтага болалади, оғирлигини ташлаб кўзини чўктирди.

Чеча далага қатнамай кўйди. Болаларини ҳам юбормади. Эрига уззукун қадалиб ўтираверди. Бир куни эри гапдан гап чиқиб, ичини ёрди.

— Одам боласи тўққиз ойда туғиларкан. Яратган эгам ҳисобни камайтирса камайтирар экан-у, оширмас экан. Худди шунингдек, ўлим ҳам тўққиз ой олдин дарак беради. Бу гап ўзимдан чиқдими, биров айтиб қулоғимга кўйиб кетдими, билмадим, лекин кўнглим хижил, талвасадаман. Ажалим яқин шекилли... Ичим қизийди. Бир қултум бўлса ҳам сув ичиб ўлсам дейман...

Чеча уни ортиқ гапиришга кўймади, жеркиб ташлади. Оғир ўйда қолди. Аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкди. Болаларини бағрига босди. Уйга қайтганида ҳам ихтиёри ўзида эмас эди. Шунинг учун бўҳчаларини титкилади, сандиғини очди, азалик матоларини бир-бир кўрдию бўшашди, куя дори ҳидидан кўнгли озди, нима қилаётганини уйдагиларга билдирмади. Шу куни бу хонадонда чироқлар эрта ўчди.

Кунлар шу зайлда ўтаверди.

Эрининг қорни шишиб, дўмбирадай таранглашиб кетганди. Ютоқиб, ҳар қанча бўлса сув ичар, кам овқатланар, оёқ-қўллари чиллакдай озиб, танаси бужур-бужур, шалвираб, қувватдан қолганди. Ошқозон ҳеч ўзига келай демасди.

— Дала қайтди экан. Бормай кўйдинлар, — деди бир куни эри. Чеча нима жавоб қилишини билмади. Бир кўнгли «Э, кўйинг шу далани» дегиси келди, бир кўнгли «Қандай қилиб бўлса ҳам тирикчиликни ўтказиш керак-ку» деган хаёлга борди. Қовунзорнинг уволига қолмай деди. Суяк-суягидан ўтиб кетган ўлим қутқусини енгди. Эрининг ёрдамидан умид узди. Унинг кўзларидаги дард шарпалари руҳини қитиқламай кўйди.

Эртаси кун саҳармардондан қаватига ўғлини олиб, турмуш аравасини судраганча далага отланди.

Офтоб сўфитўрғай сайрамасдан биратўла чарақлаб кўринди.

Тун бўйи сал нам тортиб қорайган тупроқ сарғая бошлади, сўнг оқариб кетди. Салқин шабада эсди, кейинроқ у ҳам қуруқлашди.

Одамлар кун қизигунча ишлаб олиш пайида, кетмонларни илдамлик билан бўйлари баробар кўтариб, чопиқ қилишар, кетмоннинг шақирлаб қуриб ётган кесакларга урилгани эшитиларди.

Энаси Дилшоджонга ўгит берарди:

— Қуруқ тупроқни қўлингда сиқимлаб ушат. Қўлингни қуритсанг, кетмон дастаси бемалол ўйнайдиган бўлади...

Дилшоджон энаси айтгандай қиларди. Тўхтамай ишлашнинг машини оларди.

Кун тиккага келганда тушликка чиқишди. Қумғон қайнагунча радио эшитган бўлишди: «...пахтакорлар шарбат сувини оқизишда юксак ютуқларга эришдилар».

— Вой жоним-эй, — деди кўрпачага чўкаркан Энақиз опа. — Ер ҳам тош-метин қотиб кетибди, урсанг кетмон сапчийди.

Чайла ёнида сув истабми, соя истабми келиб қолган узунлиги ярим қулоч кўлвор илон кулча бўлиб, гоҳ-гоҳ эса, атрофга олазарак қараганча қоп-қора айри тилини раққосанинг қўлларидек силкитиб кўйиб, беозоргина ётарди. Ҳеч ким унга парво қилмади. Мабодо, кўриб қолишганда ҳам, озроқ шов-шув билан хангомани шу томонга буриб, давом эттиришарди.

Агар эсида қолган бўлса чеча ҳам, кўрган тушини кистириб ўтарди, албатта.



Қаршилик

Қуёшда тоблансанг, қонинг тез қизийди. Эҳтиросларинг гурсиллаб туради. Буни ҳатто юриб кетаётганингда ҳам сезиш мумкин. Кун жуда иссиқ бўлганиданми ётоқхонага яқинлашавергач, оёғим ўз-ўзидан илдамлашади, зинапошларга сакраб чиқиб, эшик туткичига ёпишаман. Юзимга салқин ҳаво урилишидан аввал коридордаги диванда ястаниб ўтирган қизларга кўзим тушди. Индамасдан ўтиб кетарканман, уларнинг умидвор нигоҳлари менга чиппа ёпишиб олганлигини, улар ҳали ўзлари кўрмаган номаълум мезбоннинг олдига келишганлигини пайқадим.

Фақат ўғил болалар яшайдиган ишчилар ётоқхонасига бундай «меҳмон»лар —бировнинг толган-тутганига ҳарик бўлиб умрини ўтказаятганлар тез-тез келиб турарди.

Хонамга етиб борганимда ҳам уларнинг кўзларидаги интиқлик, чўғни ўт олдирувчи косовдай, тийиқсиз истакларимни алангалата бошлади. Бундан қутулиш учун овозимнинг борича кўҳна ашулаларимиздан бирини айтишга тушдим. Талабалик йиллари, пахта ҳашарига чиққанда тутганим — кундалик дафтарни ўқиш хаёли бошимдан лип этиб ўтгунга қадар ўзимни у ёқ-бу ёққа ташлаб куйлайвердим.

Кундаликда қуйидагилар ёзилганди:

«17 октябрь».

Бирпаслик ёғингарчиликдан сўнг осмоннинг туси тозаланди. Ҳаво енгиллашди. Уфқда катта алвон атиргул очилди. Олисдаги музсимон чўққилар равшан зиё соча бошлади. Аъзойи-танда эса, совуқ жунжикиш елиб-югуриб, чиллашир оёқчаларини суякка тегизади. Совуқ, танбал махлуқ сингари, тўрт тарафдаги мафтункор салтанатдан энган ошуфта кайфиятинга зомин бўла бошлайди. Сен эса, совуқдан чалғиш учун қўлнинг, оёқнинг, хуллас, вужудингдаги ҳар бир аъзонинг ўз қалби борлигига ўзингни ишонтирмоқчи бўласан.

Ана, Каромат сочини шамол йўналишида тўзғитиб-тўзғитиб, бир маромга тушган толаларни турмакляпти. Фикри-зикри гап уқтириш билан банд. Қўллари эса, ўз вазифасини моҳирона бажариб, ҳатто битта-иккита қолиб кетган толаларни ҳам катта ўрамга қўшяпти.

Пахтасини топшириб бўлганлар исиниш учун йўл ёқасига олов ёқишди. Сеҳрли ел хиёл ўтмай қип-қизил чўққа айланган ғўзапояга гоҳ оч, гоҳ тўқ марварид шодаларига ўхшаш топ-тоза ранг берди. Ёруққа тутилган зиракдаги асл биллур ҳам шу чўғ каби пориллай олмас!..

Шу пайт Зухра ортимдан ўтиб кетди. Дугонаси Нодима бизга кўшилди. Хафага ўхшайди. «Нодиманинг патини юлинг-да, Шо», деганимни эшитган шекилли. Кетаётганида узр сўрасаммикин? Йўқ. Кечирим сўратирганлиги учун кейин уни ёмон кўриб қоламан. Шо, яхши бола. Нодини камситган бўлсам, бу камситиш Шога куюнганимдан келиб чиққан. Бирда Шо, Нодимани кўргач, салом бераман деб, эгилиб кетувди. Миннатсимон хатлар ҳам ёзганди: «Бу иссиқ сув (мен) бир пайтлар совуқ бўлганини унутманг», ёки «Мен сизни ўзимдаги вена қон томирлари сингари, доимо кўриниб туришингизни истайман». Лекин Шо кўпда дардини яширади. Сўрасанг, лабини ҳурмат қиламан, дейди холос. Йўқ. Бу гапларда куйиш эмас, кулиш сезилади. Ҳали Шонинг Нодига муносабати мен ўйлаганчалик етилмаган. Шо ҳали унинг қанчалик керак, нокираклигини ҳис

қилмайди, бундан кейин ҳам ҳис қилолмас керак. Бундан чиқди Ноди бекорга хафа бўлмаган экан. Кечирим сўрасаммикин? Ҳозир кетаётганида гапга тутаман. Зухрадан ҳеч айрилмасди-ку? Совуқнинг оқибати бу. Зухра эса ёлғиз кетяпти. Урнимда бошқаси бўлганда унга дарров етиб оларди-да... Қизиқ, уни ҳар доим кўришни истайман-у, айтадиган гапим йўқ. Бўлмаса, айни чоқда вазиятдан фойдаланиб қоладим.

Сўз бор-у, лекин уни назарда тутиб, унга қиёсан тарбиялаган сўзимни, руҳимни у танимайди, тан олмайди.

Ана, Нодима унга етиб олиш учун чопқиллаб кетди. Ҳали қоронғи тушмасданоқ Зухро юлдузи чарақлаб кўринди. Интизор, асов кўнгиллари кўзғатиб қўйиш учун йўл-йўлакай, шаҳарда шунча йил яшаб, юлдузни ҳечам кўрмаганини айта бошлади. Дарҳол, кечки сайрга таклиф қилувчиларнинг талашуви бошланди...

Бу ва бунга ўхшаган гаплар кундалигимнинг «18 октябрь» рақами қўйилган кунгача ёзилган. 18 октябрь куни эса, воқеалар бирмунча ўзгарди.

«...Кечки пайт. Шийпон ёнидаги супада уймалашиб овқатланаётган эдик. Ҳаммаси одатдагидай: таъмсиз макарон шўрва, томоқдан сал нари ўтиши учун овқат устига пиёз тўғрашу коса ювиш навбати кимга келиб тўхтаганини аниқлаш, сўнгра ўша косаларда, керосин ҳиди уриб қолган чойни келтириш ва ҳ. к.

Бугун коса ювиш азоби Шотемирга етган шекилли, атрофга олазарак қаради-да, ўтиб кетаётган қизга эшиттириб гап отди:

— Шу қиз жа кўп ўтиб қолди, косаларни бериб юборсаммикин-а, ювиб-ювиб савобга ботарди - қоларди.

— Э, у аканг қарағайни қаратиш учун ўтяпти-да. Косангни киссангга сол! — Гапни илиб олди, қўлида қурт ўлмайдиган Олмосали.

— Ўл-э, қўйсанг-чи.

— Бор, сўра ўзидан.

— Ҳов, тўхтаган!

— Нима дейсиз?

— Тўхтаган, битта гап. Тўғрироғи... савол. Э, яхшиси кейинроқ. — Мен шошилиб гапириб юбордим-у, ноқулай аҳволдан чиқиш учун гапни пайсалга солдим. — Кейин ўзим олдингизга бориб айтаман...

Аммо кейинроқ ҳам бўлди. Унинг ўзи олдимга уч марта келиб кетди. Мен эса нима дейишни билмасдим. Нима ҳам дейман? Дунёнинг ҳамма чиройли қизларига рўйхушлигим борлиги учун, Олмосалининг мақтаниши жигимга тегди, дейманми? У нотаниш қиз бўлса?

Нотаниш одамга гап топиб бериш осонлиги руҳлантирдим, ишқилиб, у қизга гапимни айтмоқчи бўлиб бордим, лекин ташқарига, овлоқ жойга чиққанимизда каловланиб қолдим.

— Тўғриси, сизни билмай, раъйингизни дегандай... Бир оз у ёқ-бу ёқдан... Ҳа, анови курсдошингиз қандай бола, қашқадарёлик бор-ку?..

— Йўқ, саволингизни айтинг! — Гапни чўрт кесди у.

— Уфф. Бўлмаса четроқ туринг. Томдан тараша ташлайман. Сиз бўлса, боя, ҳеч нарсага қарамасдан ўтавердингиз, ўтавердингиз. Болалар талашиб қолишди, мен учун, мен учун деб...

— Бу шийпонда менга ҳоқимлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! — деди у.

Бу гапига мени ҳам бўйсундирмоқчи бўлгандай бир оз жим турди. Қаршилик бўлмаганини кўриб, гапи қовушмай қолгандай хижолат тортиди, сўнгра ўзи билан ўзи бўлиб гапга тушиб кетди:

— Баъзан ўйланиб қоламан, кимдир кўнглимни

кўтаришга интилади-ю, лекин бахтсизлигинг унинг истагидан устунроқ туришини кўриб, баттар дардинг кўзғолади...

Шу пайт хаёлимга лип этиб Зухра келди. Нега у мен билан гаплашишни истамайди? Ахир уч йилдан буён учи еру кўкка ишонмай, ҳар қандай бахтдан зиёда тутаман-ку!..»

Ҳа, кундалигимга худди шу сўзлар ёзилган. Кейин, Соҳибани тинглаётгандаги ҳолатим ҳам тўлалигича баён қилинган:

«Мен, Соҳибанинг гапларидаги оҳанг зарби кўнглининг қобиқларини очганда шип этиб, нақ ғалаённинг олдига бориб олар, аммо катта босим билан таралаётган дарднинг қаердалигини ҳамон билмас, қобиқларнинг яна бирортаси очилишини сабрсизлик билан кутар аа айни пайтда Ҳазрати Хизрга дуч келгандай, барибир шунча дардини англадим-ку, деб таъкидлардим.

Соҳиба эса, куйиб-пишиб сўзида давом этарди:

— Ростини айтсам, бу баракда ҳатто мени тўғри тушунадиган одамнинг ўзи йўқ. Қандай яшашни ҳам билмайман. Нега энди яшашни билмасдан ўлиб кетишим керак? Гоҳо ўзимдан воз кечгим келади. Суянчиғим бўлишини истайман. Ўзим билан ўзим ўй суравериш жонимга тегди. Ахир одамнинг хаёли ўз танасига душман-ку.

Соҳибанинг бу гапи, бирдан ўзимга ишонч уйғотди. Аниқроғи, Зухрадан ўпкалашим тўғри экан. Шу ишонч хаёли билан ўзимни ўнглаб Соҳибага қараганимда, гўё у ўз гапини эмас, мени жон-жаҳди билан қувватлаётгандай туюлди. Энди ўнглолмаслик, юз ўгириш, бешиш, сўнгра бутунлай совиб кетиш ва уйланиш даражасида севмоқни истаганим Зухра билан ўртамизда қандайдир сирли ойна борлигини, менинг майлим ари каби ғўнғиллаб ўша ойнага бориб урилаверганини яққол англаб етгандим. Нима учун Зухра ўртада ойна сақлаганини билиш эса мангу махфий ва жозибали бўлиб қолаверса керак. У кундалик тутганида ҳам бу ойна тўсиқнинг сирини балки шарҳлаб беролмасди. Аниғи шуки, у мендан ўзини ном-нишонсиз яширмаслик учун муҳаббат арқонини узун ташлаб қўйди, бу арқончайнар муносабат менинг меъдамга тегиб, Зухрадан бутунлай умидимни узсам-да, ўзим сезмаган ҳолда, ўша муҳаббат арқонига ҳисоб беришга ўрганиб қолгандим. Энди билсам, Зухрани ўйлаш ўз-ўзимга зўғум қилиш экан, холос.

— Ҳа, — дедим Соҳибани маъқуллаб. — Бировнинг хаёли билан эмас, хаёти билан яшаш керак.

Лекин негадир бу гапдан ўзим ўнғайсизландим. Соҳиба билан хайрлашар эканман, бу бечоранинг ҳам дарди оғир, деб ўйлайман.

Сабаби...

Соҳибанинг бурнини тагини нимадир, қачондир тилиб кетган ва чандиғи билиниб турарди. Бу чандиқ тасодифан келган қарғиш каби сабабсиз, аммо аламли эди. Бу хунук чандиқ туфайли у, дунёдаги ҳамма гўзалликни, нафисликни қадрлай олиши ва доим уларга интилиши, эҳтимол. Зухра менга «сиздан нафратланман» дегандан сўнг, мен ҳам шунга ўхшаш қарғишга йўлиққанамни, энди, Зухра билан қисматимиз ҳеч қачон қўшилмаслигини ўйлаб юрардим. Бу ўхшашлик сезгиси менда Соҳибага нисбатан хайрхоҳлик уйғотган эди.

19 октябрь.

Чошгоҳда Соҳибанинг расмга тушаётганини кўриб қолдим. Менда, ўзим сезмаган ҳолда унга нисбатан эркинлик пайдо бўлган экан, бақириб юбордим:

— Ҳой, Тож, олма уни расмга!

— Нега, ўзи айтпти-ку!

— Олма деяпман.

Соҳиба олдимга келди.

— Айтинг, нега ундай деяпсиз?

— Ушанинг балчиққа ўхшаган бадбин кўзига тушиб нима қиласиз? У ёмон бола.

Соҳиба бу гапга ўзини кўнгандай тутди. Сўнг пайтини қилиб овлоқда расмга тушди. Бир вақт бундай қарасам, эгатимнинг бошида кулиб турибди.

— Соатингиз неча бўлди?

— Сизга қанақа вақт керак?

— Кетиш.

— Кетиш вақтингиз бўлган.

— ...Қанча пахта тергансиз?

— Нахот сизни фақат пахтаминг оғир-енгиллиги қизиқтирса?

— Ховос бизга яқинми?

— Масофаси яқин, ораси узоқ.

У кулади. Яна савол берармикан?

— Булутлар қаердан келади?

— Ховосдан! — Бу сафар ўрнимга курсдошим жавоб берди. Бировнинг қулоғи... аралашганини қаранг.

— Кўпроқ расмга тушинг! — деб ўрнимдан турдим-да, кета бошладим.

— Фуфайкангиз қолди.

— Сизга.

— Эй, Соҳиб, булар фақат фуфайкасини, фартуғини, шапкасини қолдиради, ўзини эмас, — деб ҳиринглаб қолди курсдошим...

Бу кечинмалар худди ҳозир рўй бераётгандай қулоғим остида жаранглайверади. Шунинг учун кундаликка ўз ҳолича ёздим-қўйдим.

Номозшомда, дугонаси иккови бизга атай эшитиларли қилиб, қўшни баракка бориш-бормаслик режасини туза бошлашди. Баҳром билан кўз қишдик-да, кийиниб, олдиларига қуллуқ қилиб бордик.

— Сизга йўл бўлсин?

— Ўзим шундай, — деб иршаяман ғўлдираб.

— Биласизми, физматнинг барағи қаёқдалигини?

— Ҳа (ёлғон).

— Биз билмаймиз (ёлғон). Шарифа, ўзинг борақол, бошқа биров билан. Мен қолсаммикан? — дейди нозлаиб Соҳиба.

Шарифа унинг қулоғига мастонавор пичирлайди, афтидан «кўйлагимни бердим-ку» деяпти, шекилли.

Қўшни факультетнинг барағи жуда узоқ экан. Қайтишда Баҳром билан Шарифа тез-тез юриб кетиб қолди. Биз оғзимизга нима келса, шеърсимон қилиб гапиравердик.

— Йўлнинг усти чанг, юрибсиз аранг, суясин аканг, демайсизми хўп, бўлмаса бир... қофияси сиздан-да, энди, — дейман эркалик билан.

— Ҳозир ўлиб қолсам нима бўлади?

— Бир кўрардик-да!

— Юринг, анови ҳовузга. Ия, балиқларни! Сувга тушайми...

— Сиз ҳофиз-у, ҳовуз чанқовуз эмас.

— Суви муздай. Кейин росмана тирилсам керага, — деди у бояғи фикрини давом эттириб.

— Қани тушинг-чи.

— Ҳонови, аксимга айлланиб қолсам-а. Ҳеч ким менга ҳукмини ўтказолмасди. Ҳеч ким нотўғри азобламасди. Фақат ўзимни ўзим азоблардим. Э, кетдик. Ойни қаранг, ой — сувдаги оппоқ тош.

— Уламан дейсиз-а. Баъзан ҳамма нарсани очикдан-очик, ўзингиз ҳис қилмаган нарсаларни ҳам гапираверасиз. Аламзадалиқ анқийди. Бу қизнинг кўнглидаги

гапдан кўра, сўз бойлиги кўпроқ бўлса керак деб ўйлаб қоламан.

Мавзуни, билса ҳазил, билмаса чин, қабилда иш тутиб, муносабатимизга шама тарзида, юмшоқлик билан бошқа томонга буриб юбораман:

— Эки муҳаббатга йўлиққан чоғдаги ўз-ўзини азоблаш ҳақида гапиряписизми? Тўғри, муҳаббат — бу жисмоний яқинлик эмас.

Аммо тезда истиҳолага ўрин қолмади. Соҳиба муҳаббат майдонидан туриб гапни илиб кетди.

— Сиз агар менга бирон киши гапирса, ҳой, гапирма, дея олармидингиз?

— Йўқ.

— Сизлар мендан нима истайсизлар ўзи?

— Биз кўпчиликмизми?

У баракка югуради.

— Бир соатдан кейин кирасиз.

Барак эшиги олдида домла Соҳибани бемаҳал юргани учун койий бошлайди. Мен соатга қарайман. Бир соат узоқ-узоқларга қаратиб ҳуштак чаламан.

20 октябрь.

Кун бўйи Соҳиба билан учрашолмай юрдим. Аксига олиб, соатимнинг батареяси тугабди. Наҳотки, у энди келиш, кетиш, кулиш ва ҳ.к. вақтларини сўрамаса. Шотемир эса, юр, анавиларнинг олдига борайлик, деяверади. Борсаммикан? Зухра билан хаёлий ҳамкорлигим барҳам топаётган, унинг қайсарликлари сохта туюлаётган пайтда, садоқатдан зада одам бир хуморини ёзиш, ҳибскорига шунчаки бепарқ қараш учун... борса борибди-да, дедиму, фартугимни еча бошладим. Шу пайт Зухранинг ранг-рўйи кўз олдимда жонланиб, юзим ловуллаб кетди. Сўнгра юпқа қоғоздай куйиб, кули кўкка созурилди. Юзимни йўқотиб қўйдим.

Соҳибани кечқурун айланишга айтиш пайда эътиборини қаратиш учун номига пахта ўтказдим.

Кутганимдай бўлди. Кечқурун овқат олиш учун навбатда турсам, биров енгимдан тортади.

— Кетиб қолманг, ярмини бераман.

— Узингизга бўлақолсин. Ҳали айланишга чиққанимизда чарчаб қолмайсиз.

— Ҳо, шундай денг-а. Йў-ўқ. Мен ҳеч қайси айланишга чиқмайман, деб ўз-ўзимга сўз бериб ўтирибман.

— Ўв-в, ойнам, бизни кечирасиз-да, энди, лекин...

У бошини сарак-сарак қилди: «Йўқ!»

Барибир амаллаб уни кўндирдим.

Кузда ҳам худди ёздагидай, ҳали кун ботмасдан юлдузлар кўрина бошлайди. Боши оққан томонга кетаётган йўловчилардай, юриб-юриб йўнғичқазорга бориб қолдик. Чигирткалар оёқ остидан пириллаб учишади. Бутун борлиқни қамраб олган чириллаш мана шу митти жониворларникилигига ишонгинг келмайди.

— Худо йўқ, лекин одам илоҳий, — дейди Соҳиба. Сўзини охирлашга фикри етмай, мендан беҳабар кулади.

Мен эса аллақачон уни эшитмай қўйганман. Аъзойи таним қизиган сари, ўз-ўзимга қарата «журъатсизлигим мутеликка бошляпти» деб пичирлайман.

Сўнг у ҳам ночорликка маҳқум кимсанинг сукунатига чўка бошлагач, ҳеч қандай пичирлаш керак бўлмай қолди.

Тунда радиодан паст товушда ёйилаётган қўшиқни тинглаб ётдим. Наводан нафас ола бошладим. «Шунча бахтни сезмоққа танамиз қодир-а. Юзимнинг баҳри-дили очилиб, териси қаттиқлашяпти. Кўзим ўткирлашяпти. Энди истаган кишимга ўқрайиб қарай оламан. Ҳа, бунақа қўшиқдан кейин ухлаш — бахтсизлик». Кейин тушларим мароқли ўйларни йўқдан йўндира бошлади.

21 октябрь.

Эрталаб Соҳибанинг кетиб қолганлигини эшитдим. Дараклашга ботинолмадим. Аммо вақт ўтган сайин уни соғинардим. Соғинганим сари у яхши кўринаверди. Каифиятим қиёмига етганда очиқчасига суриштира бошладим.

— Справкаси бор эди. Уйни соғинибди, кетди, — деди Шарифа менга ачинганнамо қараб.

— Э, қўйсанг-чи уни, нима, дил кетдими, нечтаси билан юрган у, биласанми? — деди Шотемир. У менга алмойи-алжойи туюлган бу гапларини изоҳлашга тушиб кетди ва ажабтовур далилларни ҳам келтиролди. Менинг попугим пасайганини кўриб, ўзига тамом эрк бериб юрди:

— Юрмагани билан юриш керак. Севги — бу бошқа нарса...

Ҳозир менга бундай гаплар ёқмасди, шунинг учун кетиб қолдим.

— Энди унга сен қолувдинг, — деди сўраганларимдан биттаси.

— Сен қолувдинг, — деб масхаралади яқинроқ ўртоқларимдан яна бирови.

Ҳа, Соҳиба мени таҳқирлаган экан, таҳқирлаган экан, таҳқирлаган экан. Таҳқир деган ўпқон қаъридан «дод» садоси баланд ўрлайди. Садоларга осилгин, аммо садо сени қутқаролмайди...»

Кундалик шу ерга келиб тугагани. Уни давом эттиролмаганим. Чунки нима бўлаётганини тушунмасдим. Орадан неча кунлар ўтиб ҳам, бу шаккокликнинг боиси не, деб яна ўз-ўзимга савол бераман. Ахир нега кетди у? Юзидаги чандиқ туфайли ҳаётдан қўрқадими? Ҳамма уни хўрлаётгандай туюладими, шунинг учун ҳамма уни севишини истайдими? Нега кетди у? Чандиқ унга дунёнинг нима эканлигини кўрсатувчи кўзми? Шу чандиқ туфайли у ўз шахсиятини йўқотдими? Ё йўқ шахсиятини излаштимми?

Уша куни тунда, қоп-қоронғи ўриндикда, тимирскиланиб, ётар олди кўрпаларимни қоқа бошлаганимда, ёстиғим остидан топиб олганим, Соҳиба ташлаб кетган хатни ўқиб туриб яна ҳеч нарсани тушунмаганим.

Хатда қуйидагилар ёзилганди:

Жўракул ака!

Сиз билан хайрлашмадим. Чунки биз ҳеч қачон хайрлашмаймиз. Учрашмаймиз ҳам. Мен сизни дилимда сақлаб юраман.

Собит нарса мана шу.


Асл ишқ — айрилиқ,
дил васл эрмаги.

Мен шу тахлит ўзимни жазолайман. Чунки бундан кейинги муносабатимиз (билмадим, ким томонидан) яхши бўлишига ишонмайман. Шу пайтгача бўлганларини хотирлашгина — БАХТ».

С. С.

Кундалигимнинг кейинги саҳифалари Зухра ҳақида, унга бўлган кечинмаларим билан тўла эди. Чунки юкорида бўлиб ўтган воқеалардан, мендан кўра кўпроқ Зухра азобланганини қандайдир ғайритабиий куч билан сезиб қолганим.

Пастда ўтирганларни унутиб, ўша кечинмаларга қайтдим.



«Миллат отаси»нинг сояссида

Л. Брежневнинг «ёзувчилик» фаолияти ҳаммага яхши маълум. Унга биринчи номерли ёзувчилик гувоҳномасини бериш учун СССР Ёзувчилар Союзининг аъзолик билетларини алмаштиришга тайёргарлик кўришаётган эдилар. Афсуски, улгуришмади. Ш. Рашидов эса бу борада юксак мартабали ҳомийсини анча ортда қолдирганди. Кўп йиллардан буён СССР Ёзувчилар Союзининг справочнигида унинг исми шарифиди қайд этилар, «асарлари» эса энг яхши журналларда ҳамда алоҳида китоб ҳолида кетма-кет нашр қилинарди. Ҳар қандай шахсни ортиқча улуғлаш, унга сиғинишнинг мантиқий асоси мана бунга ўхшаш: республиканинг «энг улуг одами» «ёзувчи» бўлса, демак, энг яхши ёзувчи ҳам худди унинг ўзидир. Шундай экан, унга замондош, у билан ёнма-ён яшаган «яхши» бўлмаса-да, чинакам ўзбек ёзувчиларининг аҳволи қандай эди? Ана шундай ёзувчилардан бири — ТЕМУР ПЎЛАТОВ билан суҳбатни эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.

Бугунги кунда Темур Пўлатовни Ўзбекистоннинг энг таниқли ёзувчиларидан бири деб тан олишади. Аммо уни элга танитган, ижодига катта қизиқиш уйғотган асарлари — «Ғойибнинг иккинчи сафари», «Мулк», «Кунда-шунда», «Бухоро хонадонининг кечмишлари», «Торозий тошбақаси» ва бошқа китобларининг биронтасини ҳам ёзувчи ўз вақтида, ўз ватани — Тошкентда нашр эттира олмади. Уларнинг бари Москвада чоп этилди. Темур Пўлатов яшаб, ижод этаётган республикада уни, гўёки унутиб қўйдилар. Бу ҳол йигирма йилча давом этди.

Бундай кун фақат Темур Пўлатовнинг бошигагина тушгани йўқ. Бундай кун, минг афсуски, Рашидов ва унинг теварагидагилар шаънига мадҳиялар тўқишни истамаган, ўз очерк, дoston ва романларида Ўзбекистоннинг «гуллаб-яшнаганини» қўйламаган, республиканинг «доно раҳбарини» улуғламаган барча ўзбек ёзувчилари учун типик қисмат бўлиб қолди. Республика ҳукуматида сира ёқмайдиغان бундай ёзувчилар тазийқ остига олиндилар, уларнинг асарларини нашр этиш тўхтатиб қўйилди. Яқинда Москвада бўлиб ўтган СССР Ёзувчилар Союзининг пленумида ҳам ана шулар ҳақида кенг, атрофлича гапирилди.

Мен эндиликда республика Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленнеси Президиумининг аъзоси Темур Пўлатовдан Рашидов давридаги адабий ҳаёт ҳақида янада батафсилроқ сўзлаб беришни илтимос қилдим. Бу мавзу шунинг учун ҳам қизиқарлики, ўша йиллари Рашидов республиканинг етакчи адаби ҳисобланар, унинг асарлари мактаблар ва олий ўқув юртларида мажбурий тартибда ўрганилар эди.

Суҳбатни бошлар эканман, у ҳамсуҳбатим учун бунчалик узоқ ва оғир бўлишини сира кутмаган эдим. Биз бир неча бор Тошкентда, кейин эса, Москвада, Темур Пўлатов Ёзувчилар Союзи пленумига келганида қайта-қайта суҳбат қурдикки, тобора янги-янги фактлар, воқеалар ва номлар билан бойиб бораётган бу ўтмишнинг гўё чек-чегараси йўқдай туюларди...

— У давр ҳақида сўзлаш оғир, аммо гапириш керак. Шахсий ҳисоб-китоб учун эмас, балки тавба-тазарру учун, сўздагина, «тилдагина» эмас, балки қалб ва виждоннинг туб-тубларига чача тозариш учун гапирмоқ керак. Бизнинг Ўзбекистонда негадир қаттиқ ишонар эдилар: Рашидов, агар уни ёмон раҳбар десалар, чидаши мумкин, аммо, худо сақласинки, уни ёмон ёзувчи деб айтсалар борми... Уни ёмон раҳбар дейишга ким журъат қилди экан, билмайман. Чунки Л. И. Брежнев икки марта — 1974 ва 1977 йилларда, республикада кўшиб ёзиш ва бошқа кўзбўямачиликлар авжига чиққан бир пайтда Рашидовнинг кўксига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони нишонини тақиб қўяр экан, уни республиканинг «ишончли, кўп йиллик синовлардан ўтган йўлбошчиси» деб баҳолаган эди.

Шарқда ҳукмдорларга хос қадим анъана мавжуд — оларнинг кўпчилиги шеърятга хизмати билан халқ кўзи олдига ўзларини эзгулик тарафдорлари қилиб кўрсатишга уринадилар. Бир қатор ҳукмдор-шоирларни санаб ўтиш мумкин. Уларнинг шон-шўхрати, эҳтимол, Рашидовга ҳам тинчлик бермагандир...

— Аммо барча даврларда ҳам зулм ва истибодга қарши турувчи шеърят ҳам бор эди-ку. Дейлик, Эпикур издоши

Умар Хайём, ёрнинг бир табассуми учун Самарқанду Бухорони беришга тайёр турган Ҳофиз, «Шоҳнома» дostonи учун инъом этилган бойликни камбағалларга улашган Фирдавсий...

— Аммо бундай шоирларни камситиш учун ҳукмдорлар уларни ким деб аташганини биласизми? «Девона» — бу оламга бегона. Рашидов ҳам ўз асарлари қимматини шубҳа остига олган барча ҳақиқатгўй ёзувчиларни «девоналар» деб ҳисоблар эди.

Таниқли ёзувчи, СССР Давлат мукофотининг лауреати А. Қаҳҳор Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романининг Ленин мукофоти тавсия этилишига қарши сўзлагани учун лаганбардор адабий амалдорлар томонидан тазйиқ остига олинди. Кечагина унинг дўстлари ва шогирдлари бўлганлар ёзувчиларнинг йиғилишларида, газеталар саҳифаларида А. Қаҳҳорни «гуллаётган Ўзбекистонни бадном қилувчи», «ўз халқининг бахт-саодатига соя ташловчи» деб атай бошладилар. Улар учун, гўёки, «қаттиқ ҳақоратланган», кек сақловчи ва ўч олувчи Рашидов Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг синоними эди. Ҳатто ўша йиллари Тошкентда яшаган К. Симонов ва В. Овечкинлар ҳам А. Қаҳҳорни ҳимоя қила олмадилар. Таъқиб ва туҳматлар остида қолган адаб ўз режа ва орзу-ўйларини тўлалигича қоғозга туширолмай ҳаётдан бевақт кўз юмди. Ҳатто тор давраларда ҳам Рашидов шаънига номақбул гап айтиб бўлмаётган эди. Ҳар ерда унинг айғоқчилари юрарди. Адабиётшунос Э. Рустамов ўз аспиранти билан сўхбатлашаётиб, «Рашидов бизнинг танқидчиларимиз айтаётганларидек зўр ёзувчи эмас», деганини айғоқчилардан бири «йўлбошчи»га етказди. Буюк рус олими Е. Э. Бертельснинг шогирди, Туркия ва Италияда ҳам эътибор топган ажойиб асар — «Ун бешинчи асрнинг биринчи ярмида ўзбек шеърини» номли тадқиқот муаллифи Рашидов кўрсатмаларига биноан чаласавод танқидчилар томонидан «ғоявий беқарорлик» ва «илоҳиётчилик»да айбланди. Эндигина 50 ёшга тўлган профессор Э. Рустамовни руҳий хасталиклар шифохонасида нобуд қилдилар. Композитор, Ўзбекистон ССРнинг Гимни муаллифи Мутал Бурҳонов республика Композиторлар союзи раислигига Рашидов тавсия этган одамнинг номзодига қарши овоз бергани учун узоқ йиллар жамоатчиликдан, ижтимоий ҳаётдан мажбуран четлаштириб қўйилди. Ўзи ёқтирган, ўзи «тарбиялаган» кишиларга кимки қарши чиқмасин, у Рашидовга ҳам қарши чиқаётир деб қабул қилинар эди. Истеъдодли кинорежиссёр А. Ҳамроев бошқа республикалардан иш ахтаришга мажбур бўлди. У «Оқ, оппоқ лайлаклар» фильмида ҳаёт машаққатларини тасвирлашга журъат этганди, «рашидовча» Ўзбекистонда эса турмуш мураккабликлари, фожиялар аллақачон тарихга айланган, унутилган деб ҳисобланар эди-да.

Мен яна Рашидов асарларини ижодда эргашиш учун намуна қилиб олмаган, адабиёт деган тушунчани булғаб, оёқ ости этилишига, халқнинг маданиятини, одоб-ахлоқини онгли равишда, жинояткорона емираётган воқеликка қарши исён қилган адиблар Шухрат, С. Зуннунова, Шукрулло, П. Қодировларни ҳам айтиб ўтмоғим керак. Шундай бўлса-да, Рашидовнинг зеҳни, идроки етмаган, лекин илҳом, юксак маънавият ва маҳорат билан яратилган асарлар муаллифлари таъқиб ва қувғинга дучор қилинди.

Агар мен: Рашидов бошчилик қилган йиллар — бу давр қарийб чорак аср давом этди — санъатда яна ўз услуб ва мақсадлари билан «сталинчилик» ҳукмронлик қилди, десам, ҳақиқатга қарши гапирмаган бўламан. Унчалик узоқ давом этмаган «Хрушчев мўътадиллиги» даврида ноқонуний репрессия қилинган ёзувчиларимиздан айримларигина китобхонларга қайтарилди, холос. Қолганларини эса, масалан, Чўлпон ва Фитрат каби вафот этгандан сўнг оқланган ёзувчиларни Рашидов қайтадан тақиқлаб қўйди.

— Маълумки, Рашидов бадий ижоди жуда кўп илмий монографиялар, диссертацияларда «тадқиқ этилган», тўғрироғи, ҳеч уялмасдан ошириб мақталган. Ана шундай «илмий» ишлардан айримлари Москвада ҳимоя этилган эди. Бугун Рашидов асарларига астойдил ва объектив баҳо бериш мумкин. Сизнингча, улар қандай асарлар!

— Рашидов ижоди бўйича диссертация ёқлаган фан номзодлари ва докторлари мени кечирсинлар: Рашидов нимаки ёзган бўлмасин, илк шеърини тўплами «Қаҳрим»дан тортиб, то насрий асарлари — «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» романиларигача — ҳаммаси такрорий ва замонасоз ҳаётдан нусха кўчиришга асосланган, принципсиз асарлардир. На сюжетда, на ёзиш услубида бирор оригиналлик бор. Ўз роман-



Суратда: Л. Брежнев ва Ш. Рашидов, «ёзувчилар» иттифоқи.
Д. Бальтерманц фотоси

лари мавзусини у «Ўзбекистон ССРни ривожлантиришнинг беш йиллик планларидан, асосий йўналишларидан» олар эди. Бу ҳеч муболага эмас. «Энг улкан, қамровли» мавзуларни ўзи олар, қолганларини эса меҳрибонлик билан ўзига яқин ёзувчиларга тарқатиб берарди. Чунки бу мавзулар нуфузли, эътиборли ва мукофотталаб ҳисобланарди. Рашидов адабиёт, ҳаётининг мураккабликлари ва фожиаларини кескин рад этган ҳолда, фақатгина кўкка кўтариб мақташ, улғулаш ўйсинида тасвирлаш лозим деб қаттиқ ишонарди. Бу унинг адабий-танқидий мақолаларида ҳам яққол кўринади. Рашидовнинг, бу «воқеликни пардозлаш устаси»нинг ўткир тадқиқотчилардан бири — ёзувчи В. Кожевников унинг 1977 йилда нашр этилган китоби сўзбошида ёзган эди: «Шароф Рашидов романларида ҳаракат ўрни доимо аниқ. «Қудратли тўлқин»да — Фарҳод ГЭСи қурилиши (китобда Фалаба ГЭСи), «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли»да — Мирзачўл. Аммо автор тасвир этган воқеаларни бутун Ўзбекистон миқёсида, бутун республика учун характерли бўлган ютуқлар, ўзгаришлар, ривожланиш босқичлари билан чамбарчас боғлашида кўриб чиқмоқ лозим...»

А. Қодирий, Айний, Чўлпон, Ойбек, А. Қаҳҳорларнинг таланти асарларидан кейин адабиётимизда конфликтсизликнинг «вулгар-социологик назарияси» пайдо бўлди. У «республиканинг етакчи ёзувчиси» ҳиммати билан ўз ҳукмининг ўткази бошлади. Кўп миллатли совет адабиётида Ф. Абрамов, В. Биков, И. Друцэ, Г. Матевосян каби ростгўй сўз усталари ижод этаётган бир пайтда бизда ана шундай бўлди. Узимизда «тирик классик» ижод қилаётган экан, бошқа адабиётлар билан қанчалик ишимиз бор? Рашидовнинг 50 йиллиги шарафига ўша пайтдаги республика маданият министри В. Зоҳидов «Гулистон» журналы саҳифаларида ёзган эди: «Қандай соҳ! Бизнинг воқелигимиз, ҳаётимиз, Ватанимиз ва бизнинг меҳнатимиз шонли 50 ёшга тўлди... Халқимизда айтилганидек, «дунё турғунча туринг!» Биз эса Сизнинг ижодингиз чаманзоридан ажойиб гуллар териб, ажойиб гулдасталар тизиб бахтига муяссар бўлайлик!» Рашидовни «бизнинг ҳаётимиз» «бизнинг Ватанимиз» деб улғулаш учун ростдан ҳам ўз-ўзидан хурсанд бўлавериш, қандайдир асоссиз хушнудлик бахш этган ўй-хаёллар эгаси бўлмоқ керак. Аммо бу хаёллар республиканинг энг гўзал чаманзоридан гуллар териш учун қаерларга учмади дейсиз?! Зоҳидов эса жуда нодир гулни топиб узди — у тез орада академик бўлди.

— Фожиа фақатгина Рашидовнинг «шон-шухратга ишқибозлигида эмас, «республиканинг атоқли ёзувчиси» деган номни хушомадгўй адабиётшунослар, танқидчилар ҳам зўр бериб тасдиқлар эдилар. Эҳтимол Рашидов шахсни улғуловчи муҳитни яратганлар фақатгина ўзбек «ёзувчилари эмасдир. Ҳозиргина Сиз В. Кожевниковнинг номини тилга олдингиз. Бу «Знамя» журналининг собиқ бош редакторими!

— Ҳа, бу ўша. Рашидов учун унинг асарларига шубҳа билан қаровчиларни ишонтиришда фақатгина ўзбек танқидчиларининг фикрлари камлик қилар эди. У бутуниттиқоқ ва ҳатто жаҳон адабиёти миқёсида ҳам ном қозонишни жуда-жуда истарди. «Знамя», «Огонёк» журналларидаги чиқишлари, «Вопросы литературы» каби обрўли журналларда босилган мақолалар, «Правда», «Литературная газета» ва бошқа марказий нашрларнинг саъй-ҳаракатлари билан Рашидов фақатгина сиёсий ва жамоат арбоби эмас, балки кўп миллатли совет адабиётининг олдинги сафида турувчи адиб сифатида ҳам обрў қозонди.

Биз ҳамиша инқилобдан сўнгги адабиётимизнинг шаклланишини атоқли рус ёзувчилари ижоди билан боғлаймиз. Горький, Маяковский, Фадеев, Тихонов ўзбек адабиётида кимки таланти бўлса, барчасини қўллаб-қувватлар эдилар. Турли йилларда Сергей Есенин, Луговской, Ахматова адибларимиз даврасида бўлдилар, бизнинг бадий маданиятимизда сезиларли из қолдирдилар. А. Платоновнинг «Жан» қиссаси бизни ўзимизга янгича қарашга мажбур этди. В. Дудинцов, А. Тарковский, С. Липкин кўп асрлар мобайнида халқ руҳи, ақл-заковати билан яратилган адабиётимизнинг фазилатларини таъкидлаб, классикаримизни ҳам, замондош адибларимизни ҳам севиб таржима қилдилар. Афсуски, Рашидов даврига келиб баҳолаш мезони, ўлчовлари ўзгарди, ўзбек адабиёти ҳақида эътироз билдириб бўлмайдиган фикрлар айтувчи Москва ёзувчиларининг ҳам давраси ўзгарди.

— Рашидов шаънига мадҳиялар тўқиган юртдош танқидчиларнинг мақсадини тушунса бўлади — унвоилар, иззат-хур-

мат, мукофотлар... Аммо москвалик адабиётчилар нимани кўзлаган эдилар! Ахир улар ҳеч бир борада Рашидовга мутеъ эмасдилар-ку! Шундай бўлса-да, Рашидовни улғулаганлар Москва адиблари орасида ҳам кўп топилади: А. Сафронов, Н. Грибачев ва бошқалар...

— Адабиётнинг роли борасида Рашидов билан бир хил фикрда бўлганларнинг барчаси уни қўллаб-қувватладилар. Халқимизнинг кўп асрлик қадимий маданияти билан қаттиқ қизиққан ва Ўзбекистонга келиш ниятида юрган Ф. Абрамовнинг Рашидов ёқламаслиги тайин эди. Адибининг шу масалага алоқадор айрим хатлари менда сақланмоқда. Абрамовдек юрак-юрагигача ҳақгўй ёзувчининг келиб-келиб истеъдодсизликни қувватлашини тасаввур ҳам қилолмайман! К. Симонов ҳам, гарчи унга катта бойлик ваъда қилган бўлсалар-да, Рашидов асарларини таржима этишдан воз кечди. Атайин у қувғин қилган Абдулла Қаҳҳорнинг китобларини русчага ўғирди. Гарчи «алоҳида» намунали ҳўжаликлар бўйлаб сайр этиришган ва унга: «Сиз «Районнинг кундалик таъшишлари» китобингизда нима учун курашган бўлсангиз, уларнинг барчаси ана шу ерда, миллионер колхозда аллақачон рўёбга чиққан» деб айёрлик билан шивирлашган бўлсалар ҳам, В. Овечкин Рашидовни, унинг атрофидагиларни, республикадаги «фировонлики» мақтаб ўтирмади. Аксинча, ана шундай саёҳатнома сафарлардан сўнг ёзувчи бу кўзбўямачиликлар ортида ёлғон ва жиноят яширинганини ўйлаб, ўзини ёлғиз қолдирришларини истар, ҳафталаб ўз хонасидан ташқарига чиқмас, нохуш кайфиятда юрар эди. Ю. Карасев эса, ўзининг «Ёлғон моҳият» номли ғалвали мақоласида Борис Пастернакни «фoш этиб» ташлашга уринган ўша машҳур Карасев ташқи олам шов-шувларидан бекиниб олганича, худди Боги Эрамдаги каби ҳузур-ҳаловат оғушида Рашидов асарларини рус тилига таржима қилди. Унинг юқорида эслатилган мақоласи ўз вақтида «жуда керакли», аммо ўз сафларидан Б. Пастернакни ўчирган ёзувчилар союзининг аъзоси бўлиш учун жуда камлик қиладиган бир қадам эди. Яна нима биландир ўзини кўрсатиши лозим эди. Москвада уни Ёзувчилар Союзи аъзолигига қабул қилишмади. Нима бўпти? Шундай қилиб Рашидовнинг буйруғига кўра, Устав қоидаларини очикдан-очик бузишгани ҳолда таржимон Карасевни Тошкентда союз аъзолигига қабул қилдилар. СССР Ёзувчилар союзининг секретариати ҳам гўёки бу бузмагарчиликни кўрмагандек республика Ёзувчилар союзи қарорини тасдиқлайди. Мана сизга ҳисоб-китоб! «Хўжайин» — саховатли. Кимки Рашидовни ва унинг яқинларини бутун мамлакатга овоза қилиб мақташ, унинг Ўзбекистонда кетма-кет китоблари чиқади, юксак унвоиларга эга бўлади. Ўз навбатида уларнинг асарлари ҳам ўзбекчалаштирилади. В. Кожевников бўлса, бизнинг республикамиздан СССР Олий Советига депутатликка сайланиш бахтига ҳам муяссар бўлди.

«Юксак мартабали меҳмонлар» — СССР Ёзувчилар Союзи секретарлари, Марказий газета-журналлар бош редакторларининг республикамизга келганликларини биз улар жўнаб кетганларидан кейин — газеталарда босиладиган ва телевидение орқали янгрвчи ширин сўзга бой интервьюлар орқалигина билиб қоларди. Уларнинг бари Рашидовнинг «доно» раҳбарлиги остида республика ҳаётининг барча жаҳбаларида эришилаётган ютуқлар ва, айниқса, Рашидовга яқин бўлган намоендларнинг доимий рўйхатини келтиришиб, адабиёт ва санъатда қўлга киритилаётган натижаларни жўр бўлишиб мақташар эди. Уларни олиб ўтишган «депутатлар маршрутлари»да фақатгина ютуқлар кўзга ташланиши табиий ҳол бўлиб, маршрутлар реал ҳаёт йўлларида жуда узоқда эди. Бу йўллар деҳқонлар эртадан-кечгага терга ботиб ишлаётган ва самолётларда тинимсиз инсон саломатлиги учун фалокатли, заҳарли химикатлар сепилаётган далаларга, қашшоқлик ва оғир меҳнат исканжасида сунъий ҳосил қилинган саводсизлик билан ёнма-ён турган, шундоқ ҳам кўп жабрситам кўрган халқни орденлар, унвоилар, мансаблар, олтин ва зеб-зийнатлар учун шафқатсизларча эксплуатация қилаётган «янги бойваччалар» дастидан нолиш, уларга нафрат нидолари янграётган қишлоқларга яқин ҳам келмасди.

Андрей Битов ўз йўлини сайёҳлик сўқмоқларидан ҳаёт ичкарисига буриб, «шарқона меҳмондўстликни» «хўрмат қилмагани» учун эшитган танбех ва дашномлари — Хива сафари таассуротларини ҳикоя қилиб, асар ёзса яхши бўлар эди. Белла Ахмадуллина-чи? У ҳам «рашидовча меҳмондўстлик»нинг моҳиятини англаб етгани ва ўз чиқишларидан бирини бу ҳақда очик гапирганлиги учун шундай аҳволга ташлаб қўйилдики,

оқибатда сафар муддати тугамасданоқ республикани тарк этишга мажбур бўлди.

— Демак, **Ўзбекистонга келган адабиётчилар — тийқириз мақтовга тўла мақолаларнинг муаллифлари содир қилинган тартибсизликларни кўриб-кўрмасликка олганлар, шундайми!**

— Ҳамма ҳолларда ҳам шундай деб бўлмайти. Масалан, республикамизда бўлган ёзувчи Д. Калиновская, 1982 йилда «Литературная газета»да Поп агросаноат бирлашмаси бош директори А. Одилов тўғрисида очерк эълон қилганида, эҳтимол, ўзи мақтаётган қаҳрамон ўғрилар уюшмасининг бошлиғи ва кўпларнинг бошига етган зобит шахс эканини хаёлига ҳам келтирмагандир. «Знамя», «Огонёк» журналларида ёритилган «ижобий» очеркларнинг муаллифлари ўзлари мадҳ этаётган кишиларнинг ашаддий жиноятчилар ва газна ўмарувчилар эканини, эҳтимол, билишмагандир. Бу журналистларнинг ўз очерклари учун материал тўплаш усули жуда оддий эди. Зотан улар олдиндан умидбахш баҳамжиҳатликка ҳозирлик кўриб қўйилган, «танқиддан холи зона»га борар эдилар-да. Уларни аэропортдан тўппа-тўғри республика Компартияси Марказий Комитетига олиб боришар, қаерда ва қайси «ижобий қаҳрамон» ҳақида ёзиш кераклигини айтишарди. Область партия комитетларида эса «юқори»нинг кўрсатмаси билан ҳурматли ёзувчини кутиб олиш янада шодиёна руҳда ўтарди. Табиийки, меҳмонни обкомнинг боғ-меҳмонхонасига жойлаштиришар, шу лаҳзадан бошлаб унинг ҳар бир қадами назорат остига олинар, олдиндан белгилаб қўйилар эди. Олий ва ўрта партия-совет ташкилотларининг ходимлари, министрлар бош ролларда ўйнайдиган дабдабали, театрлаштирилган маросимлар, тўкин-сочин зиёфатлар, хайр-эҳсонлар ҳам ўша қабих механизми ниқоблаш воситалари эди.

— **Ҳа, Ўзбекистонга борган журналистлар «шарқона» меҳмондорчиликни ўз таналарида етарли даражада сынаб кўрдилар. Айни вақтда шарқона зўравонликнинг ҳам куч-қудрати меваларидан тотиб кўрдилар!**

— Марказий матбуот саҳифаларидаги мадҳиябозликлар, эртасигаёқ республиканинг барча нашрларида босилиб чиқарди. Ёлғон-яшиқ мақтовлардан тўйиб кетган халқ районларда, областларда, Марказкомда, Министрлар Советида ўзининг қандай ажойиб раҳбарлари ишлаётгани ҳақидаги узундан-узоқ мақолаларни такрор ва такрор ўқишга мажбур эди. Гоҳо қичқиргиси келарди одамнинг: «Э, худо, наҳотки «ҳамма нарсадан аввал сўзлар бор бўлган» дунё келиб-келиб, ёлғон сўзлардан барбод бўлса-я?!» Бу алдамчиликларнинг фожиали доирасидан чиқиш учун теварак-атрофга «Волга»нинг ойналари орқали эмас, очикда туриб, оддий кўз билан тикилиброқ қараш кифоа эди. Туз босганидан оқариб кетган далаларда яёв юриб, Бухоро областида «буюк мелиоратор» жорий этган сўғориш усули «шарофати» билан минг-минглаб гектар ҳосилдор ерларнинг хароб қилинганини, шарҳларнинг ичимлик сувига зор бўлганлигини кўриш сира қийин эмасди. Ер ўлиб борар, «рашидовчилар» бўлса йилдан-йилга оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишар, ясимдан кўпроғи қўшиб ёзиш ва бошқа кўзбўямачиликлар ҳисобидан бўлса ҳам, область пахта хирмони 1986 йилгача 1 миллион тоннага етказиш учун «қурашардилар». Такрор айтаманки, Рашидовни республика раҳбари ва етакчи адиб сифатида кўкка кўтарганлар, уни қурашган амалдорлар шаънига мадҳия ўқиганлар, эҳтимол, уларнинг жиноий ишларидан беҳабар бўлишгандир, аммо шундай маддоҳлар ва ҳомийлар ҳам бор эдиларки, улар бу ҳақда гап бўлишини ҳеч истамасдилар. Шуниси ачинарлики, А. Одилов жиноятларининг фош бўлгани ҳақида миш-мишлар тарқалиши биланоқ, «Ўзбекистоннинг улкан дўсти» бош редактор бўлган жаҳоннинг кўплаб тилларида чиқадиган «Советский Союз» журнали (1981 йил, 8-сон) Одилов раҳбарлик қилаётган ҳўжалик ҳаётидан бир неча саҳифали фоторепортаж эълон қилди. Бундай ҳол фақат Одилов билангина бўлгани йўқ. Одамнинг қандай қўли боради бундай ишларга?

Республикада эса бу вақтлар ғалаба садолари остида «танқиддан холи зона»нинг атрофини янада мустаҳкамроқ ўраб олиш учун сўнги «қайсарлар»ни йўқотиш тadbирлари авж олди. «Известия» газетасининг махсус муҳбири Г. Мелиянец, республика раҳбариятига унинг танқидий чиқишлари ёқмаганлиги боис Ўзбекистондан чиқиб кетишига мажбур бўлди. «Муро-са қилишни билмайдиган» СССР Ёзувчилар союзининг айни

кундаги биринчи секретари В. Карпов ҳам шундай аҳволга тушган эди.

— **Жуда ажабланарли, Рашидов буларнинг барчасига қандай улғурди экан-а! Республикага раҳбарлик, романлар устида ишлаш, кимга унвон бериш керак, кимни правлениега киритиш керак, кимни Москвага делегат қилиб жўнатиш лозимлигини кўрсатиш — Ёзувчилар союзи ишига бунчалик актив аралашши — қандай уddасидан чиқолди экан буларнинг!**

— Фақатгина адабий ҳаётда эмас. У архитекторларга туррар-жой фонди ҳисобидан қандай қилиб данғиллама саройлар қуришни, рассомларга — «актуал» картиналар яратишни, композиторларга — «замонавий» асарлар ёзишни маслаҳат берад, ўргатар эди. Бундан миннатдор ва руҳланган санъат арбоблари унинг ғамхўрликларига жавобан китоблари асосида ба-летлар сахналаштиришар, киночилар фильмлар суратга олишар, рассомлар бўлса мана бу кўринишга ўхшаш суратларни қаторлаштириб чиқиб ташлашарди: «Л. И. Брежнев Ўзбекистон байроғига навбатдаги Халқлар дўстлиги орденини қада кўймоқда. Тантана. Уз макеи, обрўсига кўра Рашидов атиги иккинчи ўринни эгаллаган шодиёна...» Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ва композитор Мутал Бурҳоновнинг кўпгина шогирдлари бирин-кетин Рашидов ҳузурига бош эгиб келдилар, уни «устозимиз» деб атадилар. «Устоз» ҳам ўз навбатида уларга меҳр кўрсатди, муқофотлар берди. Чинакам талант эгалари ҳам тилларини тийиб турдилар, руҳ чўкди — адабиётда нимаки яратилмасин, бари Рашидов савиясидан бир поғона қуйроқ, унинг асарларидан бир оз ёмонроқ бўлиши керак эди. Рашидов ўзига яқин ёзувчиларни тақдирлашнинг янги-янги усулларини излаб топди. Уларнинг ҳар бири олтимши ёшга тўлиши билан Халқ ёзувчиси унвонига эга бўлар ва албатта «танланган асарлар»ни босмадан чиқар эди. Шундай йўл билан у ўз яқинларининг ҳам маънавий, ҳам моддий томондан бошқалардан «устун» эканини намойиш қиларди. Эсимда, ана шундай «халқ ёзувчилари»дан бири ўзининг навбатдаги романи учун мавзу сўраб Рашидовга борганини менга тўлқинлиб гапириб берган эди. Рашидов саховат билан мавзу берад ва роман ёзиб тугатилиши лозим бўлган муддатни ҳам тайинлар эди. Белгиланган кунлардан сўнг кўп вақт ўғтай, республика Давлат муқофотининг янги лауреатлари рўйхати тайёр бўларди. Тез орада Рашидов образи ҳам турли романларда пайдо бўла бошлади. Аммо «раҳбар» камтарлик қилиб, бу шон-шўҳратни бошқалар билан ҳам «баҳам кўрди», яъни асарларда Каримов, Одилов ва бошқаларнинг ҳам «бадий» образлари яратилди. Уларни ҳўжжатли фильм экранларида «абадийлаштириган»лар ҳам фахрий унвонлар ва муқофотлардан қуруқ қолишгани йўқ.

Рашидовнинг олтимши йиллиги бир-биридан унчалик фарқ қилмайдиган мадҳу саного бой кўплаб мақолалар ва унинг ижодига бағишланган каттагина монография билан нишонланди. Олдиндан бундай «тадқиқот»ни ёзиши мумкин бўлган москвалик олимларнинг рўйхатини тайёрлашди. Рашидов ўзи хоҳлаган муаллиф номини қилиб қалам билан белгилаб қўйди. Шарқда олтимши уч ёш — «пайғамбар ёши»га тўлган кишилар ақл-заковат ва етук фазилатлар эгаси сифатида ҳурматланадилар. «Хўжайин»ни ҳам ана шу ёшдан бошлаб «отaxon» — «миллат отаси» деб атай бошладилар. Бу даврга келиб «миллат отаси» Яннинг тарихий романларини ва Калашниковнинг Чингизхон ҳақидаги «Бешафқат аср» китобини кўп ўқийдиган бўлиб қолди. Эҳтимол, у бутун ер юзининг соҳиб бўлиш орузида хаёл ҳам сургандир. Замонавий ёзувчилардан фақат Чингиз Айтматовни ёқтирар эди. Қирғизистон билан Ўзбекистон ўртасида сув ҳўжалиги борасидаги баҳсга адибнинг аралашувидан сўнг бу «фазилат» ҳам барҳам топди. Расул Ҳамзатов бир гал Тошкентга келганида Рашидов шаънига ёғдирилган олқиш-мақтовлардан энаси қотиб, «Йўқ, сизнинг ўз Қайсинингиз, ўз Расулингиз бўлишига ҳеч қачон ишонмайман!» дея ҳайқирган эди. Бу гапни Рашидовга етказишганида «миллат отаси»нинг қанчалар ғазабланганини тасаввур қилса бўлади.

— 1980 йилда «Художественная литература» нашриётида чоп этилган Рашидов асарларининг 5 томлик сайланмаси «ёзувчи» ижодига «умумхалқ муҳаббатининг исботи» бўлди. Беш томликнинг чоп этилиши кўп жиҳатдан табиий бир ҳол эди. СССР Фанлар Академияси вице-президенти Федосеев Рашидов асарларининг машҳур наширга сўнг сўзида ёзганидек, биз «санъаткор, назариётчи ва публицисти чамбарчас уйғунликда» ўқиб бахтига муяссар бўлдик.

— Ҳа, Рашидов оммага барча асарларида бўлганидек, «Дўстлик байроғи», «Тошкент — биродарлик шахри» каби китобларида ҳам қизил ип сингари ажралиб турадиган бош мавзу — пролетар интернационализмини улуғловчи улкан публицист деб тақдим қилинар эди. Вақти-вақти билан, маълум саналар олдида «Правда» газетасида ҳам унинг халқлар дўстлиги ҳақидаги мақолалари босилиб турарди. Гарчи бу мақолалар сийқа иборалар, умумий, юзаки фикрлар йиғиндисидан иборат бўлса ҳам, улар авторга қўшимча «сиёсий капитал» келтирар эди. Эндиликда биз ўн беш қардош республика давлатини алдаш учун никоҳ вазифасини ўтаган «рашидовча» интернационализмнинг нима эканини яхши биламиз. Рашидов ижодий тақдирини маълум жойга бориб қолган йили орзиқиб кўтилган Ленин мукофотини ҳам қўлга киритди. Тўғри, адабиёт соҳасида эмас, балки геология соҳасида ва бунинг устига бир гуруҳ дўстлари билан биргаликда. Аммо республика жанубидаги қадимдан маълум бўлган олтин қони ва ундан хом ашё олишга Рашидовнинг қандай алоқаси борлигини ҳеч ким сўраб ўтиргани йўқ. Нимага у бадий асарлари учун бу мукофотни олишни истамади экан, тушуниб бўлмайди. Қолбуки, унинг СССР Ёзувчилар Союзи секретарлари, марказий газета ва журналларнинг бош редакторларидек мартабали ҳомийлари бор ва ҳаракат қилса ниятига эришуви тайин эдику... Бунинг устига Ленин мукофоти Давлат таъинининг раиси Г. Марковни бизда ўзбек адабиётининг кўп йиллик ва ишончли дўсти деб билардилар. У адабиётимизнинг «энг яхши» — Рашидовга яқин бўлган ёзувчиларнинг асарларини рус тилига ўғиршида жонбозлик кўрсатган эди.

— Биламизки, Сиз ҳам ўша йиллари анча жабр тортдингиз. СССР Ёзувчилар союзининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида Одил Ёқубов Сизнинг ҳар бир асарингизни танқидчилар найза билан кўтиб олишганини айтиб ўтди. Шундай шароитларда Сизнинг ижодий фаолиятингиз қандай кечгани ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Дастлаб ҳаммаси жойида эди. Тошкентда илк қиссам чоп этилди, иккинчисини нашрга тайёрладим. Матбуот саҳифаларида ижобий мулоҳазалар билдирилди. Шундай қилиб, мен дафъатан тўхтаб,— қайга кетаяпман ўзи? — деб ўйлаб кўрмасимдан олдин, гўё ҳозиргина тушган ғилдирак изидан юраётгандек барча ишларим яхши кетаётган эди. Мен теерак-атрофни синчковорқ кузата бошладим ва ҳаётни унинг барча мураккабликлари билан тасвирлашга киришдим. Ҳаммаси шундан бошланди. Бу ўринда 1968 йилда «Дружба народов» журналинда босилган қиссам — «Бўлак манзилгоҳлар»ни назарда тутаяпман. Ёзувчилар уюшмасининг котибларидан бири унда «фитна» аломатларини кўради ва Рашидовни бундан хабардор қилади. У эса топшириқ беради: кўриб чиқилсин! Кечиктирмай «Литературная газета»га ҳам кўрсатма юборишади ва тез орада ўша китобнинг бир оз қисқартирилиб, таҳрир этилган қатъий оҳангда жаранловчи «Нет такого пункта — Гаждиван» сарлавҳали чакимчилик руҳидаги хати газетада босилиб чиқди. Бу махсус сигнал эди. Кўп ўтмай ижодий союзларнинг Рашидов иштирокида ўтган пленумида мени «воқеаларнинг қораловчи»ликда айбладилар. Қиссангиз босилиб чиқиши йўл қўйилган хато ва камчиликлар сабабли ошиб бораётган халқ норозилигидан кўтилиш учун бошлаб юборилган янги «танобини тортиб қўйиш» кампанияси билан бир вақтда тўғри келиб қолди. Ҳукумат омма норозилиги сабабларини ижодкор зиёлиларга боғлади ва интеллигенцияни «гуноҳлари кечирилган эчкига» айлантирди. Айниқса, ҳаётни, нарса ва ҳодисаларни «қора бўёқларда» тасвирлаётган, «оҳ-воҳ» чекавериб халққа янги-янги ғалабаларни қўлга киритиш олдида янада уюшиш, руҳланиш имконини бермаётган ёзувчиларга нисбатан жуда нотўғри, тескари муносабат пайдо қилинди. Танқидларга изма-из амалий қоралар кўрилди. Навбатдаги китобим нашрини тўхтатишди, ўзимни муҳаррир бўлиб ишлаётганим — киностудиядан кетишга мажбур қилдилар. Табиийки, режиссёрга воқеаларни бутунлай бошқача талқин этиш талабини қўйиб, «Бўлак манзилгоҳлар» асосида суратга олинаётган фильмнинг йўлига ҳам ғов ташладилар. Моддий қийинчиликларга қарамадан, мен тушуниб етдимки, хизмат курси-сига ва кимнингдир амалдорларча иродасига тобе бўлмаслик ҳам жуда улуг бахт экан. Уз ижодини мен билан бир вақтда бошлаганларнинг кўпчилиги мансаб поғоналаридан тобора юксалаётган бўлсалар-да, «ўз қўшиқларини ўзлари бўйиб ўлдиришаётганидан» уларнинг нигоҳларида ҳасрат ва қўрқув шарпалари борган сари тез-тез кўринадиган бўлиб қолмоқда

эди. Мен эса қанчалар қийин бўлмасин, чидашга қарор қилдим. «Хайрхоҳлар» менга ҳам Рашидов ҳақида мақтов мақолалари ёзишни, шундагина ҳаммаси яна жойига тушишини маслаҳат бердилар. Мен эса ҳайрон бўлардим: ҳали ҳеч ким танимайдиган ёш ёзувчининг мақтов сўзлари Рашидовга нима кераги бор экан? Уз адресига ёғилаётган мадҳиялар хориға қўшиб қўйиш учунми?! Аммо кейинчалик билдимки, Рашидовдек зўравонлик талабгори бўлган раҳбарга менинг мақтовларим эмас, балки шошқалоқлик билан, «чуқур ўйламай» адабиётда ўз йўлини топишга интилаётган яна бир ёш ёзувчи гуноҳқорона бош эгиб, ўзининг «романтик ўй-хаёллари» устидан кулиб, унинг ҳузурига келиши — шу фактнинг ўзи жуда муҳим экан. Агар мен «хайрхоҳлар» маслаҳатига кўра иш тутсам, «хўжайин»: «Эҳ, соддадил ёш дўстим»,— деб меҳрибонлик билан жилмаяр, шу ондаёқ нашриётларга китобларимни чиқариш ҳақида буйруқ берган бўларди. Менинг бундай йўлга кирмаслигимга ишонч ҳосил қилишгач, хавф солиш, турли таъйиқлар ишга тушиб кетди. Бу «эҳсонлардан менинг яқинларим, қариндошларим ҳам «бебахра» қолмадилар. Худди ўша кунлари М. Гандининг «Менинг ҳаётим» номи китоби қўлимга тушиб қолди. Уни қайта-қайта ўқиб, мен ёмонликка қарши актив ҳужумга ўтмаган тақдирда ҳам, омма олдида уни фош қилиб ташламасам-да, фақатгина у билан ҳамкорликка киришмай туриб ҳам кўп нарсага эришувим, сабр-бардош қилиб, охир-оқибатда энгиб чиқишимга ишондим. Ахир ҳар қандай ёмонлик ҳам қандайдир туганмас куч-қудрат ҳисобига эмас, балки бизнинг тубанлашувимиз, майдалашувимиз ҳисобига, юрак интилишларини бой беришимиз ҳисобига яшайди. Қабохатнинг илдизларини, максадини пайқадингми, ундан нафратланиш, узоқроқ туриш керак. Албатта, мен туган йўл Рашидов қилмишларига очикдан-очик қарши чиққан Абдулла Қаҳҳор ва бошқа адиблар йўлига қараганда заиф, лекин бу ижтимоий миждоз билан боғлиқдир. Йиллар ўтгани сайин менинг атрофимда пайдо бўлган бум-бўшлик кенгайиб борди, Рашидов ташмачиларининг ҳар ерда ҳозир назаридан кўриб, кечагина дўстингман деб юрганлар ҳам мендан узоқлашдилар. Ёзганларимни Тошкентда нашр этмай қўйдилар, Ёзувчилар союзида мени эсдан чиқардилар...

— Биз бугун бутунлай барҳам беришга ҳаракат қилаётган ҳар қандай жинорий ишлар — порахўрлик, қандай қилиб бўлмасин юксак планларни бажариш учун уятсизларча қувиб-га олиш, қўшиб ёзиш, очикдан-очик кўзбўямачиликлар — ҳаётимизнинг бутун иллатли кўринишларини Рашидов номи билан — «рашидовчилик» билан боғлаймиз. Ҳайронман, Рашидовдек шахсияти ўртамиёна, савияси паст ва қўпол одам қандай қилиб ҳукумат тепасига чиқди ва халқ бошига шунча кўрғуликларни солди экан! Наҳотки, турли «обрўли» алоқалар, хушомадгўйлар, ўзидан қудратли одам олдида жим туриш ва ўзидан кучсизларни ўз вақтида қулатиш қобилияти орқали эришган бўлса! «Рашидовчилик»нинг пайдо бўлиш механизми қерларга, қандай манбаларга бориб тақалади!

— Демократия ва ошкораликнинг йўқлиги «танқиддан холи» зоналар, «танқиддан холи» раҳбарларни юзага келтирди. Олий, юксак мансабларга номзодлар кўрсатишда, кўпинча иккинчи даражали факторлар, ҳатто тасодиф ҳам катта роль ўйнайди. Республика Компартияси Марказий Комитети секретарлигини ҳам бошқа бирор муносиб одам эмас, айнан Рашидов эгаллашди ҳам тасодифнинг ҳиссаси бор. Уша давр воқеаларининг актив иштирокчиси, кекса большевик Р. Фуломовнинг айтишича, Бюрода биринчи секретарни сайлаш масаласи ҳал этилаётганда Рашидов номзодини ёқлаганлар ва унга қарши чиққанлар тенг келиб қолган экан. Марказий Комитет Пленуми ўтадиган кун ҳам аниқ бўлишига қарамай, Бюро аъзолари бу борада баҳслашни давом эттираришибди. Шу пайт, худди афсонадагидек, Тошкентга келган КПСС МК вакиллари Н. С. Хрушчевга кўнғироқ қилишиб, «ўзбек дўстларимиз сира бир қарорга келишолмаяптилар»,— дейишади. Номзодлар рўйхатида кимлар бор?,— сўрайди Никита Сергеевич. Рўйхатни ўқийдилар. «Мен булар орасида фақат Рашидовнигина биламан, Ҳиндистон сафарига бирга бўлган эдик»,— дейди Хрушчев. Унинг Бюро аъзоларига етказилган мана шу гапи сайловнинг Рашидов фойдасига ҳал бўлишини таъминлайди. Бу ўринда Рашидовнинг ҳукумат тепасига чиқарган даврни ҳам ҳисобга олиш керак — 1959 йилнинг ўрталари «эрвчанлик» яна изғиринлар билан ўрин алмашган, уфқларда турғунлик айсберглари кўрина бошлаган мураккаб ва зиддиятли давр эди. Бошқача айтганда, Рашидов раҳбарлигининг

авторитар, бюрократларча буйруқбозлик, «Сталинсиз сталинизм»га хос усулларини қайта тиклаган Брежнев «саройи»га ташриф буюрган эди. Қирқинчи йилларнинг охирида «Қизил Узбекистон» газетаси редакцияда Рашидов билан бирга ишлаган ёзувчи Мирзакалон Исмоилий республиканинг бўлажак раҳбари ўша йиллари Сталиндан, унинг «халқ душманлари»ни фош этганидан қанчалик фахрлиани яшаганини сўзлаб берган эди. Узбекистон Ёзувчилар союзи раислиги лавозимида озгина фурсат ишласа ҳам, Рашидов ёзувчилар уртасидаги «космополитизмга қарши кураш» ва «миллатчиликни тугатиш» каби бир-бирини сотган компаниялар ишида актив қатнашди.

— Антишларига қараганда, бу қанча ажабланарли бўлмасин, халқ орасида ҳамон Рашидов хотирасига ҳурмат сақлашар эканлар. Наҳотки шу рост бўлса!..

— Афсуски, «раҳбарга нисбатан муносабатнинг ижтимоий феномени», унинг барча босқичлари, кўтарилиш ва паст тушиш ҳоллари бизнинг социологларимиз томонидан ўрганилмаган. Бу нарса, айниқса, раҳбарлик лавозимидаги ходимлар учун конституцион йўл билан чегараланган муддатлар бўлмаган жамиятда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ҳар бир янги тайинланган раҳбарни олма аввал бошда биноиидек танқидий руҳ билан кутиб олади, аммо кўп ўтмай бу руҳ совиб, кейинчалик, жамоатчилик фикри «танқид оstonаси»дан тошиб ўтганида бутунлай йўқолади. «Танқид оstonаси»нинг йўқлиги раҳбарнинг айблари ва камчиликлари унинг фазилатларига айланишига сабаб бўлади. Брежнев даврида биз ҳам ҳаётнинг тобора оғирлашаётганини гўё бўлиши муқаррар ҳодисадек қабул қилган эдик. Рашидов билан ҳам худди шундай бўлди. Узбекистондек улкан пахта монокультураси майдонида ҳаёт йилдан-йилга чидаб бўлмас даражада оғирлашар, Рашидовга бўлган иззат-иқром, «доно, саховатли, халқ бахтини уйлайдиган «миллат отаси» деб унинг «шахсини улуғлаш» тобора авж олardi. Бунда Рашидовнинг шахсий сифатлари — ўзини тутта билиш қобилияти, сўзда ва амалда турлана олиши ҳам жуда қўл келди. Унинг портретига қараб, саховатпеша чеҳрасида, майин нигоҳларидан бошқа социал шароитларда бу одам улкан масжиднинг имоми бўлиши ва келувчилар орасида ҳурмат қозониши мумкин эди, деб ўйлаб қоламан. Уни ҳеч иккиланмай «сиёсат — ифлос кўлларнинг ижодидир» деган жумланинг муаллифи деб гумон қилса бўлади. Ана шундай раҳбарлар сиёсат фойдасини кўзлаб, ўзларига дўст ва ҳамфирк кишилари ҳам, худди Рашидов Марказий Комитет Бюросидаги ўртоқлари Р. Фуломов, М. Муҳаммаджоновларга нисбатан иш тутгани каби, бемалол сотишлари мумкин. Улар ёлғонни ҳақиқат деб, қонунбузарликни — эзгулик деб тақдим этаверадилар. Рашидов шахсига нисбатан «танқидий қараш»нинг йўқолиши биланоқ, Узбекистонда амалга оширилган ибратли ишларнинг ҳаммаси — ер силкинишдан вайрон бўлган Тошкентнинг қайта тикланиши ҳам, Мирзачўлнинг ўзлаштирилишию саҳрода Навоийдек янги шаҳарнинг барпо этилиши ҳам «миллат отаси»га нисбат бериладиган бўлди.

— Бу худди биринчи беш йилликлар, Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги тикланиш йилларидаги ютуқларни Сталин шахсига боғлайдиганларнинг кўплаб топилишига ўхшайди.

— Бизнинг «маҳаллий Сталинизм» — Рашидовни ҳам, гўёки уни Ёзувчилар союзининг аъзоси, шоир деб ном чиқарган собиқ ички ишлар министри Яҳеев, яъни «маҳаллий Берия»нинг қора ишларидан беҳабар бўлган дея ҳимоя қилувчилар топилади. Айтиш керакки, ўтган беш йилликлар мобайнида республикада катта ишлар амалга оширилган, аммо уларнинг бари халқнинг мардонвор ва оғир меҳнати мева-ларидир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда нотўғри хўжалик юртишининг оғир оқибатлари — ўзлаштирилган Мирзачўлдаги юз минглаб гектар ботқоқликка айланган ерлар, Орол денгизининг фожиаи тақдир ҳақида гапирсангиз кўпчилик ҳолларда яна ўша сохта шўҳрат қозонган «танқидга эътиборсизлик» ишга тушиб кетади: «Рашидов эмас, унинг атрофидагилар айбдор»,— дейишади. Худди мамлакатимиз бўйлаб уйқусида Сталиннинг «қайтишини» туш кўрадиғанлар топиған каби, бизда ҳам «рашидовчилик» даврини соғинаётганлар оз эмас.

— Бунинг устига, матбуотда Рашидовнинг адабий қобилия-

тини узлуксиз мақтаганларига қарамасдан, бу ўртамиёна асарларни унинг ўзи ёзмаган деган гаплар ҳам эшитдим...

— 1982 йилда бизнинг «етакчи адабимиз» ўқувчиларни янги асари — «Дил амри» қиссаси билан севинтиришга аҳд қилгани ҳақида жар солинган эди. Рашидовга яқин ёзувчиларнинг ишончли гуруҳи Марказқўмга «муҳокама»га чақирилиб, барча бир овоздан янги шох асар яратилганини қайд этганди. Қисса журналда босилиб чиққандан сўнг, асарларидаги мавзулар, образлар, ифода ва ҳикоя қилиш усуллари «миллат отасининг повести»га «ўчиб қолган» муаллиф — «адабий эгизак»нинг ҳам номини атай бошладилар. Жиддий, чуқур текстологик текшириш Рашидов асарларининг ҳақиқий авторини аниқлашга ёрдам бериши турган гап. Худди «Кичик Ер»нинг чинакам муаллифи аниқлангани каби. Ахир «Огонёк» журналининг шу йилги 4-сонида уруш ветерани Ф. Снегировнинг адолатли ёзишича: «Брежнев бу асарнинг автори эмас, демакки, ҳеч қачон у «атоқли, машҳур адабиётчи» ҳам бўлолгани йўқ. Билолмайман, қандай қилиб бу бегона асар учун унга Ленин мукофоти беришиди экан? Кундалик ҳаётида бирга ишлайдиган дўстларини ҳам олдиндан тайёрланган шпаргалкаси қутлай олмайдиган одам қандай қилиб Ёзувчилар Союзининг аъзоси бўлиб қолдикин?» Шу каби Рашидов ҳам эркин гапиршдан қўрқар, сийқа сўзлар ёзилган, рангсиз текстдан кўзини узиб, мудраётган залга қарай олмасди.

— Рашидовдан сўнг адабиётдаги аҳвол қандай бўлди?

— Минг афсуслар бўлсинки, Рашидовдан кейин ҳам биз ҳақиқатнинг ёлғон билан, истеъдоднинг сохта талант билан, соғлом ва эркин руҳнинг пассивлик, кўрқоқлик, итоатгўйлик билан курашини эмас, балки гуруҳбозларнинг ўзаро кураши гувоҳи бўлдим. Узоқ йиллар Рашидов сиёсатини юргизган, «миллат отаси» каби кўплаб роман ва дostonларнинг муаллифлари бўлган арбобларни маданият соҳасини мустаҳкамлаш учун сафарбар қилдилар. Улар турли давлат комитетлари, ижодий союзлар ва журналларни эгаллаб олдилар.

Бизда нима учундир, республиканинг ижодий потенциали ҳар бир кишига ҳамма учун ёзиш имкониятини беради деб ҳисоблашади. Шунинг учун бўлса керак, министрларни, ички ишлар ва прокуратура ходимларини Ёзувчилар союзи аъзоллигига қабул қила бошлади. Гуруҳлар курашининг шарқона хусусияти шуки, у ўлим ёки бошқа кўнгилсиз фожиаалар билан якунланмайди. Кучли гуруҳ ҳолдан тойганини ўз қўл остига олади, биргаликда ҳаракат бошлашади. Республиканинг «етакчи адаби» шон-шўҳратини таъминлаганлар бугун ҳам худди шундай иш олиб бормоқдалар. Илгариги устунликни, ўч олишни қанчалар орзиқиб кутмоқда улар! Дастлабки енгилгина хавф ўтиб кетди, қайтадан гуруҳларга бирлашиб олишиди, энди бир муддат оқопларда ётишиб, яна ҳужумга ўтадилар. Айримлари эса ўзларининг илгариги лавозимларини ҳам эгаллади. Улар аллақачон бутун бошли ёш ижодкорлар авлодини сароб мақсадлар йўлида қурбон қилишга улғуришган.

Шу йилнинг январь ойида республиканинг юқори раҳбарияти ўзгарди. Бугун ошкоралик ва демократия, адабиётга сидқидилдан хизмат қилиш фақатгина эзгу умид-интилиш бўлибгина қолмай, балки ижодий ҳаёт нормасига айланишини жуда-жуда истардим. Бугун 25—30 ёшда бўлганлар адабиётимизга янгилини олиб киришига ишонгим келади. Шарқда эрта камолга етадилар, аммо ижтимоий ҳаётга доим ҳам эрта аралашавермайдилар. Мен адабиётга фойдаси тегадиган ўнлаб ёшларнинг номини санаб ўтишим мумкин. Яқинда улардан бирига нашриёт давлат комитети ва республика Ёзувчилар союзининг мукофотини тақдим этдилар, аммо у: «Мен мукофотлар учун ёзмайман, уни ухлаётган ва мукофотлишини туш кўраётган биронтасига бера қолинглар»,— деб мукофотдан воз кечди. Адабий амалдорлар хафа бўлишди: «Биз уни иззат-ҳурмат қилсак, у бизнинг раъийимизни қайтарди...» Мен бу ёш шоирни инсонларча тушундим — у узоқ йиллар ҳийла-найран, хушомадгўйлик чинакам талант эгаси учун ёт бошқа иллатлар рамзи бўлган мукофотга ўз муносабатини билдирган эди.

Сўхбатни Н. ЗАГАЛЬСКАЯ олиб борди.
«Огонёк» журналы,
1988 йил, 29-сон

Соқов дудук эди
Мундай олганда.
Тиллашса бўларди,
Улмай қолганда...

«Сибирдаги саргардонлик йилларим бир ҳамюртим билан учрашиб қолдим. Йиғлаб кўришдик. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Мен уни ҳам ўзимга ўхшаб беайб бадарға бўлганлардан бири эканлигини сезиб турсам ҳам, сўрадим:
— Сизни нега қамадилар, биродар?
— Сулаймон Азимовнинг «думи»сан, деб!
— Кимнинг-кимнинг?
— Айтдим-ку, Азимовнинг...
Анчадан кейин, бироз ўзимга келиб, секин бориб елкасидан қучдим:
— Уни танийсизми?
— Йўқ, кўрмаганман...
— Унда келинг, танишволайлик, — дедим. Менман ўша сиз айтган одам!..»

**Марказқўмнинг собиқ котиби
Сулаймон Азимов
хотираларидан**

Уттиз еттинчи йил кашфи сизга мана —
Эркакларга алоҳида қамоқхона,
Аёлларга алоҳида қамоқхона,
Болаларга алоҳида қамоқхона...

Уттиз еттинчи йил кашфи булар бари —
Кўринмасу даҳшат солиб шарпалари,
Келса — яқин келмай, кетса — кетмай нари,
Изғиб юрар Лаврентийнинг лайчалари.

Бў ўлкада энди норғул йигитлар йўқ,
Бойкушлар бор, калхатлар бор — бургутлар йўқ,
Не-не Сулаймонлар, Абдулхамидлар йўқ,
Қайтармикин? Қайтмоғига умидлар йўқ...

Бедарак йўқолди қанча одам, эсиз,
Сўроқларда ўлди қанча одам, эсиз,
Қийноқларда ўлди қанча одам, эсиз,
Сиртмоқларда қолди қанча одам, эсиз...

Эсиз, айбин билмай ётганларга, эсиз,
Қабри ҳам топилмай ётганларга эсиз.
Уққа учиб, осонгина ўлиб кетмай
Урушлардан омон қайтганларга эсиз...

Эй яшасин, бизнинг доно йўлбошчимиз —
Иосиф Виссарионович, қуёшимиз.
У шоҳ эди, паноҳ эди, огоҳ эди,
Тўкилмади бошимиздан... бир сочимиз!

...Унинг учун қамоқхонада энг тансиқ нарса қоғоз эди. У ҳамма жойдан фақат қоғоз қидирарди. Бир дақиқа сайрга олиб чиқишса, деворлар тагида сарғайиб, ғижим бўлиб ётган бир парча қоғоз топиб олиб, боши осмонда, яна зах хо-нага қайтарди. Тергов пайти ҳам илинжи шу. Овқат пайти ҳам.

Ана шундай минг машаққатлар билан йиққан қоғозлари бир кун қўлёзмага айланди. Энди уни нима қилиб бўлса ҳам ташқарига, одамларга етказиш зарур эди. Лекин қандай қилиб?

У турма бошлиғига мурожаат қилди. Мени қабул қилишингизни сўрайман, деб қайта-қайта сўрайверди. Ниҳоят бошлиқ зерикди. Қаҳратон қиш кунларининг бирида бошлиқ иссиқ печка олдида, оёқларини чалиштириб ўтириб, унинг арзини тинглади.

— Сиздан ўтиниб сўрайман. Шу қўлёзмани одамлар ўқисин. Майли, кейинроқ, оқланиб кетсам ёки...

¹ Лаврентий Петрович Берия.

— Бу ёққа бер, — деди бошлиқ ўрнидан турмай. Соддадил адиб унга қўлёзмани узатди.

Бошлиқ қўлёзмани олдию гуриллаб ёниб турган печканинг ичига отди...

У яна ўша зах ва қоронғи хонада ўзига келди. «Бу аблаҳнинг олдига мени ким бошлаб борди? Оёқларимми? Мен уларни ҳозироқ кесиб ташлайман. Наҳот шунча хўрликларни кўриб ҳам кўзим очилмади! Наҳот, бу бошда зарра ақл бўлмаса! Наҳотки, у мени жаллоддан ёрдам сўраб боришга ундади! Ҳозир... Ҳозир...»

У даст ўрнидан туриб, югуриб бориб, зарб билан бошини деворга урди. Урди ва яна ураверди. Жони чиқиб кетгунча ураверди!..

Ким эди бу адиб? Қодирийми? Чўлпонми? Еки Усмон Но-сирми?!

Қисқагина умр кўриб, узоқ яшаб
келаётган зотларга қаранг...

Аҳмад Югнакий.

Тушимга киради Қодирий бобом,
Бемадор, бемажол, беҳол, беором,

Эгнига эски бир тўн кийиб олган,
(Шинелдир балки у, кимдандир қолган).

Ўша тўн енгиди похол ҳам бордай,
Бобомнинг юзлари оқарган қордай.

Йўқ, юзи сомонга ўхшайди унинг,
Чарақлаб тургувчи кўзи тўла мунг...

Тушимга киради Қодирий бобом:
Тур дейди, мунча кўп ухладинг, болам.

Бок, бу дам айланиб жўхоризоринг,
Уроғин қайрайди онаизоринг.

У ўриб бўлгунча ризку зарингни,
Ўйнатиб тур чиқиб, укаларингни.

Ва менинг саломим айт, дер, уларга —
Бобосин соғинган мусичаларга...

Тушимга киради Абдулло бобом,
Оҳ олтин бобом-а, воҳ тилло бобом.

Қаро ер қаърида қон йиғлаб қолган
Акмал Икром бобом, Файзулло бобом!

II

Улган ўлди — кетди.

Ҳеч ким қайтмайди.

Нега?

Нима учун?

Бу ҳам муаммо.

Тарих соқов кампир —

Дардин айтмайди,

Айтолмас,

Унутиб ҳам бўлмас аммо.

Мана,

Қодирийни қилишар сўроқ:

«Ўтган кун» деган шеър сизникими?

— Ҳа.

Аммо у шеър эмас...

— Жим бўлинг, ахир.

Шеърми ё бошқами, автори сиз-да.

Тамом.

Бошқа гапга қолмайди ҳожат.

Терговчи — пайғамбар,

Терговчи — худо.

Темир зотдан келган буйруқ — ижозат,

Ўзбек яна битта ўғлидан жудо.

Айби шуки...
Айби...
Ким билсин бунн,
Балки, жуда ноёб истеъдодидир.
Отишдимикин ё осиди уни?
Балки, ҳукм ижрочиси жодидир.

Жоди деганларин билишмас ёшлар,
Билмагани маъқул бундан кейин ҳам.
Жоди орасига тушганда бошлар
Одам...

Кўзимга ёш тўлар, мана шу ерда.
Кўйнимга тош тўлар, мана шу ерда.

Кўзимга тор бўлиб қолади олам,
Оҳ, олтин бобом-а, воҳ тилло бобом...
Ўтган кунинг курсин, Абдулло бобом!

* * *

Ўй ёмон.
Ўй ёмон қийнар одамни.
Илондек юракни кемирар малъун.
Урушдан чалажон қайтган отамнинг
Қирқ йилки, тилидан тушмас Сталин...
Ота,
Кўйинг, дейман,
Отажон, кўйинг.
Умрингиз ўтмоқда кимга ишониб?
Темир косов билан кўзимни ўйинг,
Фақат бир илтимос,
Гапирманг ўшани!..
Ер эса айланар,
Юмуши мўл Ер.
Оқар юзларидан
Маржон-маржон тер..

Ўйлайман,
Заминда энг бахтиёр зот —
Ёки академик,
Ёки бесавод.

Бири ўқиганин таҳлилин сўрмас,
Бири ўқишга ҳам уриниб кўрмас...
Ўй ёмон,
Ўй бу — жар.
Бу жар қоронғу.
«Қайт болам!...»
Отамнинг сўзларимикин?
Бу зулмат қаърида ёнган не ёғду,
Файзулло бобомнинг кўзларимикин?
«Сен нима билсан,
Фарзанди нодон,
Урушда юртингни асраб қолди ким?...»
Ишонч қандай унвон,
Ишонч қандай шон,
Ул бузрукворимга нима ҳам дердим.

Ўлган ўлди — кетди.
Энди қайтмайди
Нега?
Нима учун?
Бу ҳам бир жумбоқ.
Ота хатосини ўғил айтмайди.
Айтолмас,
Унутиб ҳам бўлмас бироқ...

* * *

Йиллар ҳам кўчманчи қалдирғочлардек
Келар,
Кетаверар,
Миқ этмай, беун.
Дунёда мен ёлғиз сиғинган одам
Фақат — Владимир Ленин.
Ўйлайман.
Уфқлар ортидан бир кун,

У аста бўйлару
Кўз тушар кўзга:
Беғуноҳ узлатга кетганлар учун
Ким жавоб беради, ўртоқлар, бизга?..

Мен нима дегандим,
Нима дегандим,
Неларни қилгандим у кун васият?
Ҳурматли юртдошлар,
Азиз бошингизга
Сталин — ўзингиз топган мусибат!..

Ўлган ўлди — кетди.
Ҳеч ким қайтмайди.
Нега,
Нима учун,
Бу энди жумбоқ.
Тарих — соқов кампир,
Дардин айтмайди,
Айтолмас,
Унутиб ҳам бўлмас аммо.

* * *

— Отанг қани, болам-ов?
— Отам Сибирга кетган.
— Онанг қани, болам-ов?
— Онам ҳам бирга кетган...

— Аканг қани, болам-ов?
— У дунёда ўхлайдир.
— Уканг қани, болам-ов?
— Кўкрак сўраб йиғлайдир...

— Синглинг қани, болам-ов?
— Синглим ётар чалажон.
— Ўғлим бўлгин, болам-ов,
— Нониз борми, онажон?!

— Укамни не қиламиз?
— Эчки сути берамиз.
— Синглимни не қиламиз?
— Тутмайиз териб берамиз...

— Чолингиз қайда, энажон?
— Чолим Сибирга кетган.
— Ўғлингиз қайда, энажон?
— Ўғлим ҳам бирга кетган.

— Энажоним, энам-ов,
Энди нима қиламиз?
— Энанг ўлсин, болам-ов,
Бир кунимиз кўраамиз!..

* * *

«Синглим Роҳатхон! Уйғунникига бориб, нарсаларимни ол.
Мадамин Давроннинг уйида пальтом бор. Иброҳим Назир-
никида этигим ҳам. Шуларни олиб келиб, менга киргазиб
юбор.
Кетадиганга ўхшайман...»

Тошкент қамоқхонаси. 1937 йил.
Усмон Носир.

Ватан гар дилга жо бўлса,
Не истар у бажо бўлса,
Ким билсин,
Ким билсин агар,
Менинг жоним фидо бўлса,
Тирик юргаймиди ҳозир
Усмон Носир, Усмон Носир...

Бахил бўйин эгмиш қачон,
Оқилга кун тегиш қачон.
Ким билсин,
Ким билсин агар.
Ёмонга ҳам жазо бўлса,
Тирик юргаймиди ҳозир
Усмон Носир, Усмон Носир.

Ғаним ҳар кимда бор, ғаним,
Ғанимда йўқ гапим маним.
Ким билсин,
Ким билсин агар,
Дўсту ёрда вафо бўлса,
Тирик юргаймиди ҳозир
Усмон Носир, Усмон Носир...

Жонингдан айланай, юртим,
Шоиринг кўп экан, кўрдим.
Ким билсин,
Ким билсин агар,
Улардан бир садо бўлса,
Тирик юргаймиди ҳозир,
Усмон Носир, Усмон Носир!

Файзулло Хўжаев марсияси

Қадим Бухорога лайлақлар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?
Ривоятлар келди, эртаклар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?..

Биз-ку эртакни ҳам сургаймиз кўзга,
Муштоқмиз хабарга, муштоқмиз сўзга,
Ҳаммадан ҳам кўпроқ муштоқмиз сизга,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Бобоюрт боғлари сиздан хотира,
Чақнар чироқлари сиздан хотира,
Кўзёш — булоқлари сиздан хотира,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Қўймадик жойига эъзозингизни,
Айтмай кетдингиз-ку дил розингизни,
Тинглаб юрармизу овозингизни,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Йиғлар Самарқандга сирдош Бухоро,
Минорида ухлар қуёш Бухоро,
Ибн Синолари талош Бухоро,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Тупроқнинг инсонга тортиқлари кўп,
Тортиғидан жонга оғриқлари кўп,
Гуллаган воҳанинг нотиклари кўп,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?..

Сизни қийнаган ким, сизни сотган ким,
Сизни отганлар ким — билмайди ҳеч ким,
Сиз кетган тарафдан келмайди ҳеч ким,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?..

Юракка санчилиб ағёр отган ўк,
Ётарсиз ерга ҳам озорингиз йўк,
Йўқлаб бораё десак мазорингиз йўк,
Ўзингиз қайдасиз Файзулло бобо?..

Қадим Бухорога лайлақлар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?
Ривоятлар келди, эртаклар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?!

«Одамлар тақдири оддий тушлик ёки кечки овқат пайтидаёқ ҳал бўларди. Суҳбат орасида кимларнингдир номлари тилга олинарди. Бирдан Сталин: «Лаврентий, чора кўр», деб қоларди. Берия эса бошқа хонага ўтиб, қайгадир қўнғироқ қиларди. У номларини айтган одамлар шу кечасиёқ қамоққа тушарди...»

Маршал Жўков хотираларидан

Эй, ғамдан букчайган уйлари ёғоч,
Ярми қамоқхона,
Ярми яланғоч

Мамлакат, қизларинг яшир — олтинсоч,
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда!..

Байрамга қўйилган балиқдек тузлаб,
Қотиб тур жойингда, вужудинг музлаб,
Қурбонлар устига қурбонлар излаб,
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда.

Бир-бирларин суяб,
Тик туриб ухлаб,
Вагон тўла боланг кетмоқда йиғлаб,
Паровозлар қайга элтмоқда йиғлаб?..
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда.

Уларни кутади майдон тўла дор,
Бу дорлар остида барча миллат бор,
Жаллод — кўзойнакли илондек маккор,
Лаврентий! Лаврентий сайр қилмоқда.

Қутмоқда ишқорлар қуйилган жомлар,
Бу дўзаҳ жомида ҳар қора шомлар
Эриб кетди не-не Акмал Икромлар..
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда..

Юзин бир кўрмоққа тополмай илож,
Ким отага муҳтож,
Ким ёрга муҳтож,
Ким ёлғиз ўғли-ла дийдорга муҳтож,
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда...

Эй, ғамдан букчайган уйлари ёғоч,
Ярми қамоқхона,
Ярми яланғоч
Мамлакат, қизларинг яшир — олтинсоч,
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда.

«...Қизим Зоряни НКВД ходими автомобилда Малая Лубянкага олиб кетган экан. Буни биз кейин билдик. Москванинг бу бурчагида 2 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар қамоқхонаси жойлашганди. Ундаги режим катталарникидан фарқ қилмас, болалар саҳарда уйғотилар, йигирма минутлик сайрдан сўнг эса сўроққа — терговчи ҳузурига олиб кетиларди...»

Галина Серебрякова,
ёзувчи. («Семья» газетаси, 1988 йил март сони).

Қушлар ҳам уйқудан уйғонмай ҳали,
Жовдираб бир сафга тизилар бари,
Мудраб йўлга тушар терговчи сари —
Икки яшар «халқ душманлари».

Терговчи — юзи кип-қизил бўрсилдоқ,
Унинг чўнтагида минг битта қийноқ.
Бири ўйинқароқ, бирови йиғлоқ —
Икки яшар «халқ душманлари».

Уларнинг гапи йўқ бўрсилдоқларда
Уларнинг хаёли — ўйинчоқларда...
Ухшайди қоракўл кўзичоқларга —
Икки яшар «халқ душманлари».

Ултирар келишгандек боқчасига,
Қўлчаларини қўйиб оёқчасига.
Мўлтирар терговчи таёқчасига —
Икки яшар «халқ душманлари».

Терговчи ҳам асли кимгадир ота,
Терговчида жуда тажриба катта.
Йўқ айбига иқрор бўлар, албатта,
Икки яшар «халқ душманлари».

Йўқ айбига иқрор бўлар ҳаммаси,
Элнинг суюқ болаларин боласи,
Элнинг буюқ болаларин боласи,
Икки яшар «халқ душманлари».

Қушлар уйқусидан уйғонмай ҳали,
Жовдираб бир сафга тизилар бари,
Мудраб йўлга тушар терговчи сари —
Икки яшар «халқ душманлари».

Саволлар ёғилар.
Саволлар тилсим,
(Пўписа биланми дўқми, ким билсин).
Учга кирадимми, йўқми, ким билсин...
Икки яшар «халқ душманлари!»

«Тухачевскийни Ворошилов ёмон кўрарди. Унга ҳасад қилар эди. Жуда кўп буюк саркардаларнинг ўлимида унинг қўли бор...

Бир куни унга қишлоқларимиз ғоят ғариб аҳволда эканлигини айтиб, Хрущёвга билдиришини сўраганида у кўнмади. «Айтолмайман, мени Қизил майдонга дафн этишларини истайман», деди».

Маршал Жуков хотираларидан

Россиянинг ярми хилват ўтлоқлар,
Майли, бизга бўлсин узлат ўтлоқлар,
Бизга бўлаверар.
Фақат, ўртоқлар,
Климентни кўминглар Қизил Майдонга!..

Кўрган куни озор бўлган Россия,
Ўрмонлари мазор бўлган Россия,
Мозорлардан безор бўлган Россия,
Климентни кўминглар Қизил Майдонга.

Ҳаммамиздан кўпроқ «жанг» қилган ўша,
Душманлар ҳолини танг қилган ўша,
Бундай иззат учун туғилган ўша —
Климентни кўминглар Қизил Майдонга...

Хитойда ўлмаган Блюхер қани,
Қийма-қийма бўлиб чопилди тани.
Фақат удир асраб қолган Москвани —
Климентни кўминглар Қизил Майдонга.

Қайси айби учун отилди Яқир¹,
Нонушта устида сотилди Яқир,
Буни ёлғиз ўша билади, ахир, —
Климентни кўминглар Қизил Майдонга...

Климентни кўминглар Қизил Майдонга,
Тупроқда ўзига қолди жой етмай.
Устига тош қалаб, йиғламай-нетмай,
Климентни кўминглар Қизил Майдонга!

37 йил йиғиси

Олов эди, шўх эди ўғлим,
Шамол эди, ўқ эди ўғлим,
Уйимда нон йўқ эди ўғлим,
Энди менинг ҳолим не кечар?

Майли, изинг қолсайди, ўғлим,
Ўғил-қизинг бўлсайди, ўғлим,
Кўриб кўнглим тўлсайди, ўғлим.
Энди менинг ҳолим не кечар?

Тўлишган ой, тўлган ой, ўғлим.
Кетган еринг қайси жой, ўғлим?
Тилаб олган Турсунбой ўғлим,
Энди менинг ҳолим не кечар?

Ёниб кетсанг майлийди, ўғлим,
Чўкиб кетсанг қанийди, ўғлим,
Айбли бўлсанг қанийди, ўғлим.
Энди менинг ҳолим не кечар?..

¹ Яқир — командарм.

Деҳқон бўлсанг ўлмасдинг, ўғлим,
Чўпон бўлсанг ўлмасдинг, ўғлим,
Ёмон бўлсанг ўлмасдинг, ўғлим...
Энди менинг ҳолим не кечар?

Уқимай ўл, унмай ўл, ўғлим,
Уқиб олим бўлмай ўл, ўғлим,
Олти тилни билмай ўл, ўғлим!..
Энди менинг ҳолим не кечар?

У

Менга қадрдондир унинг сиймоси
Тилим тебранмас ҳеч ёмон дейишга.
У шундай буюкки,
Йўқдир қиёси,
Қанча буюк бўлса,
Тубандир шунча...

У — ёруғ дунёда
Тенги йўқ инсон,
Қадрдон — бегона.
Ёвуз — меҳрибон.
Унинг бир қўли гул юрагигача,
Унинг бир қўли қон билагигача!..

Ким ёлғиз боласин тополмай гўрин,
Қонлар йиғлаб ўтган бўлса доғида,
Ўша муштипардан сўраш лозим бу
Буюк инсон,
Буюк жаллод ҳақида.

Сўранг,
Омоч сурган болақайлардан,
Чиллак оёқларин судрашиб аранг.
Қирқ биринчи йилда,
Милтиқ етишмай,
Асирларга тушган
Аскарлардан сўранг.

Шунда
Аён бўлар унинг сиймоси,
У ярмин қамаган,
Ярмини қирган.
Ярмини кўйгану дорларга осиб,
Қолган ярми билан
Жангларга қирган!..

Унинг бутун умри
Жумбоқдан иборат,
У айни адолат,
У айни ғорат.
У оқил бузғунчи,
У моҳир меъмор —
Инсон суягидан солган иморат...

У халқлар қотили,
Халқлар отаси,
Тилим тебранмайди
Ёмон дейишга.
У шундай улўқки,
Йўқдир қиёси,
Қанча улўғ бўлса,
Тубандир шунча.

Йўқса айтинг,
Ким у?
Йўқса айтинг, ким?
Ярим халқ қарғару
Ярим халқ йиғлар.
Менинг саволимга
Энг тўғри жавоб
Бера олгувчининг ҳаммаси ухлар.

Менга жуда азиз
Унинг сиймоси,
Бир қарасам,

Йўқдек сира қиёси.
У бир бағридарё,
Бир бағритошдир,
У бир куёш
Аммо —
Қора куёшдир!

— Умр нима, эй одам?
— Умр учиб ўтган куш.
— Армон нима, эй одам?
— Армон эсдан чиққан туш...

— Омад нима, эй одам?
— Иккала соғ қўлингдир.
— Орзу нима, эй одам?
— Орзу юрган йўлингдир.

— Елғон нима, эй одам?
— Елғон узун эртақдир.
— Ҳақ нимадир, эй одам?
— Ҳақиқат қон юракдир.

— Қайғу нима, эй одам?
— Қайғу ҳам ширин армон.
— Бахт нимадир, эй одам?
— Бахт бир бурда қора нон.

— Қора нон нима, эй одам?
— Қора нон — имон, жура.
— Имон нима, эй одам?
— «Халқ душмани»дан сўра!..

Тушимга киради Қодирий бобом:
Болам, оқибатинг йўқ экан, болам...

Бўлса агар менинг гўримни топ, дер,
Келиб очик қолган кўзимни ёп, дер.

Ҳаммамизга қабр бир жойдан тегди —
Бари боболаринг ёнимда, дейди.

Ётибмиз ер билан бир бўлиб пайхон,
Бир ёнимда Усмон, бир ёнда Чўлпон.

Кўзимиз нигорон, кўнглимиз вайрон,
Айбимиз не экан — ҳаммамиз ҳайрон...

Тушимга киради Қодирий бобом:
Тур, дейди, мунча кўп ухладинг, болам.

Боқ, бу дам далада қуриб мадори
Сен учун тер тўкар онаизоринг.

У териб бўлгунча ризқу зарингни,
Уйнатиб тур чиқиб, укаларингни.

Ва менинг саломим айт, дер, аларга —
Бобосин соғинган мусичаларга...

Тушимга киради Абдулло бобом,
Ох, олтин бобом-а, воҳ тилло бобом!

Рутубатли Сибирь ўрмонларида
Қайинлар қарсиллаб қулар, тонг отар.
Қаранг, Чўлпонингиз сўнги маконида
Мардикорлар билан кучоқлашиб ётар...

Ўрмонлар чеккаси тикон далалар,
Ётибди бир дала қорақўз болалар.
Ётар ҳеч излари топилмаганлар,
Ўн гулидан бир гули очилмаганлар...


Қабрлар қабрга бирлашиб кетган,
Қўллар бўйинларга чирмашиб кетган,
Бамисли шохдан дув тўкилган бодом
Ётибди бепоён майдон тўла одам...

Рутубатли Шимол ўрмонларида
Қайинлар хўнгираб қуёшни уйғотар.
Қаранг, Чўлпонингиз сўнги маконида
Беқасам чопонин ёпиниб ётар.

Ётар алпқоматли баҳодирлар қатор,
Акмаллар,
Қодирлар,
Шокирлар ётар.
Ётар Файзуллалар,
Ётар Аҳмадлар,
Худо раҳмат қилгур, худо раҳматлар...

Уларнинг саноғи юлдуздан ҳам кўп,
Юртим, дилбандингдир ҳар гиёҳ, ҳар чўп,
Фидоларинг бўлган фарзандларингдир,
Номдору номсизин хоки пойин ўп!..

1988 йил.



А. Калонов.
Болалик хотиралари

нинг эмтўрваларини илиб, ўт ёқмай кечани ўтказадилар...

Тонг қоронғисида разведкачилар тагин хабар етказишди: Сангардаксойнинг нари қирғоғида гулхан кўришибди.

Босмачиларни намоз ўқиб ўтирган пайтларида босишди: 24 йигит ўтирган жойларида қўлларини кўтарганча қолишди. Қолганлари ваҳимада қочиб кетишди.

Улар «Бош кўмондон» Хуррамбекнинг топшириғи билан келган — Раҳмонберди додхонинг йигитлари экан.

Қишлоқда йиғин бўлди. Эшниеъ гап охирида:

— Уларингда айб бор. Шундай бепарво бўладими киши? Саидзўр, суриштириб кўр. Уларга шу ернинг одами хабар берган. Топсаларинг, тошбўрон қилинглари! Ҳукуматга ўзим жавоб бераман... — деди.

Кейин йиғи-сиғи, олқиш садолари остида Бойсунга жўнадилар. Қизил аскарлару отряд жангчиларининг ўликлари икки аравага саржин қилиб жонтилган. Улар ортида — қўллари орқасида боғлиқ, бўйинларига кўган солинган асирлар. Олдинда, орқада ва тирофта — отлиқ йигитлар.

Отрядга ном берилди

Катаркентга бирлашган қишлоқлар қуйидагилар эди: Чаган, Олачопон, Омонхона, Бештахта, Дуоба, Вўрғонча, Пулҳоким... Бу қишлоқлар аҳолиси асосан ўзбеклар, қадимги турклар ва тожиклардан иборат бўлиб, улар орасида миллий нифоқ йўқ, бари мусулмон эди.

Тўғри, қадимдан айрим қишлоқлар орасида уруш, англашилмовчилик чиқиб турар, буни дин пешволари ва оқсоқоллар бости-бости қилишарди.

Эшниеънинг қишлоғи Қўшбулоқ ҳам Катаркентга қарар ва Эшниеъ Тошпўлат Пирнинг (ушбу кунларда қишлоқ Шўросининг раиси) муовинларидан бири саналарди.

Қўшбулоқ аҳли Бештахтада арпа ўраётган эди. Телпаги тушиб қолган бир чўпон яланғоч тойда елиб келиб: — Оқсоқол бобо, Катар шўросини ўлдириб кетишди! Тошпўлат шўрони: Аҳмадхон эшон! — деди.

Эшниеъ инграб юборди.

Унга қолса, ҳозироқ шу ердаги 30 йигити билан Катаркентга чиқиб борарди: Бойсун томонга от қўйди.

Бойсундан 2-эскадронни олиб келди-да, йигитларини қўшиб Катарга учди. У ердан Тошпўлат Пирнинг 12 яшар ўғли кўрсатган йўл билан Аҳмадхон эшоннинг изидан тушдилар.

Эртаси кечгача тоғларда изғиб, овуллардан суриштириб юриб, қуруқ қайтдилар: уларнинг изларини топиб бўлмас, чўпонлар эса, эшон... эшоннинг қаердалигини айтишдан кўрқишар эди, чамаси.

Тошпўлат Пир қабри бошида қуръон ўқилар экан, Эшниеъ унинг шиддатли қиёфаси, дангаллиги ва тезфаҳмлигини эслаб, шундай одам масжид олдида қиймалаб ташланганини ўйлаб, кўзи ёшланди.

— Эй, Катаркент эли! — деди кейин. — Тошпўлат сизларни деб кетди... Ахир, қўлларингдан пилтамилтиқ ясаш ҳам, ўқ-дори қилиш ҳам келарди-ку? Баринг овчиси-сан-ку? Нимага мундай... писиб ўтирдинглар? Уят-э! Эшон, эшон!.. Эшон шундай ишни қиладими?

...Бойсун. Қўрғон саҳнида — қизил командирлар, шаҳар-вилоят шўро кўмиталарининг бошлиқлари. Эшниеънинг ўттиз беш йигити ҳам саф тортган. Шапкасини қўлига олган Гейзер нутқ сўзлар эди:

— У Шўро йўлида ҳалок бўлди!.. Унинг номи кўнгли-

мизда абадий қолади. Шунинг учун, — давом этди у Эшниеъга тикилиб, — Эшниеъ Юнусовнинг кўнгли-мусулмон отрядига... Тошпўлат Пир номи берилиши ҳақида вилоят ижроия кўмитаси, фирқўми ва ЧК қарор қабул қилди!

Эшниеъ ҳайрон эди: одамга ном қўйилади, қишлоқларга ном қўйилади. Аммо отрядга...

— Шу билан бирга, — деди Гейзер, — Катаркентга ҳам Тошпўлат номи берилди. Бундан кейин у — Тошпўлаткент деб аталади!.. Аскарлар! Салют!

Ҳавога уч марта ўқ узилди.

Ниҳоят, Эшниеъга сўз навбати берилди.

Командир олдинга чиқиб:

— Биз Тошпўлат аканинг номини сира пасайтирмаймиз! — деди. — Унинг учун... унинг душманларидан ўч оламиз. — Кейин йигитларига қаради. — Ботирларим! Уч оламиз-а?

— Оламиз! — деб гувиллашди йигитлар.

— Раҳмат, — деди Гейзер. — Бу кун — отрядингни қайта туғилган кун бўлди.

1924 йилнинг 24 майи эди.

Эшниеънинг жанглари

28 май.

Боботоғда хоҳлаган қишлоғини талаб юрган Хуррамбекнинг қўрбошиларидан бири Хусанбекнинг Керага тоғлари оша Бойсунтоққа ўрлаётгани ҳақида Денов милициясидан Бойсунга хабар етди.

Эшниеъ уни «тинчитиш» тўғрисида Гейзердан буйруқ олди. Енига қўшилган қизил аскарларни ҳам жайдари кийинтириб, йўлга чиқди. Хушчаққа қишлоғида... уни туйқус ўққа тутди. Хусанбекнинг 20 нафар йигити милтиқларини ташлаб, тиз чўкиб қолишди. Қолганлар қочиб кетди.

Эшниеъ асирларни Денов НКВДсига топширди.

Бойсунга келса... укаси Раҳимбердини тиланчилик қилиб келган бир дарвиш отиб кетибди.

2 июнь.

Хуррамбекнинг отаси Ҳайитқал 5-6 та йигити билан Миршоди бозорини остин-устун қилиб юрганини унинг Бойсун Шўросига таслим бўлиб келган бир йигити айтди.

Эшниеъ у билан гаплашиб, 12 ботирига 8 та қизил аскарни қўшиб, Миршодига етди. Ҳақиқатан ҳам бозоржойда Ҳайитқалнинг йигитлари учради. Дарҳол отишма бошланди. Бироқ қўрбошининг сафи кейин... негадир кенгайверди ва Эшниеълар чекина-чекина бир чолдевор панасига ўтишди.

Шунда «таслим бўлиб борган босмачи»нинг йўқолиб қолгани, Ҳайитқал ҳийла ишлатгани маълум бўлди: чолдеворга худди пулемётдан отилаётгандек ўқ ёғиларди.

— Ҳе, гаплатда қолдик... Қўрқманглари! Барибир буларни қуритамиз! — деди Эшниеъ.

Ой ёруғида ҳам отишма давом этди.

Ниҳоят, Эшниеъ, қизил отряднинг бошлиғи Игнат Давидов билан келишиб, Юрчи гарнизонига чопар жўнатди.

Азон пайти етиб келган қизил аскарлар кўмағида Хуррамбекнинг отаси қўл остидаги йигитлар жойлашган бозорга уч тарафдан ялпи ҳужум қилинди.

Бу ерларни беш қўлдек биладиган қўрбоши «тўртинчи тарафдан» йигитларидан бирининг ҳам бурнини қонатмай қутулиб чиқиб кетди.

¹ Кўп ҳалқали арқон.

4 июнь.

Бибичакчак қишлоғидан шаҳардаги қизил аскарлар учун ажратилган ғаллани (қизил аскарлар вақтида уларга қарашгани ҳаққи) эшакларга ортиб энди жўнаймиз деб турганда, Хуррамбекнинг ўзи кичкина бир тўпи билан Эшниеъларга ҳужум қилди.

Эндиликда уйкудаям милтиқни ёнидан ажратмасликни расм қилган йигитлар ҳаш-паш дегунча улардан 7 тасини қулатди.

...Сўнг бир сойдан кечиб ўтишаётганда, қирғоқдаги камар оғзида боғлиқ бир жийрон от кишнади. Эшниеънинг икки йигити писиб бориб қараса, миршодилик Малла тўқсабо... ухлаб ётибди. Уни босиб ушлаб келишди. Шу куни Эшниеънинг «ови» барор олган экан.

Гилямбоф қишлоғи ичидан ўтаётиб, чойхонага бурилганда, шоша-пиша деворга осиглиқ милтиқларини олаётган икки йигитни кўриб, дарҳол тўппончадан кетма-кет ўқ узди. Улар — Шойим ҳамда Исмат тўқсаболар экан: иккиси ҳам ўлди.

Даштда

8 июнь. Эшниеъ Бешэркак қишлоғига Раҳмонбек қўрбоши билан Қора Пирман босқин қилиб, «бити чиққан» камбағалларни ҳам талаётганини эшитиб:

— Тез жўнайлик, Гийзир бобо! — деди. — Менинг Пирман билан ҳисоб-китобим бор!

Гейзер тагин 2-эскадронни унинг ихтиёрига берди. Эшниеънинг ёнида 25 сара йигити. Жўнадилар.

Эшниеъ отрядидаги жангчилар сони 40 дан ошиб кетган, командир уларни Қаршида ўқиганларига амал қилиб, 7 тадан, 10 тадан қилиб кичик отрядларга бўлган, бир отрядни Қўшбулоқ ҳимоясига ажратган, биттаси қизилларнинг бошқа операцияларида қатнашар — йўл бошловчилик бошлар, қолганлар Эшниеъ билан бирга эди.

Бешэркакда Шўрога тобе бўлиб, солиқ тўлайдиган бир неча бойлар бор, уларнинг бир қисм молларигина мусодара қилинган, агар босмачиларга ён босишса, қолган моллари ҳам талонга, ўзлари қамоққа олиниши айтилган эди.

Раҳмонбек билан Қора Пирман ўшаларни ҳам талаб, йилқиларини ҳайдаб кетишаётган экан...

Отишма бошланиб, қизиллар уларни икки ёндан ўраб бораверишди.

Шунда бутун бошли бир тўп (30 чоғли йигит) бирдан отларидан тушиб, милтиқларини ташлаб, қўл кўтаришди. Аскарларнинг ҳам бир қисми улар қошида қолди. Бошқалар... тарақайлаб қочаётганларнинг орқасидан қувишди. Шунда улар ҳам кичик-кичик тўпларга бўлиниб ҳар томонга сочилиб кетишди.

— Эшниеъ! Анавига қара! — деди йигитлардан бири қир ошиб кетаётган оқ отлиқча ишора қилиб.

— Раҳмонбек! — деди иккинчиси.

Эшниеъ командир энг чаққон, тадбиркор қўрбошилардан Раҳмонбекнинг бўз оти борлиги, у Иброҳимбек тўқсабо сингари атрофига қора отлиқларни йиғиб юриши, шу тариқа улар орасида кўзга ташланавермаслигини эшитган эди.

Унинг изига тушди.

Раҳмонбекни тутишга қизиқиб кичкина бошлиқлари — Туроб Чори, Орзиқул полвон, Алман ва Мўмин чопан ҳам унга эргашишди. Йўлакай ўқ бўшатиб кетишарди.

Булар қирга чиқди. Оқ отлиқ нари қирдан ошмоқда эди. Шу тариқа тўртта қир ошганда, Эшниеъ йўлдошларининг отлари бирин-кетин йиқилиб-ёрилиб ўла бошлади.

Ниҳоят, Эшниеънинг оти ҳам мункиб кетди, йиқилди. Отнинг бурнидан қон оқмоқда эди. Эшниеъ гандирак-лаб қирга пиёда чопди.

Ўркачада туриб қолди.

Оқ отли Боботўф уфқларига сингиб кетган эди.

Эшниеъ сўлғин тортиб изига қайтди. Командир отда юриб ҳам қизиб кетган эканми зумда оғзи қақраб қолди. Бу атрофларда қачон юрганини эслолмасди. У қоқ излаб қарай бошлади. Ҳеч бир тепаликда на бир қорамол, на бир қуш кўринмади. Соясини босиб жилаверди.

Ниҳоят, бир тепага чиққанда, нари тепада жўрчиқуш ўтиргандек қорага кўзи тушди. Тетикланиб юра бошлаганди, «қуш» тикка бўлди: одам эди.

Унинг командирларидан бири эканига шубҳаси бўлмаса-да, тўппончада неча ўқ қолганини санади. Тепадаги одам — Орзиқул полвон экан.

Тагин бир дўнгликда Алман полвон билан Мўмин чавандоз учради. Туроб Чорини ҳам топганда, дастлаб йиқилган от бошига ғажирлар қўна бошлаганди.

Эшниеъ ўлган отига ҳатто қарамаган, эгар-жабдуғини йигитлар келиб олиб кетишига ишонганди. Бошқалар гарчи эгар-жабдуқларни ечишган эса-да, отлар қошида қолдиришган экан.

Қовжироқ ўтларини шамол учуриб кетган метиндек адирда боришаркан, ўқтин-ўқтин ўқ садолари эшитилар, шунда сергақланиб, милтиқ қўндоғидан тутишар, бир зум-бир зум тўхтаб қолишарди.

Маҳорат ҳам эҳтиёж маҳсули

Отда, қува-қува билинмаган экан; талай йўл босиб қўйишибди.

Бешэркакни тусмоллаб, энди паст-баланд адирлар оша кетишаётганди, биртўп қуриган писта кўринди. Унга етай деганда, пистадан нарида ҳовузга ўхшаш чуқурлик бор экан, унинг ичидан бир гала ёввойи каптарлар «ҳув-ҳув»лаб кўтарилди.

Шу пайт ўнг тарафидаги баландроқ тепа ортидан ўнтача суворий милтиқларини ўнглаган ҳолда елиб чиқишди: улар бегоналар эди.

Эшниеъ югуришда ўзини «ҳовуз»га отди. Тошлардан тошларга урилиб, чуқур тубидаги юлғунзорга бориб тушди. Тушибоқ чалқанча ётган ҳолда, «ҳовуз» лабига кўз тикди. У ерда кўринган отлиққа ўқ бўшатганди, оти кишнаб, ёнига салпич кетди. Унинг ўрнида пайдо бўлган отлиқлар ҳам ортага чекинишди.

Эшниеънинг кетидан думалаб тушган жўралари ҳам юлғунлар ичида эди. Эшниеъ ғайритабиий товуш билан:

— Ётиб от! Ётиб! — деди. Ва шунда яна бир отлиқ чуқурнинг кунботар тарафида бўй кўрсатганини кўз илди-ю, унга ўқ бўшатди.

Шундоқ бўлдики, «ҳовуз»нинг лабидан қараган босмачи борки, у милтиғини ўнгламасдан бурун ўзига пастдан ўқ узила бошлади. Шу асно Эшниеъ янгича жанг ҳадисини кашф этганига инонди: ҳақиқатан ҳам бундай пайтда «ҳовуз» лабидан қараган киши юлғун тагида ётганни дарров кўра олмайди. Юлғун остидаги кишига эса, унинг телпаги ё салласи ҳам осмон тархида дарҳол кўринади. Бунинг устига, юлғунзордаги кимса чалқанча ётиб олган бўлса.

Босмачилар кўриниш бермай қўйди.

Эшниеъ:

— Алман! — деди. Сен, ҳой, оқмадан тепага тир-маш, жўра. Сизлар уч тарафга қараб туришлар!

Алман полвон юлғунлар орасидан ўрмалаб чиқиб,

¹ Табиий ҳовуз.

майда оқиш тошлари шовдираб ётган жойдан тепага тирмаша бошлади.

Тирмашди, чиқди.

Ниҳоят, атрофни кўздан кечиргач:

— Жўқ, — деди.

Шундан кейин бошқалар ҳам чиқишди. Қирғоқда икки-уч жойга қон тўкилган эди, холос.

Писта тагида дам олиб, нари-беридаги тепаликлардан ҳам атрофни кўздан кечиришгач, тагин Бешэркакка жўнади.

Энди улар чанқоқни унутишган, бояги жанг усулини гапириб кулишар эди.

Бироқ иссиқ иссиқлигини қилди — юришга мажоллари қолмай, йўлнинг бунчалик узоқлаб кетганидан куйиниб, зўрға бир-бир босиб кетишаркан, рўпарада чанг кўтариб келаётган бир отлик кўринди. Тўртовлон ҳам милтиқларини унга тўғрилашди.

Шунда суворий оқиш бир нарсани ҳаволата бошлади.

У келди: отряднинг энг ёш аъзоси Берди Тоғай ўғли экан.

— Камандир бобо, сизни мукопотлапти... Бухоро ҳукумати! Шўро! «Қизил байроқ» ордени билан. Бойсундан одам келди. Журинг тезроқ! — У ерга тушиб, узангини унга тутди. — Ёмон кўрқиб эдим-е! Бошқалар ҳам кетишган сизларни қидириб. Тезроқ боринг, бобо!

Эшнӣэзнинг «Қизил байроқ» ордени нелигига салпал ақли етди. Бироқ Бойсундан одам келибди ва у нарса Бухоро Шўролар ҳукуматининг мукофоти экан, яхши нарса бўлишини ўйлади.

Отни миниб:

— Эса сизлар шу ердан қимирламанглар. Мен улов жўнатаман! — деди.

Қора Пирман

Эшнӣэз худди қўш ташлаган йўловчилар каби бирлари чўнқайиб, бирлари тик турган босмачилар ва отларининг айилини тортаётган қизил аскарлар тўпига яқинлашиб борар экан, олдинга илдамлаб чиққан Петров тўппончасидан ҳавога ўқ бўшатди.

Командир отдан тушар-тушмас аскарлар ҳам ялписига милтиқ бўшатишди. Петров Эшнӣэзни қучиб олиб:

— Қуллуқ бўлсин! Орден! — дегач, тушунди.

Тушунди-ю асирларга қаттиқ кўз тикиб, уларни таний бошлади. Таниб, таниб... Қора косовдек, барваста, қотма, ўтирган еридаёқ тик турган ўртача одамдек келадиған йигитга термилиб қолди.

— Пирман?

Қора Пирман кўзғалиб, этагини қоқди-да, қизил аскарларнинг ўқталган милтиқлари олдидан бемалол ўтиб, Эшнӣэзнинг олдига келди. Қўлини қовуштириб, бошини эгди. Эшнӣэз унга бошдан-оёқ разм солиб, нари кетди. Асирларни айланиб қараркан, четда ётқизиб қўйилган қирқма милтиқлар, қилич ва ханжарларга кўзи тушди. Ниҳоят, Қора Пирманнинг қаршисига ўтди.

Шунда бирдан Петровга:

— От жўнат! — деди. Йигитлар, уч-тўртта от олиб боринглар! Бизнинг жўралар пияда! — Кейин шошилмасдан этиги кўнжидан қамчини чиқарди. Қора Пирман қамчига нигоҳ ташлаб тиз чўқди.

— Эшнӣэз ўлдирсанг, сен ўлди! — деди Пирман. — Бирақ ўрисларга берма мени.

— Ўзим биламан.

— Яна билиб қўй, мен... ўзим асир тушдим. Ишанмасанг, мана бу йигитлардан сўра.

— Булар ҳам сени биринг-да.

— Жўқ, Эшнӣэз. Булар — менинг йигитларим. Раҳ-

монбекнинг гапига кирганда, ҳозир унинг изида бўларди. Менинг гапимга киришди. Шунинг учун шу ерда қолишди... Биз... илгарирақ сенга таслим бўлмакчи эдик.

— Раҳмонбек қўймас эди?

— Хуррамдан кўрқар эдик.

Эшнӣэз Петровга қаради.

— Тушундингми?

— Меники тушунди, — деди Петров. — Но ГПУ билади... Буларни суд қилади.

— Эшитдингми?

— Эшнӣэз сен авф этсанг, мени ўлдиришмайди. Мен айбларимни юваман...

Эшнӣэзга қолса, Қора Пирманни шу ерда отиб ташлар эди. Лекин Бойсунда суд-прокуратура бор... Гейзер ҳам Эшнӣэзга ўзбошимчалик қилмаслики, босмачиларни, хусусан, кўрбошиларнинг тақдирини суд ҳал қилишини бот-бот эслатиб турардики, шунинг учун Эшнӣэз қўлга туширганларини кунда (қайси районга яқин бўлса, ўша районга) милицияга топширарди.

У алланечук ўқсиб:

— Шаҳарга борайлик, — деди. — Лекин сени отувга ҳукм қилса, ўзим отаман.

— Эшнӣэз...

— Эшнӣэз унинг юзига бир тупурди-да:

— Кетамиз! — деди Петровга. — Улар ҳам етиб келади изимиздан...

Ҳар каллада — ҳар хаёл

Боботоғда бир-икки қишлоқ аҳли босмачи тўдаларига ётар жой, от-уловларига ем-ҳашак бераётгани тўғрисида Бойсунга хабар келди. Эшнӣэз беш-олтита сара йигитлари билан чиқиб бориб, қишлоқларнинг гапга етар одамлари билан сўхбатлашди.

— Начора, оқсоқол? Ишонмасангиз, бир кеча ётиб кўринг, — дейишди улар.

Эшнӣэз билардики, бу ерга алоҳида отряд келтириб қўйишнинг ҳам иложи йўқ.

У Бойсунга қайтиб, Гейзерга воқеани баён қилди. Сўнг:

— Менимча, битта йўл бор, — деди. — У қишлоқ одамлари — асли чорвадор. Кўчиб юрадилар... Шунинг учун уларни тоғдан кўчирсак. Беш-тўрт ой бирон жойда яшаб туришса. Унгача босмачиларниям тинчитармидик.

Гейзер ўринбосари Никкель ва вилоят ижроқўми бошлиқлари билан маслаҳатлашди: Эшнӣэзнинг фикри маъқулланди. Тоғдан кўчириладиған одамларга яшаш учун энг қулай жой деб — Шўрчисойнинг бўйини танлашди: у ер Боботоққа ҳам, Бойсунга ҳам яқин.

Кейинги кун Эшнӣэз отрядининг бир қисмини олиб, Боботоққа борди; аҳолини мол-ҳоли, ўтов-капаси билан Шўрчисойга эндира бошлади.

Икки кун орасида сойнинг ул-бул соҳилига 1400 хўжалик келиб жойлашди. Кейин, Эшнӣэз ҳам 70 нафар йигити билан у ерга кўчиб борди.

Бирон ой ўтгач, Бойсундан ижроқўм раисининг муовини — таги кавказлик Зиё Оғаев билан Олим Ўринбой ўғли, ҳамда улар етагида Саидзўр бориб қолишди.

Улар Боботоғда ҳам оқсоқолликлар ўрнида Шўролар бўлажғи, Шўро раислари сайланиши, раисни сайлагич вакилларни эса халқ сайлаши лозимлигини тушунтириш учун келишган экан.

Халқ йиғилгач, Олим Ўринбой ўғли гапириб:

— Узларингга ёққан, иззат қиладиған одамларингни қишлоқ, вилоят Шўроларига вакил, яъни, депутат қилиб

сайлайсизла! — деди. — Лекин, ошна-оғайнигарчилик, уруғчиликка берилманглар. Вакил — халқ номидан иш кўрадиган киши ҳисобланади, вакил ҳаммага бир кўз билан қараши керак!..

— Локин, — деб гапга қўшилди Зиё Оғаев, — ўша вакил оқибат сизларнинг нафингизни кўзламаса, олиб ташлаш мумкинки, бул-да, ўз қўлларингиз-да!

Шундан сўнг тагин бир муҳим масалада гап кетди. Урта Осиё номли бу катта ўлкада қадимдан ёнма-ён яшаб келган ва турли тилда сўзлашадиган халқларни мустақил республика, автоном республика ҳамда автоном областларга бўлиш-ажратиш борасида Бухоро амирлиги яшаб турган чоғлардаёқ, яъни, 1920 йилдаёқ Москвада масала кўтарилган, ниҳоят, Хоразм, Бухоро ва Туркистонда асосан ўзбеклар яшайдиган жойларни бирлаштириб — Ўзбекистон Шўролар жумҳурияти, асосан туркманлар яшайдиган жойларни бириктириб — Туркманистон Шўролар жумҳурияти деб аташ, қозоқлар, қирғизлар ва тожиклар кўпчиликни ташкил этадиган манзилларни — Қозоғистон, Қирғизистон (Қорақирғизистон) ва Қорақалпоғистон автоном областлари ҳамда Тожикистон Автоном республикаси деб юритиш лозимлиги СССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1924 йил 27 октябрда бўлган II сессиясида ҳал этилган эди.

Тожикистон Автоном республикаси гарчи Ўзбекистон жумҳурияти таркибиде бўлса-да, Шарқий Бухоро аталмиш ўлканинг бир қисми — Сурхондарё музофотининг кўп районлари ҳам Тожикистон таркибига кирди дейилган, ҳолбуки, айна ўша районларда асосан ўзбеклар яшар, бу англашилмовчиликни бартараф этиш лозим эди.

— Энди сизларга бир савол, — деди Олим Уринбой ўғли. — Ўзбекистонга ўтасизларми ё Тожикистонда қоласизларми?

Ғала-ғовур бўлиб қолди. Кейин Эшнӣез отрядидан Берди Тоғай ўғли:

— Нимага бундай дейсиз, бобо? — деди.

— Қайдан чиқди бу гап? — деди яна бир йигит.

— Йўқ, Бердибой, — деди Олим Уринбой ўғли, — Юқоридан шунга аниқлаш керак деб юборишган экан. Энди, ажрим қилинглр, деб сўрашяпти биздан.

— Эса, Ўзбекистон бўла берамиз-да. Тўғрисиам шу-да!

Эшнӣез паришон эди.

У азалдан ўз уруғини билар, ўзбеклигини билар, бироқ... миллат нималигини тушунмас, миллатлар алоҳида яшаши кераклиги — унинг учун осмондан тушган гап эди.

Шунда боботоғлик бир тожик йигит савол ташлади:

— Ундай бўлса, биз нима қиламиз?

Зиё Оғаев ўзбеклар кўпчиликни ташкил этган манзилларда тожиклар ҳам азалгидек яшайверишлари ва тожиклар кўпчиликни ташкил этадиган жойларда ўзбеклар ҳам азалгидек яшаб қолаверишларини айтди.

— Ундай бўлса, ҳеч гап жўқ экан-ку, — деди кимдир.

— Хуллас, битта иш қилишга келишдик, — деди Олим Уринбой. — Деновдан — бир вакил, Жарқўрғондан бир вакил, Термиздан, Сарисиедан ҳам биттадан, Бойсундан битта, хуллас, олти вакилни Москвага жўнатамиз. Улар Иттифоқ Ижроқўмининг раиси Калинин бобо билан гаплашишади. Бобо бу масалани ажрим қилиб беради...

— Маъқул.

— Эшнӣез камандир, ўйлаиб турибсиз?

— Э, шу кунгача, ака, аҳилгина яшаб келаятиб эдик. Энди, Шўро шундай қипти... майли. Шўронинг йўли ҳамма вақт тўғри йўл бўлиб чиқаяпти.

— Балли, камандир!

Шунда Берди Тоғай ўғли яна сўради.

— Шу вакиллар қайтиб¹ Маскопга боришади?

— Ҳе, олдин Шерободга борилади. Кейин Бухорога...

— Эса жўллари оқ бўлсин!

Ана шу пайт Эшнӣезнинг отрядидан бир йигит от чоптириб келиб қолди:

— Қуюн ўғри меҳманлардинг отини ҳайдаб кетипти! Халқ ғувиллаб қолди:

— Э, уни ушлаш керак!

— Қуюн опкетган бўлса — кетди.

Шундай ўғри бор эди...

Кураш давом этади

1925 йилнинг январидан июль ойигача.

Боботоғда ҳўл қор ёғиб турганда, Эшнӣез отряди (энди у 2-эскадронни танг қолган пайтларида ёнига оларди) Нурбек ҳамда Холиёр тўқсаболарнинг бирлашган йигитларини ўраб олиб йўқ қилди, қўрбошилар асир олинди. Тоғдан знаётганда, Денов, Шўрчи ва Сарисиеғни дафъатан босқинлари билан қақшатиб юрган Хусанбекни қўшхонасида босди. Қўрбошининг йигитлари ўқ бўшатмай таслим бўлишди.

Босмачилар хийла кичик-кичик тўдаларга бўлина бошлаган, уларнинг асосий иши — ўз қоринлари ғамида — талончилик, йўлтўсарлик, омадлари келмаса — Афғонистонга қочиб ўтиш, бунинг ҳам иложи бўлма-са, қўл кўтариш эди.

Шу тарқоқлик уларнинг умрини кундан кунга қисқартирмоқда эди. Эшнӣез яна ёғин кунни Сарисиеғнинг Зевар қишлоғида Вали камандирни 7 йигити билан, Қўштут қишлоғида Ғойиб камандирни 6 йигити билан қўлга туширди.

(Айрим қўрбошиларни ҳам «камандир» деб аташ Анвар пошо давридан қолган эди).

Регарда Ражаббий, Ҳалқажарда Шойман додҳони 8 йигити билан таслим қилди. Додҳо ўзини ўзи отган экан, йўлда ўлди. Миршодиде Милча тўқсабо қўлга тушди: Денов милициясига жўнатилди.

Тўпаландарё бўйидаги Тамшўй қишлоғида Жомат билан Мамаражаббий тўқсабони навкарлари билан банди қилишди. Шу жангда Берди Тоғай иш кўрсатди: Жомат билан тўқнашганда милтиғи қўлидан тушиб кетди-ю, белбоғига қистириғлик, яхлит тут ёғочидан ўйилган дўмбираси билан уриб отдан йиқитди.

Бойсуннинг Луччак қишлоғидан Шокир қўрбоши билан Сойиб камандирни асир олиб келаётганда, «юз»лар қишлоғи Миршодиде Бобоназарбек қўрбоши 20 қоғли йигити билан Галаўтовда ётгани маълум бўлди. Эшнӣез бандиларни шаҳарга жўнатиб, ўзи Галаўтовга йўл тортди.

Қўрбоши толиққан, бунинг устига ярадор экан. Уй эгасининг хотинлари орасига кириб яширинибди. Йигитлари ура қочиган. Эшнӣез қўрбошини... судраб чиқарди.

Эшнӣезнинг номи босмачилар, қўрбошилар орасида нафақат нафрат, балки азройилдек тилга олинар, шунинг учун айрим қўрбошилар ва тўплар жанг қилмасдан

¹ Қандай қилиб (шева).

таслим бўлишар, гўё у кўриниш бердим — энгилишлари тайиндек эди.

Командирнинг ўзидаям ғалати кайфият пайдо бўлганди: у босмачилар тўлига яқинлашса, энгиши... асир олиши ёки ўлдиришига мутлақо ишонар, ўзигаям ўқ тегиши мумкинлиги хаёлига келмас эди.

Хуллас, босмачиларни йўқ қилиш — Эшнӣёзнинг ҳаёт тарзига айланиб қолган, ҳатто у... фалон кўрбоши пистон жойда ётибди деб эшитса, дафъатан қувониб кетарди: худди емишини топган қашқирдек.

Сурхондарё босмачиларининг бош саркардаси Хурамбекнинг отаси Ҳайиткал кўрбоши (Миршодида қуршовдан бурни қонамай чиқиб кетган устамон) билан Юрчи остонасида яна тўқнашиб қолди. Жанг узоқ давом этди. Эшнӣёз уни тўрт тарафдан ўраб олган ди. Ҳайиткалнинг сара йигитлари қирилди, 11 таси асир тушди. Тагин 15 от, 12 милтиқ, 2 тўппонча, 600 патрон ўлжага қолди. Ҳайиткал жанг майдонидан чиқмади. Охирги ўқи билан ўзини отди. Эшнӣёз унинг жасадини Деновга олиб бориб, милицияга топширди.

Шаҳидлар мазориди

Шўрчи билан Бойсун орасида сувсиз дашт бор. Уни «Кетманнинг ҳовори» дейишади. Беҳад кенг, баҳор сепини ёйиб улгурмай ўтлари қовжираб учиб кетади. Кейин кеч кузгача жануб жазирамасида қизиб ётади: ҳар қадамда сароб. Уни «Ўлим водийси», деб атайдилар ҳам. Илло мешда суви бўлмаган йўловчининг бу даштдан ёз кезлари ўтиб олиши мушуқул. Бу ерда — ҳар уч-тўрт чақиримда қўнқайиб турадиган қора кулба, атрофи тош девор билан ўралган қўра ва ёлғиз капаларда қадим замонлардан ёдгорлик бўлиб қолгандек чорвадорлар яшайди.

Эшнӣёз Денов милициясидан қайтгач, қўшхонада Мирза Бозор билан Қора Пирманни кўрди. Улар отрядни Бойсунга жўнатиб, командирни кутишаётган экан. Жилдилар.

— Кетмандан юрамизми? — деди Пирман Эшнӣёзнинг ҳаракатини кўриб. — Йигитлар ҳам тоғ бағирлаб кетишди.

— Э, бир ўтиб кўрайлик! — деди Эшнӣёз. — Ўқ кўпми? Бўлди-да! Отрядни олдидан кесиб чиқамиз.

Ҳадемай дашт бошланди. Тап-тақир, текис, бўзранг яланглик адоғидаги Қорадара уфққа туташиб кўринар, гоҳо чанг ўрамалари кўзга ташланиб қоларди.

Мирза Бозор ўзи отряд тузмоқчи эканини айтди. — Яхши, — деди Эшнӣёз. — Лекин сени кўнглинг бўшроқда, босмачига раҳминг келса, қайтасан?

— Э, раҳм қолдимми, — деди бўлажак командир. — Тезроқ тинчисак бўлгани.

— Пирман, сен-чи?

— Мен сени йигитинг бўлиб юрсам, бас. Лекин ҳалиям Никелдан кўрқаман. Нуқул кузатади... — Шунда Қора Пирманнинг кўзи тоғ томонга хиёл кўтарилиб борган ўрқачга тушди-да, тикилиб қолди. — Шунинг ортида бир мазор бор.

— Юзларникими?

— Йўқ... — Кейин ўша ёқдан ўтишни таклиф этди: — Кўп босмачининг ўлиги ётипти. Кўзига туғ қадаб қўйишган. Эшнӣёз, менимча, Хўжамшукур тўқсабони ҳам шу ерга кўмишган бўлса керак. Отилгандан кейин...

Эшнӣёз от бошини ўша ёққа бурди. Шунда иккита

гирдибод уларни оппоқ чангга белаб ўтиб кетди. «Хиёл кўтарилган» ўрқачга хийла йўл юрдилар. Кейин баҳор, куз ойларида сув оқадиган тошлоқдан ўтдилар. Тепаликка қиялаб чиқишаркан, Мирза Бозор қамчини кўтариб кўрсатди.

Қўлтиққа ўхшаш сайҳонликда иккита бостирма турар, бўғотига от боғлиқ эди.

Дарҳол милтиқларини қўлга олишди. Кейин Эшнӣёз отдан сакраб тушди-да, энкайиб хашалак-тикан панасига борди. Тикан орасидан қаради. Бостирманинг тоғ тарафида талай оқ яловлар «сўлжайиб» турар, бир тош қабр бошида учта саллали киши тиз чўкиб ўтирарди. Эшнӣёз милтиғини чўзиб, бирини кўзлади ва Мирза Бозорга: «Ҳайданглар!» дегандай чап қўлини силкитди-да, тепкини босди.

Ўқ овози жаранглаши билан Қора Пирманнинг: «Ҳай-хай! Қув-қув!» деган ёввойи қийқириғи янграб кетди.

Қабр бошида тиз чўкиб ўтирганлардан бири мук тушиб қолди. Иккинчиси тура солиб, уй орқасига ўтди. Учинчиси эса ўтирган жойида қолаверди.

Эшнӣёз отини тутиб миниб, елиб борганида, уй ортига ўтган йигит ҳам гўнг устида ётар, тиз чўккан йигит ҳамон ўша алфозда ўтирар, Пирман билан Мирза Бозор унинг икки тарафидан милтиқ ўқталган эди.

— Хў, уккағар-е! — деди Эшнӣёз. — Тур энди!

— Бир нарса қип қўйган чоғи, — деди Мирза Бозор. Пирман кимсанинг олдига ўтиб, юзига боқди-да, шу захоти милтиқни тўғрилади.

— Отма! Отма! — деди Эшнӣёз. — Энди, унинг нимасини отасан?

— Э, бу Салом тўқсабо-ку?! Эшнӣёз Робияни Қора Пирман ўғирлаб кетганда, Саломбек олиб келганини эслади...

— Барибир, — дея отдан тушди.

Салом ўрнидан турди.

— Ассалом алайкум, Эшнӣяз.

— Алекум, — деди Эшнӣёз. — Киминг ётипти бу ерда?

— Ҳеч кимим. Ўтаётиб тушиб эдим... — У юзтубан ётган шеригига қараб олди. — Мозор тортган экан-да. — Йигитларинг қани? Бори шумиди?

— Ҳа. Хуррам яна бермакчи. Лекин мен...

— Гапир! — Эшнӣёз Мирза Бозорга «Тинтув қил», дегандай им қокди.

Саломбек унинг ишорасини англаб, қўйнидан иккита тўппонча чиқариб ташлади.

— Хўш?

— Авғонга ўтмакчиман.

— Э, бунинг гапи ўтирик! — деди Қора Пирман. — Буни ўлдир, Эшнӣяз!

Салом унга нафрат билан қараб қўйди.

— Эса мен намозимни ўқиб олай.

Эшнӣёз тисланиб, нари кетди. Пирман тўппончаларни олди. Кейин кўрбошини силкитиб, пичоғини суғурди. Биқинига тирамоқчи бўлди-ю, жағлари бўртиб, мурдани титкилашга тушди.

Мирза Бозор Эшнӣёзнинг қошига келди.

— Хўп иш бўлди-да, Эшнӣёз... Никел хурсанд бўлади. Шуни менга бер, жўра. Ўзим топширай... А?

Эшнӣёз миқ этмай, мазорга оралади. Туғ, туғ. Сойдан келтириб босилган тош уюмлари, тупроқ уюмлари. Оқ яловларнинг ранги ўнгиб ёнишга маҳтал бўлиб қолган. Ялов боғлиқ чўпларнинг пўстлоғи қапчиб кетган. Унда-бунда чий-чий этаётган тўрғайлар бу ерда тирик жон яшамаслигини таъкидлаётгандек. Атроф сокин, лоқайд.

Салом жойнамоз қилган белбоғини қоқиб ўрнидан

турганда, бостирма олдидаги отларни айланиб, эгар ва юганларини ушлаб кўраётган Қора Пирман чопиб келди.

— Эшнияз, бу билан гаплашма!

— Э, нари тур,— деди Эшниеъ.— Тўқсабо, бу йигит қандай? Пирманни айтаман.

— Сенга дўст бўлмайди,— деди Салом тўқсабо.— Хўп десанг, қабримниям қазай... Ё опкетасанми?

Эшниеъ хўрсинди.

— Биласан,— деди.— Сендан қарзим бор... Лекин,— у баттар бўғилиб кетди.— Авғондан қайтиб келмайсан!.. Қорангни кўрмайин ҳеч! Ҳалиям «отаман!» деб онт ичган эдим... Тислан! — деб бақириб юборди.— Нарироқ!

Саломбек тентираб чекинди. Бир уюм тош устига чиқиб қолди. Эшниеъ милтиқ тепкисини қачон кўтарди, қачон босди — гувиллаган товуш варанглаб, ўқ кўрбошининг боши узра ўтиб кетди. Эшниеъ милтиқни елкасига илди.

— Отини елтириб бер! Пирман, сенга айтяпман!

— Бу, бу...

— Бу билан ҳисоб-китобимиз тенг бўлди...— Сўнг ўйланиб кўшимча қилди: — Кўрамиз деб эдинг, шекилли?

Саломда ранг йўқ, ўқ егану қимирласа — йиқиладигандек қотиб турарди.

— Эш-нияз,— деди ниҳоят.— Бу нима қилганинг?

— «Отаман!» деб эдим... Отдим.— Кейин пишқириб бақирди.— Кетамиз, Мирза!

— Ахир...

— Э, бачкана бўлма!

Ўлган йигитнинг отини эгарга матаб, олинган ўлжаларни хуржунларга солиб, сойдан ўтдилар. Бора-бора тоғ томонга бурилиб кетдилар.

Салом кўрбоши ҳамон тош уюми устида кўриқчидек қотиб турар, ёнидаги от тош оралиқларидан чиқиб қақшаб ётган янтоқларни кавшаб ер, сувлиғи шиқирлар, тўрғайлар ҳамон чийиллашар эди.

Саломбек шошилиб пастга тушди-ю, мурдага қараб қолди.

Кейин бостирма ортидаги ўликни ҳам кўриб келдида, буни судраб борди. Қий тўдасини бармоқлари билан кавлаб оча бошлади. Сўнг бостирмага кириб, сопи тушиб кетган ўроқ топиб чиқди. Мурдаларни бир амаллаб кўмгач, жаноза ўқида-да, белбоғидан бир парча йиртиб, бир чўпга боғлади.

Уни гўнг устига қадаб кўйгач, отини миниб сойга тушди.

...Шу йилнинг охирида содир бўлган воқеа 1926 йил 11 январь куни Туркистон Сиесий Бошқармасининг ҳафталик газетаси «Красная звезда»да босилди:

«Салом кўрбошининг куни битди!»

«Салом кўрбоши... Шўро ҳукуматини ёқлаган ёхуд босмачиларга ён босмаган кишиларни саралаб ўтирмай ўлдирди.

Бойсун атрофидаги қишлоқларни талаб, ўлжаларини Деновга (Хуррамбекка) юбориб турган бу йиртқич Ўзбекистон комсомолининг ташкилотчиларидан бири ўртоқ Набиевни ҳам ўлдирди...

30 декабрда Салом Янгибозор районида... Минглаб кўрбошиларни жаҳаннамга жўнатган Эшниеъ етиб келди... Тўқсабо, унинг ёрдамчиси, Эргаш тўқсабо ва 3 йигит ўлдирилади. 3 милтиқ, 2 тўппонча, 3 от, 15 пуд гуруч ўлжа олинади...

Шўро ҳукуматининг ашаддий душмани Салом кўрбошининг калласи Денов шаҳрида гулханда ёндирилади».

Қуюн тутқич бермади

Чори Қуюн «от ўғриси» деб ном чиқарган, лекин уни «ўғри» деб ёқасидан бўғиш ҳам қийин эди. Қуюн бугун Душанбе мол бозорида кўринса, эртаси уни Мозори Шарифнинг мол бозорига учратиш мумкин эди: бу томоннинг отини Афғонистонга, афғонларнинг отини бу томонга ўтказиб сотар эди. Узи мирзатеракдай узун кўса йигит, отни яланғоч миниб юрарди.

Бухоро амирлиги Шўро ҳукумати кўлига ўтгандан кейин Қуюннинг Афғонистонга ўтиб-қайтиши қийинлашган, шунинг учун ўғирлаган отларини шу юртда пуллашга мажбур, бунинг учун эса харидорлар ҳам пайдо бўлган, улар — кўрбошилар эдики, гоҳо Қуюн ана шу босмачиларга ҳам хиёнат қилар, уларнинг-да, отларини ҳайдаб қочар, аллақайларга, масалан, Қашқадарё вилоятларига ўтиб, пуллар эди.

Мисол учун, Чори Қуюн бундан икки йил муқаддам Утанбекнинг йигитлари сафига «босмачи» бўлиб кўшилган, бир ҳафтадан кейин эса кўрбошининг 6 та сара арғумоғини опқочиб кетган, яқиндагина Мирза Бозорнинг кўнгилли-мусулмон отрядига кўшилган ва сал кунда унинг ҳам 8 бош йилқиси билан йўқолган эди.

Ундан Бойсун ижроқўмининг катталари ҳам қақшаб қолгандан кейин, Дарбанд гарнизонидан яна 15 отни ҳайдаб кетибди.

...Эшниеъ командир 15 нафар йигитини олиб йўлга тушди. Дарбанддан ўтиб, Сувсизтоққа ўрлади. Аламли қишлоғига кўниб, чўпонлардан гап сўрагани, Чўтбой исмли йигит Қуюнни ўтган оқшоом бир гала йилқини ҳайдаб, Жаркамар томонга ўтиб кетганини айтди.

У ерда Қуюннинг капаси, хотини билан ўғли бор экан.

Эшниеъ отрядни учга бўлди: бири Аламлида қолади, иккинчиси Оқрабат йўлига тушади, учинчиси — (ўзи бошлиқ) Сувсизтоғнинг чўққисига чиқади — Жаркамар ўша ерда.

Эшниеъ бир-икки ўрқачдан ошгач, Жаркамарни тусмоллаб, қаёқдан чиқишни мўлжаллади-да, беш кишилик отрядни сочиб, яъни, ёлғиз суворийларга айлантириб йўл тортиди.

Қиррага чиққач, отдан тушиб, Жаркамарга қаради: дурбинни кўзига тутиши ҳамон қорамтир тутун буриқсиётганини кўрди. Кейин камар пастидидаги бир парча қамишзор яқинида (у ерда булоқ бўлиши керак) тушовлаб кўйилган яланғоч отларни кўзи илди. Кейин аста изига қайтди.

Эшниеъ эҳтиёткорлик билан камар атрофини ўраб олиш мақсадида отряд аъзоларига йўл кўрсатиб жи-ларкан, отларнинг туёғи тагидан тош кўчарди.

Командир бундан ғазабланар, сўкина, айни чоғда шошилар эди: тезроқ камарга етишлари керак. Агар Қуюн сезиб қолиб, биронта отга миниб қочса, қутулиб кетиши мумкин: у минадиган от, албатта, совуган бўлади.

Алқисса, шундай бўлди: камарга икки юз қадамлар қолганда, тутун ичидан елиб чиққан бир йигит қамишзорга тушди-да, бир бўз отнинг тушовини ечиб, сакраб минди.

— Ҳайданглар! — деди Эшниеъ.

Қуюн жарлик тубига етди-ю, ғойиб бўлди: унинг жар ичидан Деҳқонобод томонга кетганига шубҳа йўқ эди.

Эшниеъ Қуюннинг олдидан Оқрабат отряди чиқишига ишониб, бемалол изидан тушди. Жарлик гумбирлар, ёввойи каптарлар учар эди: Эшниеъ: «Бўлган иш бўлди», деб бир-икки марта ўқ бўшатди. Деҳқонобод даҳасига рўпара бўлганда, у томондан ҳам милтиқлар отилди. Салдан кейин Қуюннинг чап томондаги тизмага ўр-



Расмни Х. Лутфуллаев ишлаган

лаб бораётгани кўринди: ошувнинг орқаси — Туркма-нистон эди.

Эшнӣез отрядни орқага қайтарди. Тагин жарликдан елиб, тоғ орқасига ўтишди, Қуюн тоғнинг тик чўққисига чиқиб бораётган экан.

Унинг қўлга тушиши аниқ эди: Қуюннинг қочиб қутуладиган жойи қолмади.

Шунда рўпарадаги тизмаларда ҳам отлиқлар кўринди ва Эшнӣез бу тик қиррага чиққунча отлар ёрилиб ўлишига ишониб, тагин ортга қайтишни маъқул кўрди.

Бироқ икки йигитни шу ерда, тагин бирини бурилишда қолдириб, ўзи бир шериги билан яна Жаркамарга тирмашди.

Ажабо! Бир кимса пиёдалаб камарга чиқиб боряпти!

У Жаркамарга етганда тўхтади-да, Сувсизтоғнинг жанубига қараб қочди: Эшнӣез қолдирган биринчи отрядга йўлиққан эди.

Эшнӣез унинг йўлини кесиб чиқа бошлади. Қуюн қоча-қоча бир-икки ерда дам олди. Бир маҳал Эшнӣез билан шеригининг шундай рўпарасидан чиқиб қолди-ю, энди баланд Етимчўққига тирмашди.

Эшнӣез ҳам отдан тушиб, милтиқни ўнглаганча югура кетди. Югураркан, Қуюнни тутиб келиш буюрилмаганда битта ўқ билан нариги дунёга юборишини ўйлар эди. Туйқус Мирза Бозорнинг алп йигитлар ўлиб кетаётгани ҳақидаги гапини эслаб қолди-ю: «Тавба, «Буям зўр йигит-а! Кийик-а!» деди.

Кейин бақирганини билмай қолди:

— Қуюн, тўхта! Отмайман!

Қуюн тўхтади. Кейин шимолга, кейин жанубга, кейин яна аллақаёқларга қаради ва:

— Энангди...— деб сўкинди.— Сениям, қизилларниям, босмачиларниям эналарингди...

Кейин бемалол юриб, чўққига кўтарилди. Шимолдаги отряд ҳам, Оқрабат отряди ҳам яқинлашиб тўхташди ва йигитлар отлардан тушиб, милтиқларни ўнглаб бу томонга югуришди.

Эшнӣез ғалати бўлиб кетган эди.

— Аҳмақсан! — деди.

Чори Қуюн кулди-да, харсангдан нариёққа ўтди. Булар чўққига чиқиб борганда, у йўқ... пастликда оқиш бир нарса чўзилиб ётарди.

Шўро одамлари ва Саидзўр

Кўрғон. Ҳовуз супасида Бойсун вилоят ижрокўми раисининг муовини Зиё Оғаев билан «Кўшчи ширкати»нинг раиси Олим Уринбой ўғли босиб-босиб кўк чой ичишар, барибир кун иссиқлигидан унинг тафтини қайтариб бўлмас эди.

— Дуобага етиш бирлигида кенгаш ўтказинг, албатта,— деди Зиё Оғаев.— Саидзўр ўз кишингиз... Аммо уни шарманда этмаслик — ерли халқ орасинда Шўронинг обрўсига путур етишига олиб келади.

— Мен унинг бурнини ерга ишқайман! — деди Олим Уринбой.— Мен унга Шўро ақчасини ўзлаштириш қандай бўлувини кўрсатиб қўяман, ўртоқ Оғаев! Халққа бир мириям бермапми?

— Ярим мири ҳам!

Қизил аскарларни озиқ-овқат билан таъминлашда озуқачилар халқдан ниманки олсалар, ҳақиқа (бошдаёқ) нақд пул ёки газмол-чит обориб беришар, бу нарсалар бўлмаганда, ҳукумат номидан тилхат қолдиришар эди.

Эндиликда нақд пул тўлаш расм бўлган, Дуоба Шўросининг раиси Саидзўр Бойсундан ажратилган пулни қишлоқ одамларига бермаган, шу боис Дуобадан шикоят тушган эди.

— Ул ярамас амирлик давридаям оқсоқоллик қилган,— давом этди Уринбой.— Солиқларни мўл-кўл солиб, тенг ярмини кармонига уриб қолган...

— Шуни билар экансиз, уни Шўро раислигига тавсия этмаслигингиз керак эди-да, биродар.

— Э, ўзи... ўзи ўлгур жуда одамжон-да, Зиё ака. Амир-амалдорларнинг кўнглини овлаб, меҳмоннавозликдаям жуда уста бўлиб кетган. Агар сиз ҳам борсангиз, кўрардингиз. Жонини аямайди...— Кейин ўйчан хўрсинди.— Қон кечиб юрибмиз. Ҳар қадамда босмачи... Ҳар қалай тинчидиг-у, лекин ҳануз ҳузур қилиб бир емак еганимиз ҳам йўқ. Мана, ўтиришимиз бу, — бўйрага тўшалган сурп дастурхонга ишора қилди.— Дуобага борганмисиз?

— Йўқ.

— Э, ака! Борсак-чи, а? Бир кунга... Дам олиб келардингиз. Соилар бўйида. У ёқда ёздаям булбул бўлади. Дутор чертишиб дегандай... А, Зиё ака?

Зиё Оғаев Гейзер сингари бу юртдан кетажанини билар, бунинг устига, Бойсундек тоғли жойнинг ёз чилласида қизиб кетишини тасаввур қилмаган, бу жойларни Кавказ... ёзлари билан қиёслаб бўлмас эди.

Зиё Оғаев кулимсиради.

— Кавказдан ҳам зўрми?

— Бе, Кавказ... Энди уёқлар ҳам чиройлидир-у, бу тоғ қишлоқлари бошқача-да! Қирқ аскар отилганда, Олачопонда эдим-у, шунда айтиб эдим Саидзўр, «бир келамиз», деб.

— Тагин ўша одамникига борамизми?

— Нера?

— Агар...

— Четда, энг хилват жойда қапа тиктирамиз! Чайлаям бўлади. Ҳозир у томонлар тинч. Босмачи — Боботоғда, Эшнӣез буёққа ўтказмайди...

Зиё Оғаев Никкель хонасига кирди. У ГПУ бошлиғи этиб тайинланган, Бойсун Шўро ҳукумати аъзоларига тегишли маълумотлар билан астойдил танишмоқда эди.

Зиё Оғаевдан Дуобага Олим Уринбой билан «бирга бориш» ҳақида эшитиб, унга тикилиб қолди. Кейин ўйланиб, ўша Саидзўрнинг уйини ҳам тинтув қилиш, ортиқча молларини Бойсунга жўнатишни тайинлаб, унга ўхшаш эски амир амалдорларининг рўйхатини олиб келишни ҳам буюрди.

Гейзер кетгач, Бойсун вилоятидаги жами маҳкамалар — ижрокўму фирқўму ташкил этилаётган комсомол шўбалари ҳам беихтиёр Никкелга бўйсунарди. Тўғри, улар Шўро номидан иш кўришарди. Аммо Никкель уларнинг ўзларини назорат қилар, шу билан бирга қаматишу озод қилиш тадбирлари ҳам унинг қўлида ва шуниси қизиқ эдики, районда милиция маҳкамаси, тергов бўлинмалари бўлган ҳолда, кўпинча асир тушган кўрбошилари ГПУ бошлиғи сўроқ қилар эди.

Дуоба билан Бойсун орасидаги масофа йигирма чақиримлар келади. Аммо йўл — тоғ йўли, нотекислиги учун энг чайир отлар ҳам ярим кунда аранг етиб борарди.

Алқисса, Зиё Оғаев билан Олим Уринбой ўғли кейинги кунни тонг маҳали йўлга чиқишди. Пешинда тошқин Дуобасойдан ўтдилар. Қорасувоқ уйлар томи, девор бошилари хотин-халаж, бола-бақрага тўлиб кетган, улар шапка кийган, белларига тўппонча осган, чарм камзулли отлиқларга ҳайрат ва қўрқув билан қарашарди.

Эски масжидга етишганда, кулбалар орасидан — жинкўчадан чиқиб келган Саидзўр отларнинг жиловидан ушлади.

— Худо урсин, кўзим учиб турган эди, Олимбой ака!

— Ҳозир халқни йиғинг. Гап бор! — деди Зиё Оғаев.
— Шикоят хусусидами? — сўради Саидзўр.— Майли, майли сўрашингиз мумкин... Лекин мен аллақачон халқни рози қилганман, тақсир!

— Бари бир!

— Эса оқшом йиғамиз-да. Ҳозир эркаклар ишда, Олимбой ака.

— Бўлмаса бир салқин жойга торт. Андак ҳордиқ олайлик,— деди Олим Уринбой ўғли.

— Жой тайёр-да! Сизлар сойга энавиринглар. Мен буюқдан тушиб бораман.

Мол тапписи, туёқ излари қолган сўқмоқдан пастга туша бошладилар. Тушган сари этакдаги сойнинг шовқини кучаяр, салқини келиб урилар, ўнгу сўлда баҳайбат ўриклар ажриқзорга кўланка ташлаб турар, ондасонда ўтроқ қарғаларнинг «қувқ-қувқ» этган товуши келарди.

Ёввойи йўнғичқазорга етганда, каттакон ёнғоқ остида қора ўтов кўринди. Унинг эшиги йўқ, атрофида ўтўлан ғовлаб кетган эди. Булар ўзларига йўл очиб, ўтов олдига бордилар ва Олимбой отдан сакраб тушди.

— Келдик, Зиё оға!

Оғаев ҳам отдан тушди.

Олим Уринбой арғумоқларнинг айилини бўшатиб қўйиб юборди-да, ўйноқлаб ўтовга кирди. Еридан ҳам ўтўлан ўсган, кун тегмаганидан зах ва ўтларнинг ранги сарғиш эди.

Бирпасдан кейин Саидзўр икки йигитга кўрпа-тўшак, шолча-ёстиқ кўтартириб тушди. Сўнг уларни қайтариб юбориб, ўзи ёнғоқ тагига жой солди.

— Дидингиз баланд-да, Олимбой ака! Шу ерни топасизми, деб эдим.

Булар сойга тушиб, ювиниб чиққанда, дастурхон ёзилган эди: тизим-тизим писта мағзи, ёнғоқ мағзи; қўш патир-нон, бир чинни товоқда илитма-қувурдоқ ва иккита мешда тагин нимадир бор, нимкосалар тизиб қўйилганди.

— Оғалар, бу — қўлбола мусаллас,— деди Саидзўр.— Одамнинг чанқоғини босади, чарчоғини олади, кайфини кўтаради. Чой келгунча бир-бир пиёладан ичиб турунглар.

Олим Уринбой ўғли Зиё Оғаевга тушунтирди:

— Бизнинг Бойсунда мусаллас қилишни билмайди одамлар. Бу ерда, мана, билишади. Кузакда ясаб, шундай мешларга солиб, ток тагига кўмиб қўйишади...

Ярим-ярим нимкосадан ичишгач, қовурдоққа «ташландилар». Тагин нўш этдилар... Қарабсизки, кўзлари сузила бошлади.

Олим Уринбой Саидзўрни ёнига чақирди.

— Биз мизғиб олсак. Яна... ниманг бор? — деди.

— Қўй сўйилпти. Дутор келади ҳозир... Лекин қўшиқчини қўшмасак... Узим айтиб бераман!

Олим Уринбой унинг манглайдан ўпди.

— Яна ниманг бор?

— Нима... қилай?

— Шошма! — Олим Уринбой ўғли билдики, ҳозир ухлашса, ланж бўлиб уйғонишади. Кейин кайфиятни кўтариш учун тагин ичиш лозим бўлади. Унгача кеч кириб қолса... — Йиғинни эртага ўтказамиз,— деб шивирлади-да, бирдан кўзғалиб, унинг қўлтиғидан олди. Ёнғоқ панасига тортди.— Уйинг куяди, жўра,— деди.— Никкель буюрди: уйингни обиска қиламиз. Молингнинг ярми Шўрога ўтади.

— Менда молнинг ўзи бўлмаса-чи?

— Узинг қайси молдан камсан?

— Ҳе-ҳе-ҳе.

— Ке, сен ҳам бир коса ич! Яна гап бор...

Саидзўр ҳам ичди-ю, шерга айлана бошлади. Гап

орасида ўзидан шикоят қилганларни сўкар, уларга ҳали «кўрсатиб қўйишини» айтар, энди Зиё Оғаев ҳам, Олим Уринбой ўғли ҳам унинг гапларидан кулишар эди.

Дутор келди. Тагин қовурма... Янги меш ҳам очилди... Қарабсизки, айнидилар: нуқул хотин-қизлар ҳақида гап кетар, Зиё Оғаев ҳам силкиниб-силкиниб куларди.

Кейин Олим Уринбой ўғли Зиё Оғаевнинг Бойсунда хотинсиз яшаётгани, чамаси, қийналиб кетганини айтдию Саидзўр мешга тикилиб қолди. Кейин:

— Эсим борида айтиб қўяй,— деди.— Ҳе, Шўрчисой эсларингдами? Шуни ўйлаб, иккита от боқиб қўйганман. Миниб кетасизлар! — Э, мен сизлардан жонимни аямайман. Сизлар бўлса, халқни йиғиб... Халқ нима! Ундан кўра... — У бирдан Олим Уринбойнинг билэгидан ушлади.— Баққа келинг! Мениям сизга айтадиган гапим бор! — Ёнғоқ панасига ўтишгач, Саидзўр шивирлади: — Қиз керакми?

— Э, э! — деди Олим Уринбой ўғли.— Уят бўлар-э, ундай дема.

— Нимаси уят? Йигитчилик ахир... Нима, Шўронинг одами одам эмасми? — Кейин яна ўйлаиб қолди.— Ака, уни кўндириг... Йўқ! Сиз қулоқ солинг-да! Агар шу иш бўлса, у одам... — У «ака»га тикилди.— Сиз ўзимники. У — бегона...

— Унинг оғзини боғламоқчисан? Шундай-да? — деди Олим Уринбой.— Маккор одамсан...

Эшнӣэзнинг жазоси

Эшнӣэз желлагини¹ ечган ҳам эди, уни чақириб келишди. Командир ўтовдан мўралади: афтини соқол босган бир чол билан ўсмир турибди.

— Кенгизлар.

Чол эшаги нўхтасини болага ушлатиб, энкайиб келди. Эшнӣэзнинг қўлини тавоф қилиб:

— Бегим, арза келдик,— деди ва турган ерида етимчадек чўнқайиб, кўзига ёш олди.— Зиё Оға билан Олим Уринбой ўғли Дуобага бориб... Айтгин-чи, бегим, бек амалдори билан Шўронинг каттаси ўртасида фарқ борми?

— Э, ундай гапни қўйинг, ота! — деди Эшнӣэз.— Уйга кириглар.

— Кетамиз.

— Хўш?

— Биз сенга ишонамиз. Сендан бошқага... Ана шу катталар Дуобага бориб эди. Саидзўр меҳмон қилди. Йигитларнинг айтишича, кейин шароб ичирипти... Кейин жудаям ямон иш бўлди...

— Хўш?

— Саидзўр иккита... келинчагимизни қўшипти.

— А?!

— Ҳа. Саидзўр ҳожи бўлсаям... нокас банда. Амир замонида бизни расо куйдирган. Бухорога пақат сулув қизларимизни тортиқ қилган. Хулласи, у бизнинг қишлоқларга бамисоли бек эди... Мана яна Шўро раиси бўлди. Олим Уринбой тайинлаб кетиб эди... Биз сайламаган, йўқ.

— Саидзўр ҳайдалади! — деди Эшнӣэз. «Қўшди»

¹ Узун яхтак (шева).

деясизми? Ота, Шўро одамига тухмат қилганлар жазо олади. Шўро одамига фақат босмачи душманлик қилади. Агар шу гапингиз ёлғон бўлса, сизни аямайман. Соқол эчкидаям бор...

— Тепамда худо бор, бегим.

Эшнӣёз чолга ишонди.

Чолнинг командирга арз қилиб келиши бежиз эмас: Эшнӣёз халқнинг ҳимоячиси бўлиб танилган, унинг сўзю ҳаракатида янги ҳукумат кўринарди.

Кўшбулоқдаги кичик отрядини олиб, Дуобага етиб борди. Халқ масжид айвонида ғуж бўлиб турар, чамаси, Эшнӣёзнинг келишига кўз тутар эди.

Шунда масжид эшиги очилиб кетди: Саидзўр каловланиб чиқиб, Эшнӣёзнинг оёғига йиқилди.

— Оғажон, мени мажбур қилишди!.. Ичиб олишиб... Йўғасам ўзим Шўронинг оқсоқоли бўла туриб шу ишни қиламанми?

Олим Уринбой билан Зиё Оғаев бугун вақтли туриб, Бойсунга жўнаб қолганидан кейин халқ Эшнӣёз командирга арзга боришини айтиб, оқсоқолнинг уйини қамал қилган, Саидзўр бошига тушажак фалокатни англаган эди: атрофидаги ҳар бир киши каби унга ҳам Эшнӣёзнинг феъли-хўйи маълум: чунончи, ҳаромзодаликдан минг чақирим нарида юрар, ундайларга нафрати чексиз, бирон-бир нокасни чумолидек товонида эзгилаб ташлаши эса ҳеч гапмасди.

Алқисса, халқ командирга одам жўнатгач, Саидзўр масжидга келиб яширинганди.

Эшнӣёз Саидзўрга қарамай:

— Эй, Дўғабая эли! — деб бақирди. — Бу одам нима жазога лойиқ?

— Кетсин! Қишлоқдан кетсин!

Кейин ўша келинчақларнинг яқинлари чувиллаб қолишди:

— Оқсоқолнинг кайвониси алдаб опкелган... Менинг келиним ўзини жарга ташламоқчи экан, ушлаб қолдик... Мени опам сойга ташлади ўзини...

Эшнӣёз тушунди: Саидзўрга ҳозир жазо берилмаса, ўзи бебурд бўлиши, халқнинг назарида эса Шўро ҳукуматининг обрўси тушади: ҳозироқ Шўро одами билан бек амалдорининг фарқини сўрашапти...

— Эса, жазо берамиз! — деди Эшнӣёз. — Бир қоп олиб келинлар!

Саидзўр қотиб қолди: илгари эрига хиёнат қилган аёлни қопга солиб, қоп ичига яна бир-икки мушукни тиқиб, талатишар эди...

— Эшнӣёз, дардингни олай... ундай қилма! — деди Саидзўр. — Икки тулпорим бор, шуларни ол... Қорамолларимни... ГПУ бошлиғи оқсоқолнинг уйини тинтув қинлар деган экан. У ҳаромилар қочиб кетишди...

— Тезроқ! — деб ҳайқирди Эшнӣёз. — Шўро ҳукуматининг обрўсини тўкмоқчи бўлганлар — бизга душман!.. Бу ипос беклик давридаям кўп ҳаром ишлар қилган! Сизлар бошқа оқсоқол сайлаб оласизлар!.. Қани, буни қопга тиқинлар!

Саидзўрни ҳаш-паш дегунча эгиб, қўлларини қайриб, қопга тиқишди.

— Қопнинг оғзини боғланлар!

— Илойи Шўро сени есин...

Қопнинг оғзи боғланди.

— Сойга!

Қопни судраб-думалатиб сув бўйига тушдилар. Тоғда қор эриган, сой пишқириб оқар эди. Эшнӣёз ирмоқларнинг қўшилиб тушаётган жойига имо қилди. Дарё номи ҳам икки ирмоқдан олинган эди: Дуоба. Сувлар тўкилаётган жой — чуқур, оппоқ кўликка тўла эди. Қоп дарҳол чўкиб кетди. Кейин бир қалқиб чиқиб, яна чўкди.

Халқ безрайиб қараб турар, булар... қон кўриб, ўлим кўриб ўрганиб кетган одамлар эди.

Эшнӣёз жўнай туриб, буларга ҳам бир оз таъна қилди:

— Анграйиб юрманглар энди!.. Шўро сизларнинг нафингизни кўзлайди! Шўро йўлини бузган оқсоқол ҳам — душман! Қадларингни кўтариб юринглар!

Сўнгра отряд билан тўғри Бойсунга эниб кетди.

Бойсунда

Эшнӣёз бозорга бурилди-да, дарвоза оғзида отни тўхтатиб:

— Эй, Бойсун эли! — деб чақирди. — Бери кенглар! Сизларга айтадиган гапим бор! — Расталар, қаппонлар бирпасда бўшаб қолди: бозорчилар ёпирилиб, Эшнӣёзни ўраб олишди. Эшнӣёз Дуобадаги воқеани айта бошлади... — Энди ортимдан юринглар! Кўрғонга борамиз! Шўронинг катталари билан гаплашамиз! Гейзер бобо кетган бўлса, ўрнида Никкель бобо қолган! Шўро йўлини бузганларга ўзи жазо берсин!..

Олим Уринбой ўғли озиқ-овқат кўмитасининг бошлиғи бўлиб турганда, Қурбон деган ошнасининг ўғли Шодибойни бозорга «потинчи» (паттачи) қилиб қўйган, Шоди валинеъмати ҳақидаги гапнинг учи чиқиши ҳамон малла биясини миниб, кўрғонга елиб кетган эди.

Баланд дарвоза қошидаги соқчилар уни қўйворишди. Шодибой Зиё Оғаевнинг хонасига югурди.

Олим Уринбой ўғли Оғаевнинг олдида келган, шу топда улар ўз ташвишларини унутиб, Суюн Пинхосбойнинг бир заргарга тилла бериб ёмби қилдираётганида ГПУ одамлари босгани, Суюн Пинхос тиллаларидан тониб йиғлаганини айтиб кулишар эди.

Шоди паттачи Эшнӣёзнинг бозорда айтган гапларининг ўндан бирини оғзидан чиқармай — фожеа англашилди ва икки «катта» ҳам ўринларидан туриб кетишди.

— Шодибой, бу яхшилигингни унутмайман, — деди Олим Уринбой ўғли. У чиққач, Оғаевга анқайди. — Нима қиламиз, ака?

— Қочинг! Кўринмай туринг. Мен Никкель билан гаплашаман, — деди Зиё Оғаев.

Никкель воқеани билиб, шишадек кўзларини Зиё Оғаевга тикди.

— Уша иш... бўлган-а?

— Э, ўртоқ Никкель, наҳот мен ҳақимда шундай ўйлаш мумкин бўлса? Узи, Дуоба халқ оқсоқолдан безор бўлган экан. Сабаби маълум-ку?.. Биз Саидзўрни сўроқ қилаётганда, улар пойлаб туришган эди. Чамаси, «Буларнинг тили бир», деб ўйлашди улар. Эски одамлар-да! Шунинг учун Эшнӣёзга одам юборишган бўлса керак. Эшнӣёз ҳовлиқма, кўзи қонга тўлган киши... Буни қаранг-а!

— Биринчидан, сизлар топшириқни бажармасдан келдинглар, — деди ГПУ бошлиғи. — Маишат қилиб қайтганларингга ишонаман. Бунақа нарсаларга Олимбойнинг суяги йўқ.

— Ана, Олимдан сўранг, эркаклари узоқ тоғ қўлтиқларига кетишган экан. Уримга...

— Оқсоқолнинг халққа ҳақ берганиям номаълум?

— Узи айтди! Ёнидаги кишилар тасдиқлади... Хотинхалаж бўлса, биздан уялиб чиқишмади...

— Ўртоқ Оғаев, ёлғон гапиряпсан.

— Ана, холос!

— Мен ҳозир Эшнӣёз билан гаплашаман. У билан ўша қишлоқ одамларидан ҳам келишганига шубҳам йўқ... — Шу пайт ташқарида ғала-ғовур бўла бошлади. Никкель ёғоч панжара орасидан қаради. — Ана, киришапти...

— Уртоқ Никкель...
 — Уларнинг олдига чиқамиз! Олим Уринбоев қани?
 Боя кабинетинга кирганди.
 — Уртоқ Никкель...
 — Ҳа.
 — Майли, отиб ташласангиз ҳам розиман. Лекин ҳозир...
 — Демак, ўша иш бўлган?
 — Энди...
 — «Энди», дўстим, менинг ҳам бир гапим бор... Биламан, биламан. Тур ўрнингдан... Суюн Пинхос заргарга тилла берганидан тонаяпти-я? Балли... Заргар нега тонмаяпти?
 — Тушунолмадим?
 — Уям тониши керак.
 — Қандай?
 — У бергани йўқ, биз олганимиз йўқ...
 — Ҳа-ҳа!
 — Кейин Олимбойга айтинг, заргарни тинчитсин! Бўлмаса ҳозир...
 — Бўлди, бўлди. Тамом!
 — Бу — бошқа гап! Биз шу тариқа заргарниям қўлга оламиз: у биздан тили қисик бўлиб қолади. Бу эса, зарур: заргарларда бойлик кўп...
 — Тушундим.
 — Суюн Пинхосгаям айтсин: у кўнглини хотиржам қилсин... Кейин, вақти келганда, униям...
 Никкель Зиё Оғаевни орқа эшикдан чиқариб юбориб, ўзи шапкасини кийди.
 Қўрғон саҳнида оломон. Эшниеъ олдинга чиқиб, гап-ра бошлаганди, ГПУ бошлиғи уни қўл ҳаракати билан тўхтатиб, Қодир Ғафурни чақиртирди. Кейин миқ этмай эшитди. Сўнгра:
 — Аттанг, улар иқовиям Шерободга кетишган эди, — деди. — Мен ҳали жўнатган эдим... Шошма! Керак бўлса, ўзимиз опкеламиз!
 — Шундай қилинг, Никкель бобо! — деди Эшниеъ. — Улар шўрочи бўлатуриб, Шўрони...
 — Шўрони... сен ҳам булғабсан-ку? — деди Никкель. — Тушуниб ол, Шўро қонунларига зид иш қилган кишиям энг катта айбдор саналади.
 — Ахир, мен...
 — Шўрода суд-прокуратура бор! Бировларга жазо бериш ёки бировларни оқлаш-фақат уларнинг иши. Сен ўзингни улардан ҳам устун қўйиб, қишлоқ Шўро раисини ўзбошимчалик билан ўлдиргансан... Гапирма! Бу — сенинг энг катта айбинг!
 — Агар шундай қилмасам, халқ...
 — Сен — бек эмассан! Қозиям эмассан! Бироқ ўзингни улардек тутгансан.
 — Ё тавба...
 — Сени қамамайман. Чунки сен бажаришинг лозим бўлган ишлар бор...
 — Улар...
 — Уларни қўй. Биз Дуобага махсус комиссия юборамиз. Текшириб келишди.
 Шундан кейин у халқни тарқалишга буюриб, Эшниеъни НКВД бошлиғи Шмитга учрашиши кераклигини айтди.
 Милиция идораси мадрасада жойлашган эди.

Жанглар

Эшниеъ Никкелдан ҳам, Шмитдан ҳам топшириқ олар, шунинг учун гоҳо унинг отрядига милиционерлардан ҳам қўшилар, айна чоғда у ўз отряди билан 81-полк ихтиёрида ҳаракат қилардики, бу жиҳатдан бево-

сита Туркистон Ҳарбий Инқилобий Кенгашига бўйсунарди.

...Эшниеъ икки кундан кейин отрядига 30 нафар қизил аскарни қўшиб, Қашқадарё вилоятидаги Тангриҳарамга (ҳозирги Деҳқонобод) йўл олди.

Қашқа водийси босмачиларининг «сардори» бўлиб танилган Тангриберди додҳо даҳшатли кўрбошилардан эди. Анвар пошо даврида унинг қўли остида 500—600 та навқари бўлар, энди... улар 43 тага тушиб қолган, энди додҳонинг Афғонистонга ўтиб кетиши мумкинлиги ҳақида миш-мишлар юрар, кўрбошининг Чангал деган жойда Зайнаб исмли хотини ва 500 бош қўйи борлиги ҳам ҳукуматга маълум эди.

Тангриберди додҳо қонхўрлиги билан донг таратган, биргина Ғилон қишлоғида 100 хонадонга ўт қўйиб, 100 дан ошиқ чол-кампир, қиз-жувонларни ётқизиб сўйдиргани Ўзбекистонни зир титратган эди.

Эшниеъ Қашқадарё йўлида — Дарбандга етганда додҳонинг кунни кеча Боботоғ тарафга қуюндек ўтиб кетганини эшитди ва йўлни кунчиқарга бурди.

Керага тизмаларига етганда, олдин кетган разведкачилар Тангриберди додҳонинг Қорлиқ қишлоғида (қорлиқ уруғи яшайди у ерда) дам олиб ётгани, унинг одамлари эса Афғонистонга ўтадиган йўлларни ўрганиш учун кетганини айтиб кетишди.

Эшниеъ қизил аскарларга ҳам чопон кийинтириб ва уч отрядга бўлиб, Қорлиққа уч тарафдан ёндошиб бо-ришларини режаллади.

Бу одатдаги ҳийла шайтонга дарс бериб юрган Тангриберди додҳони бир оз ғафлатда қолдирди.

У шошилишда Шойман тўқсабони 12 йигити билан пистирмага қўйиб, ўзи Эшниеълар кутмаган тарафга — Бойсунтоққа жўнаб қолди.

Шойман тўқсабонинг ўлиги ҳамда 13 милтиқ, 2 тўп-понча, 1660 патрон ва 15 бош отга эга бўлган Эшниеъ, ниҳоят, унинг изидан тушди.

Тангриҳарамга етиб келдию изни йўқотди. Кейин Бердиқуйруқ деган қишлоқда бир чўпондан гап сўраганди, у тайсаллайверди... Эшниеъ алам билан унинг гарданига уч-тўрт қамчи туширганди, чўпон айтиб берди: додҳо худди шу Бердиқуйруқ қишлоғида эски дўстининг саройида экан, аммо саройнинг болохоналарига жойлашиб олган навқарларнинг икки кўзи атрофда...

Эшниеъ Китоб гарнизонига Берди Тоғай билан Менгдор деган йигитини юбориб, талай милиционер ва қизил аскар олиб келтирди. Кейин, кечаси саройни босди.

Додҳо асир тушди.

У нуқул ўзини урар эди, уни дарҳол Китоб милициясига жўнатди.

Қайтишда додҳонинг Чангалдаги хотини билан 500 бош қўйини ҳайдатиб келди.

Бу вақтда Дуобага борган комиссия ҳам қайтиб келган, Босмачиларга Қарши кураш Кенгашининг йиғини ўтиб, қуйидаги натижага келинган эди.

«ҚАРОР СОН № 33.

Бойсун уездининг мажлиси. 31/7—1926 й.

ҚАТНАШДИЛАР:

1) Оғаев, 2) Гариман, 3) Шмит, 4) Саттор Усмонов, 5) О. Уринбоев, 6) Аминов.

Раис: С. Усмонов.

Котиб: Косова.

Кун тартиби:

1) Комиссия раисининг маърузаси.

2) Босмачиларга қарши курашнинг бориши.

3) Ҳар хил масалалар.

Комиссия раиси ўрт. З. Оғаев маърузасидан маълум бўлдики, Эшниеъ Юнусов Тошпўлаткент аҳолисига ўзини Бойсуннинг танҳо эгаси қилиб кўрсатган, Сурхондарё

музофоти бошлиқлари ҳам фақат менга ишонишади, деб Дуоба қишлоқ Шўроси раисини (оқсоқолини) нафақат ишдан олган, балки уни ваҳшийларча ўлдирган ва унинг ўрнига амир амалдорларидан тайинлаш пайида бўлган. Уша қишлоқнинг ўтроқ аҳолиси: «Биз фақат Эшнӣёзга ишонамиз», дейди. Демак уларнинг Шўро ҳукуматига ишончи заифдир.

Қарор қилинди:

Зиё Оғаев бошчилигида комиссия амалга оширган иш қаноатли деб топилсин. Босмачиларга Қарши Кураш Кенгаши комитетига тубандаги ташкилий ишларни зудлик билан бажариш топширилсин:

1) Эшнӣёзнинг аҳоли ўртасида миллатчилик кайфияти туғилишига ҳам сабаб бўладиган бундай ташвиқотлари йўлини кесиб учун Босмкенгаш комитети Эшнӣёзни фош этувчи маълумотлар тўплаб судга оширишни маъмурий органларга юкласин.

2) Маълумотлар бемалол йиғилиши учун отряд командирлиги вазифасидан Эшнӣёз олиниб, вақтинча Бойсундан бадарга қилинсин.

4 август куни эса, «Красная звезда»да (174-сон) қуйидаги мақола чиқдию юқоридаги қарор ижроси ўз-ўзидан тўхтади.

«Босмачиларга даҳшат солган Эшнӣёз»

Мақоланинг боши:

«Кўнгилли Тошпўлат отрядининг командири Эшнӣёз Амин Юнусов Бухоро амира Афғонистонга қочишидан олдин Кўнғирот қабиласи Тортувли уруғига мансуб «ўр» жамоасининг оқсоқоли эди...»

Мақола шундай тугайди:

«...Босмачиларнинг талон-тарож ва зулмидан деҳқонларни ҳимоя қилишда мислсиз жонбозлик кўрсатгани учун Эшнӣёз Юнусов Сурхондарё музофоти меҳнаткашлари орасида жуда катта обрўга эга бўлди».

Тағин икки кундан кейин бўлса, Сурхондарё музофот Шўроларининг 2-Қурултойи очилиб, Туркистон Ҳарбий Инқилобий Кенгаш вакили Кузмин Эшнӣёзнинг РСФСРнинг Жанговар Қизил Байроқ орденига тавсия этилганини эълон қилди.

Яна жанглар

1926 йилнинг ярмига бориб Сурхондарё музофотида катта-кичик 23 та қўрбоши қолган, уларда 522 та йигит бор эди. Жумладан, Бойсунтоғу Боботоғда ушбулар: Хуррамбек тўқсабо, унда 42 йигит, 42 милтиқ бор. Раҳмонберди додҳода — 30 йигит, 206 милтиқ, Утанбекда — 11 йигит, 11 милтиқ; Мустафоқулбекдаям шундай...

Бу давргача Эшнӣёз отрядининг қўлга туширган ўлжалари: 301 милтиқ, унинг 204 таси инглиз «қлинг» милтиғидан, 70 тўппонча, 5408 дона ўк, 197 бош от, 820 бош қорамол...

Август ойининг 13-куни Эшнӣёз Мустафоқулбекни асир олди.

Мустафоқулбек Бойсуннинг Паданг қишлоғидан (хурросони уруғидан) минг қўйли бойнинг боласи, Бойсунда Катта Мадрасани, Бухорода Мирараб мадрасасини хатм қилган... бундан ташқари, довжорак, мерган ва чавандоз йигит эди.

Вақтида Анвар пошонинг суюкли «камандир»ларидан бўлган, кейин Иброҳимбекнинг қўли остида курашган, сўнг Хуррамбекнинг қанотиға ўтган эди.

У Сувсизтоғда дайдиб юраккан, отлари ҳам қолдан тойган, кўпининг тақаси тушиб кетган эди. Ниҳоят, у ишончли йигитларидан иккитасини тоғ пастидеги Шўробга, қишлоғига — қишлоқ Шўро раисининг уйига юборди.

Шўро раиси Араб Тоға йигитларнинг талабини эшитиб, боши қотиб қолди. Чунки қишлоқда ўзидан бошқа тақачи йўқ эди. Уларга қўшилиб жўнади.

Мустафоқулбек Араб Тоғага ишини битиргач, ундан «қасам олиб», изига қайтарди.

Араб Тоға эса шу кеча Бойсунга эниб, воқеани Эшнӣёзга баён қилди. Қўрбошининг қўшхонаси қаерда ва унга қай йўл билан чиқилишини ҳам айтиб берди.

Бу жанг ҳақида ҳам «Красная звезда» газетасида мақола чиқди:

«Мустафоқулбекнинг тор-мор этилиши»

«...Энг йирик, аҳолига таъсири кучли бўлган қўрбошилардан Мустафоқулбекнинг содиқ йигитлари орасида айниш юз берди...»

Мустафоқулбек Бойсуннинг жануби-ғарбидаги (шаҳардан 30 чақирим нарида) кимсасиз Сувсизтоққа чиқиб кетди.

Ёвуз душманнинг турар жойи жангларда суяги қотган, Тошпўлат отрядининг машҳур командири Эшнӣёзга маълум бўлди. У кичик бир отряд билан тоққа чиқиб, қўрбоши яшаётган камарни ўраб олди. Отишмада 8 босмачи ўлди. Мустафоқулбек 2 йигити билан асир тушди.

Сурхондарё босмачилиги йирик, тадбиркор илҳомчисидан айрилди, халқ эса ашаддий бир душманидан халос бўлди.

Эшнӣёз Боботоққа жўнади: у Хуррамбекнинг пайига тушган эди.

Хуррамбек 1925 йилнинг 18 октябрь куни Сурхондарёдаги жами қўрбошиларнинг Қурултойини ўтказган, анжуманда Тожикистон босмачиларининг сардори Иброҳимбек ҳам иштирок этган, қилинажак ишлар борасида икки йирик қўрбоши айтишиб қолиб, Хуррамбек Иброҳимбекнинг Анвар пошо мағлубиятидан кейин Шўрога қарши курашда сусткашлик қилгани, Сурхон тоғларидаги қишлоқларни ҳам талайвериб, халқни ўзидан юз ўгиртирганини айтиб, ўзига — Хуррамбекка бўйсунушини талаб этганда, Иброҳимбек мулозимлари билан қурултойдан чиқиб кетган, Хуррамбек Сурхондарё босмачилик ҳаракатининг ягона йўлбошчиси бўлиб қолган эди.

Хуррамбек чиндан ҳам тезоб, ёвқур, шафқатсиз қўрбоши эди. У ҳам бойлардан чиққан, тағин — каллар уруғининг (кал — Тотувли уруғига мансуб катта жамоа) фарзанди эди.

1925 йил декабрининг сўнги — изғиринли кунда Ўзбекистон Комсомоли ташкилотчиларидан бири Абдулла Наби ўғли Шерободдан Бойсунга келаётганда Саломбекка буюриб, уни туттириб ўлдирган ўша эди.

Салом ҳам шундан кейин Чалмали қўтонда бошидан ажралди...

Бу ҳақда «Красная звезда» газетаси 1926 йил 11 январь сониде «Салом қўрбошининг куни битди» («Конец курбаши Саяяма») деган мақола босганди.

Шу кунларда Хуррамбек Боботоғдаги тарқоқ қўрбошиларни бириктираётган экан.

Эшнӣёз Қорадарага кирганда эслади: қандайдир уч киши йўлтўсарлик қилар эмиш...

У отрядни ортда қолдириб, учта жўрасини ёнига олиб, милтиқларини хуржунга солиб, елиб кетди. Даранинг чап қирғоғи лабида ғўлага ўхшаш тош бор. Ерли халқ уни «Тош бўпқолган аждаҳо» деб атайди. Ғўла-тош пастдан қараганда чиндан ҳам катта илонга ўхшаб кўринади.

Эшнӣёз шу қирғоқ тагидан ўтаётганда, олтингугурт сувли чашма бошида турган уч отлиқ унга рўпара бўлиб, милтиқларини ўқталишди.

Эшнӣёз озиб кетган, юпун кийимли кишининг остида

бўз тулпорни кўрдию Бешэркакни эслади. Шунда... ўша отлик ҳамроҳларига бир нарса дейиши билан бурилиб қочишди. Эшниеэнинг йигитлари ҳам милтиқларини олиб қува кетишди.

Улар изидан иккита ўқ бўшатганди, отлиқлар туйқус тўхтаб, қўлларидаги милтиқларини ташлаб юборишди-да, отлардан таппа-таппа тушиб, бошларини эгишди.

Эшниеэ ҳайрон: «Нега отишмади? Ё таслим бўлишмоқчи эканми?»

Эшниеэнинг жўраларидан бири ерда ётган милтиқлардан бирининг чақмоғини очиб:

— Уқи йўқ-ку? — деб юборди.— Э!.. Бунисидаям ўқ йўқ... Э, ўл-э, Раҳмон! Шулар билан бечора бозорчиларни қўрқитиб-талаб юрган экансан-да?

Раҳмонбек хўрсинди.

— Илож қанча...

Хуррамбек Муҳаммад тўқсабони 30 йигити билан қўшхонасида қолдириб, Сариҳалқага тушиб экан. Эшниеэ алоқачилардан бу хабарни эшитгач, Орзикул полвонни 20 йигит билан Муҳаммад тўқсабога қарши юбориб, ўзи Хуррамбекнинг кетидан жўнади.

Хуррамбек Сариҳалқадаям йўқ экан.

Унинг Оламжаҳон қишлоғига ўтганини эшитдию ўша ёққа от қўйди.

Сардор буларни дурбинда кўрган экан, у ердан қочди ва шу кетишда Балжувондан ошиб, отлари билан Амударёга тушди. Отларнинг ёлидан ушлаб (19 отлик экан) Афғонистонга ўтиб кетди.

Эшниеэ орқага қайтиб келаётганда Хўжамқул тўқсабонинг Иброҳимбекка қўшилиш учун Кўктошга бораётганини эшитиб, (энди чўпонлар, қишлоқ одамлари ҳам Эшниеэни кўришса, кўрбошилар ҳақида бор гапни айтиб беришар эди), аламини ундан оладигандек бўлиб, тагин Боботоққа жўнади.

Бир кундан кейин унга етдим деганда, дафъатан босмачилар қуршовида қолди: улар ўққа тута бошлашди.

Хайрият, Петров «Максимка» пулемётини бир отга ортиб олган экан: уни ўрнатиб...

Босмачилардан 51 йигит ўлди. Асир тушганларининг айтишича, улар (500 дан кам эмас) — Иброҳимбекнинг йигитлари, Хуррамбек қисматини эшитиб, бу томонга келишаётган экан.

Бир тўй можароси

Олачопонда отряд ва қизил аскарлардан 33 кишини нобуд қилган Раҳмонберди додҳо ҳам оқибат Чори Қуюндек ёлғиз қолди.

Оти яраланиб йиқитгач, Раҳмонберди ерга тушиб қоча бошлади. Қирга тирмашиб борарди. Қалин чакмони, тўнини ечиб ташлади. Сўнг қиличи оғирлик қилди. Ниҳоят, милтиғини ҳам (ўқи қолмагач) итқитиб юборди. Эшниеэ отрядидан тўрт йигит ҳам уни қувиб боришарди.

Берди Тоғай кўрбошига етай-етай деганда, додҳо арналардан сакраб ўтиб кетар, чамаси, додҳонинг ҳам қисмати Қуюнники каби тугайдиган эди.

Эшниеэ:

— Ҳе, жувонмарг ўл! — деб орқадан бақирди Берди Тоғайга.— Узингни отайми?

Берди Тоғай бир югурди — додҳодан ўтиб кетди. Сўнг изига қайтгач, унинг ёқасига ёпишди. Кейин бошқа йигитлар кўмагида боғлаб олишди.

Эшниеэ Берди Тоғайга «додҳо» лақабини берди ва ёнига учта қизил аскарни қўшиб, Раҳмонбердини эса бир отга чандиб боғлаб:

— Никкелга топширасан! Сен ҳам орден оласан,— деб жўнатди.

Эшниеэ Сурхон бўйидаги бир туркманнинг ўтовига қўниб, отларга дам берди.

Эртаси Ўтанбекни қувилаб, Сувсизтоғдан ошириб юборди ва индини Бойсунга қайтди.

...Кўрғонга кираётган эди, тергов-қидирув шуъбасининг бошлиғи Абдурайим Саттор учради.

— Камандир, додҳо отилди! — деди.— Лекин Берди Тоғай зиндонга тушди.

— Нимага?!

— Мендан ҳам айб ўтди... Кеча ичкаридан хурсанд бўлиб чиқаётган экан, ҳавасим келиб: «Кофирунда кўпқари бўляпти. Бормайсанми? Отинг зўр экан!» дедим. У Никкелдан рухсат олгани қайтиб кирди-ю, лаб-лунжи осилиб қайтди. «Кўпқарини бориб тўхтатишим керак экан», деди...

— Нимага?

— Эскилик қолдиғи. Тўқларнинг шўхлиги эмиш.

— Э, камбағал ҳам кўпқари беради-ку? Кўпқари бўлмас, от сондан чиқади, чавандозни пўпанак босади... Кейин, бу — бизнинг удумимиз-ку?

— Бу ёғини эшит... Берди Тоғай Кофирунга борса, тўй эгаси Сапар Ражаб хурсанд бўлиб: «Қани, кўрга киринг. Отингиз зўр экан. Зот айиринг!» депти. Берди Тоғай ҳам кўпқарига қизиқиб кетиб, бирдан кўрга кирипти. Ҳаққатан ҳам зот айирипти. Бунинг устига, Сапар Ражаб сарпойингиз деб унга бир чопон ёпишти.

— Маъқул.

— У, буёғини эшит!.. ГПУнинг агенти Мулла Менгли тўйхонада экан. Берди Тоғай: «Энди тарқалинлар! Никкель бобо айтган. Кўпқари тақиқланган!» деган экан, Менглиев Бойсунга чопиб кепти-да, Никкелга айтипти... Никкель Берди Тоғайни зиндонга солиб қўйди. «Пора олгансан кўпқарига рухсат бергансан», деб айб қўйиб ўтирипти.

— Мен унга айбни кўрсатиб қўяман! Йигитларим буёқда қон кечиб юрса! Биттаси ўйнаса, ўйнапти-да!

Эшниеэ кўрғонга кириб, отдан тушди ва отхона яқинидаги зиндон тепасига борди. Рус соқчиларига:

— Оч буни! Очинлар! — деди.

Улар зиндон устидаги қопқоқ қулфини кўрсатиб, калити Никкелда эканини англатишди. Эшниеэ лапанглаб Никкелнинг кабинетига кирди.

— Ака, бунга айтинг, Бердибойни озод қилсин! — деди Қодир тилмоқча.

Никкель бу гапни эшитиб, Эшниеэга эшикни кўрсатди.

— Марш!

Эшниеэ қотиб қолди-да, ёнида турган курсини олиб, унга отди.

— Энангни... Бизнинг одат бу! Нимага тақиқлайсан? Шўро халқининг урф-одатига қаршимми? Нимага нуқул ўзбошимчалик қиласан? Ҳаммани кўрқитиб олгансан!.. Ким сен ўзи? Шўро ҳукуматими?

Кейин Зиё Оғаев билан Олим Ўринбой ўғлининг ҳануз жазо олмаганини айтди...

Никкель эгилиб қолиб, курсини ўтқазиб юборган эди. Секин сумкасини очди-да, калитни чиқариб узатди.

Эшниеэ Берди додҳони зиндондан чиқариб кетди. Шу кеча Босмачиларга Қарши Кураш Кенгашининг шошилиқ мажлиси бўлди. Эшниеэ Юнусовнинг хулқи Давлат Хавфсизлик Бошқармаси Бошлиғига ҳужум қилгани муҳокама этилди.

Сўнг Босмкенгаш комитетига Эшниеэнинг эскилик тарафдори эканини тасдиқлайдиган маълумотлар тўп-лаш топширилди.

Заргарлар ғалаёни

Икки кундан кейин Эшниеъ кичик отряд бошлиқлари билан Катта Мадраса қаршисидаги Шаҳидгузар масжидида намоз ўқиб чиқаётган эди, бозор ёқдан чопиб келаётган Шоди паттачини ва унинг орқасидан қувиб келаётган оломонни кўрди. Йўл ўртасига чиқди.

Паттачи унинг оёғига йиқилди.

— Мени ўлдирди бу заргарлар!

Оломон ичида, дарҳақиқат, заргарлар кўп эди. Ҳамдам заргар йиғлаб юборди.

— Эшниеъ оға, кунимиз қисди. Ҳар куни ўн марта патта олади бу!.. Ҳали бердим-ку, деб эдим, буюмларимни сочиб ташлади. ГПУга айтаман, йўқолиб кетасан, дейди...

Бошқа заргарлар ҳам чувиллаб қолишди: Ҳамдамни ҳимоя қилишса, уларнинг ҳам зирак, тақинчоқларини титиб ташлаган экан.

— Орзиқул, ушла бун! — деб буюрди Эшниеъ. — Халқни эзишга йўл қўймаймиз. Шўро савдо-сотигингни қилавер деган... Сизлар хафа бўлманглар!

Шунда Шоди паттачи бир қочиб қилди: ҳадемай қўрғонга бориб кирди.

Буёқдан оломон билан Эшниеъ ҳам етиб борди. Салдан кейин ранги ўчган Никкель ичкаридан чиқди.

— Эшниеъ, бу одамниям қамаш керак! — деб бақирди Ҳамдам заргар. — Шодининг суянган тоғи шу!

Қосим тилмоч бу гапларни таржима қилиб улгурмай оломон Никкелни ўраб ола бошлади. Никкель гап нимадалигини англади-да, тўппончасини чиқарди ва Жўрақул батракка ўқ узди. У чирқиллаб оёғини ушлаб ўтириб қолди. Ғала-ғовур бўлиб кетди.

Эшниеъ ҳам аста тўппонча чиқарди.

— Йўқ бўл! — деди Никкелга. — Сен ҳам душман экансан! Йўқол, отиб ташлайман!

Никкель қўрғонга кириб кетди.

Шу оқшом Босмкенгашнинг яна йиғини бўлди. «Эшниеъ исёнчиларга бош. Халқни Шўро ҳукуматига қарши қўзғаяпти», деб қарор қабул қилинди.

Эртаси Ҳамдам заргарни қўрғонга олиб кетишди. Бир ҳафтадан кейин эса, «Бозорда талот ўп бошлаган, Шўро хизматчисини урмоқчи бўлган», деб Ҳамдам баққол... «исён»да ҳатто иштирок этмаган кишини беш йилга кесиб юборди.

Орадан уч ой ўтиб-ўтмай 1927 йил февраль ойида Октябрь Социалистик Инқилобининг 10 йиллигини нишонлаш байрамига Эшниеъ Юнус ўғли Москвага меҳмон қилиб чақирилди. Эшниеъ у ерда Ҳарбий Қисмларда, Ҳарбий Академияда бўлди. Ҳарбий кўрикларни томоша қилди.

Бутуниттифоқ оқсоқоли Калинин ўз қўли билан Эшниеънинг кўкрагига РСФСРнинг «Қизил байроқ» орденини қадаб қўйди.

Фрунзе эса кумуш дастали, дастхат ёзилган қилич туҳфа қилди.

Эшниеъ юртга қайтади. Сурхондарё Музофот Ижроия Қўмитаси Эшниеъни Бойсун вилоят милиция бошлиғи этиб тайинлади.

Аммо Эшниеъ ҳақида «маълумот тўплаш» давом этарди.

Қора Пирман — отряд командири

— Йўғ-э? Никкель уни шарт билан қолдирган эди. Унга ишонмас... — деди Эшниеъ.

Абдурайим Саттор кулди.

— Ахир, ўзи тайин қилди. Йигитларингдан сўрал Сен

Шерободга (тасдиққа) кетган кунинг ГПУга отряд бошлиқларингни чақириб шу гапни айтди...

Эшниеъ ўйлаиб қолди: Бойсундан чиқмай, ўтириб қилинадиган раҳбарликдан кўра, ҳалиям унда-бунда учраб турадиган кўрбоши, босмачиларни йўқотиб юриш афзал экан: от остингда, қилич қўлингда, милтиқ елкангда.

— Бошқа гап ҳам бор, — деди тергов-қидирув шуъбасининг бошлиғи. — Эшниеъ, унга-бунга йўлиқиб қўй...

— Кимга?

— Музофот катталари сени ҳурмат қилади, шуларга-да!.. Гап шундаки, Никкель сени ёмон кўради... Кеча бозорда бир иш бўлди. Бир чол гуруч сотаётган экан, ичидан бир хат чиқиб қопти. Шодибой шу ерда экан, дарров хатни олиб ўқипти. Иброҳимбекдан эмиш! «Эшниеъ ботир! Шўрони ичдан бузаётганинг яхши. Лекин қурол билан курашиш вақти келди. Афғонистонда янги Анвар пошолар пайдо бўляпти. Хуррамбек ҳам ёнимизда...»

Эшниеъ кулиб юборди.

— Аҳмақлик!

— Йўқ, бун сенинг душманинг ёзган. Никкель бу гапга ишонди.

— Дев уриптима-е!

— Соддасан, ука... Шодибой бозорчиларга ўқиб берди. Мениям чақириб ўқитди. Кейин қўрғонга опкетганди... Душманинг кўп, Зиё Оғаев ҳам дўст эмас. Олим Уринбой ҳозир пушаймон. Менга бир-икки марта айтди. Эшниеъни яхши кўраман, деди. Лекин ўша иш бўлганда...

— Қизиқ, — деди Эшниеъ. — Шўро раҳбарларини обрўсизлантириш — Шўронинг обрўсини тўкармиш... Менга айтишди Шерободда. Йўқ, ундай эмас десам, қулоқ солишмади. Кеча борганимдаям шу гапни қўзғаган эдим...

— Никкелни ургансан-а?

— Ҳе, аччиқ чиққанда...

— Отмоқчиям бўлгансан?

— Мени тергов қиялпсизми?

— Эшниеъ, ғафлатда қолма деяпман!.. Устингдан каттагина дело тайёр бўлган. Никкелнинг қўлида турипти. Бировга кўрсатмайди...

— Ахир, мени ҳамма билади-ку?!

— ГПУ учун ҳечсан.

Эшниеъ Абдурайим Сатторнинг хонаси — ҳужрасидан чиқди.

...1928 йили колхоз тузиш бошланди. Эшниеъ «Қаҳрамон» колхозини тузди. Мол-ҳолини колхозга беришдан бош тортганларни «Якка хўжалик!» деб қамади. Далага чиқиб ишламаганларни ҳайдаб чиқарди: хуллас, Шўро нимани талаб қилса, шуни бажариб юрди.

1930 йил Иброҳимбекнинг Афғонистонда катта қўшин тўплаб буёққа ўтмоқчи бўлаётгани хабари тарқалди. Гоҳ Бойсунтоғнинг у ерида, гоҳ Боботоғнинг бу ерида босмачи пайдо бўлипти, деган миш-миш ҳам ўрмалаб қолди.

Собиқ отрядининг аъзоларидан кўпи милицияга келиб ишга кирган, улар қуролларини топширмаган, ҳамон ўзларини Тошпўлат отрядининг аъзосидек билишар, гап-гурунглари ҳам кўпинча ўша йиллар ҳақида кетарди.

Қумқўрғон ариғи қазила бошланди: Эшниеъ талай милиционерлар билан каналга кетди.

...Ва Бойсунга қуйидаги гап келди: «Эшниеъ — ХАЛҚ ДУШМАНИ экан, қамалипти».

Сурхондарё музофот суди Эшниеъни отувга ҳукм қилди. Урта Осиё Сиёсий Бюроси қошидаги Олий суд эса ўлимни 10 йиллик қамоқ билан алмаштирди.

Эна алғов-далғов босмачилик йилларимида, (эвох, у дамлар Қорасоч отлиғ тўлин ойдай сулув жувон эди!), ишқилиб, раҳматлик чолининг қўлида Бухорода зарб этилган битта тилла тангани кўриб қолганини эслайди. Шундан буён қачон олтин сўзини эшитса, ўша қизғиш танга кўз олдиға келаверади, овулдағи Мамат мағанинчининг ўттиз икки тиши, Нормат чўлокнинг шаҳарлик келини бармоқларидан олмайдиған қўша-қўша узуклар Эна учун ялтироқ сариқ темир, холос. Энанинг назарида, ҳақиқий олтин худди қуёш Бешбармоқ чўққилари ортиға ботаётганда бўялиб қолған уфқдай тўқ қизғиш рангда бўлади.

Эна туш кўрди. Болорға осилған билакдай шиша найдағи қип-қизил ялтироқ шаффоф суюқлик ингичка резина ичак орқали томириға томчилаб сизиб ўтаётганмиш, (иссиқ жон — Эна бир-икки марта укол олған, осма укол ҳақида эса орқаваротдан эшитган эди, холос) ҳар томчи вужудига битмас-туғанмас куч, ғайрат олиб кираётганмиш, ахийри, суюқлик тугаған заҳоти дик этиб ўрнидан турганмишу юғуриб бориб ертўладан жун олиб чиққанмиш, бирпасда лой қориб, пишитиб, илвирабгина турған тандирни бузиб ташлаб, пишиқ ғиштини пишиқ ғиштға, пахсасини пахсаға ажратиб, (уқув-сизгина келини ёпған ҳар нон ё оққан бўлар, ё орқасида туюр-туюр кесак бўларди) янгисини қуриб ташлаганмиш. Бунгаям қаноат ҳосил қилмай, Нурмоннинг мактабдан келишиға нон ёпиб, бир товоқда ҳовури чиқиб турған янчмич, Қодирриға эса суюқли тансиқ таоми — юпқа тайёрлаб қўйғанмиш.

Эна саҳархез ўрнидан қушдай енгил бўлиб турганида ёстиғи нам тортган эди.

Барака топсин, пешинда бўлмасаям қош қорайганда дўхтир кириб келди. Йўлиға илҳақ бўлиб кўз тикиб ўтирган Энаға елкасини тутиб кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, бориб эшикни ёпди.

Энани яна ҳаяжон босди, вужудига билинар-билинмас титроқ югурди, томоғи қуруқшаб кетди.

Мели дўхтир шошмайдиған, оғиркарвонлардан экан, нақ бир ош пишгулик фурсат овул янгиликларидан ҳангома бериб ўтирди, фақат ора-сира соатига қараб-қараб кўярди.

Ниҳоят, Эна умидсизликка туша бошлаган палла дўхтир ҳали сира қўлидан қўймаған мўъжазгина чамадончасига уриб-уриб кўяркан, маънодор томоқ қириб қўйиб, оҳиста шивирлади:

— Онажон, олиб келдим...

Эна нимадир демоқчи эди, томоғи ғиппа бўғилди. Дўхтир хонани қайтадан диққат билан кўздан кечирди, чамадонини яна қўлдан қўймай бориб Қодирнинг тўйида совғаға келған тунги лампани ёқди, эшикни қайтадан зичлаб ёпиб келиб, чироқни ўчирди. Қизил чироқ таъсиридами, жойиға қайтиб ўтираётган дўхтирнинг

юзи оппоқ тус олди. Эна унинг ҳам ҳаяжонланаётганини сезди.

Мели шошилмасдан қўйин чўнтагидан ҳамён, ҳамён ичидан кичкинагина калит олди. Ҳамённи қайтадан чўнтагига пухталаб жойлагандан кейин энгашиб, калит ўрнини анча вақт қидириб топди. Қулф «ширқ» этиб очилди. Дўхтир бошини кўтариб Энаға тикка боқди.

— Онажон, бу — тилла... — шивирлади у.

Энанинг оёқларидан жон қочгандай бўлди.

Хонаға пашша учса эшитилгудай сукунат чўкди. Эна ҳатто қаттиқроқ нафас олишгаям журъат этолмасди. Чамадон қопқоғи товушсиз кўтарилди. Буюк бир мўъжиза кутаётган Эна катта-катта очилған кўзларини ундан узолмай қолди, гупиллаб ура бошлаган юрагининг шиддатидан қулоқлари том битди. Мели чамадондан жуда эҳтиёткорлик билан бир қаричча келадиган урчуқдай юмалоқ шиша най олди ва Эна ҳақиқий олтинни кўрди. Ҳа, бу шубҳасиз ҳақиқий олтин эди! Най ичида ялтироқ қуюқ модда худди иссиқ қонли бир нимадай оҳиста жимирлаб, сезилар-сезилмас чайқалиб турарди. Тунги чироқ ёғдусида суюқликнинг асл рангини аниқлаш мушкул, аммо Энанинг ишончи комил эдики, у тўқ қизғиш рангда.

Шиша найға маҳлиё бўлиб қараб қолған Мели тўсатдан яна тикка қараган эди, Энанинг икки чаккаси симиллаб оғриб кетди, бироқ, ҳайрият, оғриқ тезда ўтди, бир лаҳзаға хиралашган онги ёришиб, фақат дўхтирнинг хотиржам овозинигина эшита бошлади.

— Онажон, ҳозир етмиш икки томирингизда ёшлик қони юғуради, сиз бемадорликдан, камқувватликдан, иштаҳасизликдан, бош айланишидан, бел оғришидан — бари-барисидан халос бўласиз, сиз яна соғлом, бардам, тетик аёлға айланасиз, шундан кейин сизға доши дармон, ҳасса ҳам керак бўлмайди, бемалол икки одамнинг ишини эплайсиз, қайтиб касаллик нелигини билмай кетасиз...

Энанинг қовоқлари оғирлаша бошлади.

Мели эҳтиёткорлик билан унинг енгини шимариб билагига укол қилганида худди янгидан очилған булоқ эски ирмоқлар изидан яйраб-яшнаб югурганидай, шиша найдағи илиқ суюқлик томирларида чопа бошлаганини сезганида ҳузурбахш оғриқ билан бирға бостириб келған ҳаяжон пўртанасига дош беролмай инграб юборди ва ҳушдан кетди.

Эртаси куни пишиллаб ухлаб ётган Энани Мели уйғотди.

— Хола, хў, хола! Ётаверасизми энди ҳадеб. Бундай бир туриб меҳмон-пеҳмонға бормайсизми? Одам деған суткасиға беш соат ухласа бўлди-да, ахир. Туринг.

Эна неча йиллардан буён ўрганиб қолған одати бўйича кўзларини очар-очмас кўрпа ёнини пайпаслаб ҳассасини қидира бошлади. Мелининг юзига бир зумда қора

ТАНИШИНГ: АБДУҚАЮМ ЙЎЛДОШЕВ

Ер юзида уруғсиз илдиз отадиган бирон ўсимлик борми? Ҳаётнинг боши — уруғ. Бироқ у ерга тушмас экан, ўз ҳолича қолиб кетади. Тушгач, унишиға шароит, кейин парвариш керак бўлади. Меҳру ардоқ аралашса, ўсимлик жонига жон киради.

Абдуқаюм Йўлдошевнинг ҳикояларини, агар мумкин бўлса, япроқ ёзаётган ўсимликка таққосласак, улар муайян уруғдан илдиз отган. Бу уруғни истеъдодға қиёслаш мумкин.

Ўсимлик теран илдиз отиб, яйраб униб-ўсиши учун серҳосил тупроқ, тўйинган сув, мусалфо ҳаво ва қуёш нури қанча зарур бўлса, истеъдод учун ҳам мўътадил иқлим ва меҳр шунчалик зарур. Улар билан бирға чидам, куч, ғайрат керак бўлади. Бу

хусусиятлар тоғли қишлоқ ўғлида борми! Унинг дастлабки машқлари кўнгилда умид уйғотади.

Уруғ илдиз отди. Энди, иқтидорни тўла-тўқис намоён этиш эса Абдуқаюмнинг фақат ўзига боғлиқ.

Мамадали Маҳмудов

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ. Сирдарёлик. 1962 йилда туғилган. Тошкент политехника институтининг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги факультетини 1985 йили тугатган.

Тошкент электр-механика заводида инженер-технолог бўлиб ишлайди.

булут соя солиб ўтгандай бўлди, аммо у буни билдирмай, деразадан ташқарига мўралаб хушчақчақ оҳангда давом этди.

— Ие, қаранг, бузоқ онасини эмиб ётипти-ку! Биз янги соғилган сут ичамиз деб келсак... Бош! Қайт, ҳа, ҳаром ўлгур, қайт! Бориб боғлаб келай.

Шунда меҳмонни ишга қўяётганидан хижолат бўлган Эна ўрнидан тез турдию калишини ҳам оёғига илмасдан ҳовлига чиқди.

Бузоқ, табиийки, қозигида боғлоғлиқ турарди. Мол тагини тозалаётган келин уйдан этаклари ҳилпираб чиқиб келган қайнонасини кўриб, оғзи очилганча қўлида тезак билан серрайиб туриб қолди.

Орадан ўн кунча вақт ўтди.

Ўз уйидай бўлиб қолган бу хонадондан оёғи узилмаётган Мели Энани худди энди атак-чечак қила бошлаган гўдакдай парваришларди. У «холажон-холажон»лаб Энага энг майда-чуйда юмушларнигина бажаришга рухсат берар, кампир беихтиёр оғирроқ ишга уннаб кетаётганини кўрганида хафа бўлиб, лекин мулоимлик билан ҳали организмнинг заиф, ўзингизни толиқтириб қўясиз, деб ўрнига олиб бориб ўтказиб қўярди. Дўхтир Энанинг дастурхонидан сут-қатиқ, мева-чева аримай туришини жиддий назорат қилар, кўпинча қоғоз халтачаларда олмаю анордан тортиб, помидору бодринггача кўтариб келиб қоларди. Айниқса, у кунора олиб келадиган нордонгина анор шарбати Энага кўп маъқул тушди.

Эна кундан кунга қувватга тўлиб бормоқда эди.

Шунга қарамай, бир марта яна бўғинлари бўшашиб, ич-ичидан қалтироқ тутиб келаётганини сезган Энанинг юраги шувиллаб кетди. Бахтига дўхтир шу ердайдиган, дарров хонасига олиб кириб ётқизди. Сўнг кўзларига тикилган кўйи шошилмай такрорлай бошлади: «Сиз соғломсиз, сиз соғломсиз...» Ғайриихтиёрий тарзда кўзлари юмилиб бораётган Эна ваҳималардан қутулиб, фароғатли тушлар оғушига чўмди.

Эна дастлабки кунлари ҳар гал тилга кираркан, худди ўғирлик устида қўлга тушгандай жойида таққа тўхтаб қолар, юзи ловиллаб кетарди: бир йилдан бери боқилаётган тананинг бўш ўрни шунчалик таъсир қиларди. Бора-бора бу туйғу ўтиб кетди, ҳатто тананинг терисини қассобнинг томи устида ёйиғлиқ кўрганидаям ўзини бепарволикка солди, дўхтир бот-бот уқтирганидай, ўзини ҳаяжонланишдан асради.

Мелининг шифохонага туташ кичкина бир ҳужрада ўртоғи билан яшашини (улар институтни битириб, йўланма билан бу ерга келишган эди) яхши билган Эна бир кунни ўзи ихлос билан тайёрлаган шўртақкина, мойи чакиллаб томиб турган қурутлардан ўн-ўн бештасини эзилмаслик учун кодига бир қатор жойлаб шифохонага кириб борди. Энсизгина даҳлиздан ўтиб, эшиги ланг очиб нимқоронғи хонага кирди. «Мезбонлар»нинг «уйда» йўқлигидан қувониб стол устида ётган газетани ёзди-да, кодидан битта қурут олди.

Шу пайт ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди. Эна сергак торти.

— Бироз тоза ҳавода турайлик,— деди дўхтир тўхтаб кичкинагина дераза раҳига тирсагини қўяркан.— Хўп, демак сенингча,— афтидан у узилиб қолган гапини давом эттирмоқда эди,— биз олтмишдан ошган Тэтчер хонининг ҳамон қадди-қомати тик, виқор билан юришини кўриб ҳайратдан ёқа ушлайверайлиг-у, ўзимизнинг эллика етмай кампир бўлиб қолган жувонларни кўриб «ҳа, энди, бизнинг иқлим бошқа, бизнинг шароит бошқа, бизнинг турмуш тарзимиз бошқа» деб ўзимизни овутиб юраверайлик экан-да, а?

— Йўқ, мен бундай демадим,— эътироз билдирди

дўхтирнинг ўртоғи.— Мен фақат бу ишни сунъий эмас, табиий йўл билан амалга ошириш тарафдориман. Сенинг қўллаётган усулинг худди совун пуфагига ўхшаб ялтираб туради-туради-да, бир кунни «пақ» этиб ёрилади-қўяди.

— Инсон умри ўзи сув юзасига қалқиб чиққан пуфакнинг ёрилишидай гап...— файласуфона оҳангда суҳбатга қўшилган эди учинчи одам, дўхтир кескинлик билан унинг гапини бўлиб қўйди.

— Хўп, сен табиийлик деганда нимани назарда тутясан? Нима, мен эрталаб чол-кампирларга трико кийдириб, қишлоқ оралаб югуртиришим керакми? Ё жувонларга аэробика клуби очайми?

— Ҳа-ҳа-ҳа! Зўр томоша бўларди-да лекин.

— Тўғри, мен жарроҳман, ишим — кесиб-тикиш, гомо сапиенснинг психологияси мендан кўра сенга тушунарлироқ. Лекин барибир мақсад ҳамишаям воситани оқлайвермайди.

— Ишонтира билиш-чи, ишонтира билиш?! Ахир, тушун, инсон ҳали ўзининг яширин имкониятларининг мингдан биридан ҳам етарлича фойдаланолгани йўқ, тушуняпанми, мингдан биридан ҳам! Майли, биз ҳаводан чанг-ғуборни йўқотолмас, инсонга минг йил умр бахшида этолмас эканмиз, ҳеч бўлмаса ўз-ўзини ишонтириш орқали юз, юз йигирма йил яшашига кўмаклашайлик. Ахир, олтмиш йиллик умр ҳам умр бўлдимми? Ахир, касалликларимизнинг тўқсон фоизи фақат шу касалга чалинганимизга астойдил ишонганимиз туфайлигина пайдо бўлишини инглизлар аллақачон исботлаб қўйганлар-ку! Умуман, мен инсон умрининг қанча давом этиши объектив тарзда ирсиятга боғлиқ деган назарияга қўшилмайман, бу нарса инсоннинг ўзига боғлиқ, холос. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин...

— Йигитлар, дискуссияларинг албатта жуда қизиқарли, лекин кун кеч бўлиб боряпти, мен ҳали районга қайтишим керак. Шунга...

— Биласизми, ука, сиздан илтимос, ҳеч нарса ёзманг, ҳеч нарса. Биламан, Қодир ака жудаям яхши одам, бизга раҳмат айтиб ёзган бўлса чин кўнгиладан қилган бу ишни. Биласизми, бу ишим муваффақиятли тугаса, менинг тахминан «Инсон организмга психологик факторларнинг таъсири» мавзусидаги диссертация ишмининг асосий бобларидан бири бўлади.

— Мен-ку, тушунман-а, лекин, очиги, кимдир редакторга телефон қилиб, сизнинг укол учун икки юз сўм олганлигингизни...

— Сигаретдан ол!.. Уша пулни олмадим эмас, олдим, ука. Агар олмаганимда, Қодир ака уколнинг тиллалигига ишонмаган бўларди. Мабодо бир амаллаб тушунтирганимда ҳам, у киши шу қадар ҳалол инсонки, онасининг оёққа қалқанини кўриб қувончидан хўнграб йиғламаган, мени кучоқлаб олмаган, умуман, онасининг кўзига тик боқолмаган, шу билан ишнинг пачавасини чиқарган бўларди. Кексаларнинг қилиқларигина болаларниқига ўхшайди, сезгирликка келганда улар билан беллашиб бўлмайди, ахир.

— Мели пулни барибир кампирнинг ўзига едиряпти — бозордан отасининг нарҳида...

— Бас қил-э!

— Ўзи укол чинданам... тилламини? Хавотирланманг, гап орамизда қолади.

Улар жим бўлиб қолишди. Пича сукутдан сўнг:

— Гап шундаки, ука,— дея оғир сўлиш олди дўхтир,— бу ерда энг муҳими — холани ўзи жуда илҳақ бўлиб кутаётган мўъжизавий қудратга эга сеҳрли укол олаётганига ишонтириш эди.

— Шунинг қандай эпладингиз ахир?

— Мели райондаги комиссия магазиндан ўн икки сўмга бир тенг сотиб олиб...

— Нима?

— Анави... ҳаҳ, шаҳарда қизлар қовоғига, ёноғига сепаб юрадиган ялтироқ кукун бор-ку.

— Ҳа-ҳа.

— Ушани шприцга солиб кўрсатиб, бошқа дорини..!

— Ҳа-ҳа-ҳа! Ўн икки сўмлик тилла укол денг! Ҳа-ҳа-ҳа!

— Ука...

— Ҳаҳ сичқон тушди — гулдур-гуп!

Бу суҳбатдан кўп нарсаларни тушунмаган, бироқ энг муҳимини англаган Эна оёқ учида юриб даҳлизга чиқди. Муздай деворга суяниб пешонасида турган санчиқ пасаишини кутиб турди. Санчиқ эса тобора кучайиб

бораётгандай эди. Эна алпонг-талпонг қадам ташлаб ҳовлига чиқди. Ботаётган қуёшнинг сўнгги қизғиш нурлари атрофни хира ёритган эди. Бирдан Энанинг кўз олди қоронғилашиб кетди, худди миясида чақмоқ чаққандай шуурини ўтли бир нима тилиб ўтди; онг ўрнида куйик бир нима қолгандай қарахтлашди.

Гувала девордан ушлай-ушлай дарвозага етди. Ариқ ичида ётган ярим қулочча заранг ёғочни кўрди. Чўкка тушиб, уни олди.

Бемадор, бутун вужуди қалтираб, титраётган қадди дол Эна одим жойда нафас ростлай-ростлай не аҳволда уйига етиб олди.

Уч кундан сўнг, қуёш Бешбармоқ чўққилари ортига ботиш олдидан уфқни қонталаш рангга бўяган палла Эна узилди.

Шанба

— Нормал куч, кўндаланг куч ва эгувчи моментнинг ишоралари. Агар биз ихтиёрий балка олиб,— Мансур юришдан тўхтаб ҳавога кўрсаткич бармоғи билан балканинг расмини чизади, сўнг яна юришда ва гапириб давом этади: — унга ёйилган куч таъсир этсак...

Эшикнинг қаттиқ тақиллаши уни чўчитиб юборди. Бориб эшикни очди. Остонада ўн тўққиз-йигирма ёшлардаги қиз ҳансираб турарди. Соchlари тўзғиб, ранги оппоқ оқариб кетган бу қиз ўзига анча катта жигарранг пальто кийиб олган эди. Қиз таклифни ҳам кутиб ўтирмай индамай ичкарига кирди-да, стулга ҳолсизгина чўкди.

— Собир қани? — деди у ниҳоят, деярли шивирлаб.

— Ишда,— кўрс жавоб берди Мансур.

Собир Мансур билан бир хонада турар, кечки бўлимнинг учинчи курсида ўқир, кундузи метро қурилишида ишларди.

— Қачон қайтади?

Қиз саволни Мансурга эмас, бошқа одамга бераётгандек девордан кўз узмасди. Чеҳрасидан Собирнинг ишда эканлигини биладигандек, энди умиди пучга чиққанидан унчалик ажабланмаётгандек эди.

Қиз ўрнидан оғир кўзгалди. Сумкачасидан бир парча қоғоз чиқарди.

— Кечқурун борсин. Мана адресим.

Мансур яна «Материаллар қаршилиги» дарслигини қўлига олди. Қиз эшик тутқичини ушлаб бир зум икки-лаиб туриб қолди. Кейин ўгирилиб:

— Балки мени кузатиб кўярсиз? — деди журъатсизгина.

— Қаерга?

— Балнисага... Қаерда ётишимниям билиб олардингиз. Собир овора бўлиб қидириб юрмасди.

Мансур ноилож рози бўлди. У кийиниб чиққанида ҳовлида бетоқатланиб у ёқдан-бу ёққа юриб турган қиз шошиб йўл бошлади. Қиз жуда тез юрар, югуриб кетишдан ўзини аранг тутиб тургандай эди.

Қиз дуч келган биринчи таксини тўхтатди.

У шеригига гўё парво қилмагандай ташқаридан кўз узмай келди. Мансур бир-икки марта унга разм солиб, нимадандир чўчиётганлигини сизди.

Такси қандайдир муҳташам бино ёнига келиб тўхтади. Қиз пул тўлаб машинадан тушаркан, хотиржам товушда «Мендан орқароқда юринг» деди. Шу палла темир дарвоза очилиб, оқ халатли семиз аёл булар томонга лўкиллаб чопиб кела бошлади. Аёл зўриққанидан бўлса керак, юзлари қизариб-бўзариб, шанғиллаб дўк ура кетди:

— Муштдайгина бўлиб алдаб кетгани уялмайсанми?! Йўлингга қарайвериб кўзларим тешилиб кетди-ку! Бир сени деб нималардан қуруқ қолганимни биласанми ўзи? Ҳа, сувгина ичмай заҳар ичгур!..»

Қиз довдираб, қизариб-бўзариб «кечирасиз... кечирасиз...» дея гўлдирарди. Аёл эса шанғиллаганча ичкарига кириб кетди.

Қиз бошини ҳам қилиб беморлар халатида унинг ортидан юрди. Аммо қиз бошига ёғиладиган таъна тошлари бу билангина тугамади. У дарвозадан ҳовлига қадам кўяр-қўймас беқасам чопон кийган, қалин пахталик рўмол ўраган кекса аёл оқсоқланиб келиб унга ёпишди.

— Қаерларда санғиб юрибсан, уятсиз? Уйнашининг олдига бориб келясанми?! Буйтиб юрганингдан кўра ўлибгина кўяқолсанг бўлмасмиди-я! Хў, сени туғмай мен ўлай!..

Онанинг кўзларига филт-филт ёш қалқди. У қизини қучоқламоқчи, унга қўшилиб тўйиб-тўйиб йиғламоқчи, шу билан кўнглини бир оз бўшатиб олмоқчи эди. Аммо ичкаридан чиқиб келган оқ халатли аёлнинг улар ёнига келиб қўлларини белига тираганча бепасандлик билан томоша қилиб турганини кўриб, яна жазаваси тутди.

— Қилғиликни қилиб қўйиб энди йиғлайсан-а! Кўзинг аввал қаёқдайди, кўзгинанг илоё ситилиб чиққур! — Она қизининг юзига чанг солди. У қалтироқ қўллари билан қизни урар, юмдалар, соchlаридан тортар, қиз эса иккала қўли билан юзини тўсганча букчайиб қолган, елкалари қалт-қалт титрарди. — Айт, ким у? Мени дарров унинг олдига олиб бор! Дарров! Бўлмаса ўзингни шу бугуноқ опкетаман. Буёққа иккинчи қадам бостирмайман!

Қиз юзидан қўлларини олиб кўрқув ичида ортага тисарилди. Оқ халатли аёл уларга яқинлашди.

— Ойимтилла, емоқнинг қусмоғи ҳам бор, айтинг-да энди!

Қиз тўсатдан чўккалаб онасининг тиззасидан маҳкам қучоқлаб олди.

— Онажон... Онажон...

— Ким у? — ўдағайлашини қўймасди оқ халатли аёл.

Қиз онасининг тиззасига юзини босиб тинмай «Онажон... Онажон...» деб йиғлар, ёлворар, онанинг ҳам офтобда қорайган серажин юзида ёш томчилари ялтирамоқда эди...

Оқ халатли «адолат маъбудаси» эса онага ўқрайиб қараб қўйиб сўроқни давом эттирарди:

— Бугун сизни олиб кетишади. Йигитингиз келадими, ёки...

— Онажон... Онажон... — Қиз онасининг қўлларини олиб юзига босди. — Эртага, онажон, эртага...

Қиз тезликда ўрнидан туриб текис йўлда қоқилиб-суринганча югуриб кетди. Ҳушидан айрилиб қулаб бораётган онани оқ халатли аёл суяб қолди.

Мансур уларни четлаб ўтиб қиз кириб кетган бино ёнига келди. Бир неча дақиқа фурсат ўтгач, учинчи қават деразаси очилди. Ундан мўралаётган қиз Мансурга қараб ўзини зўрлаб жилмайди-да, ҳавога «7-палата» деб ёзди. Мансур «тушундим» ишорасини қилиб қайта-верди. У дарвоза ёнига яқинлашганда яна орқасига ўгирилди. Қиз ҳамон деразадан унга қараб турар ва қўл силкирди.

Мансур автобусда қайтиб келаркан, қиз ҳақида ортиқча ўйламасликка ҳаракат қилди. У эрталаб ўқиганларини хаёлан такрорлай бошлади: «Нормал куч, кўндаланг куч ва эгувчи моментнинг ишоралари...»

Квартирага келиб китоб-дафтарларини оласолиб консултацияга чопди.

Эртага биринчи семестрнинг охириги имтиҳони. Мансур ўтган имтиҳонлардан фақат «5» олган. Агар эртага «аъло» олса... У ёғини ўйласа Мансурнинг юраги ширин орзиқиб кетарди. Имтиёзли стипендия, кафедрага ишга таклиф этишлари ҳам мумкин (Мансур камтарлик билан шундай деб ўйлар, аслида эса агар охириги имтиҳондан ҳам «5» олса, кафедрага албатта ишга таклиф этишларини яхши биларди). О, ана унда Мансурнинг барча орзулари аста-секинлик билан амалга оша боришига имконият яратилади. Йўқ, у баъзилардек дарров ҳовлиқиб кетмайди. Аксинча, янада қаттиқроқ ўқийди, институтни «имтиёзли диплом» билан битиради. Илмий иш қилади, диссертация ёқлайди ва... қишлоққа каттакон олим бўлиб кириб боради. Ана ўшанда унинг қандай одам эканлигини ҳамма билиб олади! Ана ўшанда бу «индамас бола»нинг нима ишларга қодир эканлигини кўрган одамлар ёқа ушлашади. Ана ўшанда...

Консултация тугаб, Мансур энди Собирнинг ишхонасига жўнамоқчи бўлиб турган эди, курс бошлиғи уни имлаб четга чақирди.

— Домла мени, сени, Каримни уйига чақирди.

— Нега?

— Озроқ юмуш бор экан. Кейин дачасида ётиб қоламиз. Эрталаб машинада ўзи олиб келаркан. Имтиҳон баҳоляриям тайёр, — кўз қисди курсбоши. Сўнг кўшиб кўйди. — Шунинг учун домла фақат аълочиларни чақирган.

Мансур алланима деб эътироз билдирмоқчи эди, гапи бўғзида қолди. Ўзини зўрлаб жилмайиб турган ва ҳавога «7-палата» деб ёзаётган қиз сиймосини синов дафтарига тушажак «5» ва унинг ортида турган бир дунё қувончлар ювиб кетгандек бўлди.

«Онасига «эртага» деди-ку, — ўзини ўзи ишонтира бошлади Мансур, — улгурамиз...»

Эртаси тушга яқин Мансур гул-гул яшнаб хонага кириб келганида стол устида бир варақ қоғоз ётарди. Унда қуйидагилар ёзилган эди: «Наби, Мансур. Уйга кетдим. Душанба қайтаман. Имтиҳонларингга муваффақият! Собир.» Мансур ялт этиб календарга қаради: кун шанба эди...

Бир неча кундан кейин «шунча олисдан дарсга етиб боришга қийналаётган» Мансур янги квартирага кўчиб ўтди.

Мансурнинг ишлари жойида. У оширилган стипендия олади, кафедрада илмий иш олиб борапти, курсдошлари, ўқитувчилари олдида обрўйи баланд. Баъзан йўли тушиб қолганда эски квартирасига кириб ўтади.

Собиқ ҳамхоналари уни бир дунё янгиликлар билан кутиб олишади. Гўё Мансур кетгандан сўнг Собир ўзгариб қолганмиш: тез-тез ичадиган, ҳеч ким билан очилиб гаплашмайдиган, шифтга тикилиб олганча соатлаб хаёл сурадиган, ишигаям, дарсларигаям яхши қатнашмайдиган бўлиб қолибди. Ҳатто яқинда (одамнинг ишонгисиям келмайди!) бир таклифномами, хатми олгач, онасини қулфлаб олиб икки кунгача ҳеч кимни ичкарига киритмабди. Учунчи куни кўзлари қип-қизариб, ғалати ҳолатда чиқиб келибди...

Мансур бу гапларга индамай қулоқ солади. Йигитлар Собир яхши кўрган қизнинг вафосизлиги ҳақида эшитган миш-мишларини тўкиб солишса юраги гурсиллаб уради, лекин миқ этмайди. Яқинда автобусда Набини учратиб қолди. Унинг гапига кўра, Собир ўқишни ташлаб Жиззах чўлига кетиб қолганмиш...

Бугун шанба.

Ўқув залидан чиққан Мансур вужудида оғир чарчоқ ҳис қилиб, метро вағонидаги бўш ўриндиқларнинг бирига ўтирдию роҳатланиб кўзларини юмиб олди.

Мансур энг аввало кимдир ёнига гуп этиб ўтирганлигини, шу заҳоти тер ва папирос ҳиди анқиб кетганлигини сезди. У ижирғаниб кўзларини очди. Шундай ёнгинасида семиз, қоп-қора бир одам терлаб кетган юзбўйинини рўмолча билан артар, ёнидаги уч-тўртта катта-катта тўрхалталарда турли лаш-лушлар бор эди. «Тоғамиз бозорни катта қилиб юборибдилар-ку», ўйлади Мансур истеҳзо билан.

— Буёққа ке, — деди эркак пишиллаб. Сўнг Мансурга ўгирилди. — Болали аёлга жой бермийсанми?

Эшик ёнида буларга орқа ўгириб бола кўтарган аёл турар ва нима учундир атрофда бўш жойлар кўриниб турса-да, ўтирмаётганди. Мансур ўрнидан турди.

— Кемийсанми энди? — жеркиди эркак.

Аёл ўгирилди. Мансур бу хотиржам чеҳра, лоқайд нигоҳларни қаерда кўрганини эслаб улгурмасдан аёл эшитилар-эшитилмас овозда «рахмат» деб у бўшатган ўринга ўтирди. Мансурга бу овоз ҳам танишдек туюлди.

Наҳотки... бу ўша бўлса?! Наҳотки!.. Аёлни юзига кексалик нуқси урган, кўзлари совуққон боқар, Мансур таажжубланарди: бу аёл ўша... ўша бир йил бурун Мансурнинг кўз олдида онасининг тиззасини қучоқлаб бўзлаган қиз!.. Наҳотки!

Мансур кейинги станцияда тушиб қолди.

Шу шанба оқшоми унинг кўзларига уйку инмади...




—НАСР ТОҚИДАГИ ЮЛДУЗЛАР ◆ НАСР ТОҚИДАГИ ЮЛДУЗЛАР ◆ НАСР ТОҚИДАГИ ЮЛДУЗЛАР ◆ НАСР ТОҚИДАГИ ЮЛДУЗЛАР

Париларнинг соҳир чироғи...

Италия новеллалари

рус тилидан Карим Бахриев таржималари.



Дино Буццати
Жованни Папини
Коррадо Алваро

Франческо иккимиз тасодифан (тасодифмикин?) Кальцара хибонидаги машхур шоир яшайдиган 37 рақамли уй олдидан ўтаётганимизда тунги соат икки эди.

Машхур шоир — қандай табиий ва мағрур жаранглайди — каттакон, бир оз путурдан кетган уйнинг энг охири қаватида яшайди. Шу ерга келгач, иккимиз ҳам индамай, умид билан баландга қарадик. Тасаввур қилинг, бу ғамгин бошпананинг олд томони қоронғи бўлса-да, юқорида, энг баланддаги пештоқ қоронғиликда само билан кўшилиб кетган ерда ёлғиз дераза хира шуъла таратар эди. Лекин унинг нури нақадар ғолиб, қолган ҳаммасидан — ҳайвоний уйқуда ётган инсониятдан, жипс ёпилган, ожиз ва нурсиз деразаларнинг қора қаторидан айрича эди!

Сиз буни аҳмоқона бачканалик деб аташингиз мумкин, лекин биз учун ҳамма қотиб ухлаётганда у, юқорида, ёлғиз чироқ шуъласида шеърлар ёзаётганини англаш ёқимли эди. Ахир, бу туннинг тушлар тугиладиган, қалб кундузи тўпналиб қолган изтироблардан имкон қадар фориг бўлиб, худонинг марҳамати билан эртага одамлар юрагини ларзага соладиган, уларда юксак фикрлар уйғотадиган соҳир сўзлар излаб томлар устидан дунёни ўраган ғуборлар узра учиб юрадиган энг сокин, кечки соати эди. Ахир, шоир, айтишлик, сабот билан соқолини қиртишлаб, тўйиб нонушта қилгач, ишга тушишни тасаввур қилиб бўладими?

Биз шундай, бетартиб, аралаш-қуралаш фикрлар чарх ураётган бошимизни юқори кўтарганча турганимизда, ёришиб турган деразанинг қиррасига омонат соя тушди ва қандайдир кичик, енгил нарса оҳиста чайқалиб, паства, биз томонга қулади. Ҳали у ерга тушиб улгурмасдан, биз кўча чироғининг шуъласида бу ғижимланган қоғоз эканини кўрдик. Золдир қоғоз йўлакка тушди ва сакраб кетди.

Бу шахсан бизга йўлланган мактубмиди, ёки уни биринчи бўлиб топиб оладиган номаълум йўловчига даъватнома; кема фалокатга учрагач, кимсасиз оролга тушиб қолганлар шишага солиб денгизга ташлайдиган қоғозлар каби бахтсизликдан хабармикин?

Мана, бизнинг калламизга келган илк фикр. Балки шоир ўзини нохуш сезган, уйда ҳеч ким йўқлиги туфайли шу йўл билан ёрдамга чақираётган бўлса-чи? Ёки, эҳтимол, унинг хонасига босқинчилар кирган ва бу унинг қутқариш ҳақидаги ноилж илтмосидир?

Иккаламиз бараварига қоғозни кўтариш учун эгилдик. Лекин мен чаққонлик қилдим. «Бу нима?» — деб сўради танишим. Чироқ тагида туриб мен варақни текисламоқчи бўлдим.

Йўқ, бу ғижимланган варақ эмасди. Ёрдам сўралган чақирув қоғози ҳам эмасди. Ҳаммаси оддий, эҳтимол, сирлироқ ҳамдир. Менинг кўлимда узуқ-юлуқ сўзларини зўрға таниса бўладиган қоғоз йиртиқларидан ғижимлаб юмалоқланган золдир қоғоз турарди. Шоир, эҳтимол, ниманидир ёзиб кўнгли тўлмаган ва ғазабидан қоғозини парча-парча қилиб ғижимлаган, кейин кўчага улоқтирган.

«Ташлама, — деди дарҳол Франческо, — у ерда ажойиб шеърлар бўлса-чи? Озроқ сабр қилсак, биз йиртиқлардан уларни қайта тиклаймиз».

«Шубҳа қилмасанг ҳам бўлади, ажойиб бўлганида, у ташлаб юбормасди. Ташлаб юбордим, демак, у норози, демак, шеърлар унга ёқмаган ва ўзиники ҳисобламайди».

«Бу одамни билмаслигинг дарров билинди-қолди. Унинг энг машхур шеърларини ортидан изма-из юрадиган дўстлари қутқариб қолишган. Агар дўстлари бўлмаганда, уларнинг барчасини йўқ қилган бўларди — у шу қадар ўзига талабчан».

«Ахир у қариб қолган, — инкор қилдим мен, кўп йиллардан буён шеър ёзмайди».

«Ёзади, фақат нашр қилдирмайди, чунки ҳеч қачон улардан кўнгли тўлмайди».

«Хўп, яхши, — дедим мен, — агар бу ерда шеър эмас, қандайдир оддий қайд, танишларга хат, балки чиқимлар ҳақида ёзув бўлса-чи?!»

«Шу пайтда-я?»

«Албатта, худди шу пайтда. Нима учун шоирлар оқшом соат иккида ҳисоб-китоб билан шуғулланмасликлари керак?»

Худди шу сўзлар билан мен қоғоз парчаларини кафтларим орасига қисдим, юмалоқлаб пиджагимнинг чўнтағига солиб қўйдим.

Франческонинг панд-насиҳатларига қарамай, мен кейин ҳеч қачон бу қоғоз йиртиқларини тўғриламадим, столга ёйиб кўришга уринмадим. Золдир қоғоз ердан кўтариб олганимда қандай бўлса, тахминан шундайлигича менинг кутучамга беркирилган. Ва ўша ерда қолади.

Балким дўстим ҳақдир, эҳтимол, буюк шоир ростдан ҳам ёзганидан мангу норози, ўзининг мана шу мукамалликка доимий ишқи туфайли абадий қолиши мумкин бўлган ўлмас шеърларини ҳам йўқ қилар. Эҳтимол, у ўша оқшом ёзган сатрлар илоҳий тақомилига етган, улар ёғу дунёда қачондир яратилган нарсалар ичида энг кучли ва покзасидир.

Лекин бошқа тахминларни ҳам йўқ деб бўлмайди: гап қандайдир арзмаган қоғоз ҳақида кетаётгандир; бу аввал айтганимдек, энг бемаъни хўжалик ёзувидир; шоир эмас, унинг яқинлари ёки хизматкори томонидан тузилган ва йиртилгандир (мен шу қадар кам сўзларни кўришга улгурдимки, ҳусниҳати бўйича ёзувчининг қўлини аниқлаб бўладими); бизга тушган нарса ростдан ҳам шеър, лекин сийқадир, ёки ҳатто — буни инкор қилиб бўлмайди — биз адашгандирмиз, шуъла таратиб турган дераза шоирга тегишли эмас, буткул бошқа хонанинг деразасидир, унда йиртилган қўлёзма энг ноқерак қоғоз бўлиши мумкин.

Шундай бўлса-да, менга қоғозни тиклашга ҳалақит бераётган нарса бу салбий фаразлар эмас. Асло. Биз уни топган ша-роитлар, бир қарашда буткул тасодифга боғлиқ ҳодиса ва фактлар устидан аллақандай олдиндан белгилаб қўйилган сирли қисматнинг — биз ўйлагандан кўра тез-тез бошқариб туришига ишонч, умуман, бу ерда ўзига хос башорат, тақдир каромати мавжудлиги ҳақидаги фикр, ахир, айнан биз — Франческо ва мен — акс ҳолда мангуга йўқолиши мумкин бўлган бойлиқни топиб олиш учун айнан ўша ерда, айнан ўша тун ва айнан ўша соат пайдо бўлишимиз, — буларнинг ҳаммаси мантиқини топиб бўлмайдиган далилларга мойиллигим билан қўшилиб каминани бу кичик золдир қоғозда буюк сир, ғайриинсоний қудрат ва гўзаллик мужассам сатрлар бор, деган қарорга олиб келди. Шоирни эса энди ҳеч қачон қайта бундай юксакликка кўтарилма олмаслигини англаш туйғуси ўз меҳнатининг мевасини йўқ қилишга ундаган. Ахир, ўз фаолиятида истиқбол чўққисига етишган ижодкор кейин муқаррар пастга қараб кетиши, шунинг учун у ўзи аввал яратган, мангуга йўқотилган бахтини эслатиб турадиган ҳамма нарсадан нафратланиши маълум.

Ана шу ишонч билан мен золдир қоғозга яширин бебаҳо сирни даҳлсиз сақлаб келаман; мен уни аллақандай ноаён

истиқбол учун асрайман. Қандайдир яхши нарсани кутиш унга эга бўлишдан кўра кўпроқ қувонч келтириши (шунинг учун истакнинг бу ҳали ҳаммаси олдинда деган ақида билан қувватланган турини қондиришдан кўра наъшанинги тортиш, лаззатланиш тўғрироқ бўлади: чамаси кўрқув ва шубҳадан холи тушиши бахтнинг инсонга тегишли ягона шакли бўлса керак), ажойиб ёз ваъда қилиб келадиган баҳор одамни ўша ёзнинг ўзидан кўра кўпроқ қувонтирар — бу ваъданинги узоқ кутиб рўёбга чиқиши каби ноёб ва ҳали номаълум дostonнинг борлигини олдиндан сезиб лаззатланиш, эҳтимол, у билан бевосита ва чуқур танишишдан олинандиган бадий завқланишдан кўра юксакроқдир. Буларнинг барчаси жудаям қизиқиб кетган тасаввуримнинг мевалари, бу кетишда фирибгарчиликка: ўзини кўрсатиш учун ёлғон-яшиқ тўқишгага бориш ҳеч гап эмас, деб мени рад қилишлари мумкин. Шундай бўлса-да, барибир ортимизга қарасак, бизнинг энг лаззатли ва кучли қувончларимизнинг ҳеч қачон мустақамроқ асоси бўлмаганлигини кўрамай.

Қолаверса, бу ҳолатда ўзининг энг кескин шаклларида бирини олган поэзиянинг бутун сир-синоати шунда эмасми? Ким билади, балки шеърят очик ва ҳаммага тушунарли тилга, қандайдир мантиқли маънога, сўзлари турли бўлақларга бўлинадиган жумлаларга ва қандайдир ақлли тушунчалар ифода қилишга муҳтож эмасдир. Ёки яна: сўзлар, биз кўрганимиздек, парчаларга бўлиниши, алоҳида бўғинлардан иборат тўдага аралаштирилиши мумкин дидир. Яна: бу сўзларнинг асир этувчи гўзаллигидан оромланиш, қудратини англаш учун улларни ўқилиш шарт эмасдир. Уларга қарашнинг, тегиниб кўришнинг, жисмоний яқинлигини ҳис қилишнинг ўзи етарли. Балки шундайдир. Аввало, бу жуда муҳим, ҳув анави китобчада, ана ўша варақдаги ўша шеърлар, ўша белгиларнинг ўзи шоҳ асар эканлига ишона олиш керак. (Қаранг, Леопарди, «Дзибаль-доне»: «Гўзаллик кўпчилик ҳолларда уни шундай қабул қилишга ўрганишгани учун гўзалдир»). Масалан, мен ҳар гал қутичани очиб, ҳалиги йиртиқлар орасига, эҳтимол, шеърларнинг қораламаси яширинган — билмадим, афтидан ўзини ишонтиришнинг кучи шунда бўлса керак — золдир қоғозни қафтларим орасига олиб сиқар эканман, тўсатдан, гўёки аллақандай сеҳр туфайли ўзимни тетикроқ, энгилроқ, бахтлироқ сеза бошлайман, мени маънавий етукликнинг шуъласи ўзига ром қилади; олис-олисан, уфқ ортидан, тоғлар, ёлғиз тоғ чўққилари яқинлашиб келаверади. (Майли, ўша золдир қоғозда — муаллиф бирор-бир ҳамкасбининг умрини хазон қилиш учун битган имзосиз юмалоқ хатнинг қораламаси бўлса ҳам.)

Рухий тўлғоқ тасвири

Новеллари журналхонга тақдим этилаётган адаблар нафис италян адабиёти номояндлари, икки жаҳон уруши ва мисли кўрилмаган эврилишлар, антик Рим ва Уйғониш даври анъаналарида шаклланган дунёқарашнинг беқиёс исёнлари асири — XX аср соҳиби қаламларидир. Катта тиражли «Ешлик» журналы ўзбек китобхонини уларнинг ижоди билан таништираётган экан, буни қутламоқ лозим. Улар нафақат Италияда, балки қатор хорижий мамлакатларда ўта ўқишли муаллифлар ҳисобланади. Турли ифода услубига эга бу ёзувчилар қотиб қолган фикрни қўзғатшига, ёш адабий авлодни уйғотишга қодирдир.

ДИНО ВУЦЦАТИ: *Машҳур мунаққид Карло Во унинг «аниқ бир йўналиши, математик услуби» ҳақида ёзганди. Вуццати бешафқат, гўё қуруқ ранглар билан чизади, айни вақтда асарларидаги ички эҳтирос кишини ҳайратга солади. У туйғулар ёзувчиси дидир. Улим олдидаги дарғазаб айрилиқ, маҳкумлиқ, ёлғизлик... Вуццати бу ҳақда кўп ўйлаган. «Улим, — деган эди у, — инсон ҳаётидаги энг муҳим воқеа».*

Дилбар ҳикоячи Вуццати ўз услубининг равон ва аниқлигига иттилади. Кўтаринкилик ва озурдалик гулханини дарҳол совуқ киноя билан сўндиради. Италия адабиётида ёлғиз шу адиб алоҳида, ҳеч қандай мактабу оқишларсиз кун кўради.

Дино Вуццати ижодини Италияда фашизм ҳукмрон пайти пайдо бўлган соҳир реализм йўналишига ҳам боғлаб кўришган. Унинг ҳикояларига қалб қулоқлари билан эътибор

беринг. Бу ҳам эртак, ҳам мажозий афсона, ҳам фалсафий эссе, ҳам қуруқ газета хабаридир. Бир асарда, бир бетда, бир жумлада, бир сўзда у ҳам фантаст, ҳам реалист.

1906 йилда Италиянинг Беллуно шаҳрида туғилган Дино отаси — халқаро ҳуқуқ профессори каби юридик маълумот олади, бироқ журналистика кўчасига кириб қолади. Бу қўлдан уни 1972 йили ўлимгина олиб чиқди. «Коррьере Делла сера»нинг муҳбири Дино уруш пайти Африкада хизмат қилди.

Унинг қаламига мансуб беш роман, театр ва радио учун пьесалар, опера либреттолари, бир неча шеърый тўплам, ҳаттоки комик шаклидаги дoston бизга мерос қолди. Вуццати ўз асарларини беаган ажойиб мусаввир ҳам эди. Унинг намойиш этилаётган асарлари кўргазмаси ҳамон шов-шувга сабаб бўлади.

Дино Вуццати ижодининг ўзаги — кичик ҳикоя, новелла. Ғарб ҳаётининг мозаикаси, тўжарақайлиги, одамнинг ёлғизлиги унинг мавзусидир. Гуноҳлар ва тазаррулар таҳлили шаккоқ ёзувчинини тақводор аталишига ҳам туртки бўлган. Ҳозирги техникалаштирилган тамаддури — унинг яна бир нишони. «Сичқон талвасасидай кечгувчи ҳаёт»нинг ўзи нима? — сўрайди у. Ва яхши асарларида шунга жавоб беради.

Жованини ПАПИНИ. Унинг ҳикояларидан бири «Рух айирбошлаш» деб аталади. У реал ҳаёт воқеалари ва ўзига хос истеъдод соҳиби эди.

Папини 1881 йилда Флоренцияда кўз очган ва 1956 йилда шу ерда кўз юмган. Носир, шоир, файласуф, мунаққид... Унинг энг яхши асари, менинча, «Адо бўлган одам»дир. Асарда фактлар йўқ ҳисоби, ҳаракат деярли сезилмайди.

Дўсту ёронлар

Скрипка тузатувчи уста Амадео Торти ва унинг хотини қаҳ-ва ичаётган эдилар. Болаларни аллақачон ухлагша ётқизишган. Иккалалари ҳам, кўпинча бўлгани каби жим ўтирардилар. Хотин иттифоқо гап бошлади:

«Билмадим, сенга қандай тушунтирсам экан... Бугун кун бўйи менда аллақандай ғалати сезги... Гўё кечқурун бизни-кига Аппашер кирадигандай».

«Бунақа нарсаларни ҳатто ҳазил учун ҳам айтиб бўлмайди!» — Асабий жавоб берди эр.

Ҳамма гап шундаки, бундан йигирма кун аввал унинг кўҳна қадрдони скрипкачи Тони Аппашер вафот этган эди.

«Тушунман, тушунман... Қанақадири даҳшат, — деди хотин, — лекин бу туйғудан ҳеч қутула олмаяман».

«Ҳа, агарда...» — Торти ғамгин овозда ғўлдирди, бироқ фикрини давом эттирмади. Фақат бошини чайқаб қўйди, холос.

Улар яна жим туриб қолдилар. Вақт чорак кам ўн эди. Кўқисдан кимдир эшик кўнғироғини босди. Кўнғироқ узоқ жаранглади. Иккаласи ҳам сесканиб кетишди.

«Бевақт келган ким экан?» — деди аёл.

Даҳлиздан шалп-шулп этиб Инес ўтди, кейин очилган эшикнинг ғирчиллаши, бўғиқ гап-сўзлар эшитилди. Қиз ошхонага бош суқди. Унинг юзида қон йўқ эди.

«Ким экан у, Инес?» — сўради уй соҳибаси.

Оқсоч қиз уй хўжайинига ўғирилди ва гапира бошлади: «Синьор Торти, бир минутга чиқинг, у ерда... Ой, билсангиз эди!»

«Ким экан келган? Ким?» — дарғазаб сўради соҳиба, гап ким ҳақида кетаётганини аллақачон тушуниб етган бўлса ҳам.

«У ерда... у ерда... Синьор Торти, ўзингиз чиқинг... Маэстро Аппашер қайтибдилар!»

«Бемаъни гап!» — деди бу топишмоқлардан асабийланган Торти, сўнг хотинига мурожаат қилиб, қўшиб қўйди:

— Ҳозир қарайман... Сен шу ерда тура тур».

У қоронғи йўлакка чиқди ва аллақандай шкафнинг бурчагига туртинди, даҳлизга қараган эшикни шахд билан очди.

У ерда, жунжикиби, Аппашер турарди. Йўқ, ҳарҳолда, у аввалгидан сал бошқачароқ эди: қиёфасининг кўримсизлашгани тўғриси кўримсизроқ туюларди, шекилли. Бу Аппашернинг шарпасимикан! Йўқ, ҳарҳолда, у ҳали ўзининг мавжудлигини батамом йўқотмаган эди. Шарпа бўлса ҳам, моддийлигининг қайсидир жиҳатларини сақлаб қолганди. У одатда-

гидай кийинган: кўримсиз костюм ва ҳаворанг йўл-йўл чиқиқли кўйлақда, қизил ва яшил ранг чоғишган бўйинбоғ таққан, шаклини йўқотган фетр шляпасини асабий ғижимлаганча турарди. (Костюм эмас, албатта, костюмнинг шарпаси бўйинбоғнинг ва ҳоказо).

Торти унчалик таъсирланувчан одам эмасди. Лекин у ҳам қотиб қолди, дами ичига тушиб кетди. Йигирма кун аввал қабристонга кузатган яқин ва қадрдон дўстингни ўз уйингда кўриш — бу сизга ҳазил эмас!

«Амадео!» — сўз қотди шўрлик Аппашер ва орага чўккан совуқлики озорқ кўтариш учун зўрға жилмайди.

«Сен — бу ерда? Қандай қилиб бу ёққа келиб қолдинг?» — Торти жаҳлини зўрға босиб қичқирди, чунки уни чулғаетган қарама-қарши ва ноаён туйғулар негадир ногоҳ ғазаб алангасига айланди. Ахир, жудо бўлган дўстини кўриш имкони унга чексиз қувонч бағишлаши лозим эмасми? У бунақа учрашув учун ўзининг миллионларини бермасмиди? Ҳа, албатта, у ҳеч иккиланмасдан шундай қилган бўларди. Бўлмаса нега Торти ҳозир ҳеч қандай қувончни сезмади? Бу ноёб ғазаб қаердан пайдо бўлди? Демак, шунча изтироблар, кўз ёшлар, машъум ҳодисанинг одат-таомиллари учун чекилган беҳаловатликлардан сўнг ҳаммасини қайтадан бошлангми? Кўмиш маросимидан буён ўтган кунлар ичида латиф ҳис-туйғулар тугаб битган, энди уларни ҳеч қаердан олиб бўлмасди.

«Мана, кўряпсанми. Бу менман, — Аппашер шляпасининг четини баттар эзиб жавоб қилди. — Бироқ... Ўзинг билсан-ку, бизнинг орамизда нима ҳам бўлиши мумкин... умуман, олифатгарчиликни қўй... Агар, ноқулай бўлса...»

«Ноқулай? Сен буну ноқулай дейсанми? — қичқирди ғазабдан қутуриб кетган Торти. — Худо билди бунақа аҳволда қаердан келяпсан... Яна ноқулай бўлса, дейсан! Қандай ҳаддинг сиғида! — Шундан сўнг батамом ғазоби кўзиб, ўзича ғўлдирди: энди нима қилсам экан?»

«Қулоқ сол, Амадео, — деди Аппашер, — мендан хафа бўлма... Менинг ҳеч айбим йўқ... У ерда (аллақайқа ишора қилди) қандайдир чалкашлик бўлибди... Умуман, мен бу дунёда бир ойлар бўлсам керак... Бир ой ёки сал кўпроқ... Ўзинг билсан, энди менинг уйим йўқ, у ерга аллақачон янги одамлар кўчиб киришибди...»

«Бундан чиқди, сен меникида қолмоқчисан, шундайми? Шу ерда ухламоқчисан?»

«Уйку? Мен энди ухлайман... Гап бунда эмас... Менга бирор бир бурчак ҳам бўлаверади... Мен ҳеч кимга ҳалақит бермайман ахир, энди на ейман, на ичман, на... умуман, ҳожатхо-

муҳаббат мавзуи, сюжет ўзаги йўқ. Бу интеллектуал таржимаи ҳол, раҳмсизлик, калондимоғлик, шартакилик билан ёзилган уста ёзувчининг китоби.

Санаси — 1910 йил. Яна қирқ олти йил яшаши керак у. Адибнинг интеллектуал таржимаи ҳолини ёзиб чиқиш қийин, сабаби Папини прагматик, мистик, футурист, анархиячи, атеист, католик сийрагида яшаб кўрган. У миллатчига айланганида ҳам шу қадар ашаддий ва талбавор бўлдики, миллатни соғломлаштириш учун ҳар бир одамни қайноқ қора қон тўла ҳовузга ботириб олиш керак, деган фикр Жованнининг дали ҳаёлига таъриф буюрди. Биринчи жаҳон урушидан кейин адибнинг ярадор майллари, худбинлиги динни қабул қилишга олиб келди. 1921 йилда «Исонинг ҳаёти» китобини нашр этди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг 1953 йилда «Шайтон» номли китобини ўқувчиларга тақдим этди, Ватиканнинг ғазабига дучор бўлди.

Эгтикдорнинг эврилишларига, руҳнинг тўполонларига қарамасдан Жованни Папини италия адабиётининг айрича вакилидир. У руҳий тебранишларни, маънавий қийматлар инқирозини беқиёс чуқур англаган ва ифода этган ёзувчи.

Коррадо АЛВАРО. «Ҳамма йўллар Римга олиб боради» дейишади. Коррадо Алваро 1895 йилда Сан Лукада туғилиб, 1956 йилда Римда бандаликни бажо келтирган.

1926 йилда «Калаванинг учини йўқотган одам» романи ва деҳқонлар ҳаётини ҳаққоний акс эттирган бир неча томли ҳикоялари босилади.

Алваро ёзувчигазина ҳо ҳаёткир нигоҳга эга эди. У хулқ атворларнинг ўта ифодали суратларини яратди. Лекин

адибни фақат соддадил жануб деҳқонларининг куйчиси ҳисоблаш — Алваро ижодини кемтик ҳис қилиш демак.

Бир пайтлар галаги воқеа рўй берган: 1930 йилда «Аспромонтелик одамлар» кассаси босилиб чиқади ва Муцсолини Бразилия элчиси билан расмий қабул пайти асарни мақтайдди. Унга жуда тез обрў орттириш, ташвишсиз яшаш имконияти туғилади. Бу имкониятдан у фойдаланмайди. Кошки ҳамма ҳам шундай қатъиятли бўлса!..

Алваро ижодида модернизм таъсири ҳам сезилади. Худбинлик психологияси унинг трилогияси — «Қисқа ёшлик» (1946 йил), «Мастранжеллина» (1960 йил) ва «Ҳаммаси бўлганди» (1961 йил) романларининг, шунингдек, кундаликлирининг «мағзига сингган». Сизга ҳавола этилаётган «Портлаш» ҳикояси нозик психологик таҳлил маҳсулидир.

«Ёшлик»да босилаётган новеллалар адабиётдан ҳордиқ излайдиганларга эмас, фикрловчи, хайрхоҳ ўқувчиларга мўлжалланган. Уларни турлича ўқиш мумкин. Равшан нигоҳ билан мутолаа қилингандагина қаршингизда исёнкор руҳнинг янги қатламлари очилади. Бу анчайин машаққатли, фойдали сафарда оқ йўл тилайман. Ниятингиз ёруғ бўлсин.

Светлана КОКОШКИНА,
филология фанлари кандидати,
Ленинград Давлат университети
роман филологияси факультети
итальян бўлимининг мудир.

нанинг ҳам кераги йўқ... Тушуняпсанми, фақат тун бўйи кўча кезиш жонимга тегди, айниқса, ёмғир остида.

«Кечирасан, ахир, ёмғир остида сен... ивийсанми?»

«Ивишга ивимайман-а, — у ингичка овозда ҳиринглади, — барибир ҳам жуда ёқимсиз-да».

«Демак, сен ҳар оқшом шу ерда тунамоқчисан?»

«Сенинг ижозатинг билан...»

«Менинг ижозатим билан... Ҳеч тушунолмаймаман... Сен ақлли одамсан, кадрдон дўстимсан... сенинг бутун ҳаётинг, айтиш мумкинки, орқада... ўзинг нега тушунмайсан? Ҳа, албатта, сенинг ҳеч қачон оиланг бўлмаган!»

Аппашер хижолат тортиб эшикка томон чекинди: «Кечир мени, ўйловдимки... Ахир, гап бор-йўғи бир ой устида кетяпти...»

«Йўқ, сен менинг аҳволимни тасаввур қилишни хоҳламайсан, вассалом! — Торти газаби келиб бақириб юборди. — Ахир, мен ўзимни ўйлаётганим йўқ... Менинг болаларим бор!.. Болаларим!.. Ҳали ўн ёшга ҳам тўлмаган икки бегуноҳ гўдак сени кўриб қолиши мумкин, бу сенингча, арзимаган нарсами? Ахир, охир-оқибат, сен ҳозир ўз аҳволингни тасаввур қилишинг керак! Шафқатсизлигим учун кечирасан-у, лекин сен... сен — арвоҳсан... менинг болаларим бор жойда арвоҳларга ўрин йўқ, азизим...»

«Демак, ҳеч илжои йўқ?»

«Демак, ҳеч илжои йўқ, азизим... Бошқа ҳеч нарса деёлмай...» У шундай, ярим сўзда жимиб қолди: Аппашер кўққисдан ғойиб бўлди. Фақат кимнингдир зинапоядан тез-тез чопиб кетгани эшитилди, холос.

Маэстро Тамбурлани — у консерватория директори бўлиб, уйи шу ерда эди — концертдан сўнг хонасига қайтаётганда соатлар ролпа-роса тунги соат ўн икки яримга занг уришаётганди. У эшик олдида туриб, қулфга солинган калитини энди бураган ҳам эди; ногоҳ елкаси оша кимнингдир: «Устоз, устоз!» — деб шивирлаганини эшитди. Кескин ўгирилиб, Аппашерни кўрди.

Тамбурлани нозик дидли сиёсатчи, эҳтиёткор, ҳисоб-китобли, ўз ишларини яхши йўлга қўя оладиган одам сифатида ном қозонган эди; ўзининг шу афзалликлари (ёки қусурлари) туфайли у жамиятда ўзининг камтарона хизматлари эвазига эгаллаши лозим бўлганидан юқориқ ўринга эришганди. У аҳволни бир лаҳзада фаҳмлади.

«О, азизим! — у юмшоққина қилиб, ҳаяжон билан гапираркан, қўлини скрипкачисига узатди, бироқ ундан бир қадам узоқда туришга уринди. — О, азизим, азизим!.. Билсанг эди, бизга нақадар...»

«Нима-нима?» — қайта сўради Аппашер. У яхши эшитмас эди, чунки шарпаларда одатда барча сезгилар ўтмаслашган бўлади. — Тушуняпсанми, менинг эшитиш сезгиларим аввалгидек эмас...»

«О, тушунаман, азизим... Аммо мен қичқира олмайманку — ичкарида Ада ухлапти ва умуман...»

«Кечирасан, албатта, лекин сен мени ҳеч бўлмаса бир неча дақиқа киргизолмайсанми? Ахир, мен кун бўйи тик оёқда юрибман...»

«Йўқ, йўқ, нималар деяпсан? Худо кўрсатмасин, Блицт ҳид олиб қолса борми».

«Нима? Ким дединг?»

«Блицт, овчарка, сен менинг кўппагимни биласан, ахир, тўғрими? У шундай шовқин кўтардики!.. Бу томонда қоровул ҳам уйғониб қолиши мумкин... Кейин...»

«Демак, мени қўя олмайсан... Жилла курси, бир неча кунга...»

«Меникидами? О, азизим Аппашер, албатта, албатта!.. Сендай дўст учун мен... Нималар деяпсан. Қулоқ сол... сен мени, албатта, кечир, лекин итни нима қиламиз?»

Бундай жавоб Аппашерни эсанкиратди. У устозининг кўнглини юмшатмоқчи бўлди:

«Маэстро, ахир сен йиғлаган эдинг, яқиндагина, у ерда, қабристонда менинг устимга тупроқ тортишдан олдин қабр устида нутқ сўзлаётиб йиғлаган эдинг-ку... Эсингдами? Ҳўрсинганингни, ҳиқиллаганингни эшитмади, деб ўйлаясанми? Эшитдим».

«О, азизим, гапирма... мана бу ерим (у қўлини кўкрагига олиб борди) ҳали-ҳануз орғийди... О, олло, Блицт, шекилли!»

Ҳақиқатан ҳам эшик ортидан бўғиқ, огоҳлантирувчи ёнгишув эшитилди.

«Сабр қил, азизим, мен кириб бу бадфеъл жониворни тинч-лантириб чиқай... Бир дақиқагина, азизим».

У хонага илонбалиқдай сирғалиб кирди, кетидан эшикни қаттиқ ёпди, яхшилаб зулфини суриб беркитди. Кейин ҳаммаси тинчиди.

Аппашер бир неча дақиқа кутди, кейин шивирлаб чақирди: «Тамбурлани, Тамбурлани». Эшик ортидан ҳеч ким овоз бермади. Энди у бармоқларининг сўнгаллари билан оҳиста черта бошлади. Жавоб бўлмади.

Тун эса чўзилгандан чўзилди. Аппашер бахтини Жаннаникида — бир неча бор бирга вақтини ўтказган кўнгли бўш енгилтабиат жувонникида синаб кўришга қарор қилди. Жанна марказдан анча олисдаги кўпчилик истиқомат қиладиган кўҳна уйнинг икки хонасида яшарди. У манзилга етганида, соат тунги тўрт эди. Бахтига, бунақа чумоли индек серодам уйларда кўпинча бўлганидек, подвездининг эшиги очиқ экан. Аппашер шаҳарда дайдиб ҳолдан тойган эди — олтинчи қаватга минг машаққат билан зўрға судралиб чиқди.

Йўлакда у қоронғуликда ҳам керакли эшикни осонгина топди. Оҳистагина чертди. Эшик ортидан ҳаётнинг овози эшитилгунча яна бир неча марта тақиллатишга тўғри келди. Ниҳоят, унгача уйқули аёл овози етиб келди:

«Ким у? Бемаҳалда келган ким экан?»

«Ёлғизмисан? Оч... бу менман, Тони».

«Шу пайтда? — ҳеч бир ҳайратсиз такрорлади у, ўзигагина хос сокин итоаткорлик билан. — Сабр қил... мен ҳозир».

Эринчоқ шитирлаш, чироқ ёққичнинг чиқирлаши эшитилди, келиб айланди. «Алламаҳалда нима қилиб юрибсан!» — Жанна шундай деб, эшикни очди ва яна тезда тўшакка қочиб бормоқчи бўлди, — эшикни ўзи беркитар, — лекин Аппашернинг ғалати қиёфаси уни ҳайратга солди. Жувон эсанкираганча уни бошдан оёқ кузатди, шундан кейингина унинг ақли жойига келди.

«Ахир, сен... Ахир, сен... Ахир, сен...»

Жувон, ахир, сен ўлгансан, энди эсладим, демоқчи бўлди. Бироқ бунга журъати етмади, фақат қўлларини илгари чўзиб, — у яқинлашиб қўймасин учун, — орқага тисарилди.

«Ахир, сен... Ахир, сен... Шунда жувоннинг бўғзидан ҳайқирчиқ отилиб чиқди. — Кет!.. Худо ҳаққи, кет!» — у даҳшатдан кўзларини катта-катта очиб ёлворди. Аппашер эса ҳали унга тушунтиришдан умидини узмаганди:

«Илтимос, Жанна... Озроқ дам олсам, бас».

«Йўқ-йўқ, кет! Уйлаб ҳам ўтирма. Мени ақлдан оздирасан. Кет, кета қол! Бутун уйни оёққа турғизишни хоҳлайсанми?»

Аппашер ҳали ўрнидан қўзғалмагани учун жувон, ундан кўзини узмай, шошиб кийим-кечак турадиган жавонни титқилай бошлади; қўлига қайчи илтиди.

«Кетаман, кетаман», — деди ўзини йўқотиб қўйган Аппашер, лекин жувон ноилжликдан жасорат қилиб аллақачон бу ўнғайсиз қуролни унинг кўкрагига тираган эди: қайчининг иккала тиғи ҳам шарпанинг кўксига ҳеч қандай қаршиликсиз кириб кетди.

«Ой, Тони, кечир, мен бундай қилмоқчимасдим!» — Жувон кўркувдан қичқириб юборди.

«Йўқ-йўқ... қитиғим келяпти! — Жазаваси кўзиб қиқирлади у. — Илтимос, бас қил. Ой-ой, қитиғим келяпти!» Кейин телба одамдай хохалай бошлади.

Ташқарида, ҳовлида дераза шарақлаб очилди, кимдир зарда билан бақирди: «Нималар бўляпти ўзи? Соат қарийб тўрт бўлди! Бу қандай бемазагарчилик, жин урсин!»

Аппашер аллақачон шамол тезлигида қаёққадир изсиз йўқолган эди.

Яна кимга мурожаат қилсан экан? Шаҳар дарвозасидан ташқаридаги Сан Калисто бутхонасининг руҳонийсигами? Уша гимназияда бирга ўқиган ошнаси, яқиндагина уни ўлим тўшагида зайтун ёғи билан мойлаган қадрли дон Раймондогами?

«Йўқол, йўқол, дўзахдан чиққан дажжол, алвәсти», — муҳтарам пастир скрипкачини шу сўзлар билан қаршилади.

«Сен мени танимадингми? Мен — Аппашерман... Дон Раймондо, менга шу ерга яширинишга рухсат бер. Тонг отяпти, Бирорта ит менга бошпана бермайди... Дўстларим мендан юз ўгиришди. Балки, сен...»

«Билмадим, сен кимсан, — руҳоний эзгинлик ва дабдаба билан жавоб қилди. — Эҳтимол, иблис ёки саробдирсан, мен билмайман. Агар, ҳақиқатан ҳам Аппашер бўлсанг, кир мана сенга менинг тўшагим, ёт, ором ол...»

«Ташаккур, ташаккур, дон Раймондо, мен билар эдим...»

«Сен хавотирланмасанг ҳам бўлади,— руҳоний ясама риёкорона оҳангда давом этди,— мен аллақачон епископнинг кўзига ташланиб қолганман... Сенинг бу ердалигинг мен учун жиддий ташвишлар келтиришидан хижолат чекиб ўтирма, йўқ, йўқ... Қисқаси, мен ҳақимда ўйлама. Агар, мени буткул хароб қилиш учун сени бу ёққа юборишган бўлса, начора, оллонинг иродаси!.. Нималар қилиясан? Дарров кетяпсанми?»

Мана, нима учун арвоҳлар — агар қандайдир шўрлик руҳ заминда ушланиб қолишини ўйлаганда ҳам — биз билан туришни хоҳлашмайди, балки бўшаган уйлар, қадимий минораларнинг харобалари, худо ҳам, бандаси ҳам унутган ўрмон ибодатгоҳларида, денгиз тўлқинларининг зарбалари остида тобора емирилиб бораётган танҳо чўққиларда яшаб юришади.

ТАҚИҚ

Бизда поэзияни таъқиқ қилганларидан буён яшаш, албатта, осонлашди. Энди аввалги бутун жамият манфаатларига зид бўлган руҳий ҳорғинлик, носоглом эҳтирос, хотираларга мойилликдан асар ҳам йўқ. Иш — мана, ҳақиқий қийматга эга бўлган ягона нарсаси; тушуниш қийин, нега инсоният минг йиллар давомида бу муҳим ҳақиқатни инкор қилиб келди экан!

Маълумки, миллат фаровонлиги учун улкан ишларга даъват этувчи, бизнинг ҳурматли нозирларимизнинг чиғиригидан ўтган баъзи гимнларгина юзлашқондан чиқмайди. Лекин уларни поэзия намунаси деб бўладими? Шукрки, бўлмайди. Улар меҳнаткашларнинг руҳини қувватлайди, холос, лекин хаёлнинг хатоли ва тизгинсиз парвозига ўрин қолдирмайди. Ахир, дейлик, бизда ишқ изтиробларига тўла қалбларга жой бўлиши мумкинми? Бизнинг ўзини аниқ ишларга бахш этган жамиятимизда маънавий кучларни ҳеч қандай амалий фойдаси бўлмаган — ахир буни ҳамма билади — завқланишларга сарфлашга йўл қўйиб бўладими?

Албатта, кучли ҳукуматсиз ҳаётнинг бу қадар кенг кўламли яхшилишининг иложи йўқ эди. Бизнинг депутат Ниццарди бошчилигидаги ҳукуматимиз айнан шунақа кучли ҳукуматдир. Кучли ва, албатта, демократик ҳукумат. Шу билан бирга демократизм унга зарур бўлганда — шу етмай турувди! — темирдай муштини шошига солишга ҳалақит бермайди, албатта. Поэзияни йўқотиш ҳақидаги қонуннинг энг ашаддий ҳимоячиси тараққиёт министри, депутат Валтер Монтиакри бўлди. Аслида у миллат иродасининг ифодачиси, холос, доимо ўта демократик, шундай дейиш мумкин бўлса, курсга асосланиб ҳаракат қилади. Психикасининг бу зарарли ҳолати аҳолининг жонига теккани аллақачон аён бўлган эди. Энди уни фақат бутун жамият фаровонлиги йўлида аниқ чегараловчи нормалар билан мустаҳкамлашгина қолганди.

Айтиш керакки, алоҳида гражданинг бу қадар оз безовталик етказадиган қонунлар жуда кам. Ҳақиқатан ҳам, бизда ким ҳам шеър ўқирди? Улар кимга керак эди? Давлат ва хусусий кутубхоналардан қонунга хилоф томларни йиғиб олиш унчалик қийинчилик туғдирмади, қайтанга, бу иш умумий кўтаринкилик ва қониқчи руҳида ўтди, гўё ниҳоят бизни малол келадиган даҳмазадан халос қилдилар. Ишлаб чиқариш, қуриш, диаграммалар чизигини баландроқ кўтариш, санаот ва савдо-сотиқни мустаҳкамлаш, миллий қудратимизни ошириш мақсадида илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш, кўпроқ куч-қувватни транспорт тараққиётига йўналтириш — (қандай гўзал сўз!) — мана, керак бўлса, поэзия, менинг азиз ҳамюртларим. Яшасин техника, аниқ ҳисоб-китоб, эҳтиёжнинг тўла ўрганилиши, тонналар, метрлар, прекурсантлар, бозор нархлари, таннарх ва санъат асарларининг (умуман, улар керак бўлса) соғлом сарзамини!

Депутат Валтер Монтиакри қирқ ёшга кирган. Бу қомати тик, келишган эркак; эшитяпсизми, қўшни хонада у қуляпти. (Унга ҳозир қандай қилиб, деҳқонлар кекса шоир Освальдо Каннинг таъзирини беришганини айтишмоқда. «Ахир, мен энди шеър ёзаётганим йўқ, — қичқирибди шўрлик, — қасам ичаман, ўн беш йилдан буён ёзмаяпман! Дон-дун билан савдо қиламан, холос». «Лекин авваллари ёзардинг-а, ярама!») Шу сўзлар билан дурустгина кийинган, шляпали, ҳассасга сунган қарияни

гўнг тўдасига иргитишибди.) Эшитяпсизми, депутат қанақа кулади? Ҳа, бу одам, шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади, ўзига ишонди, оёқлари ерда мустаҳкам туради. Унинг бир ўзи нақшикор панжарага тирсақларини эринчоқлик билан тираганча, кун ботиш тарафга боқиб, покиза аёл ҳақида шеърлар тўқийдиган аввалги бўшангларнинг юзтасига арзийди.

Ҳа, умуман, депутатни ўраб турган ҳамма нарсаси аниқ ва ҳақиқийдир. Бунинг устига у унчалик шафқатсиз ҳам эмас. Кабинетининг деворларига машхур расмонларнинг картиналари осиб қўйилган; улар асосан кўзни ўйнатадиган, бироқ қалбни беҳузур қилмайдиган мавҳум композициялар. Бокира маънавий қийматларнинг қадрига етувчи соҳибининг бекаму кўст диддан гувоҳлик берувчи ажойиб дискотекаси ҳам бор; албатта, унда сиз Шопеннинг чучмал асарларини тополмай-сиз, бироқ Ҳиндемит мукамал тўпланган. Кутубхонага келсак, унда илмий тадқиқотлар ва ҳужжатли китоблардан ташқари дам олиш пайтлари мутолаа қилиб кўнгил хушлайдиган асарлар ҳам етарли. Табиийки, буларнинг барчаси ҳаётни ҳар қандай ўзбилармонлик ва тумтароқли ибораларсиз, бор бўйича кўрсатадиган муаллифларнинг китоблари; худога шукр, уларни ўқиб юрагинг безовта бўлишидан қўрқмасанг ҳам бўлади, — бу ҳеч бўлмайдиган нарсаси, гарчи илгарилари (ишониш қийин!) бунга нафақат йўл қўйилган, балки рағбатлантирилган бўлса ҳам.

Депутат жуда яхши кулади, қулоққа ёқимли. Унда қанчалар амр-фармонлик, салобат, кўтаринкилик, амалий омилларга ишонч мавжуд! Лекин у бизга туюлганидек тинчмикан? Утмишининг беъмани қолдигидан буткул қутулганимизга ишончи шу қадар мустаҳкамми?

Бир кун у кечки овқатдан кейин қандайдир ёзма нутқни кўздан кечираётган эди. Хонага хотини кирди.

«Валтер, билмайсанми, Жоржина қаерда?»

«Йўқ. Нима эди?»

«У дарс қиламан, деган эди. Лекин қизча хонада йўқ. Чақирдим — жавоб бермайди. Ҳаммаёқни излаб чиқдим.»

«У боғда бўлса керак.»

«Боғда ҳам йўқ.»

«Демак, бирорта дугонасиникига чиққандир.»

«Бемаҳалда-я? Йўқ-йўқ. Мана, пальтоси даҳлизда илиғлик турибди.»

Хавотирланган эр-хотин бутун уйни қараб чиқишди. Қизча ҳеч қаерда йўқ эди. Монтиакри чердакни ҳам қараб кўрмоқчи бўлди — ўзи шундай, кўнглини тинчлантириш учун.

Бу ерда жуда қия томни ушлаб турган тўсинлар ортида аллақандай майин ва сирли шуъла тўдалаб қўйилган майда-чўйдалар, синган эски-туски буюмларни ёритиб турарди. Шуъла томга олиб чиқадиган ярим айлана шаклидаги дарча орқали тушади. Дарча очик эди. Қизча шу ерда аччиқ изғиринга қарамасдан, қўллари билан дарча раҳини тутганча, ҳайратдан қотиб қолгандай ҳаракатсиз турарди.

Елғизликда у нима қилаётган экан? Депутатнинг кўнглида ғира-шира, ёқимсиз гумон пайдо бўлди, у бу гумонни қувишга бефойда уринарди. Панада туриб қизчани кузата бошлади, лекин қизча аввалгидай кўзларини қандайдир мўъжизани кузатаётган каби катта-катта очиб, олис-олисга диққат билан термулганча, қимирламай турарди.


«Жоржина! — Қизча қалтираб кетди ва кескин ўгирилди, унинг рангида ранг қолмаган. — Бу ерда нима қилиясан? — Қизча жим. — Бу ерда нима қилиясан? Жавоб бер!»

«Ҳеч нарсаси. Узим шундай, эшитиб ўтиргандим.»

«Эшитиб? Нимани эшитасан?»

Жоржина бошқа бирор сўз демай пастга қараб чопди, фақат зинапоядан унинг аста-секин тинаётган кўрсиниши эшитиларди.

Депутат дарчани ёпди, бироқ кетишидан олдин ташқарига кўз югуртирди: унинг шубҳалари ҳали тарқамган эди. Жоржина у нимани ҳам қуриши мумкин? Нимага қулоқ солади? Барибир... Ахир, бу ердан нимани ҳам кўриш мумкин, фақат бўм-бўш томлар, яланғоч дарахлар, кўчанинг нариги томонида эски завод цехлари, шаҳарни ёритаётган ва ҳаммага аён ёруғлик эффектлари кўк рангдаги соялар, булутлар орасидан қўриган шуълалар ва ҳоказоларни туғдирадиган жонсиз ой... Ҳеч нарсаси эшитилаётгани ҳам йўқ, фақат чердакдаги эски тўсинлар гичирлайди, ишлаб чиқариш суръатининг бу пайтдаги табиий секинлашуви туфайли аста-секин уйқуга чўмаётган шаҳар устида кезиб юрган элас-элас товуш қулоққа чалинади.



Ҳаммаси шунчалар одатийки, ҳеч қандай қизиғи йўқ. Балки?.. (Чердакда совуқ, томга ёпилган сополнинг тирқишларидан муздай ҳаво киради.) Балки, айнан шу ерда, ой ёруғида иттифоқо бошқача бўлиб кетган — виждонан айтганда, ҳатто депутат Монтиқяри ҳам буни инкор қилолмайди — томларда поэзия, бу дунёдаги кўҳна иллат яшириниб, ниманидир кутиб турмаганмикан? Ҳатто бегуноҳ гўдаклар ҳам, ҳеч ким, ҳеч қачон уларга бу ҳақда айтмаган бўлса-да, унинг таъсирини сезишармикан? Ҳа, шундай — бутун шаҳар бўйлаб қандайдир фитна уюштирилмоқда. Бундан чиқди, ҳеч қанақа қонун, ҳеч қандай жазолар, ҳеч бир умумий тавқилянаат, масхаралаш билан уни йўқотиб бўлмас экан-да? Бундан чиқди, улар эришган ҳамма нарса — бор-йўғи алдов, ўзларининг калтафаҳмлиги билан юзсизларча ясама эркинлик? Унинг, Монтиқярининг ўзи-чи? Наҳотки, унда ҳам шу туйғу яширин бўлса?

Бир оздан сўнг меҳмонхонада синьора Монтиқяри сўрайди: «Валтер, мазанг йўқроқми? Рангинг оппоқ!»
«Бекор айтибсан. Узимни жуда яхши ҳис қиялман. Ҳатто министрликка бориб келмоқчиман».

«Шу маҳалда-я? Бирор нарса емасдан?»

Монтиқяри кўнгли безовта. У уйдан чиқади, лекин, машинага ўтиришдан олдин, бир лаҳза бугун ой бунчалик ёруғ эканлиги ва бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида хаёлга толади. Соат аллақачон ўн иккига қараб ўн беш минут силжиган, шаҳар қизғин иш кунидан сўнг сокинлашмоқда. Шундай бўлса-да, унга бу оқшом ҳаво ҳам қандайдир ғайритабиий туюлади, унда зўрға англашиладиган жонланиш, қора сояларда яширин аллақандай тушуниб бўлмас кучларнинг борлиги сезилади; гўё кимдир тутун чиқадаган мўрилар, даррах таналари, узиб қўйилган бензоколонкалар ортига бекиниб олиб, бир-бирига имо-ишоралар қилмоқда; туннинг қоронғилиги остида кимнингдир исёнкор шижоати йўл излаётгандай.

Ҳатто Монтиқярининг ўзи ҳам қалбини ғалати туйғу эговлаётганини тан олмай илжои йўқ. Ахир унинг устига ҳам самоводан нур тўлқинлари ёғилмоқда, ҳукуматнинг кўрсатмаларига қасдма-қасд ёғилляпти. Унинг кўнглида пальтосига гўё ёпишиб қолган сезилмас қумуш ғуборларни қўллари билан қоқиб ташлаш истаги пайдо бўлди.

Ўзини ўнглаб, у машинага ўтирди, бироқ фақат шаҳар марказида, ой шуъласини ёруғ электр нури хиралаштирганда унга шундай туюлди, бир оз кўнгли тинчиди. Монтиқяри министрлик биносига кирди, кенг зинадан кўтарилди-да, сукунатга чўмган йўлак бўйлаб ўз кабинетига йўналди. Чироқлар ўчириб қўйилган, машъум ой шуъласи деразалар орқали бино ичига ҳам тарқаларди. Фақат бир эшикнинг тўғрисида электр нурининг акси уриб турарди. Министр тўхтади. Бу илгмай-тадқиқот бўлимининг бошлиғи, рақамлар одами — ўтакетган расмиятчи ва итоаткор профессор Каронеснинг хонаси эди. Ажабо. Депутат Монтиқяри эшикни секин очди.

Каронес унга елка ўгириб, кичкина лампочка ёниб турган стол олдида ўтирар, ниманидир ёзар, гоҳо тўхтаб, узоқ хаёл сурарди. Бундай пайтлар у ўзи билмаган ҳолда ўлмас қаламини лаблари томон олиб келар, гўё илҳом парисини излагандай, ой нурига йўғрилган дераза томон термуларди.

Бу оқшом Монтиқяри иккинчи марта бировни ғайритабиий, ҳатто ман қилинган машғулот устида учратди. Ахир Каронес аввал ҳеч қачон ишда бунчалик ушланиб қолмас эди.

Монтиқяри қалин гилам устидан овоз чиқармай юриб келиб, Каронесга яқинлашди, орқасида туриб, илгари чўзилганча елкаси оша профессор нутқ ёки дастуруламал ёзаяптимики деб қаради. Мана, у нимани ўқиди:

**О, соқов машъала, нақадар сокин,
Сен металл заводларининг
Қоп-қора кетидан чиқасан!
Париларнинг соҳир чироғи, акси
тилсиз тошларнинг. Қандай узун
Сен томон йўл — бутун бир умр!
Мен ҳам, ҳорғин, атрофга боқаман
ва сенинг нурларингни кўраман
бизнинг қашшоқлигимизни ёритаётган.
Сирли ва бокира дунёси
тўлишган ойнинг, соҳибқаромат
маънавий қудратнинг салтанати...**

Шу ерда салтанатнинг, яъни министрнинг қўли Каронеснинг елкасига тушди: «Профессор, сиз, бу нима қилиқ?!» Лекин худди шу лаҳзада қўшни хонада телефон жиринглади, кейин нарида — йўлакнинг ичкарасида. Сўнг учинчи, тўртинчи...! Цунда бу ухлаётган бино сирли суратда уйғонди, гўё шкафларга, чанг босган дарпардалар ортига яширинган одамлар ниҳоят кутакута керакли имони кўрдилар, товушни эшитдилар. Қадам товушлари эшитилди, атрофдаги ҳамма нарса тилга кира бошлади. Кейин кимнингдир аниқ овозлари, даъватлар, қисқа буйруқлар, эшикларнинг ғичирлаши, чопайётган одамларнинг дукурлаган оёқ товуши эшитилаверди...

Монтиқяри эшикни очиб террасага қаради. Министрликни ўраб турган боғда нима учундир ҳамма чироқлар ўчди. Шу тўфайли ой нури янада ёрқинроқ ва хавфлироқ тус олди. Икки ёки уч киши қўлларида ёниб турган машъала тутганча оқ нурга чўмилган хиёонлар бўйлаб қопиб ўтишди. Сўнг ҳилпираётган алвон кийимдаги йигит от чоптириб кетди. Ана энди марказий балкониинг ҳар иккала томонини қўлларига ярқинроқ шамшир тутган байрам либосидаги икки ҳарбий эгаллашди. Мана улар шамширларини осмонга улоқтиришди. Йўқ, бу шамширлар эмас, балки фанфаралардир¹. Энди жарангдор, ғаройиб оҳангли сур овози² ҳаммаёққа таралди ва одамлар тўдаси устида ровоқдай осилиб қолди.

Монтиқярига ҳеч қандай тушунтиришларнинг ҳожати йўқ эди: бу инқилоб, унинг министрлиги ағдарилди.

Ўтаётган кўзгу

Бу воқеа қишнинг бир ғалати тонгида, каттакон вокзалда юз берди. Пальтосининг илгагига икки дона бинафша қадалган, мен танимайдиган Одам менга ҳаёт гўзал, одамлар бахтиёр ва дунё ажойиб эканини уқтирарди. Мен уни зўр қизиқиш билан эшитар, гоҳо-гоҳо сигаретанинг кулини қоқиб қўярдим:

¹ Фанфара — пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби (таржимон).


² Сур овози — христианлар ақидасига кўра, қиёмат куни Исрофил (фаришта)нинг сур чалиши — қарнай овози билан гўё ҳамма тирилади. Муаллиф шунга ишора қилапти, (тарж).

у шабадада шу қадар тез чўғлаиб, тугаб борардики, тузуроқ тортишга ҳам улгуролмасдим. Тинглаб ва жилмайиб турардим, мен танимайдиган Одам янада руҳланиб кетган эди: ҳазилли бас қилиб, энди иштиёқ билан, мағрур сўзлай кетди. Сўзлар кўз ўнгимда янги-янги, ишонарли, мустаҳкам шаклларга қуюлаётган чўғ оқимидай шиддатли тус олиб борарди. Бу нутқ шампан виносидай сархуш қилар, гўёки унда нимадир қучоқлашиш ва йиғлаш, рақс тушиш ва қаҳ-қаҳлаб кулиш истагини уйғотиб кўпиклар ва қайнар эди.

Кейин у деди: «Уйланг, синьор, бизнинг кўз ўнгимизда юз бераётган ва кишиларни мозийдан келажакка, аллақачон йўқ бўлган нарсалардан ҳали бино бўлмаган нарсаларга: эсдаликлардан умидларга томон элтаётган тараққиётнинг улғуворлиги ҳақида ўйланг. Ёввойи одамлар келажакни олдиндан кўра олмайдилар, у ҳақда ўйламайдилар ва қайғурмайдилар. Лекин биз, маданиятли одамлар, янги инсонлар, келажак билан, келажак ҳаққи яшаймиз. Бутун ҳаётимиз ҳали бўлмаган, бироқ эртага бўладиган нарсаларга қаратилган. Биз бугунги кунимизни эртанги кунга — ўтаётган ҳар бир бугунни ўтадиган янги эртанги кунга бағишлаймиз, буни жасорат ва эҳтиром билан бажарамиз. Доҳиёна руҳнинг бу улкан тараққиёти олдида ҳамма тўсиқлар қулайди, у бизга янги имкониятлар кашф этишга ундайдиган куч беради. У туфайли биз замин, само ва денгизнинг ва энг муҳими — ўзимизнинг хўжайинимизга айландик».

Шу пайт вокзалга кучли состав келди. Унинг излар қўшилишидаги тантанали шовқини, қисқа ва кескин, ғазабнок чинқирғи мен танимайдиган Одамнинг нутқини бўлиб қўйди. Поезд тўхтади, йўловчилар ҳар томонга тарқалиб кетишди, паровознинг бўғиқ уфлашларигина бўлиб турган сукунат чўқди, Одам нутқини бошламоқчи бўлаётувди, мен илиб кетдим: «Синьор Одам, — дедим. — Ҳозиргина келган мана шу поезд нутқингиз муносабати билан сизга ҳеч нарса англатмайдими? Унинг нима деб жавоб берганини тушундингизми? Истайсизми, мен, поездлар ва яна бошқа кўплаб буюмлар сўзини одамлар тилига таржима қила оладиган камсуқум таржимон, сизга унинг жавобини такрорлайман? Бор-йўғи бир неча дақиқа олдин ана шу поезд — тиқилинч, равшан ёритилган мўъжазгина олам — туман босган саҳро кенгликлари орасида соати-га ўртача юз километр тезликда ҳаракат қилаётган эди. Мана у тўхтади, кўз очиб юмгунча бу филдиракли кичик шаҳарчанинг барча одамлари ғойиб бўлишди, ҳайдовчи пешонасида терни сидиради, афт-ангоридан кўриниб турибди — унчалик хурсанд эмас. Филдираклар эриниб изларига чўкишди; бўм-бўш қоронғи вагонлар эса йўловчиларнинг бекорчи сафсаталари ва турфаранг чамадонларини ҳасрат билан эслайдилар. Поездни қўйиб, одамларга қайтайлик. Миямга бир ғалати фикр келди, мен уни, синьор Одам, сизга айтаман, чунки ёнимда сиздан бўлак эшитиши мўмкин бўлган киши йўқ. Агар бу ерда мен кўришни истаганларнинг ҳаммаси бўлганда, мен шундай деган бўлардим: «Одамлар, мутлақо мўмкин бўлмаган, тутуруқсиз, мудҳиш, даҳшатли бир нарсани тасаввур қилинг. Тасаввур қилингки, гўё дунё қайси бир лаҳзада тўсатдан тўхтаб қолди. У билан ҳамма буюмлар, охириги фурсатда қандай бўлса шундайлигича қотиб қолишди, одамлар эса ўзларининг айна пайтдаги ҳолатларида ҳайкаллар каби ҳаракатсиз турибдилар. Агар шундай бўлганда, бирор одам ҳам фикрлаш қобилиятини йўқотмай, туғилганидан буён қилганларини ўлгунича қилишни истаган ишлар билан таққослай олса, — тасаввур қила оласизми, қотиб қолган дунёнинг фожиали сукути остида қанчалар ноумидлик яшарди?»

Билмадим, бунинг қанчалар даҳшатли бўлишини тинглашга жасоратингиз етадими, йўқми... Бир дақиқагина кундалик ташвишлари билан машғул, орзулар ортидан интилиб, ўзларининг ифлос эҳтирослари ва бачкана истакларини қондираётганича қотиб қолган шу одамларни тасаввур қилишга урининг. Қаранг, мана улар — тасодифий ҳалокат туфайли чув тушган фикрловчи кўғирчоқлар, мана улар, заминнинг у ер-бу ерига сочилган, ҳаракатсиз ночорликда тош қотган ҳайкаллар. Уларнинг жирканч, кулгили, ноқулай ва бетоқат ҳолатига нигоҳ ташланг. Мана, оғзи мастникидай ярим очик, ўликдай ҳаракатсиз одам; мана бу кимса ишқий сархушлигича қотган — кўзлари қимтиниб юмилган аёл қучоғида чўқур нафас олмоқда; мана, қоронғи тун оғушида ўғри ғимирлаятти — унинг қўлида энди ҳеч қачон ўчмайдиган чироқ бор; мана, қора кийинган судья, у баланд курсига чўкканча атрофга ўлим, қон ва ўт сочади; мана, кўчаларнинг балчиғидан танга



ёхуд қавшалган суяк излаётган гадо; юзлари докадай оқарган мана бу аёл бошини эгилтирганча сукунат қараётир; мана, харидордан ортиқча ўн сальдо¹ юлиб қолиш илинжида қоқсуяк қўлларини асабий силкитаётган савдогар; мана, ҳўкизларга чилвир ўқталаётган ҳорин деҳқон; мана, жилмайиб эгилганича қотган башанг кийимли сўзамол; мана, бу аскар санчқини милтиққа ўрнатиб ёпиқ эшикка чўзилган; мана, томда шишачалардаги заҳарларни қориштираётган қотил; мана, каттакон, ялтироқ машиналарга эгилган, чарчаган ишчи; мана бу ойнаси остида кўз илғамас мавжудотлар ҳозиргина рақсини тугатган микроскопдан кўз узолмайди.

Агар журъатингиз бўлса, ажали етганини аллақачон тушунган шу одамларнинг ўй-хаёлларини ҳам тасаввур қилинг. Сиз ўйлайсизки, уларнинг орасида қисматга дуч келган шу дақиқадан бахтли ва рози бирор киши — тушуняйсизми, бирор киши? — топиладими? Уйлайсизки, уларнинг бирортаси учун бу дақиқа Фауст айтган тўхтатиш ва мангуга асраш лозим бўлган ўша лаҳза каби бўладими? Албатта, сиз бундай ўйламайсиз, ўйлай олмайсиз.

Сиз, менинг ёнимда турган синьор Одам, сиз ҳозиргина улғу ва даҳшатли ҳақиқатни айтдингиз: инсонлар ростдан ҳам фақат келажак ҳақида ўйлайдилар, келажак учун яшайдилар, ўзларининг бугунларини келаятган эртага бағишлайдилар. Инсон келажакка умид, уни башорат қилиш ва кутиш билан тирикдир. Унинг бутун ҳаёти шундай қурилганки, ҳар бир лаҳза яна бир лаҳзани, ҳар бир соат келаятган бошқа соатни, ҳар бир кун эртанги кунни тайёрласагина қийматга эга. Бизнинг бутун ҳаётимиз умидлар, юксак орзулар, режалар билан ва кутишлардан иборат; бизнинг ҳозирги кунимиз — келажак ҳақида ўй-хаёллар. Бизнинг айна пайтдаги бор-йўғимиз ўзимизга ожиз, кўримсиз, кемтик ва қабиҳ туюлади, фақат бир илинж таскин беради: ҳозирги кун — бу эртанинг гўзал романига сўзбоши, холос. Ҳамма одамлар — буни англайдиларми, йўқми — шундай ишонч билан яшайдилар. Агар, бир

¹ Сальдо — Италияда: чақа пул, лиранинг йигирмадан бирига тенг (тарж.).

соатдан сўнг ўласиз, деб айтганларида улар қилган ва қилаётган ҳамма нарса ўз қиммати, таровати ва жозибасини йўқотган бўларди. Эртанинг кўзгусисиз бугунги воқеалик уларга жирканч, арзимас ва ифлос кўринарди. Қасосга, ғалабага, парвозга, кўтарилмишга эга бўлиш ва унутишга умид тўғдирадиган эртанги кунсиз одамлар яшашни истамай қоладилар. Улар бугуннинг қора нонини эртанинг ноён ҳидига йўғрилмаган бўлса оғизга ҳам олмасдилар.

Ана шундай, бу тўсатдан қотиб қолган, энди ҳаракат қилолмайдиган, лекин фикрлай оладиган одамларни ўйланг. Ўз аҳволини кўрқув билан англаб турган сўнгсиз бугуннинг маҳбۇсларини тасаввур қилинг. Улар нима ҳақда ўйлашлари керак? Қандай оғриқ уларнинг вужудларини ёб, асабларини қийнаши керак? Беномус ва жинояткорона, қайғули ва ноқулай ҳолатда тош қотганларга тикилинг. Микеланжело маҳбۇсларининг бепоён тўдаси: улар умид, орзу, режалар сафосидан жудо, қанотлари синган, оёқлари кишанланган. Қўллари боғланганлар фақатгина гўзал ва муносиб ҳаёт умидида чидаса бўладиган ифлос, қайғули ва чакана тирикчиликнинг исканжасида мангуга қисиб қўйилганлар. Ана шундагина абадий ҳаракатсизликка маҳкум одамлар иложсиз дарғазабликда ўтган умрларининг буткул бемаънилигини англаб қоладилар. Улар англайдиларки, бугунни буткул келажакка бағишлаганлар, келажак ҳам бугунга айланиб яна бир келажакка қурбон қилинади, бу энг сўнгги бугунгача, ўлим остонасигача давом этаверади. Улар учун бугуннинг бор-йўқ қиймати эртанги кундадир, эртанги кун ҳам яна бир эртанги куннинг башорати билан қийматли, ниҳоят, энг сўнгги бугун, қатъий бугун етиб келади, бутун умр — ҳар кун, ҳар дақиқа — етиб келмаган ва келмайдиган бир лаҳзага тайёрланишдан иборат экан. Шунда одамлар дахшатли бир ҳақиқатни очадилар: алоҳида келажак йўқ, келажак — бугуннинг ижоди ва бир қисми, кун сайин узоқлашадиган келажак учун қувончсиз, хавотирли кун кечириш — аҳмоқона ҳаётимизнинг энг катта бемаънилигидир.

Одамлар, биз ўлимни деб ҳаётдан воз кечамиз, хаёлотни деб бормизми йўқотамиз, бугунни худди шундай эртанги кунларга элтгани учун қадрлаймиз. Одамлар, сизнинг бутун ҳаётингиз ўзингиз ажалингиз учун яратган бешафқат алдов.

Қочиб бораётган кўзгунни қувиб кетаётганингизни кўриб фақат иблисларгина совуқ кулиши мумкин.

Вокзалга чинқариб, шовқин солиб бошқа поезд келиб тўхтади, яна йўловчилар тарқалиб кетишди, норози ҳайдовчи эса пешонасидан терни сидирди. Мен танимайдиган Одам, уни қарийб ёддан чиқариб қўйган бўлсам-да, аввалгидай ёнимда тик турарди.

«Мана, — дедим унга, — мана менинг тараққиёт, келажак ва ҳаёт ҳақидаги ўйларим. Албатта, сиз менинг фикрларимга қўшилмайсиз, лекин мен ҳаммаси билан, ҳамма билан қўшилишман: масалан, инсонни инсондан, қашшоқликни нафратдан, ифлосликни қайғудан яшириш учун заминни тез-тез ўраб турадиган туман билан ҳам. Яна мен, синьор Одам, бефойда чопишдан сўнг тўхтайдиган поездни ва ўзгартириб бўлмас дунёни қоплаб олган туманни яхши кўраман».

Мен танимайдиган Одам эсанчиланганча ёнимда тик турарди. Унинг бутун завқ-шавқи тутундек тарқаб кетганди. Жавоб бериш ўрнига илгакдан бинафшани олиб, менга узатди. Мен уни тавозе билан олиб, димоғимга яқин келтирдим, унинг енгил хуш бўйи менга жуда ёқди.

Портлаш

Бу синьор ҳеч қачон ҳеч нарса ёзмаган ва ҳеч ҳачон ҳеч нарсани ҳеч қимга ҳикоя қилиб берган эмас. У қаригунча тинч ва ҳалол яшай беғам ҳаёт учун етарли пул тўплаганидан сўнг шайхар четидан ўй сотиб олди. Янги уйга кўчиб ўтгач, у қоғоз ва хатларни кўп йиллардан буён илк бор тартибга келтиришга қарор қилди. Уларни қовлаштираётиб, қачондир ўзи ёзган, аллақачон унутиб юборган бир неча сарғиш, эскирган варақларни топди. У анча омилкор, кўпни кўрган одам эди, шунинг учун ўша варақларни ўқиб бўлгач, дарҳол йиртиб ташлади. Уларда ҳеч қачон гапирилмайдиган, ҳеч қимга иқдор бўлмайдиган нарса — инсоннинг ожизлик пайтлари ҳақида гап борарди. Санаси «19... йил 30 март» деб белгиланган қоғозда у шуларни ўқиди...

«Бугунги тонг жуда хунук эди. Осмоннинг ранги заҳил, замин кичкина ва тор кўринади. Қочайми? Қаёққа? Авваллари кўнглимга жуда яқин, яширинса бўладиган ҳамма таниш ерларни бирин-кетин эслайсан, бироқ улар ҳамма нарсани бузиб кўрсатадиган бугунги ноён ва хира шўълага қўлганиб ётибди; ўлик ҳавода дарахтлар бесўнақай, тоғлар бегона, денгиз жонга тегадиган даражада кўримсиз туюларди. Одамлар эса мингғиринғир гапларию бачкана уринишлари билан кўзга бемаъни ва ранглар кўринадилар. Гоҳ у, гоҳ бу эсдаликларга қайтасан, бирин-кетин таниш манзараларни хотиранга тиклайсан ва буткул янги нимадир яратиш керак, деган хулосага келасан. Инсон ҳаётидаги бундай дақиқалар ўта хавфли: қуръага унинг бутун қисмати тикилган бўлади. Тасодифий учрашув, беҳос айтилган бир сўз бутун ҳаётни тўнтариб юбориши мумкин; шунинг учун бундай пайт оғир хасталик вақтидагидай тўрт девор ичига қамалиб, уйда ўтириш керак».

Мана, гап нимада: биз теварагимиздаги одамларга қандай кўринишини истасак, уларнинг олдида худди шу қиёфада намоён бўламан, аслида ким эканимизни эса, фақат ўзимиз билемиз, бироқ ҳеч қачон ҳақиқий башарамизни ошкор қилишни хохламаймиз. Кўпинча биз ўзимизни бошқаларга қандай туюлсак, шундаймиз, деб ҳисоблаймиз. Шундай бўлса-да, гоҳида бизни қандай кўраётганларини билиб қолиб, ҳайрон бўламиз. Қаранг-а: ахир, биз ўз ташқи қиёфамиз ҳақида аниқ тасаввурга ҳам эга эмасмиз, одатдаги ҳаракат ва қилиқларимизни билмаймиз, кулаётиб ёки гапирётиб юзимиздаги ифодани кўролмаймиз. Булар эса одамлар бизни чоғиштирадиган ва баҳолайдиган асосий хусусиятлардир.

Кўпинча ўзингни ўраб турган қобиғиндан чиққинг, кўп йиллардан буён мунтазам яшириб келадиган нарсаларни ёруғликка чиқаргинг келади. Бу эса айнан биз ўзимиздан норози бўлган, столдаги қарталардан тикланган уйчаларни бир қўл силташда бузган каби ҳаётимизни ўзгартиришни истаган дамлардагина юз беради. Тўғри, эс-хуши жойида одам учун бу тасаввурга сиғмайдиган иш. Бироқ аллақим худди шундай қилади. Баъзида: «Биласизми, N, шундай салобатли, батартиб, тузук одам, юз минг лирни ўзлаштириб юборибди» ёхуд: «Ўзидан йигирма ёш кичик қиз билан қочиб кетибди», деган гапларни эшитиб қоласан. N, кўз ўнгимизда буткул бошқа одамга айланади, унинг кечаги қиёфасидан фақат эсдаликларгина қолади; унинг ўтган бор умри — бир мақсадга: муттаҳамлик ёки қочқинликка қаратилган тамоман алдов.

Мен фақат алдов ва қочиб ҳақида гапирдим. Бошқа одамга айланишини янада оддий йўллари мавжуд, касб-корни ўзгартирса, бас, дарров кўнгилашуликлар ва одатлар ҳам ўзгаради. Кишини таниб бўлмай қолади. Ахир, ниҳоят одамнинг бадани ҳам ўзгаради-да. Айтишларича, ҳар етти йилда инсон организмидеги ҳужайралар батамом янгиланади, бирорта қариган ҳужайра қолмайди.

Шундай қилиб, одамлар кўққисдан ўз ҳаётларини ўзгартирадилар, йўқ, улар бу ҳақда аввал ўйлаб ҳам кўрмаганлар, атайин тайёрланган режа ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас: бу шундай беҳосдан ярқ этган фикр, қутилмаганда пайдо бўлган ўз ҳаётини ўзгартириш ва янги ролни ўйнашга чанқоқлик.

Муҳими, ўз ҳаётини ўзгартириш истагига берилмаслик керак. Бунинг учун гоҳида озгина нарса: бир имо-ишора ёки ҳаракат кифоя, ҳаммаси ўзгариб кетади. Инсон учун энг асосийси: ўзининг қалин қобиғига кўникмоқ ва азалдан ёзуғлиқ ролни ўйнайвермоқдир. Шунда ундан ҳамма беҳавотир бўлади, уни қаердан топса бўлади, у қанақа одам, кўполми ёки мулойимми, айёми ёки соддадилми, биладилар. Ахир, бу роль ҳам шахсимизнинг ажралмас қисмига айланган, уни ўзгартириш мумкин эмас. Актёрга қандайдир ампула мос келмаганидай, айнан шу одамга ярашмайдиган имолар, қилиқлар ва аъмоллар мавжуд. Биз ҳаётимизнинг энг хушёр дақиқаларида ҳам ҳамма ҳаракатларимиз бошқаларда бизнинг хулқ-атворимиз ҳақида яралган тасаввурга қандай тўғри келадиганини ўйлаб ўтирмаймиз. Баъзан шундай бўлади: қайсидир одамнинг ўтмишини қовлаштириб беҳосдан унинг бизга туюлганидан бошқача одам эканлигини билиб қоласан: ҳамма уни мунис ва раҳмдил санарди, у эса ўзида ҳеч қимга айтмаган қабих инстинкларни ва бузуқ ниятларини яшириб келарди; ёки, масалан, ўзининг қўли очиклиги ва кўнгилашчилиги билан машҳур одамнинг аслида ўз яқинларидан нафратланиши аён бўлади, бошқа кескин ва оғир хулқли кишида туганмас меҳр-муҳаббат яшириниб ётади.

Мен, масалан, вазмин ва беозор одам саналаман. Балки, ростдан ҳам шундайдир, — одамлар мен ҳақимда шундай ўйлаганлари учунгина ўзим бу фикрга келмагандирман. Гоҳо бугунгига ўхшаш нимқоронғу ва зерикарли кунларда мен кутилмаганда ўзимга қачонлардир аввал, ҳатто илк болаликда етказилган озорлар учун оғриқ сөза бошлайман. Айтиш кулгили албатта, мен ҳатто ойнанинг олдида соқол қиртишлаётиб, бутун ҳаётим муҳрланган, ундан фақат ўзим ўқий оладиган ҳар бир чандиқ, бурушиқ ва ажинлар тўла юзимга устара юргизаётиб ҳам оғриқ туйман. Юзимга босиқ ва сокин тус берган заҳоти зўрға билинадиган қулоғимдан иягимга йўналган ажин ҳам дарров чуқур бурушиққа айланади. Ҳаётнинг энг юракка яқин лаҳзаларидан бири — биз кўзгу олдида, ўтмишимиз ва эҳтиросларимиз ҳақида гувоҳлик берадиган ҳужжат — афтимиз билан ёлғиз турган пайт. Узинг билан эрталабки мулоқотдаги энг кўнгилни йдирадиган нарса юзимизга ёзилган мушиқликдир. Мен ҳеч қачон гўёки жисмсиз, лекин тирик ўтмиши билан юзлашиб, оғриқдан халос бўлишга уринаётган кўзгудаги ўхшашимга хотиржам қарай олмаيمان. Унинг жавоб кутаётгандай саволчан назари-чи: «А-а, бу — сен. Кимсан, нима истайсан? Сени нима кутяпти?» Ҳамма инсонларни севгинг, тушунгинг келади, ишонишни хоҳлайсан. Нима учун ҳаммаси аксинча бўлади, биз ўзимизни айнинган, дарғазаб болалардек тутамиз. Ахир, бор-йўғи бир сўзни айтиш кифоя. Лекин уни ҳеч ким айтмайди.

Бир кун шундай ғалати воқеа содир бўлди: аллақачон кийинган, жўнашга ҳозирланаётган эдим, бир дақиқа стол олдида ўтирдим. Рўпарамда яланг, мустаҳкам, сувоғидаги излару барча ўнқир-чўнқирларгача менга таниш кўримсиз девор турарди. Токи девор мавжуд экан, бу излар ўчиб кетмайди.

Мен ўз хонамдаги буюмларни яхшироқ ҳис қилиш учун бегонанинг назари билан термулишни яхши кўраман. Ўз ўрнида турган ёки тартибсиз сочиб юборилган бу нарсаларнинг ҳар биридан гўё менга содиқ ва ҳокисор бир жоннинг ингичка, зўрға эшитиладиган овози келаётгандай бўлади. Улар ҳам муқим, менга боғланиб қолган. Ахир, мен қанча яшасам, шунча яшайдиган, гўёки мангуга ўрнатилган тартиб бор бу мўъжаз коинотни бошқа биров эмас, ўзим яратганман. Атрофимдаги ҳамма нарса сокинлик, сабр ва менинг оқиллигим, оқиллигимга ишонч билан яшайди. Бизнинг уй ичилар, ҳали уйқудан уйғонмаган оила аъзолари ҳам айнан шундай ўйлардилар. Ҳамма шундай ўйларди. Ахир, қандайдир арзимаган нарса кифоя. Масалан, бор-йўғи...

Қаршимда, шундай силлиқ ва тоза деворда улкан сиёҳ доғи ёйилиб бормоқда. Мен унинг катталашаётгани, ғаройиб шаклларга — гоҳо дарахт, гоҳо денгиз саккизоёғи, гоҳо аллақандай афсонавий жонивор қиёфасига кириб пастга оқиб тушаётганига қарайман. Буни мен қилдим. Бор йўғи бир ҳаракат қилдим, стол устидаги сиёҳдонни олиб деворга иргитдим ва шу тариқа янги воқеликни яратдим. Демак, мен ўзим ҳам янги, ўзгача зотга айландим. Хонамдаги барча буюмлар ҳам шу заҳоти ўзларининг аввалги ҳолатларини ўзгартиришди, гўёки китоблар, майда-чуйдалар, курсилар бир жойга уюлишди, ғазабланган баджаҳл отанинг олдида қўрқиб, қалтираб турган болалардек бир-бирига қисилишди. Баъзи фильмларда шунақа сахналар бўлади. Кўп ўтмай хонага мангу тирикликнинг эрталабки уйғонишида ҳар доим мавжуд бўладиган чўпон қизининг хиромидай юриш қилиб хизматкор аёл киради, мен стол ёнида хотиржам ўтиравераман. У менга қарайди, кейин деворга ва яна менга... Сўнг у, турган гап: «Вой, нима бўлди?» ёки «Шўрлик синьор...» — дейди. Эҳтимол, ҳеч нарса гапирмас. Дарҳол, қаҳва солинган патнисни столга қўйиб, у ҳам ўзини хотиржам тутишга уринганча, тезроқ хонани тарк этиш истагини яширишга ҳаракат қилиб чиқиб кетар. Мен, аввал ҳам шундай ишни бошдан кечиргандай, хизматкор қиз, қўшни хонага кириб, ҳозиргина тўшакдан турган синьорага бўлиб ўтган воқеани айтгач, уйда қандай шовқин кўтарилишини аниқ тасаввур қиламан, менга эҳтиёткорлик билан яқинлашиб келаётган одамларнинг ҳаяжини кўз олдимга келтираман. Бу саҳар болалар мен билан ҳайрлашмай мактабга жўнайдилар, уларга мени жуда банд деб айтишади. Мен ўзимни хотиржам тутаман, ҳатто қувноқ ва очикроқман. Хотиним хонага кирганда, мен жилмаяман, бироқ бу тиржайиш билан аҳвол баттар ёмонлашади; бундай пайтда кулиш — тентакликнинг белгисини намоён қилиш демак, эҳтимол, дарғазаб кўриниш керакдир? Кейин у сўрайди: «Узингни ёмон ҳис қиляпсанми? Чарчадингми? Сен дам олишинг ва даволанишинг керак». Агар кулсам, ҳаммасини ҳазилга бур-

моқчи бўлсам — менинг адо бўлганим, бу билан ноён қили-фининг ипини янада чувалаштирган бўламан.

Тузатиб бўлмас иш қилиб қўйганимни жуда яхши биламан. Қанча йиллар ўтмасин, бу ҳодиса ҳаётимда қора доғ бўлиб қолаверади, у менинг атрофимда безовталиқ муҳитини яратади, агар мушук бир кун ғазаби жунбўшга келиб, қутурган каби қилиқ қилса қайтиб унга ҳам ҳеч қачон ишонмайдилар. Агар мен ўзимни аввалгидай тута бошласам, ҳеч ким мендан қилмишимнинг сабабини сўраб ўтирмайди, албатта. Лекин бу иш мени бутун умр таъқиб қилиб юради, ундан уйимиздаги ҳамма кишилар, атрофдаги барча баққоллар хабардор бўлишади, оқсочлар уззу-кун шу ҳақда минғиллашадилар. Агар мен узоқ йиллар ўзимни вазмин ва осойишта тутсам ҳам худди шу суқунатни ожизлигимнинг белгиси, деб ўйлайдилар, қўшнилар шу тўфайли мени ақлдан озган ҳисоблашади. Бир кун бехосдан, ҳеч қандай сабабсиз сиёҳдонни деворга иргитган одамга ким ҳам ишонарди? Ахир, арзимаган нарса учун курсини синдирадиган, идиш-товоқни хонтахтадан ерга иргитадиган одамлар ҳам бор-ку. Ҳа, бироқ улар доим шундай яшаб келганлар, шунинг учун ҳеч ким бундан ҳайрон қолмайди, бу улар учун одатдаги ҳол. Лекин синьор, шундай жиддий ва...

Бу бор-йўғи вазваса, ҳаёл ҳолос. Сиёҳдон ўзининг одатдаги жойида турибди. Силлиқ деворда доғ ҳам йўқ. Мен айтиб берган ҳамма нарса фақат хаёлимда юз берди. Мен жар лабида эдим. Хизматкор қиз қаҳва келтиради, у ҳамма нарсани ўз ўрнида, юзимни ҳар доимгидай эканини кўриб хотиржам бўлади. У деворга ҳатто қараб ҳам қўймайди, ҳозиргина қанақа хаёллارга борганимни тасаввур ҳам қилолмайди. Дунё гўзал. Ҳаммаси жойида. Баъзи фикрларга келсак, яхшиси уларни ҳеч кимга айтмаслик керак. Бу инсоннинг одатий жасоратидир.

Проза бўлимидан: «Италия новеллалари» туркумида берилган «Золдир қоғоз», «Дўсту ёронлар», «Тақиқ» Дино Буццатининг, «Утаётган кўзгу» Жованни Папинининг, «Портлаш» Коррадо Алваронинг қаламига мансуб. Безак тариқасида эса машҳур итальян мусаввири Жоржо Де Кирико асарлари илова қилинди.



Карим БАХРИЕВ — Самарқанд об-ластининг Ургут районида туғилган. Шoir, публицист ва таржимон. 1985 йилда Москва Давлат университетини битирган. СССР Журналистлар союзи аъзоси.

Француз ёзувчиси Веркор, қатор итальян ёзувчилари новеллаларини рус тилидан, Рамиз Равшан шеърларини озарбойжон тилидан ўзбекчага ўйрган. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бўлим мудири бўлиб иш-лайди.

Нафис мажмислар

Мўътабар
Фуломова



Оққа айлангунча кечанинг туси

Қилич киприklarим туннинг кўксига
санчиб гўё Сендан қасдим оламан.
Кулгу — ёлғонларим айтиб кундузга,
қаҳқашон лабидан қайтиб оламан.
Юракдан нур чиқар ажиб, буралиб,
Ой сари бир сўқмоқ йўл яратади.
Бир ёруғ йўлки бу нурга ўралиб
борарман, юлдузлар қўшиқ айтади.
Юксак қалъ — Ой томон югураман шод,
лабимни ёндираб бир сўзнинг тафти.
Бу шеър — аламлардан яралган мурод,
самони яшиндек ёриб кетяпти.
Оппоқ хаёллардан эшиб арғамчи,
туннинг-да шифтига осаман уни.
Ўтириб учаман, узоқ учаман,
Оққа айлангунча кечанинг туси...

* * *

Япроқлар узилар бир вақти келиб
дарахтлар шивирин улар тингламас.
Бандидан айрилиб учади лип-лип,
хазон бўлганлигини асло ўйламас.

На ибтидоси бор, на интиҳоси
бу дайрда агар неки яшовчан.
Эрки бўлмоқликка интилгай бесас
оғочлар бош силкир оху афсусдан.
Дарахтлар кўлини узатиб қолар,
уни тарк этаркан эркатойлари.
Эҳ, фасл дастингдан охир у толар,
унда қасди борми бу куз ойларин?
Ҳорғин боғчаларга оғир куз етиб
барлар эркинликни этишиб ҳавас,
Бандидан айрилиб учаркан лип-лип
хазон бўлганлигини асло ўйламас.

Оғочлар лабида шивирлаб хомуш:
«Дайди шамолларга берилмагин, кўй,
Бу беор еларнинг қанотидан туш!»
Атрофга таралди бу хониш, бу куй.

...Япроқлар учолмас юксакка ёлғиз,
алдамчи шамоллар кетдилар ташлаб.
Нафис кўкси узра чизиб қора из,
кетди дарахтларнинг пойига ташлаб.

Адосиз ўйлар

Адосиз ўйлардан толиқди руҳим.
Мушкул иш — сиз билан сўзлашмоқ бир бор.
Алдандим. Не қилай дарддидир оҳим,
оғирдир сиз билан видолашмоқ ёр.
Сизни бериб қўйиб самум сабога
мен ўзимга тилаяпман қаноат.
Билмайман учдингиз қайси навога,
ёр, оғир, сиз билан видолашмоқ пайт.
Дилгинам, йиғлама асли бу дайр
ҳижрон зардобидан яралган, тахир.
Қанча карвон ўтган саҳродан қақир.
ишқ саробу сабрлардан яралган бағир.
Оғирдир сиз билан видолашмоқ ёр.

Санобар
Фахридинова



Хавотир

Итлар болалайди, битлар болалайди,
Қурбақа болалар баҳоли имкон.
Замин ардоқлайди, денгиз ардоқлайди,
Ҳавога ҳам азиз, қутлуғ янги жон.
Тиббиёт илмига зарур деб тун-кун
Чаён урчитилар махсус жойларда.
Катта бозорларда фалон пул учун
Тимсоҳваччаларнинг васфи найларда
Чўчкачаларнинг ҳам обрўйи баланд,
Ўрни келса оққа йўргакланади.
Маймун боласининг думи ҳам талант
Зар либос кийдириб эрқаланади.

Нафис мажмуслар

Шундай... бизнинг юртда биронта ҳайвон
Камайса дод солар Қизил китоблар.
Ахир не битибди тақдирга Инсон
Фарзанди, авлоди, пушти чекланар?!
Наҳот бешинчи қиз ё ўғлон ортиқ,
Фарзандсевар ўзбек хонадонига?
Оҳ, бу ҳис руҳимга, руҳимга санчиқ —
Наҳот бола зиён халқнинг жонига?..
Наҳот хотирадан юз бурдик тамом,
Алмаштирган каби тарих кўйлагин!?
Дунёни юксалтган зўр даҳолар ҳам
Туғилмиш ўн олти боладан кейин.
Ўн еттинчи фарзанд — Менделеев сор
Бургут бўлганини инкор айлар ким?
Чкаловдай буюк зот руҳи зинҳор
Тўққиз зурриёддан паст бўлганмикин?
Шундай: Бизнинг юртда ўннинг ўрни бор.
Инсон озми, кўпми ортиқ бўлмайди.
Нохуш шамолларга қолса гар кун
Қизил китобдан ҳам топиб бўлмайди.

Мақол айбдор

[ҳазил]

Мақолдан гап бошлаб эри бир кун
Қадрини оширмоқ бўлди атайин:
«Ақли қисқа эмиш сочи узуннинг,
Сабримга балли де, ҳалиям, хотин!»
Ўқдан ўзғир, дерлар айтилган калом,
Ақл ўссин, дея соч қайтди ортга.
Сабрнинг косаси тўлмай батамом,
Чораси кўрилди, эр сўзи шарт-да!
Бўлди зўр хангома эр кўрган замон
Илондай сочларнинг қирқилганини.
«Кетаман сунбулсоч малаклар томон.
Мақол-ла қолавер, жазонг шу сенинг!»
Кечга яқин яна қўлда жомадон
Эшиқда кўринар хўжайин маъюс:
«Омадинг бор экан, хотинбой, бирон
Қолмабди мақолни ўқимаган қиз».

Тун

Уйлар ухлаб қолди тикка турганча,
Майсалар елларга очар дардини.
Ширин орзуларин бошга кўйганча
Дехқон туш кўради эртанги кунни.
Кун бўйи офтобнинг тафтида куйиб
Далалар нафасин ростлай бошлайди.
Пахтакор аёлнинг чарчоғин туйиб
Юлдузлар жимираб кўзин ёшлайди.
Ҳайратни кучоқлаб ётган болажон
Қаёқдан билади туннинг ростлигин.
Онаси кетидан юриб, беармон
Симирган ҳавоси «бутифос»лигин.
Қишлоқнинг ташвишга тўла бошидан
Тунги болишларга тўкилади ғам.
Турналардай баланд учган кўшиқни
Тушларида тинглаб ухлайди Онам...



Венера
Иброҳимова

Сезмайин қолибман...

Ўзим билан ўзим андармон бўлиб,
Ташвишлар ичига буткул кўмилиб,
Таъналар тошидан аламга тўлиб,
Мен баҳор келганин сезмай қолибман.
Сезмайин қолибман чулдироқ қушлар
Боғлар кучоғида бошлабди базм.
Музлар кўксин ёрган шошқин дарёлар
Чўлни безатмоққа этибди жазм.
Новдалар тақибди гуллардан маржон,
Томошабин эрур кўкда камалак.
Майсаларга гардни раво кўрмасдан
Олпоқ инжуларин юборар фалак.
Қандай четда қолдим бу гўзалликдан? —
Дилда туйғуларим кўтарар туғён.
Яна қайтаркансан юртимга баҳор,
Сени ўзим кутиб олгумдир, инон!


* * *

Бу сўқмоқ бошлайди баланд тоғларга,
Олдга интилмоқнинг сафоси бошқа.
Манзилингга дадил етиб оларсан
Агар меҳринг кўйсанг ҳар гиёҳ, тошга.
Ёнингда бир сирдош ҳамроҳинг бўлиб
Тортинмай сўзласанг юрак дардингни.
Вужудингга журъат, матонат тўлиб
Қувониб кутолсанг ҳар бир кунингни,
Шунда интилмоқнинг ҳаваси бошқа,
Қоронғу тунда ҳам йўл топарсан, йўл.
Ҳожат ҳам қолмайди алам, кўз ёшга
Орзуларинг боғи гул очади мўл.



Шодмонбек Отабоев

Эл ардоқлаган адиб



Мирзакалон Исмоилий камтарона ижоди билан элу юрт назарига тушган адиблардандир. У китобхонлар кизгин кутиб олган «Фарғона тонг отгунча» романини ёзмаганида ҳам таржимачиликка қўшган салмоқли хиссаи биланоқ авлодлар эътирофи ва таҳсинига сазовор булур эди. Ҳаёти давомида беш-ўнта китоб ўқиб-ўқимай ўзини зиёли, маданиятли ҳисоблайдиганлар бор. М. Исмоилий рус ва жаҳон классикларининг икки юздан зиёд асарини ўзбек тилига таржима қилган. Таваллудининг 80 йиллигида ана шундай заҳматкаш ва фидойи адибнинг ибратли ҳаёти, ижодий фаолиятини ҳурмат-эҳтиром ила хотирлаймиз.

Мирзакалон Исмоилий 1908 йилнинг 15 октябрида Уш шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Болалик чоғлари жонажон қишлоғи Булоқбошида ўтди. Октябрь инқилобидан кейин Ушдаги болалар уйида тарбияланди. Яхши ўқиган болалардан бир гуруҳи 1922 йил ёзида Тошкентга ўқишга юборилди. Булар қаторида ёш Мирзакалон ҳам бор эди. У Улка Ўзбек эрлар билим юртида олти йил таълим олди. Илк бадийий асари «Саккизинчи март — хотин-қизлар овозлиги» пьесасини шу ерда ёзди. Асар 1927 йили Абдулла Қодирий таҳририда «Исмоилзода» имзоси билан босилиб чиқди.

Ижодининг ана шу бошланғич даври ҳақида гапириб, М. Исмоилий бундай деган эди: «Рус классиклари ва жаҳон адабиёти намуналари билан яқиндан танишганимдан кейин «8 март» пьесам нақадар бўш ёзилганини пайқадим ва, эҳ-э, ҳали менинг асар ёзишимга яна етти-саккиз қовун пишиғи бор экан, деб ўйладим. Кейин рус тилида чиқадиغان бадийий асарларни жиддий ўргана бошладим».

«Санъат... бутун инсониятнинг бахт-саодат сари, ягона ҳис-туйғуга бирлашиш сари интилиши учун воситадир», деган эди Л. Н. Толстой. Санъат ана шу олижаноб мақсадга хизмат этмоғи учун ундан барча халқлар баҳраманд бўлмоғи лозим. Бадий адабиётда бу борада таржимачиликнинг роли беқиёсдир. Таржиманинг маданият ва тараққиёт, тинчлик ва гуманизм ишига, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни, қардошликни мустақамлашга кўрсатаётган таъсири тобора салмоқли бўлмоқда.

Ўзбек совет адабиётининг тараққиёти ва камолотини рус ва жаҳон адабиётининг ўлмас асарларисиз тасаввур қилиш қийин. Адабиётимизнинг бешигини тебратган атоқли адибларимиз дунё адабиётининг энг яхши намуналарини маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилиб, маданиятимиз ҳазинасини бойитдилар. Таржимачилик айрим адиблар ҳақида етакчи тармоққа айланди. Мирзакалон Исмоилий ана шундай забардаст таржимонлардан эди. Адиб бадийий таржимага қўл урган кезларда етуқ, малакали таржимонлар кам, таржима назарияси ҳали яхши ишланмаган эди. Дуч келган муаммоларни таржимон баҳоли қудрат ўзи ҳал қиларди.

М. Исмоилийни таржимон сифатида кўпчиликка танитган асар Э. Л. Войничнинг «Сўна» романидир. Адиб бир суҳбатимизда бу асарга «таржима иши деб эмас, оригинал заҳмати деб» қараганини алоҳида таъкидлаган эди.

«Сўна» романи рус тилига инглиз тилидан ўгирилган. Жаҳон ва рус классикларининг жуда кўп шоҳ асарлари каби бу роман ҳам ўзбекчага рус тилидан таржима қилинган.

Ҳар қандай асар бошқа тилга ўгирилар экан, у нақадар маҳорат билан бажарилмасин, оригиналдан озми-кўпми узоқлашади. Асар таржимадан таржима қилинса, қандай муаммолар учрайди? Таржима соянинг сояси бўлиб қолмайди? «Сўна»нинг таржимасида М. Исмоилий ана шу муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун катта меҳнат қилган.

Бадийий тафаккур ҳамиша ўсишда, ўзгаришда. Агар таржима адабиётимиз тарихига назар ташласак, бу борада диққатга сазовор манзаранинг гувоҳи бўламиз.

Ҳозирги таржима асарларнинг сифатини 30—40-йилларда қилинган таржималар билан солиштирсак, орадаги фарқ яққол кўринади, таржимонларнинг маҳорати ва савияси, таржима асарларига қўйилаётган талаб жуда юксалиб кетганлиги маълум бўлади.

М. Исмоилий ҳам бадийий таржима соҳасида маҳорат чўққисига бирданига эришмаган, албатта. У «Сўна» романининг дастлабки таржима вариантлари ҳақида бундай деган эди: «Сўна» романини дастлаб таржима қилишга киришганимда, унча малакам йўқ эди. Тилни ҳам яхши билмасдим. Шунинг учун ҳам китобийлик, жимжимадорликдан қутула олмаганман. Кейинроқ бориб бу нуқсонларимни тузатдим».

Дунё юзини биринчи марта 1897 йилда кўрган, муаллифга беқиёс шон-шухрат келтирган, жуда кўп элларга тарқалиб, кўп тилларга таржима қилинган «Сўна» романининг ўзбек тилида китоб бўлиб чиқиши тасодиф эмас. «Октябрь инқилобидан кейин нашриётчилик ишимиз анча жилишган бўлса ҳам, бадийий асарларга бўлган чанқоқлик узоқ давом эди. Ўттизинчи йилларда ҳам китоб очарчилиги мавжуд эди. Уша маҳаллар нашр қилинган бадийий асарларни бир ўтиришда ўқиб қўйиб, яна нимамиз бор, дея китоб қидириб қолардик. Шу сабабдан бўлса керак, ўша даврнинг китобга

муқкасидан кетган ёш ниҳоллари бадий асарга чанқоқлигини тиши ўтса русча, бўлмаса озарбойжонча, татарча китоблар ўқиш билан босар эди. Уша кезлар «Сўна»ни рус тилида ўқидиму худди сеҳрланган одамдай, анча маҳалгача ўзимга кела олмай юрдим. Роман воқеаси эс-хушимни олиб қўйди. Шунда, қани энди бу китобни ўзбек тилига таржима қилсам, халқимнинг бошқа фарзандлари ҳам мен олган завқни олса, деб орзу қилдим».

«Сўна» романи М. Исмоилий таржимасида ўзбек тилида уч марта нашр қилинган (1934, 1936, 1956 йилларда). Мутаржим романининг ҳар бир нашрини қайта-қайта ишлаб, янгидан сайқал бериб борган. Шунинг учун ҳам таржима тобора мукаммаллашган. Мутаржим ҳар гал «Сўна» романи таржимасини қайта кўриб чиқар экан, ўзини талабчан китобхон олдида имтиҳон бераётгандек ҳис қилади. Мана шу туйғу унга илҳом берган, масъулиятга ундаган.

«Сўна» романининг ўзбек тилига таржима этилиши М. Исмоилий ижодий фаолиятидагина эмас, адабиётимизда ҳам муҳим ҳодиса бўлди. Бу асар таржимашунос олимларнинг ҳам диққатини жалб қилди.

Маълумки, таржимон дуч келган ёзувчининг асарини ағдармавермайди. У кўпинча ўз услуби ва талантининг ўзига хос томонидан келиб чиқиб, кўнглига яқин бўлган санъаткорларнинг асарларини танлайди. Бу эса кўпинча таржиманинг муваффақиятини ҳам таъминлайди. М. Исмоилий ҳам аввало кўнглига яқин санъаткор ёзувчиларнинг асарларини таржима қилишга ҳаракат қилди. Адиб мана шундай суйиб таржима қилган асарлардан яна бири турк ёзувчиси Рашид Нури Гунтекиннинг «Чолиқуши» романидир.

«Визда «Ўтган кунлар» қанчалик машҳур бўлса, «Чолиқуши» ҳам Туркияда шунчалик машҳурдир, — деган эди М. Исмоилий. — Шу асарни кўп вақтлардан бери ўзбек китобхонига илиниб юрардим».

Не бахтки, М. Исмоилий хизмати туфайли «Чолиқуши» романи энди бизда ҳам машҳур бўлиб кетди. Бу асар ўзбек тилида қисқа вақт ичида уч марта нашр қилинди. Таржимон ҳар сафар романга қайта-қайта таҳрир ва тузатишлар киритиб борган. «Чолиқуши» бевосита туркчадан таржима қилингани учун ҳам айниқса қимматлидир. Роман худди ўзбекча ёзилганга ўхшайди. Асардаги бошдан-оёқ китобхонни сеҳрлаб қўядиган жозоба, тасвирдаги лиризм, мунг ва булардан туғиладиган ажиб бир оҳанг таржимада жуда ёрқин кўринади. «Чолиқуши» М. Исмоилийнинг энг сара таржималаридан ҳисобланади.

Адибнинг таржимонлик фаолиятида улуг рус ёзувчиси Л. Н. Толстой асарлари салмоқли ўрин тутди. М. Исмоилий Л. Толстой асарларининг таржимони бўлибгина қолмай, айни замонда буюк ёзувчи ижодининг жонкуяр тарғиботчиси ҳамдир. У Л. Толстой асарларининг ўзбек тилидаги таржималари ҳақида мақолалар ёзиб, адабий жамоатчилик эътиборини бу соҳадаги муҳим масалаларга жалб этди.

«Бундан ўн саккиз йил аввал «Тирилиш» романи таржима қилинган эди. Аммо бу фурсат давомида маданиятимиз, адабиётимиз беқиёс ўсди, ўзбек тили танада бойиди, таржима санъати мислсиз юксалди. Шу туфайли ҳам «Тирилиш» романининг мавжуд таржимаси ҳозирги китобхон талабига жавоб бермайди. Таржимани албатта қайта кўриб чиқиб, янгидан нашр қилиш зарур». (М. Исмоилий. «Лев Толстой в узбекских переводах». «Звезда Востока», 1948, № 9, стр. 100.)

«Тирилиш»ни 1933 йилда М. Исмоилий ҳам таржима қилган. Бу даврда адиб ҳали таржимон сифатида етарли тажрибага эга эмас, бу соҳанинг сир-асрорларидан деярли бебахар эди. Шунга кўра ушбу таржимани ҳар жиҳатдан мукаммал, пухта дейиш қийин. Айни чоғда у Л. Толстой асарларининг бўлажак таржимони қаламига мансуб эканлиги сезилиб турар, «Тирилиш»нинг олдинги таржимасига нисбатан олға ташланган қадам эди.

Шубҳасиз, Мирзакалон Исмоилийнинг таржимонлик фаолиятида катта бурилиш ясаган ҳамда адабий ҳаётда муҳим из қолдирган воқеа «Анна Каренина» романининг ўзбек тилида чоп этилганлигидир. Маълумки, бу асарни илгари ҳам таржима қилишга уринишлар бўлган; шоир Уйғун романининг биринчи китобидан парчалар таржима қилган эди.

Адабий жамоатчилик, таниқли таржимашунослар «Анна Каренина» М. Исмоилий таржималарининг энг мукаммали,

энг салмоқлиси эканини қайд этди. Адиб бу даврда таржимон ва ёзувчи сифатида анча тажриба орттирган, қалами чарчланган эди. Аммо бундан, «Анна Каренина» энгилгина ўзбекчалоштирилди, деган маъно чиқмайди.

Л. Толстой Аннани ахлоқсиз, бир кўришда яхши кўриб орқадан эргашиб кетаверадиган энгилтак аёл сифатида эмас, балки дилбар, аёллик жозибаси беқиёс, хатти-ҳаракатининг масъулияти ва оқибатини чуқур ҳис қилган, ўша китоблар жамятининг чиркин ахлоқига қарши бош кўтарган бахтсиз аёл сифатида тасвирлайди. Аммо Анна бундай жасоратга журъат этгунча кўп иккиланишларни, ўз кўнглидаги ички зиддиятларни энгиши керак эди. Ҳа, у эрининг диккайдан қулоқлари биринчи марта кўзига хунук кўриниб қолгандан кейин ҳам ўзини осонгина Вронскийга топириб қўймайди. Аннадаги ана шу мураккаб, зиддиятли кечинмаларнинг ўзбек тилидаги тасвирини ўқиган китобхон қаҳрамон қалбини чуқур ва тўғри ҳис қила олади.

Романининг сўнги саҳифаларида, Аннанинг ҳалокати яқинлашиб келаётган бир пайтда, Левин уни кўриб, ўз таасуротини Облонскийга айтади:

— «Да, — задумчиво отвечал Левин, — необыкновенная женщина. Не то что умна, но сердечная удивительно. Ужасно жалко её!»

— «Ҳа, — деб жавоб берди Левин ўйчан бир ҳолда, — мисли йўқ жувон. Ақлли эканлигини қўявер, лекин самимий ҳам, шуниси одамни ҳайрон қолдиради. Уволки, асти сўрама!»

Нега таржимон «Ужасно жалко её»ни «аҳволи жуда ҳам аянчли» ёки «бечорага раҳминг келади» тарзида таржима қилмаган? Тўғри, Аннанинг аҳволи ёстдан ҳам аянчли, кишининг раҳми келадиган эди. Шу даражада аянчли эдики, бунга «аянчли» сўзи билан бериб бўлмасди. Шунинг учун ҳам таржимон «уволки, асти сўрама» дейиш билан мақсадга тўла эришган. Бу сўзлар ботинида Аннанинг аҳволи аянчли эканлигигина эмас, унинг ўша чиркин киборлар жамятида қадр-қимматини тополмагани, увол бўлгани ва, ниҳоят, катта фожиаси рўй-рост мужассамлашган. Романдан бундай ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Албатта, «Анна Каренина»нинг барча саҳифалари ўзбекча бирдай юксак маҳорат билан ўгирилмаган. Таржимон қаҳрамонлар характерининг айрим қирраларини, асарда қўлланилган бадий тасвирий воситалар моҳиятини яхши илғай олмай қолган ўринлар ҳам бор.

«Ўзбек адабиётига самарали таъсир қилган улуг совет ёзувчилари Горький ва Маяковский билан бир қаторда Толстой ҳам ўзбек ёзувчиларига устоз бўлди. Толстойнинг ажойиб асарларини таржима қилиш жараёнида ўзбек ёзувчилари бадий маҳоратни ўрганмоқдалар», деб ёзган эди адиб.

Мирзакалон Исмоилий А. П. Чехов асарларининг ҳам моҳир таржимонидир. Адиб улуг ёзувчининг «Қайғу», «Ёш болалар», «Душманлар», «Жаҳолат», «Полинька», «Веречка», «Рўза арафасида», «Володя» каби кўплаб ҳикояларини ўзбек китобхонига тухфа қилган.

Адиб таржима қилган ва биз юқорида тилга олиб улгурмаган жуда кўп асарлар, жумладан М. Ю. Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони», М. Горькийнинг «Изергиль кампир», «Бўрон қуши ҳақида қўшиқ», «Лочин ҳақида қўшиқ», «Инсоннинг туғилиши», «Новиков — Прибойнинг «Цусима», В. Катаевнинг «Оқариб кўринар бир елкан», В. Ажаевнинг «Москвандан узокда», М. Шолоховнинг «Инсон тақдир», Сервантеснинг «Дон Кихот», Ж. Верннинг «Сирли орол», Лопе де Веганинг «Ит пичан эмас ва отга ҳам бермас», В. Шекспирнинг «Бесабаб ғавро», Н. Островскийнинг «Бўрон болалари» ва Н. Погодиннинг қатор драмалари адабиётимизга, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга қўшилган катта ҳисса бўлди.

М. Исмоилий ижодий фаолиятида публицистика муҳим ўрин тутди. Адиб Тошкент киностудиясида, Ўзбекистон Ёзувчилар союзида, «Қизил Ўзбекистон» газетасида, «Шарк юлдузи» журнали ва Ўзбекистон Давлат нашриётида ишлаган кезлари журналистика билан жиддий шугулланди. Ёзувчи 1942—1947 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилди. Жангун жадалларда у қаламини найзага айлантирди. Сталинград бўсағаларида ташкил топган ўзбекча тўнғич фронт газетасида масъул котиб, маълум муддат муҳаррир ўринбосари вазифаларида ишлади. Фронтдаги хиз-

матлари учун «Қизил юлдуз» ордени ва бир неча жанговар медаллар билан тақдирланди.

Мирзакалон Исмоилий фронт газетаси мухбири сифатида тез-тез олдинги марраларда бўлиб, аскар йигитларнинг мардлиги ва жасоратларини ўз кўзи билан кўрар, улар билан суҳбатлашар, орзу-умидларини тинглар эди. Адибнинг уруш йилларида ётган жанговар лавҳалари, ҳикоя ва очерклари фронт газеталарида кетма-кет босилиб турди. Шунингдек, бу асарлар «Қизил Ўзбекистон» газетаси, «Шарқ юлдузи» журнали, «Шонли саҳифалар», «Мардлик қиссалари», «Қаҳрамон ҳақида ҳикоялар» номли тўпламларда ҳам эълон қилинди. 1965 йили «Ҳарбий ҳикоялар кутубхонаси» сериясида М. Исмоилийнинг «Озод инсон ҳақида қўшиқ» деб номланган китоби нашр этилди. Ёзувчи уруш эпизодларини ёритиб, жангчиларнинг қаҳрамонлиги, жасорати ҳақида шунчаки хабар, ахборот беришни мақсад қилиб қўймаган. Адиб бу асарларида қаҳрамон совет жангчиларининг эса қоладиган, ёрқин сиймоларини яратибга интилган.

Сарлавҳасиданок М. Горький романтизми таъсири яққол сезилиб турган «Озод инсон ҳақида қўшиқ» очеркида ёзувчи қаҳрамон ўзбек жангчиси Мамат Усмонов ҳақида ҳикоя қиладию асарга «Юз йил умр кўрган қўлдан кўра, бир кун эркин яшашга улгурган киши бахтиёр ва беармондир» деган сўзлар эпиграф қилиб олингани бежиз эмас. Мамат Усмонов муқаддас тушроғимизнинг дахлсизлиги, озодлиги учун курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган минглаб совет жангчиларидан бири эди.

М. Исмоилий урушдан кейинги йилларда ҳам бадиий публицистика ва прозанинг кичик жанрларида баракали ижод қилди. Адабий танқидий мақолалар ёзди. Адиб публицистикасининг кўзга яққол ташланган соҳаси одоб, ахлоқ мавзусида ёзилган асарлардир.

Маълумки, ахлоқ ҳамшира, ҳамма вақт замоннинг энг актуал, энг мураккаб ва назик масалаларидан ҳисобланган. Ўз ижодида бу мавзунинг чегад ўтадиган ижодкор камдан-кам учрайди.

М. Исмоилий катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, турмуш тажрибаси бой адиб эди. У халқимизнинг маънавияти ва одоб-ахлоқи билан боғлиқ анъаналарни яхши биларди. Мана шуларнинг ҳаммаси ёзувчига қўл келган.

Ўзбекистон радиосининг «Ешлик» радиостанциясида ишлаб юрганимда редакция тошпириғига кўра М. Исмоилий билан анча муддат ҳамкорлик қилиб, мулоқотда бўлган эдим. Ешларнинг одоб, ахлоқ, сеvgи ва оила масалаларига қизиқиши табиий, албатта. Севимли адибимизнинг ҳар бир чиқишини мухлислар интиқлиқ билан кутишар эди. Муҳими шундаки, ёзувчининг ахлоқ мавзусидаги асарлари баъзи насихатчиларнинг меъдага тегиб кетган, сийқа, ҳаммага маълум гапларни ҳар гал бир мақомда тасқорлаши ошқора ақл ўргатиши каби эмас, балки қандайдир бир янгилик, муҳим бир нарсаси даъват каби қабул қилинади. Шунинг учун ҳам «Инсон ҳусни», «Одамийлик қиссаси» китоблари тез орада оммавийлашиб, қизгин мунозараларга сабаб бўлди.

«Мен энди жонсиз табиат билан шуғулланишни бас қилиб, шу нарсани англашга жазм этаман: нега одамлар яхшилик нимаю ёмонлик нима — буни била туриб, ёмон иш қилиб юрадилар?», деган эди Сукрот.

Дарҳақиқат, нега шундай бўлади? Мирзакалон Исмоилий публицистик асарларида ана шундай муҳим саволга жавоб қидиради. «Маълумки, инсон онадан ахлоқсиз ёки безори бўлиб туғилмайди. Уни ё ижтимоий тузум, ё тор муҳит бузади», деб ёзади адиб. Гўзаллики кенг маънода талкин этган адиб бундай ҳулосага келади: «Инсон — яратувчи; у барча хилқат ичида энг юксаги, энг қудратлиси, энг фаросатлиси, энг ақлию идроклиси. Демак, гўзалликнинг ҳам энг юксаги, энг мазмунлиси, энг чиройлиси инсонда».

«Одамийлик қиссаси»да она тилининг софлиги ҳақида, ҳар бир халқ тилига ҳурмат-эҳтиром билан қараш зарури ҳақида куйиниб айтилган фикрлар шу бугун ҳам долзарбдир. Тўғри, асардаги айрим фикр-мулоҳазалар баҳсли туюлиши мумкин, зеро ёзувчи ҳам ўз қарашларини тайёр андоза-қолип тарзида тақдим этмайди. Шундай экан, мавриди келганда муаллиф билан бемалол баҳс-мунозара қилиш мумкин. Муҳими, ёзувчини тўлқинлантирган, ўйлатган муаммолар китобхони ҳам бепарқ қолдирмайди. «Одамий-

лик қиссаси»нинг қисқа бир муддатда уч марта нашр қилингани бежиз эмас, ахир.

Мирзакалон Исмоилийнинг ҳаётий ва ижодий тажрибаси самараси, ҳатто, муболагасиз айтганда, катта жасорати туфайли майдонга келган «Фарғона тонг отгунча» романи адабиётимизда воқеа бўлди, кенг китобхонлар оммасининг эътиборига сазовор асарлар қаторидан ўрин олди. Маълумки, бутун умрини элу юрт хизматига бахшида этган, Улуғ Ватан уруши йилларида олти йил Ватан ҳимоясида бўлган заҳматкаш адиб халқ душмани сифатида қораланиб, беш йилга яқин умрини қамоқхонада ўтказган эди. Роман ҳибс-хонада, тасаввур қилиш қийин бўлган оғир шароитларда яратилди.

«Фарғона тонг отгунча» муаллифнинг мўлжалича уч китобдан иборат бўлиши керак эди. Асарнинг дастлабки икки китоби — «Қаёр гулдуриси» ва «Сўнгги кеча» босилиб чиқиб, қайта-қайта нашр этилди. Аммо учинчи китобни ниҳоясига етказиш адибга насиб этмади.

М. Исмоилий романда халқимизнинг Улуғ Октябрь инқилобигача бўлган яқин ўтмишини қаламга олган. Тарихий-инқилобий мавзу ўзбек романичилигида салмоқли ўрин тутади.

Мана, «ўтган асрнинг сўнгги кузи Қорабулоққа очиқ чеҳра билан келган» кунларнинг бирида икки отлиқ қишлоқдан чиқиб келяпти. Булар Ғуломжон билан унинг отаси. Ёзувчи шундай характерли деталлар келтирадики, бундан китобхон дарҳол сергақланади. Ёзувчи қаҳрамонларини келгусидаги муқаррар қарама-қаршиликлар, курашлар, изтиробларга тайёрлаётгандай бўлади.

Ғуломжон ширин-шарбат куз неъматларига ҳавасланиб: «Жаннат-жаннат, дейишадими-ю, жаннат деганлари Қорабулоғимиздан яхшимикан?» деганда, «Ҳамроҳи жавоб қилмади, отнинг тизгинини силтади. Йигит ҳайрон бўлиб, унинг орқасидан бир зумгина қараб турди. «Қалтис гап қилдим шекилли», деб ўйлади-да, ҳамроҳига етиб олиш, ундан уэр сўраш учун отига камчи босди».

Ҳўш, Ғуломжоннинг шу оддий гапи нега отасига бошқача таъсир қилди? Гап шундаки, Ғуломжон ҳали ҳаётнинг оқу қорасидан яхши хабардор бўлмади, Қорабулоқдаги оддий меҳнаткашлар турмушини яхши билмай, адолатсизлик билан жиддий тўқнашмай туриб, қишлоғини жаннатга қиёслапти. У отаси билан Мадаминхўжанинг хирмонига бориб, биринчи марта Ҳаётхонни узоқдан кўриб, «Ким экан у қиз?» дея ошиқ бўлиб қолганда ҳам кейинчалик бошига тушадиган савдоларни ҳаёлига келтирмайди. Шу тариқа ёзувчи қаҳрамонни китобхонга таништира боради. Аввало характер мантиқини тўғри белгилашга ва шу асосда ундаги ўзгаришларнинг объектив сабабларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Шунинг учун характер эволюцияси ҳар томонлама чуқур далилланган. Бу эса ўз навбатида қаҳрамоннинг китобхон кўз олдида жонли инсон сифатида, инсоний жовиба билан намоен бўлишини таъминлаган.

Ғуломжон — ўртаҳол, ўзига тўқ деҳқон оиласидан. Шоир-табиат, кўнгилчан, заррача адолатсизликини кўтара олмайдиган йигит. Отаси илму маърифатнинг қадрига етадиган одам эди. Шунинг учун ҳам у ўғлини мадрасага ўқишга беради.

Қаҳрамон характери асарда конкрет ҳаётий воқеалар, оддий меҳнаткаш халқ турмуши билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Ғуломжон далада қўш ҳайдаётган Мағқовул оиласининг аянчли аҳволини кузатаркан, кўнгилдан бундай ўйлар кечади:

«Агар Қорабулоқ жаннат бўлса, бахтиёр гилмони Мағқовул ака бўлдимми?.. Кеча Қорабулоқни жаннат деганда отаси тескари ўгирилиб олганини энди англади. «Э-ҳе, мен дунёнинг оқу қорасига тушунмас эканман. Жаннат деганим дўзах эканидан беҳабар эканман!»

Маълумки, қаҳрамон орзу-ниятлари, идеалари билан реал воқелик ўртасида зиддият туғилганда мувозанат бузилади, жиддий конфликтлар юзага келади. Бунда кўпинча қаҳрамоннинг шахсий манфаатлари ҳам ижтимоий аҳамият касб этиши мумкин. Адабиётда бунга мисоллар кўп. «Она» романидаги Пелатгея Ниловна ҳам дастлаб инқилобни ўйлаб эмас, ўғлини қамоқдан қутқаришни ўйлаб курашга қиради. Шу ўринда «Фарғона тонг отгунча» романида жуда

муҳим бадиий қиммат касб этган муҳаббат тасвирига диққатни жалб қилмоқчимиз.

Ғулумжон, Ҳаётхон, Дилшод, Тўтиқизлар севгиси жиддий тўсиққа учраб, оёқости қилингандан кейин уларда ижтимоий тенгсизликка, адолатсизликка нисбатан ғазаб-нафрат туйғуси янада кучли намоён бўлади. Улар синфий онгининг ўсиши янада тезлашади.

Романда Ғулумжон ва Ҳаётхон ўртасидаги узоқ давом этган бахтсиз сеvgи тасвири жуда ҳаяжонли ва таъсирли чиққан. Адиб муҳаббатнинг қайноқ нафаси, поэзияси ҳамда аянчли фожиясини маҳорат билан кўрсата олган. Асарда сеvgи коллизияси шундай бир фокус ролини ўйнайдик, романдаги барча қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, қаҳрамонларнинг бутун дарду алами билан мужассамдир.

«Фарғона тонг отгунча» тарихий-инқилобий мавзудаги бошқа асарларга кўп жиҳатдан ўхшаш бўлса-да, ғоявий мундарижаси бирмунча бошқачароқдир. Бу бошқачароқлик асосан бош қаҳрамон талқинида кўринади.

Ғулумжон — янги инсон образи. Ғулумжон характери ривожини икки босқичга бўлиш мумкин: Ғулумжон — маърифатчи; Ғулумжон — инқилобчи.

Минг машаққат билан дунёга келган роман ёзилиб битгач, муҳокамада асосиз танқидлар, даъволар, тутуруксиз кўрсатмалар билан муаллифга тазйиқ ўтказишга уринишлар бўлди. Бу ҳақда рақматли Мирза аканинг ўзи менга шундай ҳикоя қилиб берган:

«Романимнинг дастлабки муҳокамаларидан бирида айрим ўртоқлар, «муллаваччани қаҳрамон қилиб олибсиз-да», дея таъна қилишиб, асарни қайта тузатишни маслаҳат беришди. Бу маслаҳатга амал қиладиган бўлсам, ўзимнинг кўпгина ғоявий ниятларимдан воз кечишим, бутунлай бошқача асар ёзишим керак эди. Ахир, мен ўзбек зиёлисининг ижобий образини, унинг қандай қилиб онгли инқилобчи даражасига кўтарилганини кўрсатиб бермоқчи эдим. Дарвоқе, тирикчилик ташвишидан бошқа нарсани билмайдиган, динга кўр-кўрона сиғинадиган оддий меҳнаткаш динга қарши курашолмас ҳам эди. Ғулумжон эса мадрасада ўқиб, дин ва унинг ҳомийлари моҳиятини чуқур ўрганган, ўзида уларга нисбатан нафрат уйғота олган ва ўшларга қарши кураша оладиган инсон эди».

Ана шу қийинчиликларга қарамай роман 1958 йилда, Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси муносабати билан босилиб чиқди. Аммо жуда оз, атиги 15000 нусхада чоп этилди. Давр синовидан ўтган бу асар кейинчалик тўрт марта қайта нашр қилинди. Уни китоб дўконларидан ҳозир ҳам тополмайсиз.

М. Исмоилий гарчи романнинг илк муҳокамасида ўз эътиқодидан, ижодий принципларидан воз кечмаган бўлса ҳам, ўша тазйиқлар маълум даражада асарнинг бадиий қимматига салбий таъсир қилган. Социалистик реализмни бир-ёқлама талқин этиш, адабиёт ва санъатга раҳбарликда ленинча таълимотдан чекиниш ҳоллари узоқ муддат ўз кучини сақлаб келганлигини эсласак, масала янада ойдинлашади. Шу нуқтаи назардан қараганда «Фарғона тонг отгунча» да қандай камчиликлар кўзга ташланади? Бу ўринда аввало «Сўнгги кеча» даги яширин большевиклар партиясининг фаолияти (бу эпизодларни ёзувчи кейинчалик, ноилоҳ асарга киритган эди), коммунистлар образи тасвирида схематизм ва баёнчилик элементлари мавжуд эканлигини қайд қилиб ўтиш лозим. Ғулумжоннинг коммунист сифатидаги фаолияти ҳам ҳар жиҳатдан мукамал ифодаланган дея олмаймиз. Асар композициясидаги изчиллик охиригача бирдай сақланмаган. Қаҳрамонлар характерининг янада тўлақонли чиқишида муҳим ўрин тутуши мумкин бўлган айрим сюжет чизиқлари бевосита тасвир этилмасдан, шунчаки баён қилинади. Ғулумжон бахтсиз сеvgиси билан боғлиқ кўп воқеаларни уста Баҳромга ўзи ҳикоя қилиб беради. Бу эса табиатан уятчан, тортинчоқ йигитнинг характер мантиқига тўғри келмайди.

«Фарғона тонг отгунча» да Мирзакалон Исмоилий тарих ва инсон концепциясини тўғри ҳал қилди. Марказий ижобий қаҳрамонлар тақдири охир-оқибат асрнинг асосий йўли билан тутатиш кетади. Шу тариқа «Инсонда тарих акс этиши» ни (Герцен) кўраимиз.

Роман теран миллий руҳ билан сугорилган. Бу энг аввало ёрқин миллий характерларда, асар тилида намоён бўлади.

Айрим танқидчилар ёзувчи асарлари тилида жимжима-

дорлик устунлик қилади, деб масалага бир оз бирёқлама ёндашдилар.

Тўғри, адиб асарларининг тили нуқсондан холи эмас. Буни ёзувчининг ўзи ҳам эътироф этиб, бундай деган эди: «Ииллар ўтиши билан бадиий асар тилига қўйиладиган талаб ҳам ўзгариб туради. Масалан, биз ижод қила бошлаган даврга нисбатан ҳозир тилга бошқача қаралади. Агар «Фарғона тонг отгунча» ни қайта ёзадиган бўлсам, албатта тил жиҳатдан айрим жойларини бўлакча ёзардим. Шунинг учун ҳам трилогиянинг учинчи китобидан илгари ёзилган саҳифаларни ёқиб юбордим».

Ёзувчи фақат ўзига эмас, ҳамкасблари ва шогирдларига ҳам ана шундай талабчан, айна чоғда эътиборли, ғамхўр эди. Муҳаррирлик хунарини санъат даражасига кўтарган эди. Домланинг хайру саховатидан, меҳрибончилигидан кўпчилик қатори баҳраманд бўлганимни фахру ғурур билан эслаб юраман.

Ҳаётининг сўнгги йилларида домла кўнгил чўкиб, кўп нарсалардан ҳафсаласи пир бўлган эди (етмиш ёшлик юбилейи нишонланмади, асарлар тўплами чоп этилмади ва ҳоказо). Бир куни уйларига борсам, домла китобхонлардан келган хатларни ўқиб ўтирган экан. Бир хатни қўлимга берди. «Ҳурматли Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирзакалон Исмоилий!» деб бошланарди бу мактуб. Гарчи домла раман бундай унвонни олмаган бўлса-да, китобхонлар уни ўз ёзувчиси деб билар, ардоқлар эдики, сон-саноксиз хатлар бунинг исботидир. Ёзувчига бундан ортиқ мукофот борми?..



Н. Аслиддинов. Болалик хотиралари.



Муртазо Қаршибоев

«Тўқайга ўт кетса...»

Биринчи мақола

Мамлакат оғир бир юк остида яшарди. Лекин бу ҳол жамиятдаги ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг сусайгани ёки яратувчи кучлар фаолиятининг турғунликка юз тутганини билдирмасди. Аксинча, 1936 йили қабул қилинган янги Конституция меҳнаткашларнинг социалистик идеалларга бўлган ишончини янада ошириб юборди. Юскак минбарларда СССРда социализм ғалаба қилгани бот-бот таъкидланарди, омманинг сиёсий эркинлиги ҳуқуқий жиҳатдан аниқ мустаҳкамланганлиги тўғрисида тинимсиз лоф уриларди. Матбуотда Шимолий кутбни забт этиш учун отланган экспедициянинг ютуқлари ҳусусида, совет санъаткорларининг Брюсселда бўлиб ўтган ёш скрипкачилар конкурсида эришган ғалабалари ҳақида, Волга-Москва канали қурилишидаги олға силжишлар борасида дабдабали хабарлар босилиб турарди. Хуллас, мамлакат яратувчилик билан, ижодий меҳнат билан машғул эди. Шунга қарамай, «жўшқин» ҳаёт — жазаваси тутган кишининг ғайритабиий ҳаракатларини эслатарди. Айниқса, матбуот саҳифаларида бу ҳол яққол кўзга ташланарди. Одамларнинг муомалаларида қандайдир сохталик яширинган эди: зеро, шоду хуррам кишилар кулгунинг меъёрини билиши лозим эди, йиғлаётганлар йиғлаб туриб, жилмаймоғи ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланарди.

Ҳар қалай, мамлакатдаги оғир сукунат жамият ижтимоий-сиёсий кучларининг ҳаракати билан боғлиқ эмас эди. У «халқлар отаси», «пролетариатнинг устози» И. В. Сталиннинг маъҳум ниятларига чамбарчас боғланган сукунат эди. «Доҳиёна» сукунатнинг охири бахайр бўлмаслиги сезилиб турарди, шунинг учун газеталарнинг биринчи саҳифаларида эҳтиёт шарт Сталин, Молотов, Ежов сингари халқ йўлбошчиларининг суратларига, мақолаларига; юқорининг маслаҳатию қуйининг мажбуриятини ифодаловчи телеграммаларга, юқорининг ҳимматию қуйининг ибратини акс эттирувчи фармонларга ва ҳар хил эрмак-қутловларга (юқоридан қуйига, қуйидан юқорига) кенг ўрин бериларди.

«Халқлар отаси» нимадандир сиқиларди. Унга нимадир етишмаётган эди. У барча зобитлару жаҳонгирларни ўртаб келган кўҳна дард — абадият билан тенглашиш ҳамда фоний дунёда собит ва бедаҳл қолишни таъминлайдиган ишларни амалга ошириш йўлларини қидираётган бўлса ҳам ажаб эмасди. Гарчанд у ўзини улкан кашфиёт ижодкори — реал социа-

лизмнинг асосчиси деб билса-да, лекин тарих китобининг бутун-бутун саҳифаларини, қолаверса, бутун бир тарихни битта ўзи банд қилиб олиши учун ҳали кўп ишлар қилиш лозим деб ҳисобларди. Шунинг учун нимадир қилгиси келарди. Хўш, мамлакатда социализм ғалаба қилган бўлса, яна қандай муаммо қолди?

Албатта, Сталин 20 йил давомида шаклланган социалистик ҳўжаликни қайта қуриш йўлидан бормаган бўларди. Унда доҳийлик қудратини кўрсатиб турадиган омилдан маҳрум бўлиб қоларди. Шунинг учун у бошқа бир ишга, даҳшатли юмушга қўл уради: 20 йил мобайнида путурдан кетган халқ ҳўжалигини тиклашга эмас, ижтимоий онгни қайта қуришга киришади. Ўзидаги потенциал кучни сарф этишнинг шундан бошқа йўли йўқлигини «доҳий» яхши биларди. Азалдан шундай: шўхратпарастлик — эзгуликнинг кўксига пичоқ уришдан бошланади...

ВКП(б) МКнинг февраль-март (1937 йил) пленумида Иосиф Виссарионович нутқ сўзлади. Нутқ большевикча руҳ билан суғорилган; Ленин асарларидан олинган кўчирмалар билан тўла эди. Сталин большевикларни грекларнинг афсонавий қаҳрамони Антейга ўхшатади: большевиклар Антей сингари доимо ўз онаси — халқидан куч-қудрат олиб туришлари керак, шундагина улар мағлубият нелигини билмайдилар. Пленумдан кейин эса грек афсонасининг моҳиятига қарши, ўз хулосасининг мантиғига тескари йўлдан борди: кимки халққа суяниб, қаддини тиклаган бўлса, унинг оёғига сиртмоқ ташлаб тортаверди. Дарвоқе, сиртмоқ аллақачон ташлаб қўйилган эди.

Сталин «халқ душман»ларнинг бошини чопиб ташлайдиган болта ясади. Болта жуда кескир, залворли бўлиб, ҳар қандай марғур инсонни зир титратарди. Чунки болта халқнинг Сталинга бўлган ишончидан ясалган эди. Халқ ўз доҳийсига чексиз ишонарди. Шунинг учун халқ содиқ ўғлонлари жосусликда айбланаётганини кўриб ажабланарди, холос. Лекин Сталинга ишонарди. Сталинга шак келтириш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. «Худо»га шак келтирганлар эса муқаррар суратда жаҳаннамга иргитиларди...

Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам 30-йилларнинг ўрталарида мусибатли кунлар ҳўкм сурарди. Оддий меҳнаткаш халқ доҳийнинг пленумда айтган доно кўрсатмаларини ч-н дилдан бажаришга киришди. Айниқса, республика комсомолларининг фаолияти янада жонланди. Бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланди; район, шаҳар конференцияларига делегатлар сайлаш қизгин давом этарди. Йиғилишларда танқид ва ўз-ўзини танқид принципига қатъий амал қилнарди, чунки ёшлар Ленин ғоялари билан қурулланган эди; комсомол ташкилотларида ленинча демократия принципларининг илдиз отиши юқоридагиларнинг ғашини келтирмасди. Бироқ, айни чоқда комсомол етакчиларидан сиёсий ҳўшёрлик, халқ душманларини фош этиш талаб қилинарди. Бундай даъват дафъатан ҳазилдек туюларди, албатта. Қанақа душман? Сталин (худо!) бошқараётган мамлакатда ҳам душман бўлиши мумкинми?! Уша давр комсомол етакчиларининг хаёлидан шундай безовта, чалкаш хаёллар буй кўрсатиб ўтган бўлса не ажаб! Ҳар қалай, бундай даъват уларни бир оз эсанкиратиб қўйган табиий ҳолдир. Уша давр рўзномаларини варақлаб, ҳўжжатларни кўздан кечириб бунга иқдор бўлиш мумкин.

Доҳийнинг дегани деган, айтгани айтган эди: республика комсомол ташкилоти ҳўшёрликни оширди. Дастлаб, назарий жабҳада ҳўшёрликка зўр берилди! Газеталарда В. М. Молотов («Комсомолец Узбекистана» 1937 йил 14 апрель сони), А. Я. Вишинский («Комсомолец Узбекистана», 1937 йил 24, 26, 28 июнь сонлари) ва бошқа ҳўкумат раҳбарларининг халқ душманлари ва троцкикчи кўпоровчиларга қарши қандай кураш олиб бориш кераклиги ҳақидаги мақолалари босилди: халқни, комсомолларни ҳўшёрликка қақирувчи шиорлар янгради, душманларнинг ўзлари эса... Улар «йўқ» эди. Лекин «йўқ»ни йўндириш лозим эди. Доҳий шуни истарди.

Ўзбекистон комсомоли халқ душманларини фош этиш буйича бошланган «мусобақа»да охириги ўринга тўшиб қолади. Бу ҳол ВЛКСМ МКни ташвишлантирмасдан қўймасди. Зеро, ВЛКСМ МКдан ҳам план талаб қилнарди... Шу ўринда бир нарсага аниқлик киритиб кетайлик. Биз яқин ўтмишимиздаги хатоликлар учун Сталинни, унинг мудҳиш назариясини бўралаб сўка бошладик. Гўё фожианинг сабабчиси — битта Сталин холос. Аслида-чи? Бу саволга тарих фанлари кандидати В. Алексеевнинг қуйидаги мулоҳазалари қисман жавоб бў-

лар деб ўйлаймиз: «Ҳозир, ўша йиллардаги кўплаб жиноятлару айнишлар ошкоралик мулкига айланган бир пайтда ҳамма айбни Сталинга ва унинг атрофидаги кишиларга афдариш расм бўлди. Бошқаларни эса сиёсий бошбошдоқлик қурбонлари сифатида тасаввур этиш тенденцияси авж оляпти. Ахир «кейингилар» орасида ҳам, то репрессияга учрагунга қадар гоҳ билиб, гоҳ билмай «халқ душманларини тугатиш»га қаратилган кўрсатмаларни сидқидилдан амалга оширган кимсалар бор. Табиийки, улар маълум даражада бегуноҳ кишиларнинг ўлимига сабаб бўлганлар.

Социалистик тузум ғалабалари ошган сари синфий курашнинг кучайиб бориши ҳақидаги тезисга кўр-кўрона эргашиб охир-оқибатда ички демократиянинг қўпол равишда бузилишига олиб келди, кўп минглаб комсомолларнинг, йигит ва қизларнинг ҳаёти фожиаи яқунланди. И. В. Сталиннинг кўрсатмалари ва партия Марказий Комитетининг қарорлари асосида ВЛКСМ МК XI пленуми (1935 й.) комсомол-ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга эътиборни қаратди. Бу қарор ўз-ўзидан ижобий аҳамиятга эга, албатта. Бироқ долзарб вазифа айрича талқин қилинди. ВЛКСМ МКнинг бош секретари А. Косарев пленумдаги нутқида комсомол сафидаги синфий душманларга қарши олиб бориладиган курашни тарбиявий ишнинг асосий қисми сифатида алоҳида таъкидлади. «Синфий кураш тўхтамайди, — деб у ҳам Сталиннинг машҳур иборасини такрорлади. — Кураш анча мураккаб ва кескин шаклларда давом этаверади. Душман ўз ихтиёри билан ўрнини бўшатиб бермайди. Уни фақат куч билан овғаштириш мумкин. Иқтисодий зўғум ўтказиш усуллари биланми ёки ташкилий-сиёсий жиҳатдан аққалаб қўйиш усуллари биланми, зарурият тугилиб қолса, ҳатто жисмоний азоблаш усуллари биланми, ишқилиб қандай бўлмасин ёт усурларни энгши лозим». Эътибор қилинг-а, бу сўзлар ВКП(б) МКнинг 1937 йил февраль-март пленумидан анча олдин айтилган. («Комсомолец Узбекистана» газетаси, 1988 йил 21 июнь сони¹).

1937 йил 21—28 август кунлари ВЛКСМ МКнинг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ВЛКСМ МКнинг бош секретари ўртоқ Косаревнинг халқ душманларининг комсомол ичида олиб бораётган бузғунчилик ишларни тўхтатиш ҳақидаги доклади бўйича махсус қарор қабул қилади.

ПЛЕНУМ ҚАРОРИДАН

«Комсомол раҳбарлари барча антипартиявий ва антисовет душман гуруҳлар комсомол сафига суқилиб кириб олиш учун доимо интилиб келганлигини унутиб қўйишди. Комсомол етакчилари ўртасида «комсомолда душманлар йўқ» деган зарарли, сиёсий нотўғри кайфиятлар кенг ёйилди» («Комсомолец Узбекистана» газ. 1937 йил 30 август сони²).

Бу қарор комсомолда қатли ом бошлаш учун гўё «оқ йўл» бўлди. Пленумнинг эртасигаёқ «Комсомольская правда» газетасида «Комсомолда душман агентурасини батамом тугатайлик» номли мақола эълон қилинди. Хуллас, Сталин ўйлаб топган янги сиёсий механизмнинг комсомол «юраги»га ўрнатилган «тирсакли вал»и ҳам бир меъёрда айлана бошлади. 1937 йил 11 июнь куни М. Н. Тухачевский, И. Е. Якир, И. П. Уборевич, А. И. Корк, Р. П. Эйдемани, Б. М. Фельдман, В. М. Примаков, В. К. Путья сингари лашкарбошиларнинг «жиноий иши» юзасидан бошланган суд жараёни яқунланди: олий ҳукм чиқарилди. Мамлакат бу хабарни қувонч билан кутиб олди... Сталин номига табрик телеграммалари ёғилди. Улуғ зот бундай олқишлар эвазига Қизил флот қўмондонларини кириб ташлашга ҳам тайёр эди. Афсуски, халқ минглаб бегуноҳ кишилар қурбон бўлаётганини тасаввур ҳам қилолмасди.

Ниҳоят, Ўзбекистонда ҳам «халқ душманлари», «фашизм малайлари» топила бошланди. «Комсомольская правда» газетасининг 1937 йил 8 сентябрь сониди «Миллатчиларнинг ҳомийлари» сарлавҳали мақола босилди. Унда Ўзбекистон ЛКСМ МКнинг секретарлари Ортиқов ва Тарасовлар халқ душманларини фош этишда етарлича фаолият кўрсатма-

ётганликлари, аксинча, уларни ҳимояларига олишга уринаётгани танқид қилинади. Икки кундан сўнг республика комсомолнинг органи «Комсомолец Узбекистана» газетасининг бутун бир саҳифаси душман агентурасини фош этишга бағишланади. Ингирмага яқин комсомол аъзосига «айбнома» ўқилади. Уларга тиркалаётган айблар ҳам кулгили, ҳам ачинарли эди.

«Комсомолец Узбекистана» газетаси саҳифаларидан

«Адолатли танқид

Комсомол аъзоси Соболев бошланғич комсомол ташкилотларида ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларига райком бепарво қараётгани ҳақида гапирди. Бунинг натижасида комсомол билетига тугилган йили нотўғри кўрсатилганига қарамай, Турдубоев Ҳасан конференцияга делегат қилиб сайланган». (1937 йил 10 сентябрь сони)

«Конференция халқ душманларини фош этади

А. Икромов номидаги колхозда сўнгги вақтларгача қулоқнинг ўғли, халқ душманларининг ёрдамчиси Тўраев пропаганда дист бўлиб ишлаб келди. У икки йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Муҳаммадиев қандай қилиб халқ душманлари ва уларнинг агентураси ниқобланиб, маъсулиятли лавозимларга суқилиб кираётгани ва ўзларининг жирканч ишларини амалга ошираётгани ҳақида гапирди. Созоғон қишлоқ советидаги катта бойнинг ўғли Набиев Тўра алдоқчилик йўли билан комсомолга кириб олиб, «Колхозчилар товуши» район газетасининг редакциясига жойлаштириш имкониятига эга бўлди...»

(1937 йил 20 сентябрь сони).

Ақл-ҳуши жойида бўлган одам бу «айблар»га ишонмаган бўларди. Борди бу «айблар» ҳақиқатан ҳам жиноят ҳисобланса, улар асосида ҳар қандай одамни «халқ душмани» сифатида олий жазога ҳукм этиш мумкин эди. Буни яхши тушунган республика комсомол етакчилари иложи борица «халқ душманларини» ҳақиқий хонлардан ҳимоя қилишга ҳаракат қилишарди. Лекин бировни ҳимоя қилиш осон эмас эди. Ўша давр матбуотининг шаҳодат беришича, гуноҳкор бандаларга фақат Сталингина раҳм-шафқат кўрсатиши мумкин, холос. Ҳақиқат қулаган жойда ҳақиқат номидан иш юритиш бефойда, аввало, ҳақиқатнинг ўзини тиклаб олиш лозим. Шундай қилиб, эзилганлар ҳимоясига чоғланганлар оқибатда ҳимояга зор бўлдилар, тўхматни фош этмоқчи бўлганлар охири тўхматга дучор бўлдилар...

Биз — бахтли замона фарзандлари, кечагина тили чиқиб, бугун чулдирашни ўрганиб олган бийрон болакай каби дам келажакка, дам келажакдан кечмишга қараб сакраб юрибмиз. Бизнинг тарихга муносабатимиз ҳам «тўсиқлар оша югуриш мусобақаси»га ўхшаб кетади. Утмиш — хатолар кўмилган қабристон. Бугун ўтмишнинг авра-астарини ағдариб сўкаётган, лекин ўзи ҳам хатолар қилаётган шўҳратпараст эртага адолатли ҳукм қаршисида ночор қолажагини билармикан?

«Халқлар отаси» бутунлай шафқатсиз эмас эди. У керакли пайтда бошни силашни ҳам ўрнига қўярди. Лекин унинг муруватлари фақат бир кишининг, яъни Сталиннинг манфаатларига хизмат қиларди. Шу йўл билан ҳам у ўзининг халқлар раҳнамоси эканини эслатиб турарди; мамлакатда бўлаётган катта-кичи ҳақсизликлардан гўё хабарсиз эди.

1937 йилнинг май-июнь ойларисида Москвада Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари бўлиб ўтди. 21 май куни И. В. Сталин Большой театрда «Гулсара» пьесасини томоша қилади. 2 июнда эса ўзбек адабиёти ва санъати вакилларининг бир гуруҳига давлатнинг олий мукофотлари топширилди. Ўзбек санъаткорларининг тилидан «халқлар отаси»нинг номига мадҳиялар ёғилди: Сталин олдиндан «аванс» бериб қўйишни биларди. Айтмоқчи, муруватнинг бошқача кўринишлари ҳам бор эди. Мана бундай:

**«Сталин ва Молотов ўртоқларнинг телеграммаси
Ташкент. УзКП(б) МК, УзССР ХКС га**

Ўз ривожининг кечикканлиги ва кўзда эҳтимол тутилаётган ноқулай шароитлар бу йил сизлардан ўз ривожини тезлаштириш ва анча олдин пишиб етилиши учун курашни алоҳида кучайтиришни талаб қилади. Сизлар ўзгага ишлов бериш ва сўғориш борасида ўтган йилги даражадан анча ортада қола-сизлар. Ваҳоланки, кўзда тутилган муддат ва планлардан ортада

¹ Газета мақолани «Московский комсомолец» газетасининг 8 июнь (1988 й.) сонидан кўчириб босган.

² Русча манабалардан олинган парчаларни ўзимиз таржима қилдик (муаллиф).

қолишга йўл қўйиб бўлмади» («Комсомолец Узбекистана» газетаси 1937 йил 8 август сони).

Телеграммани тўлиқ келтириб ўтирмадик. Шу парчадан оқ доҳийнинг ғамхўрлиги нечоғлик сохта эканлиги кўриниб турибди. У ўзини ҳаммани ва ҳамма нарсани ўйлаётган шахс қилиб кўрсатишга тиришарди. Бундай сохта халқпарварлик Л. И. Брежневнинг раҳбарлик фаолияти мисолида 80-йилларгача етиб келди, ҳаммининг кўзини қамаштирди...

Четдан қараганда мамлакат улкан ғалабалар қувончи билан яшаётганга ўхшарди. 18 июнь куни Чкалов, Байдуқов, Беляев сингари фазо қаҳрамонлари Шимолий қутб орқали тўхтамасдан АҚШга учиб ўтдилар. 6 октябрь куни «СССР—В—6» дирижабли Москвага қайтди. Москва билан Шимолий Америка оралиғида учувчи Леванскийнинг «Н-209» самолёти изсиз йўқолди. 12 декабрда Амстердамда Алёхин ва Эйве ўртасида шахмат бўйича Жаҳон биринчилиги бошланди. Ажабо, бу тарихий воқеаларнинг бари атайлаб мамлакатимиз ичкарасида кечаётган ваҳшийликларни яшириш учун ўйлаб топилганга ўхшарди.

Тошкентда кураш авжига чиқиб борарди: УзКП(б) МКнинг биринчи секретари Акмал Икромовга тўхмат тошлари ёғила бошлади, республика комсомоли МК секретарлига ва ходимларига ҳам навбат етди. Фош этиш ҳаракатлари йўлакда бошланган ёнғинга ўхшаб ҳар бир хонага бостириб кирар, ҳеч кимни омон қўймади. Омон қоламан деган одам деразадан ўзини ташлар ё бир чеккада бошқаларнинг жизғана бўлаётганини жим кузатар эди. Лекин зинҳор-базинҳор ўчиришга чоғланмасди. Ут билан ўйнашган балога дучор бўлиши муқаррар эди.

«Комсомолец Узбекистана» саҳифаларидан
«Мавжуд ҳар қандай халқ душманлари шафқатсиз тугатилсин».

Танқид ва ўз-ўзини танқидни бўғиш муҳити ҳатто УзЛКСМ МК аппаратида ҳар хил қаланғи-қасанғиларнинг, бузуқ элементларнинг, безориларнинг кириб олиши учун қўлай замин яратди. Комсомол МК секретарлари Ортиқов ва Тарасовлар бошчиликка кадр танлаш принциплари оғайнинггарчилик, «ошначилик» принциплари билан алмаштирганлари учун Пехович сингари бир вақтлар партиядан ўчирилган ҳамда Салтанова, Файнберглар ёрдамида ВКП(б)га тикланган кишилар МКдан ўзларига паноҳ топдилар. Пехович ва безори Абдураҳмонов ўз «фаолият»лари билан комсомол ташкилотига озмунча зарар етказмадилар.

УзЛКСМ МК бюроси республика комсомоли МКнинг секретари Ортиқовнинг ўтмишини фош этиш учун ўзида қудрат тополмади. Акмал Икромовнинг юксак ишончидан фойдаланиб, Ортиқов босмачиларга қурол-яроғ етказиб бергани учун отиб ташланган отасининг асл башарасини узоқ вақт яшириб юрди. Энди бу ҳеч кимга сир эмас. Ортиқов бу фактни партиядан ҳам, комсомолдан ҳам яширди. УзЛКСМ МК бюроси эса сиёсий кўрлик қилди, бу фактни очиб ташламади.

Бюро Ортиқовга унинг маиший бузуқлиги фактлари ҳақида билиб туриб индамаяпти. Мана бир неча йилдирки, Ортиқов ўз хотини Жамилани ҳақорат қилади. Турмушларининг биринчи кунларидан бошлабоқ шўрлик озод Шарқ аёли Ортиқовнинг хонадонидан тутқун уй бекасига айланди. Ортиқов ҳар хил йўللар билан унинг ўқишга қатнашига қаршилиқ қилди, бир кун эса уни бутунлай уйдан қувиб чиқарди. Бу воқеа боласининг ўлимидан кейин бўлган эди. Ортиқов боласи касал пайтида уни ҳатто врачга ҳам кўрсатмади.

Комсомол бюроси студент-ёшлар бўлими мудир — бетайин Жумаевнинг бюрога қандай кириб қолгани учун тўлиқ жавоб берадилар. Жумаевнинг опаси буржуа миллатчиси Фитратнинг хотинидир. Бироқ МК бюроси ҳалигача халқ душмани Цехерни бюро составидан чиқаришни лозим топмаганидек, шу пайтгача Жумаев ҳусусидаги масалани муҳокама қилишни ҳам лозим топгани йўқ» (1937 йил 14 сентябрь сони).

Ҳақиқат — ҳар бир факт моҳиятининг тўла очилишини талаб қилади. Факт моҳияти эса даврнинг умумий манзараси орқалигина тўла очилиши мумкин. Биз ҳозирча воқеаларни батафсил изоҳлаб беришдан қочиб (бу ишни кейинги мақола-ларимизда амалга оширамиз, албатта), аввало, даврнинг умумий манзарасини айрим шахслар фаолияти ва тарихий ҳодисалар воситида рақам этмакка жазм қилдик. Зора бу умумий майдондан айрим «кўчалар» сари бориш бир оз енгиллашса!

Шундай қилиб, республика комсомоли МКнинг деярли барча етакчи ходимлари бевақт кўтурган бўронга учрашади.

Ҳар қандай ходимга ҳам айбонама тайёр эди: фалон мажлисда халқ душмани Файзулла Хўжаевни ёқлаб гапирган, фалон ошхонада Ортиқов билан бирга ўтириб қабоб еган, пистончини «иктидорсиз» деган, Тарасовдан махорка сўраб чеккан ёки Акмал Икромов иштирок этган тўйда ашула айтган ва ҳоказо. Лекин бу ҳали улкан фожианинг бошланиши эди, холос. Газеталар қораловчилар минбарига айланиб қолган, ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялар суд жараёнидан деярли фарқ қилмасди. Бундай шароитда бемалол ишлаш у ёқда турсин, шунчаки ҳаёт кечириш ҳам мушкул эди. Одамлар бир-бирининг қадамини санаб, бир-бирига чоғ қазирди. Кимки олдинроқ чоғ қазиса, ўша тирик қоларди. Тирик қолганлар эса хотиржам яшай олмадилар, улар уйлариде ҳам юрак ҳовучлаб ўтиришарди. Совет халқининг бутун бир авлоди ана шундай долғали йилларни бошидан кечирди: баъзи бировлар жон сақлаб қолди-ю, кимлардир ширин жонларидан жудо бўлдилар.

Бугун ноҳақлик қурбонлари ҳақида гап кетса, фалончининг қотили ким эди, пистончини ким сотган сингари саволларни тез-тез эшитиб қоламиз. Ростини айтсак, қатли ом йилларидаги «одамхўр машина»нинг ишлаш принципини оз-моз биладиган кишига бундай саволлар эриш туюлади. Уша принциплардан ҳабардор одам гапни мухтасар қилиб, бундай деб қўя қолади: «Усмон Носирнинг устози ким эди? Абдулла Қодирийнинг, Чўлпоннинг сирдошлари кимлар эди? Қотиллар ҳам ўшалар орасида!!!»

Матбуотда тинимсиз босилаётган мақолалар билан ҳам халқнинг комсомол етакчиларига бўлган муҳаббатини синдирилмаган ғаламис кимсалар Тошкент шаҳар комсомолининг фаоллари йиғилишини ўзлари ўйлаган «сценарий» асосида ўтказишга ҳаракат қиладилар. Охир-оқибатда улар ўз ниятларига етишдилар.

«Комсомольская правда» газетасининг 1937 йил сентябрь ойидаги бир неча сонларида Узбекистон комсомоли раҳбарларининг қанотларини қайирувчи мақолалар эълон қилинди.

«Комсомольская правда» саҳифаларидан
«Исроил Ортиқовнинг ахлоқий қиёфаси»

«Узбекистон комсомоли МКга буржуа миллатчиларининг зарарли фаолиятлари ҳақида ташвишли хабарлар келди. Ёш танқидчи-шоир, комсомол Туйғун узоқ вақт Ёзувчилар союзига жойлашиб олган буржуа ғаламислари билан тинимсиз кураш олиб борди. Республикадаги қатор ташкилотлардан мадад ололмай, у Ортиқовга мурожаат этишга қарор қилди. Туйғун МК секретари Узбекистон Ёзувчилар союзини пароканда қилаётган миллатчиларни фош этишда ёрдам берар деб умид қилганди. Бироқ, бу масала билан шугўлланишга Ортиқовнинг «вақти йўқ» эди. У арзимаган баҳоналар билан Туйғуннинг душманларни фош этишга аризасини ўқишдан бош тортди» (1937 йил 14 сентябрь сони).

Ҳа, Туйғуннинг арзига ҳеч ким қўлоқ солмаётган эди. Унинг «фош этиш» руҳида ёзилган мақолалари ҳеч қаерда босилмасди, шеърлари эса Ойбек, Усмон Носир, Чўлпон сингари чинакам иқтидор соҳибларининг шеърлари соясиде қолиб кетарди. Эътиборсиз қолган ёш шоир қандай бўлмасин эътибор топишни истарди. Бунинг учун, аввало, эътиборли шоирларни эътиборсиз қилиш, лозим бўлса, жисмонан маъҳ этиш керак эди. 26—27 сентябрь кунлари Узбекистон КП(б) МКнинг IV пленуми бўлиб ўтади. Пленум Акмал Икромовни Узбекистон КП(б) МК биринчи секретари вазифасидан бўшатади. Бир неча кундан сўнг Узбекистон ЛКСМ МКнинг V пленуми бўлиб, унда Ортиқов МК секретарлигидан олиб ташланади.

«Комсомолец Узбекистана» саҳифаларидан

«Контрреволюцион банда батамом тугатилсин»
Халқ душманларининг фош этилган бандаси, ярамас контрреволюцион миллатчилар Икромов, Файзулла Хўжаев, Исмолов, Болтабоев, Каримов, Шермухаммедов, Турсун Хўжаев, Усмонов, Тўрабеков, Сороник, Ҳасанов, Мирзааҳмедов ва бошқалар партия билети билан ниқобланиб, эгаллаб турган лавозимлари яратиб қўйган имкониятлардан фойдаланиб, ўз ярамаслиги ва тубанлиги бўйича мисли кўрилмаган фитна уюштирдилар. Улар ўзбек ва бутун совет халқларини хоинликка тайёрладилар». [Мақола муаллифи: Узб. КП(б) МКнинг биринчи секретари Усмон Юсупов, «Комсомолец Узбекистана» газ. 1937 й. 2 сентябрь сони.]

Кечагина халқ эъозиди бўлган кишилар энди «фашизм итлари»; «буржуазия малайлари» деб сўкиларди. Судланганлар ва жазага тортилганларнинг саноғи йўқ эди. Қанчадан-қанча гўдаклар тирик етим бўлиб қолдилар. Айни шундай кунларнинг бирида «Правда» газетасида «Сталин даврининг бахтли болалари» номли бош мақола босилиб чиқди. Унда жумладан шундай дейилади: «Бахтли болалик учун ўртоқ Сталинга раҳмат!» Совет болаларининг бу шоридан навқирон авлоднинг ишчилар синфи, партияга буюк ва таъсирчан муҳаббати ва садоқати ифодаланган. Бу сўзларни ўқиган болалар; хоҳ уларнинг ота-онаси, хоҳ қариндош-уруғлари ноҳақ репрессия қилинган бўлсин, етимлигини ҳис этиб, қайғу чекишга журъат қилишганмикин? «Бахтли болалар»нинг нафақат яқин кишилари, балки уларнинг инсоний ҳис-туйғулари ҳам ноҳақлик қурбони бўлган эди.

УзЛКММ МКнинг У пленумида Сталин ва Ежов номига телеграмма юборилади: «Душман йўқотилмоқда, ҳушёрлик оширилмоқда...»

Октябрь ойининг бошларида Москва шаҳар комсомолнинг IV конференцияси бўлиб ўтади. Унда А. Косарев нутқ сўзлади. У комсомолларни халқ душманларига қарши янада шафқатсизроқ курашишга чақирди.

Республиканинг асосий раҳбар ходимлари йўқотилди. Лекин курашни тўхтатиш мумкин эмас эди. Гўё кураш тўхтаган куни япон ва герман разведкаси халқ душманлари билан биргаликда Сталинга суиқасд қилиб, ҳукуматни ағдарадилар. Яна кимларнингдир бошини кесиб, умрини майиб, қисматини ҳазон қилиш керак эди. Найза яна зиёлиларнинг юрагига, қуйи бўғин раҳбарларга қаратилди. Албатта, зиёлиларнинг катта бир гуруҳи аллақачон сафдан чиқарилган, биринчи зарбалардан омон қолишмаган эди.

«Комсомолец Узбекистана» саҳифаларидан

«Душманлар ва уларнинг гумашталари қуйи комсомол ташкилотларида ҳам уя қуриб олишган. Ҳамза номидаги давлат театрида сиёсий мактабни халқ душмани миллатчи Зиё Саидов «бошқарган». У сиёсий ўқувни издан чиқарди. Театр комсомоллари, Қудрат Хўжаев ва Раҳимовлар контрреволюционер-миллатчилар Зиё Саидов ва Чўлпонга мурсосозлик билан муносабатда бўлдилар, уларга ҳомийлик қилдилар. Бу ярамасларнинг жиноий қилмишларини билиб туриб Қудрат Хўжаев ва Раҳимовлар сукот сақлашди. Халқ душманларининг гумашталари комсомол сафидан ўчирилди» [Муаллиф: Санжар Тиллаев. 1937 йил 16 сентябрь сони].

Бесеонов, Амалая хоним, Созцердатова сингари ўзбек адабиётининг тарғиботчилари ҳам Абдулла Қодирий ва Чўлпон асарларини рус тилига ўнгирганлари учун «буржуа миллатчиларнинг ҳомийлари» деган ёрлиққа сазовор бўладилар.

Туйғун сингари қаламкашларга кенг йўл очилди. Энди уларнинг йўлини тўсадиган мард қолмаган эди. Кўп ўтмай «Ёш ленинчи» газетасида унинг катта мақоласи чоп этилди.

«Ёш ленинчи» газетаси саҳифаларидан

«Ойбек ўзбек совет адабиётига «тоза санъатчилик», қуруқ тасвирчилик йўллари билан ўзи ва фикрдош устозлари бўлган Чўлпон, Фитратларнинг идеяларини [жумладан, Ойбекнинг ўз идеяси] пропаганда-агитация қилиб келган ёзувчилардан бири. Унинг ижодидаги буржуа қарашлари, бадбинлик, умидсизлик, ҳижрон кайфиятлари, қинғир-қийишқ майллар Ойбекка бошқа буржуа ёзувчи миллатчилардан мерос қолғон ва ўтган таъсир эмас. Балки, унинг ижодида буржуа миллатчилик кайфиятлари асосий ўрин олиб, бу ёт кайфиятлар, қарашлар маълум даврларга, этапларга қараб турли шакллар, турли тематикалар орқали давом этиб келмоқда. Агар Ойбек бундан 4—5 йил илгари буржуа миллатчилик фикрларини очикдан-очик ўзига мос мавҳумотлар орқали тарғиб қилиб келган бўлса, энди у тамоман бошқа формалар, бошқа йўллар, бошқа тақтиқалар ва бошқа бадний восталар орқали буржуа миллатчилик дунёга қарашларини, кайфиятларини пропаганда-агитация қилмоқда...

Ойбек ҳамон ўша — ижодида миллатчи-буржуа идеяси кайфияти ва хислатлари аниқиб турган ўша Ойбекдир. Фақат ҳозирги фарқи шуки, у энди совет тематикаси ниқобида бекинишга тиришади. У социалистик қурилиш соҳасида катта ғалабаларни кўради ва тан беришга мажбур бўлади» [Муаллиф: Туйғун. 1938 йил 12 январь сони].

Юқориди эслатиб ўтганимиздек, тарихий фактга шарҳ беришдан ҳозирча тийилиб турамиз. Туйғунлар кўп эди. Баҳсни уларнинг ҳаммаси билан алоҳида-алоҳида бошлаган маъқул. Ҳозирча фактнинг ўзи кечмишга, шахслар ҳаётига битилган шарҳдир.

Яна «Ёш ленинчи» газетаси саҳифаларидан

«Комсомолнинг стахановчилик ҳаракатидаги вазифалари тўғрисида ВЛКСМ Марказқўмида қақрилган ёш стахановчиларнинг кенгашида 1938 йил 7 январда ВЛКСМ Марказқўмининг секретари ўртоқ Косаревнинг сўзлаган нутқи.

Бизнинг орамизда сиёсий обивателлар йўқ дейсизми! Уртоқ Сталин бундай кишиларга қарата: «Шунчаки одам у, аммо на дон, на сомон, на худого чироғу на илонга косов», деган тавсифини берган эди. Уртоқлар, атрофингизга қайрилиб қарасангиз, бундай кишиларни кўрасиз» [1937 йил 14 январь].

Бу даврга келиб, «халқлар отаси»нинг кайфияти яна ўзгариб қолди. У партия, комсомол сафларидан ноҳақ ҳайдалганларни комсомолга қайта тиклашга қарор қилди. «Правда» газетасининг 26 январь сонида (1938 й.). «Нотўғри ҳайдалганлар оқлансин, тўхматчиларга қаттиқ жазо берилсин» деган мақола пайдо бўлди. Бу ўринда «нотўғри ҳайдалганлар» деганда кимлар назарда тутилаётганию «тўхматчилар» номалум эди, холос. Лекин «қаттиқ жазо берилсин» деган бирикма ҳаммага тушунарли эди: демак, қиргин давом этади. Айни ҳоқда, хусуматлар ичра мурувват қилиш ҳам унутилмасди.

Халқнинг асл фарзандлари, илм-фан даргалари тарих дейилган уммоннинг қайси бир бурчакларида чўкиб кетдилар. Лекин кемани кимдир бошқариб бориши лозим эди. Укувсиз, қўрқоқ, ожиз даргалар пайдо бўлишди. Тарих ўзгаришларни кутарди. Остонада тиш-тирноғигача қуролланган фашизм туррарди. Лекин чиркин ғаразлар-ўйини, қалтис фариблар савдоси ҳали бери тугамасди. Кимки ўз ишини тезроқ битирмоқчи бўлса, аввало, «халқ душманлари»нинг авра-астарини ағдариб сўкар, шундан сўнггина унга «ҳақиқий коммунист», «сталинчи» деб ишонч билдириларди.

«Ёш ленинчи» саҳифаларидан

«Зараркунандачилик оқибатларини тез тугатайлик»

Контрреволюционер «асарлари» билан халқ душманлари Элбек, Абдулла Шокир, Санжар Сиддиқ каби аблаҳлар Узнашрни «соғим сигир» қилғон эдилар. Бу қузғунлар ёш ёзувчиларни Узнашр болалар адабиёти бўлими атрофидан турли бахоналар билан бездириб, узоқлаштиришга тиришганлар. Масалан, талантли ёш ёзувчи Маждид Файзийнинг топширган соғлом асарлари («Янги одамлар», «Шараф йўлдошлари» сингари-лар) аблаҳ Усмон Носирнинг «такриз» билан қурбон бўлишга сал қолғон» [1938 йил 14 февраль сони. Мақола муаллифи: Илёс Муслим].

Чархи кажрафторнинг ишини қарангки, «талантли ёш ёзувчи Маждид Файзийни» Усмон Носирнинг «аблаҳ»лиги шарофати билангина билиб турибмиз.

11 март куни (1938 й.) «Унглр ва троцкийчилар блоки» устидан ҳукм чиқарилди. Отувга маҳкум қилинганлар орасида ўзбек халқининг икки асл фарзанди Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевлар ҳам бор эди. 13 март куни Тошкент шаҳридаги Пушкин номидаги стадионда Октябрь район меҳнат-кашларининг митинги бўлиб ўтади. Митингда республика оқсоқоли Йўлдош Охунбоев суд ҳукмининг ўқиб эшиттиради. Митинг қатнашчилари Сталин номига миннатдорчилик хати юборадилар. Хат: «Яшасин, йўлбошчимиз, дўстимиз, устозимиз, ўртоқ Сталин!», деган сўзлар билан якунланган эди. Алданган, адашган халқ яна нимадандир умид қиларди...

1939 йил 10 март куни ВКП(б)нинг XVIII съезди очилди. Шу куни «Правда», «Известия», «Комсомольская правда» газеталарида «Бахтли ўзбек халқининг халқлар доҳийси Иосиф Виссарионович Сталинга хати» эълон қилинди. Хатга ишчилар, колхозчилар ва халқ зиёлилари вакилларида 500.000 киши қўл қўйган эди.


Тарих ҳақиқати қаршисида ожизмиз. Ҳамма нарса худди мактабда ўқитганларидек бўлиб чиқшини биз ҳам истардик. Наҳора, тарих ҳақиқати мактаб дарсликлари саҳифаларида тинчгина ётишни истамас экан. Безовта тарих қаршидан биз ҳам тинчгина ўтиб кетолмас эканмиз. Утмиш фалокатлари қайтарилмаслиги учун ҳақиқатга тик қарашга ўрганолғимиз шарт. Мабодо у кунлар қайтариладиган бўлса, ошкоралик ҳам завоқ топажак. Эркин фикрляпмизми, демак билингки, Буюк Инқилоб давом этаётир.

¹ Қаралсин: «Огонёк» журнали, 1988 й. 7-сон.



Набижон Боқий

ГЕНЕРАЛ ЖУРАБЕКНИ КИМ УЛДИРГАН?



Гир эмаски, ўрта мактабларда: «Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов эди!» деб уқдирилади. Лекин Улуғ Октябрь социалистик инқилобидан анча илгари ҳам ўзбеклар орасида талайгина «биринчи» генераллар бўлганлиги тўғрисида лом-мим дейилмайди. Эҳтимол, дарсликларда тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатган ўртоқлар: «Иўқ, биз биринчи ўзбек совет генерали С. Раҳимов эди, деб айтмоқчи бўлганмиз!» дейишиб ўзларини оқлашар. Ундай бўлса, 37-йилларда ноҳақлик қурбони бўлган генерал Миркомил Миршаропов-чи? Файзулла Хўжаевнинг ҳам «командарм» («генерал»дан ҳам каттароқ!) ҳарбий унвони бор эди-ку!.. Сезиб турибмиз, дарслик муаллифлари яна ўзларини оқлайдилар: «Ахир репрессияга учраган кишиларнинг номларини дарслик саҳифаларида зикр этиш у ёқда турсин, ҳатто уларнинг номларини тилга олиш ҳам тақиқланган эди». Ҳа, уларнинг аҳволини ҳам тушуниш керак: то 1985 йилгача замон бошқача эди. Зеро, шоир ҳам, «Тарихлар тўқилур сенинг номингдан», деб бекорга фарёд чекмаган. Тарих атайлаб сохталаштирилган, натижада тарих саҳифаларида гиж-гиж оқ доғлар пайдо бўлган.

Хуллас, биз куйида «Ўзбекистон ССР тарихи» саҳифасида ҳам, Ўзбекистоннинг Улуғ Октябрь социалистик инқи-

лобидан олдинги тарихи саҳифаларида ҳам номи учрамайдиган битта тарихий шахс ҳақида баҳоли қудрат ҳикоя қилмоқчимиз. Дарвоқе, сўз аввалида бир гапни алоҳида таъкидлаб қўйишни истардик: мақсадимиз — қандайдир шубҳали шахсни улуғлаш ёки халқ хотирасидан ўчиб кетган бир кишининг номини абадийлаштириш эмас, асосий мақсадимиз — биринчи рус революцияси даврида собиқ Туркистон ўлкаси манзараларини озми-кўпми жонлангиришу ўқувчини ўша пайтлардаги Туркистон аҳволи билан таништиришдан иборат. Бундан ташқари, доҳиймиз В. И. Ленин «асосий репетиция» деб баҳолаган рус буржуа-демократик революцияси мустамлака халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг уйғонишига нечоғлик самарали таъсир кўрсатганини, ўша долғали йилларда халқ илғор вакиллари қандай сиёсий-ижтимоий ҳақ-ҳуқуқлар учун курашганларини, бу курашда кимлар «ҳаракатлан-тирувчи кучлар» бўлганини тасвирлаш ниятидамиз. Дарвоқе, баъзи бир синчков ўқувчиларда ушбу мақола «большевиклар партиясининг роли етарлича акс эттирилмагандек» нохуш таассурот қолдириши мумкин. Биз буни ўзимиз ҳам биламиз. Англаб турибмиз. Айни чокда сизнинг-да англашингизни чин дилдан истаймиз. Чунки биз мурожаат этган манба Партия тарихи институти архивида сақланмайдиган боз устига, биринчи рус инқилоби стихияли ҳаракатлардан бошланган эди — большевиклар партияси инқилобга бевосита раҳбарликни анча кечикиб ўз қўлига олган. Камина ҳужжатлар билан танишиб чиққандан кейин амин бўлдики, биринчи рус инқилоби даврида Туркистон ўлкаси манзаралари ҳали «очилмаган қўриқ» экан. Шунинг учун мақола-мизни залворли илмий асосда эмас, «ҳаммабоп» сюжет асосида ёзишни афзал кўрдик. Ҳеч бўлмаса, асримиз муқаддасида бошланган хайрли ишнинг битта қиррасини ёритамиз-ку, деб ўйладик. Равшанки, инқилобий ҳаракат тўғрисида иложи борича рост гапларни ёзишга уриндик. Алдовга йўл қўйилмади. Виламизки, алдов қоринни гумуртиради, холос.

Демак, сўзимиз — биринчи рус инқилоби даврида Туркистон манзаралари хусусидадир, асосий қахрамонимиз (адашманг, «ижобий қахрамонимиз» эмас!) эса генерал Жўрабек.

* * *

Турли шаҳарларда, айрим жуғрофий кенгликларда истиқомат қиладиган нотаниш кишилар тақдир тақозоси билан қаердадир учрашиб қолишса, нималар ҳақида гаплашишади? Мабодо Сиз, муҳтарам ўқувчи, бир-бирини танимайдиган мўйсафидларни гапга солиб қўйиб, ўзингиз бир четда уларга чой қуйиб бериб ўтирган бўлсангиз — биласиз: жойлардаги об-ҳаволар, нарх-наволар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодисалару миш-мишлар дoston қилинади. Агар ўша суҳбатдошларнинг макони ҳам, замони ҳам ўзга-ўзга бўлса-чи? (Ҳаёлларингизга озгина эрк беринг-да!) Ишончингиз комил бўлсинки, мавзулар бари бир ўзгармасди — таомил шунақа. Таомил ўзгармайди. Чунки у энг камида юз йил мобайнида шаклланади. Ҳар қолда, биз юқорида қайд этган таомил — маълум бир синф, тоифа доирасидаги кишилар манфаатини ўзида мужассамлаштирган устқурма эмас, балки халқ табиати негизи устида қарор топган миллий анъанадир. Ғалати ҳол: инқилобий ўтмиш ҳақида тажрибавий мақола ёзишни ният қилган эдик, лекин муқаддимадаёқ миллий анъанани қонуний ҳол сифатида талқин эта бошладик. Илло, охири бахайр бўлсин!

Асримизнинг дастлабки йилларида чоп этилган мабуот саҳифаларини кўздан кечирсангиз, об-ҳаво маълумотлари «тўйдан кейин» — кечикиб эълон қилинганнинг гувоҳи бўласиз. Масалан, 1905 йилнинг 4 январь (эскича сана, бундан кейин ҳам то Улуғ Октябрь социалистик инқилобигача бўлган воқеалар эскича сана бўйича рақам этилади) сешанба кuni босмадан чиққан «Туркестанская ведомости» («Туркистон ахборотномаси») газетасида куйидаги об-ҳаво маълумотлари қайд этилган:

1 Уқувчига қулай бўлиши учун бундан кейин газета номи ҳам, газетадан олинган парчалар ҳам ўзбек тилида берилади. Барча таржималар муаллифники.

«Шанба кунга — 1 январга ўтар кечаси Тошкентда қор ёғди. 2 январь, якшанба кунни эса ҳаво очиқ ва илимлик бўлди; тоғлар, тоғ этаклари оппоқ қорга бурканган. Кеча, 3 январь душанба кунни яна намчил қор ёғдию шу заҳоти эриб кетди».

«Визга Қўқондан хабар беришларича, у ерда декабрь ойининг иккинчи ярмида нисбатан анча иссиқ бўлибди. Термометрнинг симбол устунлари фақат бир мартагина — 30 декабрь кунни эрта тонг чоғида ноъл даражадан пасга (—2°) тушган, холос. Кундуз кунлари эса +3 даражадан то +8 даражагача иссиқ бўлган. Ҳаво температураси гоҳ совиб, гоҳ исиб турган: 20—26 декабрь кунлари вақти-вақти билан эшиб ёмғир ёғибди, 29 декабрь кунни эса кучли шомол эсибди».

«...31 декабрь кунни тинмай ёмғир ёғиши натижасида бизнинг кўчаларимиз ўтиб бўлмайдиган денгизга айланиб кетди. 1 январь кунни қисқа муддат қор ёғди ва тез эриб кетди, кечга томон эса аёз тушди. 2 январга — якшанбага ўтар кечаси эса кўча-кўйдаги балчиқлар тақа-тақ музлади, лекин 2 январь кунни яна чарақлаб қуёш кўринди. Тоғ этаклари оппоқ оқариб турибди. Шу пайтгача тоғларга камроқ қор ёғди, бундан бизнинг уездимиздаги қишлоқларнинг хўжайинлари ниҳоятда қайғуришмоқда».

Дарвоқе, Андижонда Янги йил байрами мисли кўрилмаган даражада зерикарли ўтди. Ҳарбийларнинг сайллари шаҳар аҳолисининг диққатини ўзига жалб этолмапти. Ҳатто кўк далаларнинг рицарлари ҳам негадир жимиб қолган. Ҳамма пули йўқлигидан нолиммоқда. Асосийси — қандайдир кўнгилочар жамоат ўйинлари уюштирадиган ташаббускор йўқ».

«...Тажрибали кекса кишиларнинг айтишига қараганда, агар январь-февраль ойларида ҳам қор ёғмаса, ҳосилдор ерларнинг фақат ярмигача экин экишга тўғри келармиш, акс ҳолда, экин-тикинларни суғоришга сув етмай қолармиш» (Қўқон, «Турк. ахб.» газетасининг мухбири).

Шунга қарамай, 7 январь кунни яқин-йироқдан Қўқондаги Жума масжидга номоз ўқигани келган кишиларнинг уст-бошини оппоқ қор қоплайди. Масжид ҳовлисида саф тортиб турган номозхонлар толорда меҳробга қараб тиловат қилаётган имомнинг товушини ҳам эшитишмасди: фақат имомнинг ҳаракатларига тусмолаб тақдир қилишарди, холос. Шимолий-ғарб томондан эсаётган кучли шомол имомнинг жарангдор товушини меҳробга элтиб зарб билан урар, оҳанрабо оятлар чил-чил синиб, жойнамоз устига тўкилар эди. Гўё номозхонлар жойнамоз устига тўкилган оят парчаларини тўплаш билан машғул эдилар.

Айни чоқда сабр косаси тўлиб-тошган Петербург ишчилари — оқ подшо фуқаролари ҳам рухоний-йўлбошчининг «ширин ёлғонлари»га маҳлиё бўладилар: Николай II номига илтимоснома ёзадилар, ҳокими мутлақни инсофга чақирадилар ва шу йўл билан ижтимоий илдизи ЕВУЗЛИК-КА бориб тақаладиган тузумни поклаймиз, обизамзамга чўмилтириб оламиз, халойиқ гувоҳлигида ростакамига чўқинтирамиз, уни отахонимиз поп Гапон чўқинтиради деб ўйлайдилар.

9 январь кунни зиёлилар томонидан таҳрир қилинган илтимосномани меҳрибон, мушфиқ ҳазратларига шаҳсан топширишга қарор қилган йўқсуллар поп Гапонга эргашиб Қишки сарой сари йўл оладилар. Бироқ, намойишчилар подшо фармонига мувофиқ ўққа тутилади, минг-минг беғуноқ ишчилар қонга ботирилади. «Қонли якшанба» воқеаларидан сўнг биринчи рус буржуа-демократик инқилоби бошланади.

Хўш, дастлабки инқилоб даврида Туркистон ўлкасида, айтилик, Каттақўрғонда нарх-наволар қандай эди? 1905 янги йилнинг илк бозори кунни Каттақўрғонда энг зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари тубандаги нархларда сотилган экан: бир ботмон (8 кило) сара бугдой — 45 танга (Каттақўрғонда 15 тийин — бир танга ҳисобланган), баҳори бугдой эса 52 танга, бугдой уни — 52-56 танга, арпа, жўхори, мошларнинг баҳоси бир хил — 32 тангадан, тариқ — 28

танга, кунжут — 115 танга, зиғир уруғи — 60 танга, шу ерлик кишиларга қарашли заводларда ишлаб чиқарилган бир ботмон пахта мойи — 22 танга, «Биродарлашган Туркистон» заводидан келтирилган мой эса 14 танга, бир қадоқ мол ёғи — 20 тийин, қўй ёғи эса 22 тийин. Мол гўштининг бир қадоғи 8 тийин, қўй гўшти — 12 тийин. Кези келганда ўша пайтлари пахтанинг баҳоси қанча бўлганлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз: бир ботмон (8 кг.) биринчи нав пахтанинг нархи 90-100 танга, агар чигити чала пишган бўлса — 50-60 танга, II-III навлари — 30-40 танга тураркан. Демак, бир килограмм пахтанинг пулига (яъни, 187,5 тийинга) тўрт (4) кг. қўй гўшти, бир кило икки юз (1200) грамм қўй ёғи харид қилиш ҳамда би ярим тийинга бирорта ҳаммол ёллаб, ўша масаллиқни уйгача кўтартириб бориш мумкин экан.

«Бозорлар хийла тушкун руҳда ўтмоқда, деҳқонларнинг умидлари пучга чиққанга ўхшайди. Энг яхши пахталар деярли икки баробар арзон нархда сотилмоқда (яқинда бир ботмон пахтанинг баҳоси — 180 танга эди). Харидорларнинг авжи суст, кўпгина маҳсулотлар шу ерлик аҳоли қўлида қолиб кетяпти» («Туркистон ахборотномаси» газетаси, 1905 йил 4 январь сони).

Бундан саксон уч йил муқаддам Каттақўрғонда нарх-наволар ана шундай эди. Мақоламиз давомида Каттақўрғон атрофларига яна қайтамиз. Ҳозир эса асл муддаога ўтмоқчимиз.

Петербургдаги «Қонли якшанба» воқеаларидан сўнг чоризмнинг мустамлакаси бўлмиш Туркистон ўлкасида инқилобий ҳаракатлар жонланиб кетади, сиёсий-ижтимоий уйғониш рўй беради: Тошкентда, Қўқонда, Андижонда, Марғилону Фарғонада митинглар, забастовкалар, намойишлар одатдаги ҳолга айланиб қолади. Турли-туман партия вакиллари ўзлари мансуб бўлган тоифа номидан, илғор зиёлилар номидан бир қатор демократик тadbирлар амалга оширилишини талаб қилиб чиқадиладар. Ўша пайтларда кун тартибига қўйилган иккита долзарб масала айниқса диққатга сазовордир. Биринчиси — миллий тилининг ҳуқуқи масаласи.

«Фарғона» газетасининг хабар беришича, конституцион-демократлар партиясининг Янги Марғилон группаси ўзининг мажлисларининг бирида маҳаллий амалдорлар шу ерлик аҳоли тилини билиши зарурлиги тўғрисидаги масалани муҳокама этди. Маълумки, асосий низоми мувофиқ ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга, яъни муайян миллат вакиллари умумдават тилини билиши шарт эмас. Группа аъзолари қўйидаги фикрни билдирадилар: бу ўлкада хизмат қилаётган барча амалдорлар зиммасига маълум муддат орасида бирорта маҳаллий тилни ўрганиш вазифасини юклаш лозим. Бу вазифани амалга ошириш учун бепул сабоқ бериш ёки бепул курслар ташкил этиш керак» («Туркистон ахборотномаси» газетаси, 1906 й. 22 февраль сони).

Албатта, бу масала фақат мўъжазгина гуруҳ томонидан кун тартибига қўйилган ёки ўринсиз шов-шув кўтарилган экстремистик ҳаракат деб бўлмайди. Акс ҳолда, оқ подшо қароргоҳида талабгорларга осонликча ён босилмасди. Чунончи, давлатпаноҳ ҳоқонбону Александра Фёдоровна комитети томонидан Туркистон ўлкаси бўйича махсус фармон эълон қилинади.

Тошкент шаҳри, 1906 й. 7 февраль 46-сон.

Улуғ зот томонидан каминга ишониб топширилган ўлканинг кўпгина маҳкама маъмурлари, туб жой аҳолиси билан доимий мулоқотда бўлишларига қарамай, маҳаллий тилларни рисоладагидай билмайдилар.

Бундай ҳолни тоқат қилиб бўлмайдиган даражада ғайритабиий ҳодиса деб биламан. Шунинг учун мен комиссия жорий этаман: раиси — Сирдарё область губернаторининг

¹ Дастлабки пайтларда хийла прогрессив йўналишда бўлган сиёсий, иқтисодий, адабий газета. 1906 йилдан бошлаб чоп этилган.

ёрдамчиси, 5-даражали маслаҳатчи Хомутов; аъзолари — камина хузурида махсус топшириқларни ижро этувчи катта амалдор, 5-даражали маслаҳатчи Папенгут, менинг ихтиёримда турадиган подполковник Ломакин ҳамда Тошкент уезд бошлиғи капитан Кастальский. Уларга хизматчиларда маҳаллий тилни ўрганишга рағбат уйғотадиган чора-тадбирлар белгилашни топшираман.

Ҳоқонбону Александра Фёдоровнанинг олий фармони қай даражада ижро этилганини билиш қийин. Лекин ўша долғали йилларда мустамлака зулми остида эзилиб ётган маҳаллий халқнинг кўнглини овлаш учун хўжақўрсин тадбирлар ўтказилгани рост. Жумладан, комиссия раиси бўлиш 5-даражали маслаҳатчи Хомутов тасаруфидаги Сирдарё губернасида истиқомат қиладиган 289 мусулмонга чет элларга чиқиш учун паспорт берилади. Вироқ, 1905 йил октябрда темир йўлларнинг ишчи-хизматчилари ялписига забастовка эълон қилганликлари туфайли паспортли фуқаронинг чеklangан қисмигина хориждаги муқаддас зиёратгоҳлар томон йўл олади, холос.

...Кун тартибига қўйилган яна бир диққатга сазовор масала — бу туб жой аҳолисини Сибирга сургун қилишни тўхташи хусусидаги талабдир. Қизиги шундаки, ушбу муаммо ҳам дастлаб «Фарғона» газетаси саҳифаларида кўтарилди: Сибирда сургун муддатини ўтаб бўлгач, ўз юртига пиёда келган бир неча кишилар билан «дидан суҳбат»лар эълон қилинади. Чор Россиясининг, демак мустамлакачиларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган «Туркистон ахборотномаси» газетаси «Фарғона» саҳифаларида ёритилган мақолалар мазмунини ўз ўқувчиларига етказибгина қолмай, балки уларни «инсонпарвар, адолатли» деб баҳолайди¹. Шу ўринда муҳим бир гапни эслатиб ўтиш лозим: бундай гоё тарафдорлари Туркистон билан Сибирь иқлими ўртасида кескин тафовут борлигини, суд томонидан сургунга ҳукм этилган кишилар аслида ўлимга жўнатилаётганини далиллаб берадилар ва айни чоқда Сибирда сургун муддатини ўтаб қайтаётган мусулмонлар сиёсий «қароқчилар» таъсирида бузилиб, инқилобий кайфиятда Туркистонга кириб келаётганларини таъкидлайдилар. Яъни, улар асосий мақсадларига эришиш учун гўё инқилобий гоёларни «гоё» билан тўсмоқчи бўладилар. Бу буржуа демократияси тарафдорларига хос бўлган либералликнинг тирик қириниши, албатта. Эҳтимол, улар шунчаки тактика ишлатишгандир? Балки, айрим кишилар томонидан тарқатиладиган чалароқ инқилобий гоёлардан кўра, ҳақиқий инқилобни амалга ошириши мумкин бўлган тирик кишиларни афзал кўришгандир?

1905 йил 19 август кuni Николай II фармонига биноан ҳарбий-дала суди жорий этилади ва унга йигирма тўрт соат ичида «жиноятчи»ни қатл этиш ҳуқуқи берилади. Ҳарбий-дала суди олти ой мобайнида (то 1906 йил 31 январьгача) кизгин фаолият кўрсатади: шу даврда 950 киши қатл этилади. Жумладан, Қўқондан икки киши, Андижондан ҳам икки киши ҳарбий-дала судининг ҳукми билан ўлдирилади. Улар кимлар эди?.. Билмадик. Ўша йилларда, хусусан, 1905 йил август ойдан то 1906 йилнинг февраль ойигача Туркистонда чоп этилган матбуот саҳифаларини яна бир қарра кўздан кечириш лозим шекилли. Лекин барибир араб имлосида нашр этилган ўзбекча газета-журналларни ўқиш олмаймиз. Арабча имлони ўргатадиган бепул курслар очилишини кутишга тўғри келади (муаллим ёллаб савод чиқаришга эса... чўнтак кўтармайди).

Петербургдаги «Қонли якшанба» воқеаси Туркистонни ҳам ларзага солади.

1905 йил 22 октябрь кuni Туркистоннинг генерал губернатори, генерал-лейтенант Сахаров қон қиди анқиб турган Мурожаатномага имзо чекади:

«Агар инқилобий партия йўлбошчилари бундан кейин ҳам аҳолини тўлқинлантириш, тартибсизликни юзга келтириш мақсадида одамларни тўдалаштириб бир жойга тўплайдиган бўлишса, тинч-тоғув яшаётган барча граждандардан тўс-тўпология аралашмасликни илтимос қиламан:

бекордан бекорга ҳаётни хавф остида қолдириш ярамайди. Мен ҳар қандай омжавий тартибсизликни, ўзбошимчиликни қатъий равишда таъқиб этавераман...»

С. Петербург телеграф агентлигининг хабар беришича, граф Л. Н. Толстой замонавий мавзуда ёзаётган «Тўс-тўпология» номли янги йирик асарини якунламоқда.

Ҳа, Лев Толстой ҳали анча бардам эди. Ҳокимиятнинг расмий телеграф агентлиги буюк ёзувчи мухлисларини лақиллатган бўлса-да, лекин ул зот ҳам инқилобий воқеаларни синчиқлаб кузатиб бораётгани сир эмасди.

«Новый путь» газетасининг ёзишича, хокисор Молия министрнинг докладыга кўра, Япония билан уруш Россияга 1.677 миллион сўмга тушибди. Едингиздами, Россияда инқилобий ҳаракатлар авж олаётган кезлари Николай II «кичкинагина голибона уруш бўлишини» орзу қилган эди. Лекин унинг няяти Артур бандаргоҳида кунпаякун бўлади, Япон деңгизига фарқ бўлиб кетади.

1906 йилни мустамлакачи маъмурлар ғам-андуҳлар ичра кутиб оладилар. Собик Туркистон генерал губернатори, Туркистон қўшинлари қўмондони Н. Н. Тевяшов вафот этган кунга қирқ кун тўлиши муносабати билан 2 январда Тошкентдаги Спасско-Преображенский ибодатхонасида мотам маросими уюштирилади. Марҳумнинг қабрига гулчамбар қўйиш учун Бухоро амирининг аълолари Тошкентга ташриф буюради. Уларни Каттақўрғонда подполковник Н. М. Михайловский билан (таржимон) подполковник С. Д. Исфандиёровлар кутиб оладилар ва почта ташийдиган поездда пойтахтгача кузатиб келишади.

«Бизга Қўқондан хабар беришларича, ноябрь ойидаги забастовкалардан сўнг у ерда ниҳоятда ташвишли кайфият ҳукм сурмоқда. Руслар билан туб жой аҳолисининг муносабатлари бузиляпти; улар бир-бирларига ишонмай қўйишган» («Туркистон ахборотномаси» газетаси, 1906 й. 24 январь сони).

Сиртдан қараганда, юқорида баён этилган воқеалар ўзаро боғланмаслиги мумкин. Дафъатан шундай туюлади. Бу табиий ҳол, албатта. Лекин бир замонда, бир маконда рўй бераётган ижтимоий ҳодисалар бир-бирларига боғланмаслиги мумкин эмас, улар қайсидир нуқтада туташади ва м а х с у с сурғучланган тилсим пайдо бўлади. Бизнингча, генерал Жўрабекнинг фожиали ўлими оби-тобида сурғучланган тилсимга ўхшайди.

Маъмур воқеа 1906 йил 25 январга ўтар кечаси содир бўлган: генерал Жўрабек Қорасув ариғи ёқасидаги ўз уйида қуролланган номаълум кимсалар томонидан ўлдирилади. Хизматкорлари ҳам босқинчилар уйга қандай қилиб кириб олишганини сезмай қолишади. Кўп йиллардан буён генералга садоқатли хизмат қиладиган Бойча дод солиб, халойиқни ёрдамга қақиради. Лекин суиқасдчилар бирпасда яширинишиб улғуришади.

«Марҳумнинг душманлари йўқ эди. Шубҳасизки, қоғиллик талончилик мақсадида содир этилган: генерал Жўрабек жаноби олийлари Бухоро амирига ажойиб боғини ижарага бергани учун кун кеча бир неча минг сўм пул олган эди. Жиноятчилар жавондаги барча буюмларни, ёзув столи галадонларини, гардеробни ағдар-тўнтар қилиб ташлашибди, лекин, чамаси, фақат пуллари ўғирлаб кетишибди, холос. Қимматбаҳо буюмларга, жумладан, жавонда турган ўқланмаган тўппочага (ҳозирги замонда қимматбаҳо ҳисобланадиган буюм) қўл теккизилмаган...» («Туркистон ахборотномаси» газ. 1906 й. 27 январь).

Ҳўш, ҳақиқатан ҳам, «марҳумнинг душманлари йўқ» эдимиз? Бу саволга бирёклама жавоб бериш мушкул. Чунки Жўрабекнинг ҳаёти кизгин курашлар гирдобиди ўтади. Келинлар, яхшиси унинг қисқача таржимаи ҳолини биргаликда кўздан кечириб кўрайлик:

«...14 август кuni (1870 йили — Н. Б.) Китоб шахри шиддатли ҳужум нагижасида қўлга олинади ва беклар озгина ишонқли мулозимлар билан биргаликда Фарғона водийсини Қашқардан ажратиб турган тоғлар томонга қочиб кетишади. Улар Қашқарга ўтиб олишни кўзлашган

¹ Қаранг: «Туркистон ахборотномаси» газетаси, 1906 й. 29 январь сони.

эди, лекин Худёёрхон уларни тугиб келиш учун навкарларини юборади. Беклар Махрам яқинида асир олинади. Худёёрхон эса рус ҳукуматига ўзининг дўстлигини исботлаш илҳинида тугунларни Хўжандга юборади. У ердан маҳбуслар Тошкентга жўнатилади... Русларнинг бағрикенглиги — дастлаб, уларга ҳаёт ҳаёда этилади, кейин озодликнинг барча неъматларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи қайтарилди — шахрисабзлик бекларни лол қолдиради, кўнчилларини эритиб юборади... Қўқон хонлиги билан уруш бошлангач, беклар генерал губернатордан босқинчилик юришларида иштирок этиш учун руҳсат сўрайдилар. Олижаноб Константин Петрович фон Кауфман инсонлар қалбига йўл топа оларди ва уларни муносиб баҳоларди. Илтимоснома қондирилади: беклар М. Д. Скобелов отрядига аъзо қилиб олинади ва улар ўзларини нимага қодир эканликларини жангларда кўрсатадилар.

1880 йили Жўрабек Фарғонадаги исёнларни бостиришда иштирок этади ва тез орада у ерда кўрсатган хизматлари учун «полковник» ҳарбий унвонига сазовор бўлади. 1884 йили полковник Жўрабек 4-даражали муқаддас Владимир ордени билан мукофотланади. 1901 йили унга «генерал» унвони берилади. 1904 йилда эса жаноби олийлари унга 3-даражали муқаддас Владимир орденини ҳаёда этдилар. Улимидан анча олдинроқ, 1903 йили у Бухоро ҳукумати билан салимий ва узил-кесил ярашади: маълумки, 1870 йилдан кейин унинг ота мерос ер-мулки Бухоро амири тасарруфига ўтиб кетган эди. Бурунги замонлар абадул абад барҳам топди: янги ҳокимият даврида феодаллар ўргасидаги асрий қарама-қаршиликлар ўз аҳамиятини мутлақо йўқотди...» («Туркистон ахборотномаси» газетаси, 1906 й. 29 январь.)

Биринчи рус буржуа-демократик революцияси, 1905 йили Москва ишчиларининг декабрь ойидаги қўзғолони мағлубиятга учрагач, амалда енгилди: реакция қутуриб ҳужумга ўтди, репрессия кучайди. Шунга қарамай, ҳали инқилоб гулхани сўнмаган эди. Чунончи, 1906 йил январь ойининг биринчи декадасида Урта Осиё темир йўлининг хизматчилари «Қонли якшанба» да ҳалок бўлган ишчиларнинг хотираларини нишонлайдилар — ишга чиқмайдилар.

Зўрлаш, зўравонлик ҳамон давом этарди: «1 январь куни кечки соат саккизларда Эски Госпитал кўчасидаги Очилдбоевнинг уйида истиқомат қилувчи дехқон Василий Макаровнинг арз этишича, худди шу уйда яшовчи Н. И. К. дехқон Аркадий Ивановнинг ўғлини — саккиз яшар болани зўрлаган ва ўзи қочиб кетган. К. ярим кечаси соат 12 ларда полиция томонидан қўлга туширилди, лекин айбини бўйнига олмаяпти» («Туркистон ахборотномаси» газетаси, 1906 й. 4 январь соми.)

«Тунги соат тўртлар чамаси Раздинская хоним чўчиб уйғониб кетди ва ётоқхонада ёниб турган лампочка ёруғида юзининг ярмини рўмол билан боғлаб олган девқомат кишига кўзи тушди: у аёлнинг пешонасига тўппончасини ўқталиб турарди — босқинчи имо-ишоралар ёрдамида гинг десанг ёки қаршилик кўрсатсанг отиб ташлайман деган маънони англатади. Худди шундай «меҳмон» худди шундай ҳолатда эрининг бошида ҳам тик турарди...» (Туркистон ахборотномаси» газетаси, 1906 й. 12 февраль.)

Дарҳақиқат, Карл Маркс таъбири билан айтганда, «Зўравонлик — янги тузумни бачадонида сақлаб турган ҳомилдор эски жамятнинг доясидир». («Капитал», 1953 й. 1 жилд, 754-бет.)

Хуллас, Туркистон ўлкасида ижтимоий ҳаёт алғов-далғов бўлиб турган бир пайтда генерал Жўрабек номаълум кимсалар томонидан чавақлаб кетилади. Расмий ҳужжатларда генерални чакана ўғрилар ўлдиришди деб қайд этилган. Лекин ўша кезлардаги сиёсий вазиятни назарда тутсақ, генерал Жўрабек тасодиф туфайли ҳалок бўлганига ишониш қийин; у миллий қасоскорлар томонидан Инқилоб номи билан қатл этилган бўлиши мумкин. Чунки Жўрабек ўз халқига Хиёнат қилган эди: у мустамлакачиларга сидқидилдан хизмат қилади, мустамлакачилик зулмига қарши курашган халқ қўзғолончиларини қонга ботиради. Бунинг эвазига чор ҳукуматидан садақалар олади.

Бундан ташқари, генерал Жўрабекнинг фожиали ўлимига оид иккинчи фараз ҳам мавжуд: гўё у умрининг охирида прогрессив рус зиёлилари билан дўстона муноса-

бат ўрнатган эмиш ва Туркистон генерал губернатори иштирок этган кўнгина базми жамшидларда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини қоралаганмиш. Эҳтимол, кейинчалик Жўрабекнинг виждони қийналгандир; кеч бўлса-да кўзи очилгандир — тиз чўкиб яшашдан кўра, тик туриб ўлмоқни афзал деб билгандир. Балки, биринчи рус буржуа-демократик инқилоби таъсирида, «Халким!» деб жонларини фидо қилаётган рус инқилобчилари таъсирида Жўрабекнинг ўттиз-ўттиз беш йиллик кўр-кўрона садоқати путурдан кетгандир?.. Шунинг учун оқ подшо айғоқчилари томонидан ўлдирилган бўлса ҳам ажаб эмас.

«Тарихий воқеалар занжирида паҳлавон эркак тутган ўрин ҳар доим ҳам аниқ бўлавермайди; кўпинча унинг муддаоси ҳам, фаолияти ҳам мавҳум бўлиб қолади. Бир аср ўтгач, у қонхўр, моғамсаро жумбоқ сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Сира ақлимиз бовар қилмайди: ахир у нима учун дунёга келди, нега халқ орасига қутқу солди?» (Вл. Череванский, Две волны, Биринчи бўлим, С. Петербург, 1898 й. 1-бет.)

Генерал-майор Жўрабек олти беш ёшида оламдан ўтади. Уша пайтда унинг ўғли А. Д. Жўрабеков чоризм армиясида штаб ротмистри эди. Марҳумдан турмушга узатилган ишката қиз қолган: бирини Худёёрхоннинг ўғли Насруллобекка берган, яна бирини ўзининг жиянига чиқарган. Жўрабекнинг авлодлари масаласи — бутунлай бошқа мақолага мавзу бўлади, албатта.



Раҳим Мусулмонқулов

«Ҳажрий» Бобур Эмасми?

Бобур назарий рисоласининг
бир аҳамияти тўғрисида

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шеър вазнига доир адабий-назарий рисоласининг топилиши ва омма қўлига етиб бориши совет шарқшуносларининг беҳисоб ютуқларига бир тимсол ҳисобланади. Бобур Мирзонинг ўзи арузга бағишлаб ёзган рисоласига муайян ном қўймагани туфайли уни тадқиқотчи ва ноширлар турлича, чунончи «Мухтасар», «Муфассал», «Аруз рисоласи», «Илм ул аруз», «Мухтасар фил аруз», «Рисолаи аруз» тарзида номлади. Бизнинг фикримизча, А. М. Шербак, Э. Рустамов ва баъзи бошқалар асарни таҳминан «Рисолаи аруз» атаганлари ҳақиқатга яқин, чунки ўрта асрларда асарларга ўзга тилда (кўпинча, арабча ёки форс-тожикча) ном қўйиш таомил эди. (Қаранг: А. Шербак. *Сочинение Бабур а об арузе (предварительное сообщение)*. — ж. «Народы Азии и Африки», 1969, № 5, с. 158; Э. Рустамов. *Мухтасар (Қисқача)*. — «Шарқ юлдузи», 1972, 9-сон, 213-б.)

Адабиётимизнинг республикамиз чегарасидан ташқарида ҳам тадқиқотчилари, дўстлари борлиги бизнинг бахтимиз. Ўзбек адабиётининг шундай муҳаббларидан бири тожикистонлик адабиётшунос Раҳим Мусулмонқуловдир. Яқинда Душанбе шаҳридаги «Адиб» нашриётида тадқиқотчининг «Дарахти дустӣ биншон» («Дўстлик дарахтининг ўтқаз») деб номланган китоби босилиб чиқди.

Китобда ўзбек ва тожик адабий алоқалари тарихига, икки қардош халқ адибларининг ҳамжору ҳаммаслак ижодий фаолиятларига бағишланган қатор мақолалар мавжуд. «Улуғ дўстлик (Жомий ва Навоий)», «Дўстлик ва ҳамкорлик (Атоулло ва Навоий)», «Мағрифат нури (Бобур ва Атоулло)», «Ҳажрий — Бобур эмасми?», «Виродарлик ҳиммати» мақолалари шу жумладандир.

«Ҳажрий — Бобур эмасми?» мақоласида олим йирик ўзбек классик шоири Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Ҳажрий» тахаллуси билан ҳам ижод этганлиги ҳақидаги тахминни ўртага ташлайди ва турли далиллар, мангикий мушоҳадалар воситасида бу илмий тахминни исботлашга ҳаракат қилади. Гарчи Р. Мусулмонқулов ўз гоёсини ишонарли даражада асослашга эришган бўлса-да, камтарлик юзасидан, уни «тахмин» деб аташдан нарига ўтмайди. Албатта, муаллиф билан мунозарага киришиш мумкин ва лозим, шунингдек, масалани узил-кесил ҳал қилиш учун янада ишонарли далиллар тақозо қилинади. Ҳурматли Бобур ижоди ихлосмандлари, «Ҳажрий — Бобур эмасми?» мақоласи Сизларни ҳам мушоҳадага чорлайди, деб ўйлаймиз.

Таржимон

Сўнгги йилларда вақтли матбуот ҳамда илмий нашрларда бир қатор оммабоп ва илмий мақолалар бағишланган Бобурнинг «Рисолаи аруз»и кўп жиҳатдан аҳамиятлидир. Уларнинг ҳаммасини шарҳлашни зиммамизга олмай, Бобур мазкур рисоласининг танҳо бир фойдали томони ни ёритишга киришамизки, у таржимаи ҳолга дахлдор.

«Рисолаи аруз» Бобур таржимаи ҳолининг талай лаҳзаларини ҳамда ижодиётига доир баъзи масалаларни ёритишда, шубҳасиз, гоёта аҳамиятлидир. Ушбу сатрлар муаллифининг нияти Бобурнинг номаълум тахаллуси тўғрисида фикр-мулоҳаза изҳор этишдангина иборат, холос.

Кўп мамлакатларда, турли даврларда ва, айниқса, бизнинг замонамизда тадқиқотчилар Бобурнинг сиёсий фаолияти, адабий ва илмий меросини ўрганиш борасида талай тадқиқотларни амалга оширган бўлсалар ҳам, шу пайтгача ҳеч бир илмий тадқиқот асарида Бобурнинг «Ҳажрий» тахаллуси борлиги ҳақида эътироф кўрмадик. Аксинча, Бобур ижодиёти тадқиқотчилари Бобур билан Ҳажрий бошқа-бошқа шахслар эканлигини таъкидлаб келдилар. Чунончи, фаол тадқиқотчи ва Бобурнинг мазкур рисоласи ношири Саидбек Ҳасан ўз нашри муқаддимасида ушбу рисоланинг Шарқ халқлари маданияти тараққиётидаги аҳамияти ҳақида сўз юритиб, Рудакий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоий ва бошқалар қаторида Ҳажрийни ҳам ўзга шоир сифатида санаб ўтади. Шунга илова тарзида, у китобнинг изохлар қисмида (209-б.) бундай ёзибди: «Бу газал («Не кўрай тўбини қадди хушхироминг борида...» — Р. М.) Бобурга мансуб, қўлёзмада янглиш Ҳажрийга нисбат берилган».

Бобур «Рисолаи аруз»и тадқиқотчиларидан бошқа бири — профессор И. В. Стеблева ҳам шу китоб нашри муқаддимасида Ҳажрийни балхлик Ҳажрий билан бир шахс деб билган.

Филология фанлари доктори Э. Рустамов Бобур рисола-сининг Тошкент нашри ҳақидаги тақризидан бундай ёзган: «Унда (Қўлёзмада — Р. М.) Бобур байтлари Камол Хўжданбий, Ҳажрийларга, Навоий байти Ҳофизга, Ҳофиз

байти Навойга нисбат берилган». Муаллиф айтмоқчики, бир шоир шеърни ўзга шоирга нисбат бериш ҳодисаси асли Бобур рисоласида мавжуд ва бобуршунослар бунга эътибор беришлари лозим.

Шарқ халқларининг ўрта асрлар адабиёти тарихида «Ҳажрий» тахаллуси адаш шоирлар кам эмаслигини эслаш керак. Чунончи тўрт тазкира — Сафавий Сом Мирзонинг «Тухфаи Сомий»си, Абдуқодир Бадониининг «Мунтахаб ут таворих»и, Комий Қазвинийнинг «Нафоис ул маосир»и ва Мутрибийнинг «Тазкират уш шуаро»сидаги маълумотларга мувофиқ биргина XVI асрда, яъни Бобур Мирзо замонидаяқ етти нафар шоир «Ҳажрий» тахаллуси билан ижод қилган:

1. Андижонлик Ҳажрий.
2. Бухоролик Ҳажрий.
3. Қошонлик Ҳажрий.
4. Сайрамлик Ҳажрий.
5. Соғарчлик Ҳажрий.
6. Техронлик Ҳажрий.

7. Жомлик Ҳажрий. (Қаранг: XVI аср сўз усталарининг жадевали. Тўрт тазкира асосида. Тузуччи Ҳ. К. Аҳроров. Самарқанд, 1984, 35-б.).

Шу тариқа, ҳамма тадқиқотчиларда шундай ақида мавжудки, гўё Ҳажрий билан Бобур бир шахс эмас, балки бегона одамлардир. Аммо қуйида баён этилажак баъзи далил ва мулоҳазаларга асосланиб, тахмин қилиш мумкинки, Бобур билан Ҳажрий (Бобур рисоласида) алоҳида шахслар тахаллуси бўлмай, бир шахсга мансубдир.

Бобурнинг «Рисолаи аруз»ида икки ўринда — 130^а ва 135^а — 136^а -варақларда Ҳажрий номига мансуб бир неча парча шеър келтирилган.

1 Бобур ўз рисоласида бир ўринда рамал бахри мустаъмали матбуъ вазнининг биринчи навини далиллаш пайтида Ҳажрий номи ёнига бир байт келтириб, шундан сўнг тўрт марта «Ва лаҳу» (яъни: бу ҳам уники) ишораси билан мисол келтиради. Жами саккиз байтдан иборат мисоллар қуйидагилар:

1. Байт:

Кўзларимнинг нурию кўнглум ҳузури ёрдур,
Ҳар кишининг ёри ҳозирдур, ҳузури бордур.

2. Байт:

Ошнолиғ гар қилур бўлсанг, жудолиғ қилмағил,
Гар қилур бўлсанг жудолиғ, ошнолиғ қилмағил.

3. Байт:

Қилма бедавлат мени ёлғуз қўюб меҳнат била,
Ҳар қачон азм айлабон қилсанг сафар давлат била.

4. Байт:

Келса соқий, бўлса мажлисининг чароғи, кошки,
Бўлса доим базмаро онинг аёғи, кошки.

5. Ҳазал:

Не кўрай тўбини қадди хушхироминг борида,
Не қилай сунбулни хатти мушқфоминг борида.
Ким Хизр суйин оғизлангай лабинининг қошида,
Ким Масиҳ алфозидин дегай каломинг борида.
Виздан айру доим эл бирла ичарсен бодани,
Бизни ҳам гоҳе соғин шурби мудоминг борида.
Бобуро, ул гул қўйида булбул киби топсанг мақом,
Бир навое рост қил мундоқ мақоминг борида.

Ҳазал мақтасига қўйилган тахаллусдан маълум бўладикки, у Бобур қаламига мансуб.

II. Рисоланинг иккинчи ўрнида (135^б — 136^а-варақлар), рамал бахрининг олтинчи вазнига мувофиқ мисоллар таркибида, Жомий, Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Ҳасан, Камол Хўжандий, Салмон, Имод, Котибий, Осафий, Виноий, Солиҳ, Афзалий, Ҳилолий, Биҳиштий Ҳисорий, Навоий, Анварийи Девона каби шоирлар асарларидан намуна келтирилгач, «Ҳажрий» тахаллуси билан бир байт, сўнг шунга ишора тарзида яна уч байт илова қилинади. Бу парчаларни ҳам назардан ўтказиш лозим.

6. (1). Байт:

Қилдур айлаган ниҳон меҳрини изҳор, нетай?
Кўрманглар не манга кўрсатадур ёр, нетай?

7. (2). Байт:

Ер юзумни кўруб, дарду ғамим билса керак,
Юз кўруб дарду ғамим, чорасини қилса керак.

8. (3) Байт:

Яна бир кўз ғамидин хаста кўрармен ўзни,
Яна бир зулфқа вобаста кўрармен ўзни.

9. (4). Байт:

Май хуморидин ўлур ҳар нафас афзун дардим,
Соқий, кел, бир аёқ берки, иликтин бордим.

Бобур китобида иқтибос тарзида келтирилган бу тўрт байтдан сўнг яна (ўн байтдан иборат) мукамал ғазал келтириладики, у ҳам «Бобур» тахаллуси билан яқунланган. Энди етарли мисоллар қайдидан сўнг баъзи мулоҳазаларга ўтаим.

1. Рисола муаллифи (биринчи ўринда) Ҳажрийга мансуб намуналар зикридан сўнг бир йўла, ҳеч қандай махсус ишорасиз бир ғазал келтирадики (5-мисол), унга «Бобур» тахаллуси қўйилган. Шундай ҳолат иккинчи ўринда ҳам такрорланган. Икки ўринда Ҳажрийдан сўнг бирин-кетин Бобурнинг шубҳадан холи шеъри келтирилишини бир тасодифий ҳодиса деб англаш қийин.

2. Биринчи ўринда 23 шоир асари намуналаридан ва иккинчи ўринда 17 муаллиф шеърларидан сўнг Ҳажрий номи ҳамда шеърий мисоллар ёзилади. Ва ҳар икки ўринда ҳам бир йўла Ҳажрийдан кейин Бобур келади. Бундай ҳодисанинг бир ўринда юз беришини тасодифга йўйиш мумкин-дир, лекин унинг такрорланиши улуг гумонга — гипотезага сабаб бўлади.

3. «Ҳажрий»га мансуб шеърлардаги ғоявий мундарижа, лирик қаҳрамон хислати, марказий мавзунинг ишқ бўлгани, мақбуба ҳажру фироқидан шикоят, сўз таносуби ва бошқа омиллар Бобур Мирзо шеърляти билан мувофиқ келади.

«Бобур» тахаллусини олган 5-парча, шубҳасиз, Бобурники. Ҳазалнинг тўлиқ матни етти байтдан иборат бўлиб, уни ўз вақтида А. Н. Самойлович чоп этган эди (Қаранг: А. Н. Самойлович. *Собрание стихотворений императора Бабур, ч. I. Петроград, 1917, № 9. Шунингдек, яна қаранг: Девони Заҳриддин Бобур. Шафиқа Ерқиннинг муқаддима, муқояса ва тузатишлари билан. Кобул, 1983, 1-б.*)

Еттинчи парча Бобур ғазалларидан бирининг матлаи бўлиб, мақтада унинг тахаллуси акс этган. Бу ғазал жами беш байтдан иборат.

(Қаранг: А. Н. Самойлович, *Собрание стихотворений... № 3; Девон, 38-б.*)

Саккизинчи парча ҳам «Бобур» тахаллуси билан айтилган ғазал матлаидир. У, шубҳасиз, Бобур асари. (Қаранг: *Заҳриддин Мухаммад Бобур. Танланган асарлар. Тошкент, 1958, 50-б.; Девон, 119-б.*) Аммо илова қилиш керакки, бу ғазал А. Н. Самойлович нашр этган мажмуада кўзга ташланмайди.

Қолган парчалар Бобурнинг нашр этилган асарларида кўринмайди. Аммо уларда ҳам Бобур қалами ҳаракатларини имкон қадар тасаввур қилиш мумкин. Чунончи, 1-парча ўзининг қофия ва вазнига кўра Бобурнинг Парижда сақланадиган қўлёзма ғазалига ўхшайди. У ғазалнинг матлаи қуйидагича:

Ердин озор кўнглум ичра беҳад бордур,
Эй, хуш ул кўнгул анга не ёру не озордур.

Биринчи парча ҳам мазкур матла сингари мусарраъдир. Албатта, ғазал бошланмаси икки мусарраъ байтдан иборат бўлиши мумкин. Бошқа томондан, шунини қўшимча қилиш керакки, агар «Рисолаи аруз»даги байт оптимистик оҳангда бўлса, девондаги ғазалда умумий тушқунлик руҳи мужассам. Шунингдек, қайд этиш ўринлики, 1-парчадаги баъзи иборалар, хусусан, «кўзларимнинг нури», «кўнглум ҳузури» қуйидаги фарда учрайди:

Кўзимнинг нури сен, кўнглум ҳузури,
Таним хуррамлиғи, жоним сурури.

Бу фард «Рисолаи аруз»да ҳам (1146-варақ), А. Н. Самойлович мажмуаси нашрида ҳам 221-сон), Девонда ҳам (262-б.) мавжуддир.

Иккинчи парча ҳам мавзу, ғоявий мундарижа, вазну қофия жиҳатидан, шунингдек, ўз услубига кўра «Рисолаи

аруз»да (132А-варақ) зикр этилган Бобурнинг қуйидаги байтига ўхшайди:

**Бизга чун меҳринг йўқ, элга меҳрибонлиг қилмағил,
Яхшилиг чун қилмадинг, боре ямонлиг қилмағил.**

Учинчи парча ўзининг асосий тушунчалари (масалан, «меҳнат» ва «давлат») билан Бобурнинг кўп ғазалларини хотирада жонлантиради. Чунончи, А. Н. Самойлович мажмуаси нашридаги 66, 74, 76, 77, 82, 84- ва бошқа ғазалларни қислаб кўриш мумкин.

Тўртинчи парча вазн ва қофия хусусиятларига кўра Бобурнинг Навоий ғазалига назира тарзида ёзилган ғазалига яқиндир. Бобур ғазалининг матлаи:

**Кўрмагай эрдим жамоли оламоро, кошки,
Бўлмагай эрдим бари оламга расво, кошки.**

Бу ғазал матни А. Н. Самойлович мажмуасининг 73-рақами остида, Девоннинг 109-бетида келтирилган.

Олтинчи ва тўққизинчи парчалар ўзининг барча шеърий хусусиятлари нуқтаи назаридан Бобурнинг маълум бирор асарига яқин эмас. Агар бизнинг Ҳажрий таҳаллуси Бобурга тааллуқли эканлиги тўғрисидаги тахминимиз тўғри бўлса, ўйлаш мумкинки, мазкур парчалар байтул қасида шаклида айtilган, лекин кейинчалик мукамал асар сифатида такомиллашмай, мана шундай фард шаклида қолган.

Ушбу сатрлар муаллифи Бобур билан Ҳажрий бир шоир эканлиги ҳақидаги ўз тахминини «Маориф ва маданият» газетасида (1973 йил 11 январь сонидан) изҳор қилган эди. Бу тахмин икки таниқли адабиёт тарихи мутахассисининг эътирозига боис бўлди. Ёқубжон Исҳоқов («Ўзбек тили ва адабиёти» ж., 1973, 6-сон) тўғри айтадики, Ҳажрий номи (ва умуман ҳамма шеърий мисоллар муаллифлари номи) матнда эмас, балки ҳошияда ёзилган. Демак, бу номларни Бобур рисоласининг котиби эмас, балки бирон ҳаваскор ўқувчи ёзган бўлиши мумкин. Бу фикрда жон бор, чунки ҳошиядаги ҳусни хат билан матндаги ҳусни хат орасида яқин ўхшашлик йўқ. Бобурнинг «Рисолаи аруз»идан биргина қалами нусха маълум, холос. Шу сабабдан, бу масала ҳақиқатини равшан этиш амри маҳолдир. Аммо Бобурнинг ўзи таъкидлаган мана бу ҳолатни эътиборга олмаслик мумкин эмас: «...Жамғ мустаъмал вазнларга ҳам форсий ва ҳам туркий байт келтурулғай. Ҳар вазнким мустаъмал бўлмагай ё улким мухтараъ бўлғай, туркий байт била иктифо қилинғай, ҳар кимнинг байгини келтурулса, отини битилғай (таъкид бизники. — Р. М.), магар улким қоили маълум бўлмагай, қоили мазкур бўлмагон туркий байт муаллифининг бўлғусидур» (26^б — 27^{а-б}).

Бобур мавқеига бағишлаб диққатга сазовор тадқиқот яратган профессор Б. Валихўжаев ақидасига кўра, Бобурнинг «Рисолаи аруз»идаги Ҳажрий шоирнинг ўзга таҳаллуси бўлмай, балки ҳам тожик тилида, ҳам ўзбек тилида шеърлар ёзган андижонлик Ҳажрийнинг таҳаллусидир. (Қаранг: Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва адабиёти тожик. «Масъалаҳои филология ва робитаи адаби» тўпламида. Самарқанд, 1977 й.)


Ушбу сатрлар муаллифининг мазкур тахмини унинг Атоулло Маҳмуди Ҳусайний (Душанбе, Дониш, 1983) рисоласидан ҳам ўрин олган, лекин таҳқиқ аҳлидан бирор киши унга доир муносабат билдирмаган.

Гап шунинг устидадирки, Бобурнинг А. Н. Самойлович дарж этган 266 шеърдан қарийб ярми тўлиқ ё қисман ҳажру фироқ, ёру диёрдан айрилиқ мавзуларида битилган, 56 шеърда бевосита «ҳажр» ва «ҳижрон» тушунчалари мавжуд. Буни А. Н. Самойлович нашр этган китобнинг 2, 3, 6, 10, 28—30, 32, 33, 35, 37, 39, 50, 51, 54, 56, 57, 60, 63, 66, 67, 70, 76, 78—80, 87, 88, 92, 94, 100, 116, 117, 123, 132, 133, 137, 140—142, 145, 174, 187, 200, 207, 208, 210, 211, 220, 222, 227, 246, 248, 256—258-шеърларида яққол кўриш мумкин. Бу шеърларда танҳо маҳбуба ҳижрони дарди эмас, балки ватандан, дўстлардан йироқлик азияти, ҳатто юртнинг мевалари, егулик, ичгулик неъматларини кўмаш ҳам ўз аксини топган. Агар Бобурнинг ҳаёти, хусусан, унинг кўпроқ ҳарбий сафар ва юришларда ўтган ёшлик даври

ҳақида мулоҳаза юритсак, ёш шоирнинг «Ҳажрий» таҳаллус олиши ҳақиқатдан узоқ бўлмайди.

Бу масала ҳақиқатини Бобурнинг барча асарларини, хусусан, унинг назмий меросини тўла ва ҳамма тарафлама ўрганиш билан равшан этиш мумкин. Агар бу иш амалга ошса, яъни Бобур ижодиёти синчиклаб текширилса ва агар бизнинг тахминимиз рост чиқса, у икки ҳолатдан ташқари бўлмайди: ё Бобурнинг ўзи бу таҳаллус билан қисман ижод этган, ё «Рисолаи аруз»ни яратиш вақтида камтарлик одоби юзасидан «ҳажрий» ишорасини қўллашни маъқул ҳисоблаган. Ҳар икки ҳолатда ҳам бу масалани тўла ёритиш катта аҳамиятга эга. Зеро, биринчи ҳолатда, изланишлар натижасида Бобурнинг ҳанузгача номаълум асарларини топиш имкони юзага чиқади, иккинчи ҳолатда, Бобурнинг саккиз байти бегонага чиқмайди. Умуман, кейинги тадқиқотлар бу ва яна бошқа маълум ҳамда номаълум жумбоқларни ечиши лозим.

Тожикчадан Нусратулла Жумаев таржимаси.



Орол



Н. Аспидинов.
Болалик хотиралари



Раҳматилла Баракаев

Дилда дардинг бўлмаса...

Шу йилнинг 5-14 апрели кунлари Москвада болалар адабиёти ёш танқидчиларининг III Вунииттифоқ семинари бўлиб ўтди. Семинарда деярли барча қардош республикалардан вакиллар қатнашди. Уларнинг яқдиллик билан эътироф этишларича, бугунги кунда бирор республикада болалар адабиёти танқидчилиги мақтанарли даражада эмас экан. Нега бундай? Болалар адабиёти бўйича бой адабий меросга эгамиз. Вундан ташқари алоҳида болалар адабиёти нашриётлари, ўнлаб матбуот органлари болаларга аталган сон-саноқсиз асарларни ҳозир ҳам кўп минглаб нусхаларда тинимсиз чоп этиб турса-ю, бу адабиётни тадқиқ ва тарғиб қилиши керак бўлган маҳсу адабиётшунослик ва танқидчилик соҳаси бўлмаса-я? Вунинг сабаблари нимада экан?

Мана, семинар тугаганига ҳам салкам ярим йил бўлиб қолди. Бироқ «нега?» деган савол менга — семинар иштирокчисига ҳамон тинчлик бермапти. Менимча, болалар адабиёти танқидчилигини сўндирган иккита асосий сабаб бор. Виринчиси турғунлик йилларида танқиднинг том маънода бўғилгани бўлса, иккинчиси болалар адабиётининг ҳаётдан узилиб, фахриялар, шукроналар, ҳайбаракалалчиликлар адабиётига айланиб қолганида деб ўйлайман. Холлисаннило айгиш керакки, кейинги чорак аср ичида болалар адабиётида чинакам воқеа бўларли асарлар жуда кам яратилди. Деярли яратилмади. Ва яна шуни ҳам тан олиш керакки, том маънодаги бадиият маҳсули бўлган асарларнинг бирортаси ҳам аслида танқидчилик назаридан чеккада қолган эмас.

Танқидчиликдаги умумий суеткашлик, муроса масаласига келсак, адабиётда сукут ҳамма вақт ҳам «аломати ризо» эмас. Аксинча, бу ҳолат ҳам танқидчиликнинг ўзига хос норозилигидан далолатдир. Болалар учун ёзган шеърларимизда кичкинтойлар номидан катталарнинг ёлғони маҳорат билан ифода қилинади. «Бахтли болалик учун» «минангдорчилик» билдираётган болакайларнинг қанчаси богча остонасини тушида кўриб улғаяётганини билмаймиз. «Ҳамма шароитлар яратилган», дея таълим олаётган бола тилидан яна шукроналар айтамиз. Асли адабий ёлғондан тугил-

ган бу «бола» ўзбекистонлик эмас, бошқа ерлик бўлиб чиқади (қаердан эканлиги номаълум). Чунки Ўзбекистонлик бола эрта баҳордан то кеч кўзгача меҳнат билан машғул бўлади. Унинг широбозлик қилишдан бошқа ташвишлари ҳам кўп. Узингиз ўйланг: «Бизда ҳамма яхши нарсалар болалар учундир», деб жар соламиз, лекин ўша «ҳамма яхши нарсалар»дан баҳраманд бўлаётган гўдаклар ўлими жиҳатидан Иттифоқда энг юқори ўринда турамыз. «Серҳосил бог-роғлар», «шарқираб оқаётган дарёи азимлар», «олтин пахтазорлар» ҳақида тўлқинланиб шеърлар ўқиймиз, лекин ўша «серҳосил бог-роғлар»нинг мевасидан тоғиб кўрмаган фарзандларимиз камқонлик касалига мубтало бўлмоқда. Ёнгинамизда қуриб битаётган Орол билан ишимиз йўқ. Адабиёт бу муаммоларни хаспўлашдан нарига ўтмаса! Албатта адабий танқид ёлғонга жўр бўлишдан кўра сукут сақлашни маъқул кўради-да!

Кейинги даврларда болалар адабиёти фақат «Отахон» ижодкорларимизнинг «тўлдирилган» ва «қайта» нашр қилинган асарлари ҳисобига «бойиди». Майда-чуйда мавзуларга ўралашиб қолиш, уйдирмалар асосида «асар»лар битиш, адабий эртакларни абадий эрмакларга айлантириш, қофиябозлик ва пул учун «асарлар» битиш авж олди. Бу соҳада адабиётимизнинг номдор, нишондор, етакчи намоёндалари, амал курсисини эгаллаб олган ҳурматли ёзувчиларимиз ўзгаларга «ўртак» бўлдилар.

«Дилда дардинг бўлмаса, дарди саримни кавлама», деган экан улуг Машраб. Дарҳақиқат, болалар адабиёти ҳам ҳавойи, дардсиз бир нарсага айланиб қолмадими? Эҳтимол, шу сабабли ҳам болалар адабиёти ҳақида бирор мақола ёхуд тақриз олиб борсангиз, газета-журналлар редакцияларидаги ўртоқларнинг энсаси қотаётгандир. Мен болалар адабиётига тош отиш, камситиш ниятидан йироқман. Лекин дунёқарашини, маънавий-ахлоқий қиёфасини эндигина шаклланаётган болакайларни энг яхши инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаши керак бўлган адабиёт ҳам ҳаққўй ва пок бўлмоғи керак. Шундай экан, битта-яримта ютуқларга маҳл бўлиб, ўзимизни кўкларга кўтаравермайлик демоқчиман. Қолаверса адабиётнинг савиясини танқид билангина яхшилаб бўлмайди.

«Девоне топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай, ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда захмат ва зойиғ машаққат тортилгон бўлғай», деган эканлар ҳазрат Навоий. Бадиий адабиётнинг туб моҳиятини, тарбиявий аҳамиятини кўрсатувчи ушбу пурҳикмат сатрлар айниқаса болалар адабиётига бевосита алоқадордир. Инқилобгача бўлган форсий ва туркий адабиётдаги «паннома» («насиҳатнома», «мавъизатнома» в. ҳ.) жанрида битилган ўнлаб асарлар худди шу ҳусусияти билан болалар адабиётига алоқадор ва уларнинг кўпчилиги аслида ҳам болаларга мўлжаллаб битилган. Кайковусунинг «Насиҳатномамайи Кайковус» («Қобуснома»), Шайх Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Ҳайратул-аброр», Хожанинг «Мифтоҳул-адл» («Адолат калити») ва «Гулзор» асарлари ҳамда бизга энг яқин — XX аср бошларида яратилган Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд Ахлоқ» ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Қирот китоби» асарлари «паннома» жанридаги энг баржаста асарлар сифатида маълум ва машҳур. Минг афеуслар бўлсанким, инқилобдан кейин бу асарлардан биронтаси тўлиқ ҳолида чоп этилган эмас. Чоп этилганлари ҳам узук-юлуқ ва қайта ишланган (соддалаштирилган) текстлар ва насрий баёнлардан иборат.

Инқилобгача бўлган таълим-тарбия системасини тўлиқ инкор этиш оқибатида эски мактабларда ўқитилган «Ахлоқ» дарсларидан ҳам воз кечди. Бугунги кунга келиб эса «болалар ўртасида қонунбузарлик авж олиб кетишига нима сабаб бўлди?» дея ҳайратга тушамиз. Менимча, ҳайрат бармоғини тишлашдан амалий ишга ўтиш вақти келди. Дастлабки қадамни юқорида тилга олинган асарларни болалар учун чоп этишдан, уларни ҳеч бўлмаганда мактаб программасидаги синфдан ташқари ўқишга мўлжалланган асарлар сирасига киритишдан бошлаш керак. Токи болалар бу китобларни ўқиб, «ахлоқ» тушунчасининг умуминсоний моҳиятини англаб етсинлар.

Лев Толстой «Алифбе»сини ёзиб тугатгач: «Энди дунёдан беармон кўз юмсам бўлади. Бу «Алифбе» рус болала-

рининг бир неча авлодини тарбиялайди», деган экан. Дарҳақиқат, улуг адиб «Алифбе» ва «Уқиш китоблари»га кирган юзлаб кичик асарлари билан рус болалар адабиёти зар-варақларидан ҳам мустаҳкам ўрин эгаллади. Унинг мўъжаз ҳикоя ва эртаклари ҳаётга эндигина кириб келаётган, оламни ўз кўзи билан кўришга интилаётган мурғак болакайлара юз йил давомида илк ҳаёт дарслиги бўлиб хизмат қилапти. Яна шунини афсус билан қайд этишга тўғри келадики, биз «ўзбек болалар адабиёти Улуг Октябрнинг маҳсулидир» деган гапга ёпишиб олганмиз. Лекин бу болалар адабиётининг инқилобчига яратилган намуналарини инкор этиш керак дегани эмас-ку! Биз эса инкор қиламиз, турли ёрлиқлар тақаймиз. Ҳатто 1982 йилда чоп этилган «Ўзбек совет болалар шеърляти антологияси»дан болалар учун эрмакка шеър ёзиб юрганлар ҳам ўрин эгалладилар-у, бироқ Авлонийга жой топилмади. Унинг асарларини педагогик асарлар сирасига ўтказиб, осонгина қутулиб қўя қолдик. Қолбуки, Авлоний «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», 4 жуз (қисм)дан иборат «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар», «Туркий Гулистон ёхуд Ахлоқ»; «Мактаб Гулистони ёхуд миллий шеърлардан бешинчи жуз» сингарини алифбо ва ўқиш китоблари билан ўзбек болалар адабиёти тарихида алоҳида ўрин тугмоғи, рус болалар адабиётида Лев Толстой ва К. Д. Ушинский қандай ўрин эгаллагани, у ҳам ўзбек болалар адабиётида шундай мақом касб этмоғи лозим. Зеро, унинг алифбо ва ўқиш китоблари аслини олганда, бугунги кунда ўзбек болалари учун мактаб адабиёт дарсликлари тuzаётган ҳурматли методистларимизга ўрнатилган хизмат қила олади ва болалар ижодкорларини ҳам ушбу ишга актив иштирок этишга ундайди. Чунки адабиёт бўйича ўқиш китобларини тузиш иши аввало бадиий адабиётдан хабардор ва бадииятни идрок эта оладиган кишиларнинг вазифаси бўлмоғи даркор.

Маълумки, болалар адабиётининг каттагина қисмини таржима адабиёти ташкил этади. Зеро, таржима халқларни, элларни, тақдирларни бир-бирига яқинлаштирувчи «олтин кўприк» экани аниқ. Ана шу «олтин кўприк» ҳақида гапирганда даставвал, «Жаҳон болалар адабиёти кутубхонаси» 50 томлигини тилга олиш жоиз. Чунки 50 томликнинг ташкил этилиши ўзбек болалар адабиётини бениҳоят бойитувчи, тарихда қоладиган ҳодиса эди. Таасуфлар бўлсинки, бу хайрли иш ҳам бугунги кунда деярли тўхтаб қолди. Яъни 50 томликнинг биринчи китоби чиққан 1985 йилдан бери ушбу серияда яна учта китоб чоп этилди. Иш шу «суръат»лар билан давом этадиган бўлса, 50 томликнинг биринчи томини ўқиган ёш китобхонларнинг неваралари эллигинчи томи ўқиш «бахти»га муяссар бўлсалар, керак-ов. Менимча бу серияни тезда «Юлдузча» нашриётига қайтариш керак. Акс ҳолда у Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг сермаж оқимида бир ҳасдек йўқолиб кетади.

Болалар адабиёти таржимачилигининг яна бир йўналишини «Рус тилини ўрганамиз» сериясида чоп этилаётган, ёнма-ён текстлардан иборат китобчалар ташкил этади. Афсуски, бу сериянинг эгаси йўқ. Уни деярли барча нашриётлар ўз билгича чоп этиб ётибди. Шу сабабли ҳам бу серия ҳозирги аҳволида талабга жавоб бермайди, унинг боридан йўғи яхши. Биргина мисол: Лев Толстойнинг «Уч айиқ» эртакини С. Нишонов ва ўзбекчага ўгирибди (Ўқитувчи) нашриёти, 1986 й.). Мутаржим ана шу кичкинагина эртак таржимасида учта қўпол хатога йўл қўйган.

Биринчи хато: аслиятда: «Девочка вошла в столовую и увидела на столе три чашки с похлёбкой. Первая чашка, очень большая, была Михайла Ивановичева. Вторая чашка, поменьше, была Настасья Петровна; третья, синенькая чашечка, была Мишуткина» (3-стр.).

Таржимаси: «Қизча ошхонага кирган экан: столда уч идишга ёвгон хўрага кўзи тушибди. Биринчи коса жуда катта бўлиб, Михайла Ивановичевники экан. Иккинчиси ундан кичикроқ: Настасья Петровнаники; учинчи — кўк косача эса Мишутганики экан» (14-бет). Аслида ота айиқнинг номи Михаил Иванович, она айиқники Настасья Петровна, айиқчанинг номи эса Мишутка (3-стр). Қарангки, мутаржим рус тилининг энг оддий қонуниятини — турланишни (спряжение) билмас экан (худди шу хатонинг ўзи 14-15-бетларда уч марта такрорланган).

Иккинчи хато: аслиятда: «Большой медведь взял свою чашку, взглянул и заревел страшным голосом:

— Кто хлебал в моей чашке?

Настасья Петровна посмотрела свою чашку и зарычала не так громко:

— Кто хлебал в моей чашке?

А Мишутка увидел свою пустую чашечку и запищал тонким голосом:

— Кто хлебал в моей чашке и всё выхлебал? (4-стр.)

Таржимаси: «Катта айиқ ўз косасини олиб кўриб, даҳшатли овоз билан:

— Менинг овқатимни ким еди? — деб бўжирибди.

Настасья Петровна ўз косасига қараб, ундан пастроқ овозда:

— Менинг косамдагини ким еди? — деб қичқириб юбо-рибди.

Мишутка эса бўи косачасини кўриб:

— Менинг косамдагини ким еди? — деб чийиллабди» (15-бет). (Барча таъкидлар бизники — Р. Б.)

Маълумки, болалар адабиётида такрор санъати алоҳида ўрин тутди. Бу билан болалар сўзларни тўғри талаффуз этишга, ёд олишга ва бирини иккинчисидан фарқлашга ўргатилади. Агар муаллиф «коса», «стул», «тўшак» эпизодларида бу санъатдан моҳирона фойдаланган бўлса, мутаржим ҳар учала ўринда ҳам такрорни бузган.

Учинчи хато ҳам юқоридаги мисолда акс этган. Чунки дастлабки икки ҳолатда такрорланган «кто хлебал в моей чашке?» жумласининг асл маъноси «овқатимдан ким татиб кўрди» («косамга ким қошиқ солди») бўлса, учинчи ўриндаги «кто хлебал в моей чашке и всё выхлебал»нинг таржимаси «менинг овқатимни ким еб кўйибди» бўлиши керак эди. Зеро, «татиб кўриш» ва «еб тугатиш»нинг фарқи ёш болага ҳам маълум.


Хуллас, 3 бет аслият ва 3 бет таржимадан иборат ана шу кичкинагина «ижод маҳсули»да деярли бошдан охиригача хатоликларга йўл қўйилган. Бундай «таржима» эса болага тил ўргатиш у ёқда турсин, уни чалғитади, холос.

Таржимода бундай қўпол хатоларга йўл қўйилганининг боиси нимада? Менимча, бунинг бир неча сабаби бор. Биринчидан, доно халқимиз топиб айтганидек, устоз кўрмаган шоғирд ҳар мақомга йўрғалар. Яъни мутаржим ҳеч бўлмаганида ушбу эртакнинг ўзигача амалга оширилган таржималарини бир қарра кўздан кечириши лозим эди. Шунингдек, иккинчи тилни ўргатиш мақсадида амалга ошириладиган таржима бадиий таржима эмас, сўзма-сўз таржима бўлиши керак. Чунки бадиий таржимада текстдан ташқарига чиқиш мумкин бўлса, сўзма-сўз таржимода ҳар бир сўз қайта яратилиши керак. Шундангина китобхон уни ўқиб, фойдалана олади. Учинчидан, ўша сўзма-сўз таржиманинг ўзи изоҳли ҳам бўлиши керак. Чунки баъзи сўзларни, ибораларни, мақол, матал ва ҳикматли сўз сингариларни сўзма-сўз ўгириб бўлмайди. Уларни изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Тўртинчидан, «Рус тилини ўрганамиз» сериясидаги ёнма-ён текстли китобчалар чоп этилишини тартибга солиш керак. Бу ишни марказлаштириб, битта нашриёт ихтиёрига топшириш, иложи бўлса шундай китобчаларни чоп этишга ихтисослашган махсус бўлим ташкил қилиши керак. Шундангина бу соҳада иш тартибга тушади, халқуранинг йўли тўсилади. Бешинчидан, рус тилини ўрганиш учун мана шундай махсус серия ташкил қилиш мумкин экан ва бу жуда тўғри бўлган экан, минг йиллик классик адабиётимизни болаларга тушунарли ва қизиқарли қилиш мақсадида ўзбек классик адабиёти намуналарини ҳам ана шундай ёнма-ён текстли китобчалар тарзида болалар учун махсус нашр қилишни йўлга қўйиш керак. Бу классик адабиётимизга бўлган ҳурматимизнинг яққол намунаси бўлар эди.

Хуллас, қайта қуриш янги даврнинг янги қурувчиларини тарбиялаб етиштиришни тақозо этмоқда. Шоирлар, ёзувчилар, таржимонлар, тадқиқотчилар ва ноширлар олдида янги масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Бу вазифаларни амалга оширадиган куч осмондан тушмайди. Ўзини болалар ижодкор деб ҳисоблайдиган, ҳақиқий санъат асарини яратишга кўзи етадиган қаламкашлар бир ерда депсинишни бас қилиб, «қалам ҳақи»нинг она сугидай ҳалол бўлишига эришишлари керак.



Менинг фикрим...



3—10 рақамли ишо

«Жўра, шу «пролетариат» дегани нима ўзи?»
(Хуқуқшунослик факултетининг битириш имтиҳонларига тайёргарлик кўраётган танишимнинг саволи)

Ҳар бир касбнинг долзарб мавсуми — ҳосил йиғиштириш, баракка тўплаш даври бўлади. Буни ҳозирги тилда «сезон» дейдилар. Гулфурушлар баҳорни, полизчилар ёз ойларини, пахтакорлар куз фаслини «сезон» деб биладилар. Олий ўқув юртларининг домллари учун эса бу давр — кириш имтиҳонлари пайтига тўғри келади. Ез келиши билан ўқув даргоҳларининг тевариги чайқов бозорига ўхшаб кетади. «Ҳа, бозорга ўхшайди асли бу дунё», деб юборасиз беихтиёр. Турли областлардан келган, кирза этигини арзон ва сифатсиз ботинкаларга, рангли крассовкаларга алмаштириб, бирор ой эркинлик олган қишлоқ йигит-қизларини, беш-олти йилдан бери оғир жисмоний меҳнатга кўниб, ўқишга киришга умид қилган шаҳарлик ишчи-ёшларни ҳар қадамда учрата-сиз. Уларнинг аксарияти йўловчилар беҳад кўплигидан, бирортасининг бўлса-да вентиляторини номига ҳам ишламаганидан ҳавоси айниб кетган «общий» вагонлардан тушиб келишган, ётарга жой ё топишган ёки йўқ (Бир дўстимиз «ОВШИЙ» сўзини ҲАММАВОП деб таржима қилибдики, биз бунга кўпам қўйилмадик. Негаки, жамоат автобуси чиптасининг рангини билмайдиган, яралганидан буён шахсий ёхуд давлат машинасида юриб кунни ўтаётган одамлар бўлганидек, умрида «общий» вагонга йўламаган, СВда (махсус вагонлар) мириқиб йўл босадиган «сара» инсонлар ҳам кўпчилик-да!) Ешларнинг айримлари ўзлари мустақил келишган бўлса, баъзиларининг орқасидан ота-оналари, тирикчиликни йиғиштириб қўйиб, йўлга чиқишган. Эрақаклар

ичида фашистни янчгани учун тақдирланган орден-медалларини нафталин ҳиди анқиб турган кителларига қадашга мажбур бўлган оқсоқоллар, оналар орасида эса Афғонистонга биринчилардан бўлиб юборилган, ўша ёқларда шахид кетган мард ўғилларни туғиб тарбиялагани учун «Қаҳрамон она» нишонини кенг ёқали кўйлақларига илган аёллар...

Мана, шу содда, жайдари оломон ўртасини муסיқавий сигнали билан тез-тез ёриб ўтаётган енгил машиналарда ястаниб олган, ҳалиги ешлардан туб-тубидан фарқ қилувчи. ўз тенгдошларига, уларнинг ота-оналарига кибер ва истеҳзо билан қарашни аллақачон ҳавосини олган, димоғидан чин маънода наҳс қурғи тўкилувчи к е л а ж а к эгалари юришади (Биз ҳеч кимга аччиқ ёки киноя қилмоқчи эмасмиз, шу сабаб к е л а ж а к эгаларини қўштирноққа олиб ўтирмадик). Енларида эса уларнинг уруғ-аймоқлари гирейттон.

Наризи гуруҳнинг юзларида хавотир, чўчиш ва истеҳзола акс этади, буларнинг юзида сирли мамнуният, қоринлардай кўнглининг ҳам тўқлиги, фақат кўз, кўз қўруғурнинг ора-сира ўйнаши... кишини андак беҳузур қилади.

Барча университету институт, техникуму билми юртлари хийбонларида шпаргалка бозори гуллаб-яшнайдми, саводсизлик пулланади, биров жиддийроқ «нима қилган?» демайди.

Мана шу ўспирилардан икки юз қирқтаси август ойининг бошларида ТошДУ кутубхонасининг ўқув залида ўзбек тили ва адабиётидан ишо ёзишга тўпланди. Булар ҳуқуқшунослик факултетининг кечки бўлимига ҳужжат топширган абитуриентларнинг бир қисми эди. Муқовасига Ҳамзанинг сурати билан илм олиш зарурлиги ҳақидаги байтлари битилган дафтарлар тарқатилиб, мавзулар танланди, қоидалар тушунтирилиб, ишо ёзиш бошланди.

Катта домлаларнинг озоҳлангиришларига қарамай, мен шпаргалка ишлатаётган ўқувчилардан «дастуриламал»ларини олиб қўя бошладим. Қаторлараро юраканман кўчирмачиларнинг бу қадар кўплигига ҳайрон бўлман. Аввалги имтиҳонлар тажрибаси кўрсатардики, нафақат билимсиз, балки туппа-тузук саводи бор абитуриентлар ҳам шпаргалкадан айрилиша олмайди. Балки бунга сабаб шпаргалка билан ёзилган ишолар ҳам «яхши», ҳатто «аъло» баҳолангани-ю, мустақил ёзилган ишоларнинг кўпи «қониқарсиз» баҳоланганимикан? Эҳтимол, бундай ишо ёзиш услуби («ёздиринг услуби» десак тўғрироқ бўларди!) ибтидоийроқ формада мактабларда ҳам кўникилган ҳол эканими ё бўлмаса, Э. Аъзамовнинг қаҳрамонига ўхшаб нуқул «Оғойининг туғилган йили»ни суриштирувчи домлараро ҳозир ҳам гуруллаб юрганини ўқувчилар ҳисобга олишадими, билмадим. Ҳолбуки, аксарият шпаргалкаларнинг имло-сигина эмас, мазмунини ҳам сўзсиз «икки» баҳо учун замин тайёрлайди, холос. Гапим қуруқ бўлмасин: яхшичи, қўлимда турган шундай ишолардан бирининг хулоса қисмини ўқиб берай: «КПСС XXVI съездининг тарихий қарорлари ҳамма ёзувчилар қатори Ойбекнинг ҳам илҳомига илҳом қўшиб юборди. Биз, ёшлар, хурматли адабимиздан партия талабларига «лаббай» деб жавоб берувчи янги-янги асарлар кутиб қоламиз».

Бунақа мўъжизалар бисёр, лекин ҳозирги гапимиз реаллик хусусида.

Айланиб юриб бир қизга — бошини қия эгган ҳолда, атрофдагиларга буткул эътиборсиз, шпаргалкани ҳам айтарли яширмай кўчираётган қизга кўзим тушди. Қоғоздан қоғозга ҳиссиз гапларни ўтказар экан, унинг хаёли мутлақо бошқа нарсада; ёшига нисбатан эрта вояга етгани шундоқ билиниб турган бугдойранг юзлари хавотир нималигини билмайди, бодом қовоқлари остида сокин чайқалаётган қорачиқлари мавжудликдан айро тушган эди. Мен секин бориб шпаргалкани қўлимга олганимдан кейин ҳам қиз бошқаларга ўхшаб «шайтонлаб» қолмади, бир муддат ўтказиб бошини кўтарди-да, кўзимга ошқора нафрат билан қаради. Мен унга орғиқча эътибор бермай, одатда айгиладиган гапларни такрорладим: «Ахир Сиз юрист бўлмоқчисиз, юристлар эса нафақат билимли, балки виждонли ҳам бўлиши керак! Ҳозирданоқ кўз бўйига ўргансангиз, эртага одамлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилармидингиз? Уялинг, синглим...» Қиз бу гаплар ўзига қандай таъсир қилганини деярли сездирмади: кўзимга қараб туроверди. Гапимни тугатга-

нимдан кейин қатъий оҳангда шундай деди: «Воринг, кетинг! Узим ёзаман, ишонинг...»

Шундай деркан, қизнинг кўзларидаги нафрат ўрнини алам олди, лаблари пирпиради, бироқ йиғламай мендан юзини ўгирди-да, ёзишга тутинди. Мен елкамни учуриб, қайтиб кетдим.

Ўйлаиб юрарканман, каттак кўйлакли бир йигит кўл кўтариб мени ёнига чақирди. «Эркин темага ўзимизни бригад ҳақида ёзсам ҳам майлими?», деб сўради. Мен жавоб бериш давомида унинг кўлларига эъгибор бердим. Қоп-қора, томирлари туртиб чиққан, ориқ кўллар. Бейхотиёр ўтган кузда Сирдарёнинг «Оқ олтин» районида учратганим механизатор йигитни эсладим. Кўйқон томондан келган, пахта экиб турикчилик қилмоқчи бўлган ўша йигитнинг кўллари ҳам мана шунақа қора ва ориқ эди. У студент-ҳашарчиларга озиқ-овқат етказиб турувчи завхоз орқасидан эргшиб, менинг кўз олдимда роса бир ҳафта юрди. Ноябрь байрами яқинлашаётган кунлар бўлиб, механизатор йигит уйига — бола-чақасининг олдига бормоққа отланар, бироқ уларга байрамлик қилиб кўтариб боргани лоақал тўрт дона «қуюлтирилган ширин сўт»га («сгушенное молоко») етиша олмас эди. Механизатор йигит завхоз болага ялинар, тайинлар, ёлворарди: «Ука, бу сафар ҳам қуруқ борсам бўлмайди, шунча йўлдан бораман ахир. Унинг устига, байрам...»

Мен имтиҳон пайтида қизларникидай поэтик кўлчаларни ҳам кўраман. Уларнинг эгалари ҳеч нарса сўрашмайди; иложи борича менинг халақиб бермаганим дурус. Ваъзан ўтиб кетгунимча ёзилишдан тўхтаб қолган иншоларга кўзим тушади. Бу ишларнинг аксариятида иншо ёзувчининг етти ухлаб тушига кирмаган алломалардан берилган э п и г р а ф л а р жилава қилади: Монтедан, Фурьедан, Руссодан, Упит ва бошқалардан. Афсус билан бош чайқайман, алам қилади!..

Езма иш учун ажратилган вақт яримлаганда яна бояги қиз олдидан чиқиб қолдим. У ҳамон ўзини унутиб тез-тез қоғоз қораларди. Енида оҳиста тўхтаб, «Энди ўзингиз ёзаясизми?» дея дафтардаги иншони кўрмоқчи бўлдим. Қиз бирдан ҳуркиб, дарвоз кўллари билан дафтарнинг очиқ юзини беркитди, боягидан-да кучлироқ ғазаб билан менга тикилиб: «Ўқиманг, ишонсангиз-чи, ўзим ёзаяпман!», деди. Мен атрофдагиларга халақиб бермаслик учун унинг ёнида кўп турмадим, мийиғимда кулиб ўтиб кетдим. Ушанда, бу қизнинг ўз эгасини топмаган нафратли нигоҳи мени яна қайта таъжиб қилишини қаёқдан билибман дейсиз!

Тасодифни қарангки, 800 дан ортиқ ёзма ишлар махфий рақамлаштирилиб, қирқта текширувчига бўлиб берилганда, «3—10» рақами билан белгиланган дафтар менинг чекимга тушибди. Ававалига, бу иншони ҳам бошданоқ шпаргалкадан кўчирилган иш сифатида совуққонлик билан текшира бошладим. Уша сийқа, телба-тескари план, ўша машхур шоир шеърининг тўрт мисраси, ўша эски муқаддимаю имло ҳам шунга яраша. Бироқ тўрт-беш қатордан кейин бирдан иншонинг йўналиши ўзгарди: пландан, схемадан чекиниш бошланди. Гўё кўчадаги баҳайбат алвон плакатни бўрон учуриб кетиб, унинг орқасига беркитилган ёқимсиз манзара очилиб қолгандай, гўё кекагина кўзларни яшнатган ясаптиклик арчаннинг йўинчоқлари юлиб олиниб, ўзи чиқиндилар ичига ташлангандай...

Анчагина имло хатолари бўлган бу ишни гин олмай икки қайта ўқидим. Ўқидиму буларни ёзган инсон ўша қиз — юзлари буғдойранг, бодом қовоқлари остида сокин чайқалаётган қорачиқлари бирдан аламли ёнган ўша қиз эканини дил-дилидан ҳис этдим. Бу иншони тўлиқ келтирар эканман, унга деярли қалам теккизмадим, чунки ҳар қандай безак ўринсиз туюлди. Синчков ўқувчи шпаргалканинг умри қаерда тугаганидан тортиб, мен иккинчи сафар қиз ёнига келиб кетганимда у иншонинг қаерини ёзаётганича бемалол билиб олар.

Иншо

Тинчлик — инсонларнинг асрий орзуси

1. СССР — тинчлик таянчи.
2. Бугунги кишиларимизнинг тинчлик учун кураши.
3. Дўстлик тинчлик демакдир.
4. Тинчлик пойдевори.

Жаҳон бўйлаб учиб юрар
Оқ кабутар — кумуш қуш,
Тинчлик қуши, нажот қуши
Ҳаёт қуши, эрк қуши.
(Уйғун)

Дунёдаги барча оқ кўнгил кишилар ҳар доим тинчлик истайдилар. Тинчлик. Бу фақат тинч бўлиб яшаи эмас, балки бошқа мамлакатлар билан дўстона муносабатда бўлишдир. СССР ҳам тинчлик таянчидир. СССР неча йиллардан бери ва ҳар доим тинчлик учун курашиб келмоқда ва курашиб келади. 1917 йилда В. И. Лениннинг тинчлик ҳақидаги декрети эълон қилинди. Мана, биз Совет давлатида яшар эканмиз, наҳотки тушунмаймиз, орзумизга етиша олмаймиз. Мана шу ёзувни ўқиган кишига ва менинг кўлимдан ёзган иншони олган инсонга савол: 16 ёшингизда нима қилгансиз?

Мен бўлсам, меҳнат қилиб, ишлаб 5 та фарзандни катта қилишда ёрдам берганман. Ешилгимдан орзум юрист бўлиш эди, лекин орзумга егаман. Тўғри, сиз айтдингиз: «Юристар доим ҳақиқатгўй бўлиши керак», деб. Йўқ, бизнинг давримизда бундайлар кам. Уйланг, мана тўрт йил ўтди, шу йилларда фақат ўқишга киришга интилдим, бўлмапти. Билиб қўйинг, барибир кирман! Бу сўзларни мен алам қилганидан ёзаяпман. Наҳотки, бошқа инсонлар — менинг тенгаларим ўқиб юришса! Тўғри, улар ўқиб юрганида, бриллиантлар тақиб юрганида мен қора ёрга беланиб ишлаганман. Буни сизларнинг менга раҳми келсин, деб ёзаётганим йўқ, раҳм қилманлар! Шунинг билан, мен барибир қуриб ўқиб кетаман. Менинг ёшилгимни барбод қилган инсонлардан қасдимни оламан.

Сизлар инсонларнинг қалбига қаранг, чиройига эмас. Тенгдошларим мактабда ўқиб, тиллаларга беланиб юрганида мен кечки ишчи ёшлар мактабда ўқиганман. Фақат болалар, ёмон болалар орасида... Тенгдошларим ухлаб ётганида ишга кетганман, ишдан келганман. Ҳаётим шундай ўтганига, менинг ёшлигимни нобуд бўлишига сизга ўхшаган инсонлар айбдор. Яшашимиз совет даврида «яхши», «не трудовой доход» билан келган пулларга яшаган инсонлар кўп, уларнинг фарзандлари ишчилардан нафратланишади. Нима ҳам дердим, сизларнинг вазифангиз — йиқитиш. Мен учун бўлса ҳаётда битта нуқта; буям бўлса қасос олиш, одамларни инсофга чақиритиш. 30 ёшимгача топширмаман, кирсам кирдим, ундан кейин киролмасам менга яшашнинг ҳам кераги йўқ. Уйламанг, менга раҳми келсин деб ёзаяпти деб. Сиз ҳам инсонсиз, одамларнинг ичини билинг. Одам фақат қулиб, хурсанд бўлиб юрмайди. Етти йилдан бери инсонга ўхшаб кулмай, ташқи кўринишимдан хурсанд бўлиб юрганим билан ичимда қайғу-алам, битмас-туганмас орзулар. Нима, мен ҳам инсонман-ку, мен ҳам роҳат-фароғатда юришни истаймай-ку! Сиздек инсонлар яна юрагимни эзиб, «юрист деган ҳақиқий бўлиши керак», дейсиз. Бизнинг давримизда инсондан кўра қоғоз улғурроқ кўринади. Менинг ёшлигимни барбод қилган инсонлардан нафратланаман, улар мени порлоқ ёшлигимни ўғирлаган инсонлар. Яна қулиб қўяди. Мен ҳам инсонман, мен ҳам ўқитишни истаймайман. Юрист бўлишимнинг сабаби — порохўр юристларни ер билан яқсон қилиш. Ушаларни деб қанча-қанча инсонларнинг ҳаёти нобуд бўлади. Пули йўқ инсонлар нима қилиши керак?! Ўқинг, сизларга фарқи йўқ. Бу кўзёшларим — алам ёшлари. Шу ерда ўтирган ёшларнинг қайси бирининг ичиди қандай гап борлигини билинг. Сизга ана шу шпаргалка керак экан, олдин ўз студентлик даврингизни эсланг. Сиз шундай бўлмагансизми? Балким, отанангиз университет ёнида гуллар тутиб тургандир. Эҳ, наҳотки инсон учун шу қоғозлар керак.

Ҳар бир инсон дунёга келганида бахтли бўлишни орзу қилади. Буни сизда меҳр-оқибат бўлсагина тушунасиз. Билинг, кўринг, гаплашинг. Барибир ота-она меҳричалик меҳр йўқ, фақатгина ота-она тушунади. Мана бугунги кунни фақат йиғи билан ўтказаман. Орзиқиб кутган йил ҳам келган эди, уни сиз ҳал қилишингиз керак. Ўқинг, билинг, дунёда қандай инсонлар борлигини. Сизлар ота-онасизлар, ахир.

Барибир ўз айтганим бўлади. Ҳар йили йиқитинг — 10 йил, 20 йил, барибир юрист бўламан. Лекин ҳақиқатгўй, тушундингизми?! Инсон дунёга бахтли бўлиш учун келса, мен қасос олиш учун яралганман!

Шу билан дил сўзларимни тугатаман. Сиз менга раҳм қилманг. Сизга ўхшаган инсонлар ёшлигимни ер билан яксон қилган. Уларнинг ҳаёлида фақат қоғоз, пул, ваҳшийлик.

...Иншога қайта-қайта кўз югуртирар эканман, унинг ботинида титраб турган ярадор юрак, ёш пардаси ортида ўз адолатини талаб қилиб ёнаётган шафқатсиз кўз мени тинч қўймас эди. Кейин, нимагадир бу иншони тинмай дафтар титқилаётган ҳамкасблар ҳам ўқиб бергим келди. Улар ўн минутча зарур ишларини тўхтатишиб, таъсирланиб эшитишди, иншо ҳақида ҳар ким ўзича ҳаёлга толди. Кимдир уф тортди, кимдир бош чайқади, биров сигарет олиб хонадан чиқиб кетса, биров жимиб қолди. Ниҳоят, имтиҳон комиссиясининг раиси ҳамда уч-тўрт дилга яқин кишилар гувоҳлигида мен бу иншога, имло хатолари кўп бўлишига қарамай, «қониқарли» баҳо қўйдим.

Ҳозир эса, ҳурматли ўқувчи, юқорида ўқиганимиз иншо мазмунидан келиб чиқиб, ҳам ўзимга, ҳам Сизга уч-тўрт савол беришга мажбурман.

— Хўш, бу қизнинг бахтига зомин бўлган муҳит қандай пайдо бўлди ва бундай муҳит фақат шу қизнинг атрофида мавжуд ҳоломи?

— Игирмадан эндигина ошган шу қизнинг кўзлари кўрган, у тўқнаш келган социал адолатсизликни элик-олтмиш йилдан буён умргузаронлик қилаётган амакилар кўрмайдими? Қачонгача адолатсизлик фақат қоғозлардагина қораланади?

— Қизнинг тўрт йилдан буён ўқишга қира олмаётганига фақат унинг ўзи сабабчими? Уни кимлар ўқитдию кимлар ўқишга қабул қилмапти?

— Нимага бу қиз адолатни тиклаш учун айнан ўзининг юрист бўлишини шарт деб билади? Вундай фикр фақат шу қиздагина туғилганми? Ва ниҳоят, ҳатто у ўқишга кирган тақдирда ҳам, уни ишга жойлашган чоғда ҳам ҳақиқатни рўёбга чиқара оладими? Бошқача айтганда, бундай тақдир эгаларининг биринчиси — шу қизми?

Бу тахлит саволларни адоқсиз беравериш мумкин. Чунки улар осмондан эмас, иншо шаклидаги куйган дил изҳоридан чинқираб келаверади...

Ҳарқалай, ўқувчи бу қизнинг ўқишга қира олиш-олмаслигига қизиқар. Қира олмаслиги — аниқроқ. Мен бу гапни атай фожиани кучайтириш учун айтаётганим йўқ. Бир болони билмангани, шундай деярман. Зеро, бунини шоир ҳам яширмай айтган:

Токи бошлиқ зоти экан ҳақ,
Гапи гапу сўзи сўз экан,
Тўрдагилар ҳоқими мутлақ,
Пастдагилар юмуққўз экан,
Пешонанга битилган атганг,
Енгилмоқ бор доимо жангда.
Мудом сенинг қўлингда паттанг,
Мудом сенинг тўнинг елкангда.

(Эркин Воҳидов)

Дарвоқе, ҳалиги йигит — беш йил олий таълим олиб ҳам «пролетариат» НИМА эканини сўраб юрган танишим, ўқишни муваффақиятли битириб, ҳозир қаердадир ўша пролетариатнинг тақдирини ҳал қилапти...

Раҳмон Қўчқоров

Орол фожиасидан ҳам даҳшатли

Ҳар қандай жамиятнинг мустаҳкамлиги ва бойлиги халқ маънавияти билан ўлчанади. Хўш, биз бу соҳада қандай ютуқларга эришдик? Қайси фазилатларимизни намуна қилиб кўрсата оламиз?

Афсуски, мен бу саволларга кўпинча ижобий жавоб топа олмайман. Чинакам садоқат, вафо, сабр-қаноат, поклик сингари фазилатлар тобора камайиб бораётгандек. Илгари хотин-қизларга бой-феодалларча муносабат қилинарди, улар тўрт девор орасидан чиқарилмасди, деймиз. Бу сўзлар ҳақ. Лекин сеvimли шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек, жа-

миятимиз аёллар юзидан чимматини олган эди-ю, бироқ ҳаё, ифбатларини олманган эди. Атрофимдаги айрим воқеаларни кўриб ёзмасдан тура олмадим.

Ховос станциясида бир йигит яшар эди. У шофёрлик қилар, топиш-тутиши ҳам яхши, эпчил йигит эди. У уйланиб, тўрт фарзандли бўлганида хотинининг айрим ҳаракатларидан шубҳага тушади. Сўнгра хиёнат устида қўлга тушириб, жаҳл устида қаттиқ жароҳатлайди. Натижада қамалиб кетади. Аммо оиласи ўзининг аввалги йўлидан қайтмади. Тез орада бутун маҳаллада енгил оёқлиги билан ном чиқарди. Бу орада йигит қамоқ муддатини ўтаб қайтади ва бошқа аёлга уйланди. Аммо олдинги хотинидан бўлган фарзандлари отасиз ўсанлиги учун турли хил ноқўя йўллarga кириб кетдилар. Иккинчи ўғли ўғрилиқ билан қўлга тушди. Қизининг оиласи бузилди. Хуллас, битта калтабин, эртанги кунини ўйламаган, ўзининг тақдирига, болаларининг тақдирига бефарқ қараган, енгил табиатли она дастидан бир оиланинг ҳаёти издан чиқиб кетди.

Менинг бир танишим бор. Мен уни 35 йилдан бери билманам. Камтарин, камсуқум, ҳалол йигит. Оила, рўзгор ташвишида елиб-югуради. Оила қурганига ўттиз йилча бўлди, катта қизи 27 ёшга кирди. Олдинма-кетин тўрт нафар қизи бўйи етиб, турмушга чиқиш арафасида турибди. Ачинарли томони шундаки, шунча йиллик оилави турмушдан сўнг эр-хотин яқинда суд орқали ажрашдилар. Сабаби яна ўша — хиёнат. Хотин мактабга фаррош бўлиб ишга кирган, мактаб ўқитувчиларидан бири билан дон олишиб юрган экан. Эри уни хиёнат устида қўлга туширган. Энди маҳалладан бирор киши бу оиланинг қизларига оғиз солмаяпти. Чунки халқимизнинг «онасини кўриб, қизини ол» деган мақоли бор. Демак, оила фожиаси болалар тақдирини ҳам давом этади.

Самарқанднинг Иштихон районидан Б. исмли йигит саккиз нафар фарзанднинг онаси бўлган хотинини хиёнат устида ушлаб, райондан бош олиб чиқиб кетди. Ҳозир Ховосда ишлаб юрибди. Таниш-билишлар уйланиш ҳақида гап очгудек бўлса, «йигирма йил бирга яшаганим нима қилди-ю, бошқаси нима бўларди, умуман уйланмаганим бўлсин», дейди.

Хуллас, биргина Ховос ва унинг атрофларида мана шундай фожиали воқеалар анчагина. Энди республика миқёсида-чи? Унинг оқибатларини бир тасаввур қилиб кўринг-а?

«Шарқ юлдузи» журналининг ўтган йилги саккизинчи сониде А. Эгамназаровнинг «Тириклигида жудо бўлган» сарлавҳали катта мақоласи эълон қилинди. Унда айтилишича, фақат 1986 йилнинг ўзида Тошкентда 7395 оила ажрашиб кетган, натижада кўплаб болалар тирик етим бўлиб қолганлар. Автор республикамиздаги болалар уйларида 6500 дан ортиқ бола тарбияланаётганлигини таъкидлайди. Бу болаларнинг кўпчилиги никоҳсиз туғилган, оналари туғруқхоналарга ташлаб кетган, маънавий муҳити оғир оилаларда тарбияланиб, болалар уйига олиб келинган. Улар ота-она меҳрига зор.

Биз инсон қўли билан яратилаётган моддий бойликларни асраб-авайлаш ҳақида кўп гапираемиз. Олимларимиз, ёзувчиларимиз, кенг жамоатчилик Орол денгизини асраш ҳақида ўз вақтида бонг чалди. Аммо фожиаси бундан кам бўлмаган инсон маънавияти инқирози тўғрисида бонг чалиш пайти келмадимикин? Ахир бизда ҳаё, ифбат, поклик, садоқат энг муқаддас тушунчалар бўлган. Шарқ классик адабиёти асрлар давомида ана шу фазилатларни мадҳ этиб келди. Наҳотки биз буларни унутган бўлсак?

Менинг фикримча, ана шу иллатларнинг асосий илдизи — этиқодсизлик. Ешлар орасида эзгу ишларга даъват этувчи, қабиҳ ишлардан қайтарувчи муқаддас тушунчалар йўқолиб бормоқда. Натижада ўзини осий, сувга ташлаш, ўт қўйиш, машина тагига ташлаш сингари воқеалар ҳам тез-тез учрамоқда. Илгари эса бундай ҳоллар кескин қораланган, шу тарзда ҳалок бўлганларга жаноза ҳам ўқилмаган. Ахлоқ нормалари жамоатчилик томонидан қаттиқ назорат қилинган. ота-боболарнинг қаттиққўллиги тўғри бўлганмикин, деб ўйлаб қолсан.

Порахўрлик, ўғирлик, кўзбўямачилик сингари иллатлар илдизи ҳам этиқодсизликда. Демак идеология ва таълим-тарбия соҳасидаги ишларимизни қониқарли дея олмаймиз. Бу ишга жамоатчилик ҳам ҳисса қўшиши керак. Жамиятимизнинг маънавий ва ахлоқий поклигини таъминлаш энг долзарб масалалардан бири бўлиши лозим.

Абдуғаффор Абдуқундузов,
Сирдарё область Ховос райони

Айбдор фақат врачми?

Бугунги кунда медицина ва даволаш муассасалари ҳақида гап кетса, «докторлар ҳеч нима билмайди, порахўр, кўпол, касалларга эътиборсизлик билан қарайди», деган таъналарни эшитасиз. Жаҳондаги врачларнинг тўртдан бир қисми Иттифоқимизда эканлиги, замонавий поликлиника ва касалхоналар кўплаб қурилаётганлиги қарамай профилактика ва даволаш натижалари биз истагандек самарали бўлмаётти. Болалар ўртасида юқумли касалликларнинг кўплиги, юқори ўлим даражаси ҳақида фикр юритадиган бўлсак ҳам гап яна медицина ходимларига тақалади. Хўш, бундай ҳолнинг асл сабаблари нимада?

Ҳозирги кунда касалхоналарнинг аҳволи ҳаммага маълум. Палаталарда жой етишмайди. Беморлар коридорларда ётишга мажбур бўлишяпти. Шунинг учун беморларни охиригача даволамасдан, тезроқ чиқариб юборишга ҳаракат қилинади. Қарийб ҳамма касалхоналарда иссиқ ва совуқ сув етарли эмас. Ҳар бир бемор учун ўрта ҳисобда бир кунлик овқатга бир сўмдан пул ажратилган. Яна бунинг устига кўп касалхоналарда ўша бир сўм ҳам тўлалигича беморларга етиб бормайди. Овқатлар калорияси жуда паст. Ваҳоланки, беморни оёққа турғизишда овқат ҳам катта роль ўйнайди.

Баъзилар касалликларнинг кўпайиб бораётганини ҳам врачларнинг уқувсизлигидан деб билади. Аммо қишлоқ ҳўжалигида турли хил заҳарли моддаларнинг ишлатилиши, атроф муҳит ва сувларнинг ифлосланиши кўплаб касалликларга сабаб бўлаётганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Сўнги маълумотларга қараганда, пахта дэласида ишлайдиган оналар сийнасидаги сут ҳам заҳарланар экан.

Даволаш муассасаларида ҳукм суриб келган вазият ҳам медицина хизматини сусайтириб юборди. Керакли дориларнинг етарли даражада бўлмаслиги, юқори лавозимларни ошана-оғайнигарчилик йўли билан эгаллаш, врачлар фаолиятини назорат қилувчи комиссияларнинг суст фаолияти — буларнинг ҳаммаси медицинага янгиликни жорий этиш йўлига ғов бўлмоқда.

Яна бир муаммо: шифохонадаги бемор ўзи истаган врачга мурожаат этолмайди. Ҳар бир палата ўз врачига эга. Яхши врачга тушсангиз-ку яхши, аммо уқувсизига дуч келсангиз — тузалмай чиқиб кетаверасиз.

Хуллас, медицина ҳам, барча соҳаларда бўлганидек, қайта қуришга муҳтож. Бу борадаги мулоҳазаларимни ўртага ташламоқчиман. Энг аввал қилинадиган ишлар шулардан иборат бўлиши керак.

1. Қайта қуриш меҳнатга тўғри ҳақ тўлашдан бошланиши лозим. Ҳозир эса врач меҳнати адолатсиз баҳоланади. Яхши врач ҳам, чаласавод врач ҳам бир хил ҳақ олади. Бу «бараварлаштириш» ташаббусни ва яхши ишлаш иштиёқини ўлдиради. Шунинг учун ҳам кўпгина поликлиникалар ва касалхоналарда навбат катта. Ойлик иш ҳақи врач қанча одамни даволаганлиги ёки қабул қилганлигига қараб белгиланиши керак. Малакали врачнинг иш ҳақи ҳам юқори бўлмоғи зарур. Шундай қилинганда яхши врачларнинг иши рағбатлантирилган ва медицина қобилиятсиз мутахассислардан тозаланган бўларди.

2. Бемор врач танлаш эркинлигига эга бўлиши керак. У қайси врачда, қаерда ва қайси вақтда даво олишини ўзи белгилаши лозим. Ҳозир эса бемор ўзи истаса ҳам, истамаса ҳам ўзи бириктилган участка врачда даволаниши зарур. Бундан ташқари, бемор ўз районидоги касалхонада даволаниши шартмикан! Ахир ҳамма касалхоналарда ҳам даволаш ва хизмат даражаси бир хил эмас-ку!! Ҳар ким ўз соғлигини тезроқ ва ишончлироқ тиклагиси келади. Бунга эса яхши ва малакали врач қила олади. Афсуски, айни пайтда бемор ана шундай врачни танлаш ҳуқуқига эга эмас.

3. Ҳар бир бемор медицина хизмати учун ҳақни ўзи тўлагани тузук. У ўзи даволанишни истаган врачга ҳақ тўлайди. Мамлакатимизда медицина бепул бўлганлиги учун касаллик варақасига алоҳида банд, яъни медицина хизмати қиймати киритилиши зарур. Бемор касаллик варақасини ўзи ишлаган жой бухгалтериясига топшириб, медицина хизмати учун тўлаган пулини қайтариб олади бўлсин. Ҳамма ташкилотларда саломатлик фондлари ажратилиши зарур. Ана шу фонддан медицина ёрдами учун ҳақ тўлаб борилади. Бу фондни соғлиқни сақлаш бюджетидан ажратган ҳолда таъминлаш ҳам мумкин.

4. Касалхоналарда ҳар бир палата бир врачга бириктилган. Ваҳоланки, бемор ана шу врачда даволанишни истамаслиги мумкин. Шунинг учун беморга палата танлаш, ўзи даволанадиган врач ёки хирургни танлаш ҳуқуқи берилиши зарур. Шунда врачнинг қобилияти ҳам тезроқ намоён бўлади.

5. Маъмуриятнинг иш ҳақи ана шу муассасанинг бажарган ишига боғлиқ бўлиши керак. Намунали касалхоналар билан бирга қолюқ, даволаш савияси паст касалхоналар ҳам бор. Ҳозирги пайтда ана шу икки хил касалхона раҳбарлари ҳам бир хил иш ҳақи олишади. Бу эса илғорлар ташаббусини бўғайди. Маъмуриятга озик-овқат маҳсулотлари ва медицина жиҳозларини олишда эркинлик бериш зарур.

6. Касалхоналарда ёзиш-чизиш жуда кўп. У врачнинг кўп вақтини олади. Врач қабулхоналарида навбатни кўпайтиради. Кўрсатилган медицина хизмати савияси вақт озлиги туфайли паст бўлади. Шу сабабли қоғозбозликни камайтириш, бунинг ўрнига техниканинг янги ютуқларини жорий этиш зарур.

Инсон саломатлиги қимматбаҳо капиталдир. Соғлом одам бир иш кунинда давлатга ўртача 75 сўм фойда келтирар экан. Врачларнинг барча қучларини сафарбар этиб ва тўғри меҳнат тартибини йўлга қўйиб, мамлакатимиз экономикасини янада юксалтиришимиз мумкин.

Мадийр Солаев,

Улка медицина институти илмий ходими.

Беруний хоки Ватанига қайтадими?

Бутун дунё ўзбек халқини Абу Райҳон Беруний каби буюк мутафаккирлар туфайли таниди. Жаҳонда энг нуфузли идора — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Беруний юбилейини нишонлашга бош-қош бўлиши ҳам бежиз эмасди.

Мен яқин-яқинларгача Берунийнинг қаерга дафн этилганини, унинг қабри сақланиб қолган-қолмаганини билмасдим. «Фан ва турмуш» журналининг ўтган йилги 10-сонинда геология-минералогия фанлари кандидати У. Усмоновнинг «Беруний қаерга дафн этилган?» номли мақоласини ўқиб қолдим. Мақолада муаллиф 1976 йили Афғонистонда хизмат бурчини ўтаётганида Ғазна шаҳрида ал-Беруний қабрини кўргани, зиёрат қилганини айтди. Мазкур мақоладан маълум бўлишича, бобокалонимиз дафн этилган жой анча қаровсиз қолган. Бу борада афғонистонликларни айбламоқчи эмасмиз. Узаро урушлар афғон халқини ҳолдан тойдирганини, Афғонистон ҳукуматининг ҳозир Беруний қабрини ободонлаштиришдан ҳам муҳимроқ ишлари борлигини яхши биламиз.

Шундай экан, беихтиёр дилчимизда қуйидаги таклиф уйғонади: ал-Беруний хокини Ўзбекистонга келтириб, дафн этиш зарурати туғилмадимикин... Афғонистон ҳукумати бу таклифга монъелик қилмаса керак, деб ўйлайман. Менимча, унинг мақбарасини Шовот районидаги «Ленинизм» колхози территориясида жойлашган Кат қалъасида тиклаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Журналхонлар Кат қалъаси ҳозирги Қорақалпоғистоннинг Беруний райони территориясида бўлган-ку, дейишлари мумкин. Тарих дарсликларидо Кат қалъасини XVII асрда Анушахон бунёд эттирган деб ёзилган. Шунинг учун Берунийнинг она юрти Қорақалпоғистондаги дарё ювиб кетган Кат эмас, балки Шовот районидаги биз айтётган Кат қалъасидир, деган тахминлар ҳам туғилаёттир. Хива жаҳон сайёҳларининг назари тушган шаҳар. Кат қалъаси эса Хивадан ниҳоятти бир неча ўн чақирим олисликда жойлашган. Демак, Беруний хоки келтирилиб, мақбара қурилса, сайёҳлар учун яна бир зиёратгоҳ очилади. Маълум бўлишича, қалъани таъмирлаш катта маблағ талаб қилмас экан. Республика Фанлар Академиясининг археологик группаси бу ерда бир неча йиллардан буён текширишлар олиб бормоқда.

Мен барча олимларга, шоир уёзувчиларга, кимгаки Беруний қалбан яқин ва мўътабар бўлса, барчасига мурожаат қиламан: улуғ бобокалонимизнинг хокини ўз ватанига қайтариш ҳозирги кунда қуриётган Оролга сув келтириш билан баробардир! Шу мақсадда махсус фонд ташкил этсак, Сиз азизлар бу хайрли ишга ҳисса қўшарсизлар, деган умиддеман.

Сухбат Абдулла

кур программа ишлаб чиқилганидан, яъни, умумий аҳвол аниқланганидан кейин махсус комиссия ёхуд, янада маъқулоғи, экспертлар ва мутахассислар конгрессини чақирмоқ шарт бўлиб қолади. Бу эса, қурашувчилар жамиятининг истиқбол йўлироқ пировард мақсадини аниқлаб олишга яқиндан ёрдам беради ва шу йўл билан қуруқ сўзбозликдан амалий ишга ўтилади.

Табиики, докторнинг нутқи янада батафсилроқ ва илмий жиҳатдан асосланганроқ бўлиши мумкин эди. Бироқ вазиятдан келиб чиқиб, энг оддий масалаларга тўхталиб ўтилди, холос.

Заминиянинг гапларини эшитиб бўлгач, Пуржаноб бир муддат тараддулланиб ўтирди, кейин оғзида турган ниманидир чайнаётгандек остки жағини бетўхтов ўйнатишга тушди.

— Ҳа... албатта... жуда яхши,— ниҳоят, минғирлади у.— Дарҳақиқат, таҳсил, ўқиш-ўрганиш одамни чинакам муъжизага айлантиради. Илмдан ҳам қудратлироқ нима бор...— Кейин жаноб Гамхар тарафга юз буриб сўради: — Хўш, сиз бу хусусда қандай фикрдасиз?

Шахсий мулоҳазаларини баён қилишни қачонлардан бери бегоҳлик билан кутаётган Гамхар шу заҳоти «жанг»га ташланди.

— Бутун жаҳонга беш қўлдек аёнки,— дея гап бошлади у,— соғ танда соғлом ақл. Менинг хурматли ҳамкасбим биз ўрганаётган одамларнинг асосан маънавий-руҳий эҳтиёжларига тўхталди. Мен эсам, ўйлайманки, моддий жиҳат муҳимроқдир. Ҳаттоки Қуръони шарифга ёзилган ҳадисларда ҳам «тан — бирламчи, руҳ — иккиламчи» дейилган. Танини эса фақат спорт орқалигина чиқиштириш мумкин. Маълумингиз бўлсинки, қадимий Эронда спорт фахрли ўринлардан бирини эгаллаган. Бизнинг буюк салафларимиз чавандозликка улкан эътибор билан қараганлар, уни тарбия жараёнининг таркибий қисми деб билганлар. Бизнинг бадантарбия мактаблари бўлмиш зўрхоналаримиз қадимий даврлардан қолган бебаҳо меросдир. Спортни ривожлантириш ҳар қандай программанинг етакчи пункти бўлмоғи лозим. Мен аминманки, Шўробод ва бошқа қишлоқлар аҳолиси учун техниканинг энг сўнги ютуқлари даражасидаги стадионлару бошқа иншоотлар қурмоқ зурур. Бу қурилишлар айтилик, сенат биносидек улғувор ва мухташам бўлиши шарт эмас, мутлақо шарт эмас. Мен шаклан соддалик тарафдориман. Қанча содда бўлса, шунча яхши! Бахт ва соғлик — соддаликда! Стадион қошида соддагина бассейн қурилиб, у соддагина жиҳозланса ёмон бўлмасди. Сув спорти турлари инсоннинг ўпкасини тозалайди ва бақувват қилади. Шунингдек, велосипед учмиш ҳам ғоят фойдалидир. У ёшларимизда абжирлик ва чаққонлик каби хислатларни шакллантиради, бу эса тўсиқларни енгиб ўтишга қўл келади. Тўғри, велоспортни хавфсиз деб бўлмайди. Шу боисдан шахсан мен энгил атлетикани афзалроқ деб биламан. Футбол ҳам жуда фойдали, лекин бизнинг миллий футболимиз — отабош ўйини менга ҳаммасидан кўпроқ ёқади. Қолаверса, унга ортиқча ҳаражатларнинг зарурати йўқ. Атиги иккитагина таёқ бўлса бас: биттаси қисқагина, бор-йўғи бир қаричча, иккинчиси — андак узунроқ, ярим метрча. Агар ўйин пайтида таёқ билан кимнингдир бошига тушириб қолсангиз, бунинг ҳам зарари йўқ — ёшларимизнинг балойи ногаҳонга қарши кўникма ҳосил қилишлари ҳам фойдадан холи эмас. Машғулотлардан сўнг — бадан совиб улгурмай аввалига иссиқ, кейин совуқ сувда ювиниш, ана шундан кейин яхшилаб артиниш ғоят муҳим. Дарвоқе, бунинг учун хорижий сочқақа эга бўлиш мутлақо шарт эмас. Ўзимизнинг ола-була чойшабимиз ҳар қандай сочқадан яхшироқ: пишиқ, арзон, қулай. Аммо, ўз-ўзидан тушунарлики, шахсинг ҳар томонлама камол топиши учун биргина спорт кифоя қилмайди. Мактаблар ҳам керак. Бироқ мактаб биносию ундаги синфхоналар санитария талабларига жавоб бера оладиган ҳолда ёруғ, озода ва кенг қилиб қурилмоғи лозим. Айрим хорижий мамлакатларда, айтилик, мактаб деразаларига болалар саломатлиги учун фойдали ультрафиолфа нурларни ўтказувчи махсус ойналар ўрнатилади. Ҳаттоки мактаб ўқувчиларига эрталаб ҳамда кечқурунлари бепул бериладиган сутда ҳам шу нур ёрдамида янада шифобахшроқ хусусиятлар ҳосил қилинади. Нега энди биз ҳам шундай йўл тутмаймиз. Бизда бунақадан амалга ошириб бўлмайди, дейишдади. Хўш, бошқалардан қаеримиз кам? Биз, ахир, буюк ва шухратли тарихнинг меросхўрларимиз. Айнан биз, ахир, Доро сўзлари билан айтадиган бўлсак, «шаҳаншоҳ шоҳлардан бож-хирож олганмиз!»

Пуржаноб мийғида кулди ва оҳистагина деди:

— Яъни, чўқмасор билан яланғочларни ечинтириб, оғзидаги энг сўнги луқмасини тортиб олганмиз.

Гамхар ҳамкасбининг бу пичингига парво ҳам қилмай, гапини давом эттирди:

— Ватанимиз тақдири келгуси авлоднинг қўлида. Бугунги болакай — эртанги куннинг марди майдони! Агар она меҳри боланинг мурғак жисмига ҳаёт бахш этса, мактаб ва спорт, ўз навбатида, унга улкан бахт-саодат ва мустақкам соғлик бағишлайди. «Амалга ошириб бўлмайди» деган гап қаёқдан келган ўзи? Бу гапни паққос унутмоқ керак! Наполеон айтган: «иложи йўқ» ва «мумкин эмас» деган сўзларни менинг луғатимдан қидириб тополмайсиз. Биз, ахир, йигирманчи асрнинг, атом эрасининг одамларимиз. Биргина Японияни олиб қаранг! Қисқа вақт ичида қандай тараққиётга эришди у! Нега энди биз ҳам шундай ютуқларни қўлга киритолмаймиз? Истасак — қўлга киритамиз! Олло таоло ўзининг ҳеч бир марҳаматини бизлардан дариг тутмаган! Шундай ҳосилдор еримиз борки, бунақаси жаҳонда йўқ. Бу тупроқда биргина дон қирқтага айланади! Эрон халқи эса, ҳаттоки душманларимизнинг эйтироф этишларича, ер юзидаги энг зукко халқ. Мен ўзим яқинда хориждан келган бир олимнинг гапини эшитдим: «Эрони — учига чиққан тулрак». (Бу одам форс тилини яқиндагина ўрганган экан ва «тулрак» сўзи «зуқко» деган маънони билдиради, деб ўйлабди). Ҳамма гап астойдил истада қолган. Ватанпарварлик бўлса, тоғниям қайириб ташлаш мумкин. Бизнинг биргина Хузистон вилоятимиз бутун жаҳонни нон билан таъминлай олади. Ниҳоят ташаббус кўрсатмоқ керак, токи истеъдод эгалари...

Пуржаноб чидаб ўтиролмади шекилли, тагин луқма ташлади:

— Токи истеъдод эгалари ажалидан беш кун бурун ўлиб кетсин-у, истеъдодсизлар уларнинг ўрнини эгаллаб, айшини сурсин...— Шундай тadbиркорлик билан нотиқни базўр гапдан тўхтатган Пуржаноб энди ташаббусни ўз қўлига олди: — Жанобим олийларининг ҳамма мулоҳазалари жиддий илмий асосларга эга, албатта. Уларнинг замирида улкан мактаб борлиги сезилиб турибди. Каминан камтарин мактаб кўрмаганман ва, умулан, сизлар сотаётган фалсафага аралашгулик ҳолим йўқ. Олимликка дэввоғор ҳам эмасман. Мен фақат эшитганманки, туппа-тузуқкина ақли бор инглизлар ўзлари «от инстинкти» деб атайдиган алоҳида бир туйғуга, ўзимизча айтсак, «соғлом ақлга қаттиқ ишонарканлар. Менда ҳам шу инстинкт йўқ эмас десам, ўйлайманки, отларга малол келмас. Ҳар нима бўлгандаям, мен яшаган йиллару тўплаган ҳаётий тажрибалар бу бошда ниманидир пайдо қилгандир, ахир! Хуллас, мана шу инстинкт қўлоғимга шивирлаб турибдики, сизларнинг ақлли нутқларингизу илмий изланишларингиз билан узоққа бориб бўлмайди, мантиқий далиллардан эса, қўполлигим учун авф этасизлар, иштон тикиб бўлмайди. Агар бу бахтсиз мамлакатнинг тупроғига қулоқ тутиб тингласангиз, «Биз очмиз!» деган бир нидо эшитасиз. Оч одамнинг саволига эса, фақатгина бир бурда нон жавоб бўла олади. Чанқаб турган одаму жизғанаги чиққан ер комиссиялар, делегациялар, лекциялар, программалар, уставлар, қарорлар ва шуларга ўхшаш тагин юзлаб тadbирларга эмас, сувга муҳтож. Улаётган одамга асал билан ёрдам бериб бўлмайди, дейдилар. Ўзларингиз сезиб турибсизлар, сизларнинг гапларингиз «агар» билан «агар»нинг ўрталигида кетяпти. Лекин яхши биласизларки, «агарни магарга олиб берсалар бир фарзанд туғилар, исмидир — кошки!» Жаноблар, биз манови одамларга қандай ёрдам бериш мумкинлигини аниқлаш учун бу ерга жўнатилганмиз. Улар ҳаммадан кўпроқ нимага муҳтожлигини очик кўз билан кўрмоқ ва холис ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилмоқ керак, вассалом! Мен, албатта, сизларнинг ақлли бошларингиз олдида таъзим қиламан, лекин сизнингча, аввало бир бурда нон топиш хусусида қайғуриш зарурроқмасми? Сиз бугун кўрган одамлар оч — овқатга муҳтож, яланғоч — кийимга муҳтож, касал — дори-дармон талаб қилишмоқда. Тўғри, мамлакатимиз ҳозир улкан даромадга эга, қолаверса, бизга маблағини аямайдиган кўпгина ҳотамтой амакилар ҳам пайдо бўлиб қолишди. Бироқ ўн беш миллион одамни боқиш, кийинтириш, уй-жой билан таъминлаш учун вақт, катта ва доимий равишда оқиб келувчи даромад керак. Бир-икки йилда ҳаммасига улгуриб бўлмайди. Айтишларича, Фатҳалишқоқ замонида Эронга келган инглиз элчиси Малькольм ўз китобида бутун жаҳонни кезиб чиққанини, лекин ҳеч қаерда

Эрондагидек тиланчилари кам юртни учратмагинини ёзган экан. Афсуски, ўша элчи бугун тирик эмас, йўқса у энди аксинча — ҳеч қаерда шунча кўп тиланчи ва оч-яланғоч йўқ, деб ёзган бўларди!

— Бироқ, ҳар қалай, холисроқ бўлиш керак! — хитоб қилди Гамхар.— Ҳамма қишлоқларимиз ҳам Шўрободдек аянчли аҳволда эмас-ку! Бизда гуллаб-яшнаб турган обод қишлоқлар ҳам кўп.

— Э-эй, азиз биродарим,— эътироз билдирди Пуржаноб,— яқинда мен Франциянинг шоҳ Насриддин саройидаги сиёсий вакили Гобинонинг хотираларини ўқиб қолдим. У Форс вилояти ҳақида ҳикоя қилатуриб, қарийб бутун вилоятда ерга ишлов берилмаганини, вилоят бўйлаб на бир тирик жон, ҳатто на бир кўкати учратмай бир кун йўл юриш мумкинлигини ёзибди. Узларингиз ўйлаб кўринглар, агар у бу қишлоқни кўрганида нима деб ёзган бўларди?

— Бундан чиқди,— бетақатлиб суҳбатга аралашди доктор,— сиз ўйлашсизки, мамлакатимиз фақатгина нонга муҳтож экан-да? Қаранг-а! Бизнинг давримизда бу ақлга сиғмайдиган бемаъни гап-ку! Хўш, маданий тараққиёт-чи? Маориф, таълим-тарбия масалалари-чи?..

— Азизим, мен бошқа нарсалар керак эмас, деяпманми? — эътироз билдирди Пуржаноб.— Албатта, керак! Мен ниҳоят шунга айтяпманки, Эрон халқининг катта бир қисми учун айни пайтда озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой бошқа нарсаларга нисбатан зарурроқ.

— Сиз ҳақсиз, муҳтарам Пуржаноб,— чуқур хўрсинди Гамхар.— Мен ҳам ўйлашманки, одамлар қорни тўйса, аввало ўз болаларини ўқитиш ҳаракатига тушган бўлур эди. Ана ўшанда ўқитувчию мактаб, ўқувчилар, дафтарлар, қаламлар, кейин эса бошқа етишмовчиликлару кам-кўстлар аста-секин бутланаверарди...

— Шундай шарт биланки, агар озодлик ва адолат барқарор бўлса! — баландпарвоз оҳангда гап қўшди доктор.

— Ҳар бири тиллога тенг сўзлар! — бу гапни қўллаб-қувватлади Пуржаноб.— Озодлик ва адолат инсониятга худди соф ҳаводек керак!

— Ҳа, ҳа! — илҳомланиб гапида давом этди доктор.— Бироқ, назаримда, биз ўз қийинчиликларимизни ошириб кўрсатяпмиз. Мақсадга яқинроқ келайлик-да, ахир. Бизнинг вазиғимиз — шу қишлоқда саводсизликни тугатиш ишига ҳисса қўшиш.

Пуржаноб тамаки тутатди, ютоқиб сўрди ва тутунини оғиз-бурнидан оҳиста-оҳиста чиқараркан, мийиғида кулиб бош чайқайди.

— Фараз қилайликки,— ҳар бир сўзини таъкидлаб гап бошлади Пуржаноб,— бутун қишлоқ аҳли — беистисно барчаси — бир қадар саводга эга бўлди, яъни, «а»ни «б»дан фарқлади, «б» билан «а» — «ба», «в» билан «а» — «ва» бўлишини билиб олди. Хўш, нима ўзгаради ўшанда? Уларга бу даҳмазаларнинг нима кераги бор? Наҳотки ановилар чекаётган азоблар шу билан енгиллашса? Бу шўрпешоналарда на қалам, на қоғоз, на китоб, на газета, лоақал на чироқ бор! Улар амал-тақал қилиб базўр жон сақлаб туришибди. Ёдгорлик тошлари ўрнатилган қабрстони ҳам йўқ шўрликларнинг! Шундай аҳволдаги савод уларга нима бера оларди?

— Ҳа-а,— оғир хўрсинди Гамхар,— мингдан-минг афсус-надоматлар бўлсинки, биз — қачонлардир бошқа халқлардан совға-салом қабул қилган халқ, бугун худди тиланчидек ўзимиз садақа сўрамоқдамиз, ўз биродарларимизнинг қорнини ҳамма ёзиришга ожиз бўлиб турибмиз. Ҳа, аслини олганда ўшанда саъй-ҳаракатларимизнинг палағда тухумчалик қадр-қиммати йўқ. Мен шу топда бу бахтсиз заминнинг ҳасрат-нидосини аниқ-тиниқ эшитиб турибман. У худди:

Шундай қилки, юрагим ўз қонимга ғарқ бўлмасин,

Атиги кўз ёшларимни артишиндан менга нима наф! —

дея нола қилаётгандек.

Боядан бери инглизларга хос хотиржамлик ниқобида кўринишга ва озодлигу адолат хусусидаги гаплар ортига яширинишга уриниб ўтирган доктор кутилмаганда ҳаяжон аломатларини зухур этди:

— Ҳа, ҳа! — қизишиб хитоб қилди у,— сизлар мени шунга ишонтирдингизларки, халқ ўз бошида очлик шамшири осилиб турмаган пайтдагина куликдан озод бўлади. Парижда буюк француз инқилоби йўлбошчиларидан бирининг ҳайкалига: «Аввало нон, ана ундан сўнг таълим-тарбия», деб ёзиб

қўйилган экан. Лекин бизнинг ўз вазиғларимиз бор, шу боисдан биз туйғуларга асир бўлиб қолмаслигимиз лозим. Бизни бу ерга нима учун жўнатганларини унутиб қўймаслигимиз керак. Модомики учаламиз муштарак бир хулосага келган эканмиз, мен бизга топширилган пулни қишлоқ аҳлига тақсимлаб бериш ва вақтни беҳуда ўтказмай, марказга бу хусусда ҳисобот ёзишни таклиф қиламан.

— Уларга бу пулнинг нима кераги бор? — хушламайроқ сўради Пуржаноб.— Пулни нима қилади улар? Ахир, пул савилнинг ўзини еб бўлмайди-ку! Ахир, қишлоқда на магазин, на дўконча бор, чор тараф — сахрою кум барханлари! Яхшиси, тезроқ бу ердан жуфтакни ростлаганимиз ва томоқ хўллаб, ҳисобот ёзиш мумкин бўлган жойга омон-эсон етиб олганимиз маъқулроқмасми?..

Узаро баҳс билан машғул дўстлар аввалига қишлоқ тарафдан келаётган ваҳимали шовқин-суронни эшитмадилар. Нима бўлаётгани тушунарси эди: беҳос ёнғин чиқди, ногаҳонда мўғул-татар қўшини бостириб келдимиз... таёқ ва тош билан қуролланган оломон бакириб-чақиришганча улар томонга ёпирилиб келарди. Халқ бахти учун курашувчилар бошига ҳақорату қарғишлар дўлдек ёғилди. Атиги бирор соатгина аввал пуф деса йиқилгудек бечораҳол, ҳаттоки ҳаёт аломатларидан ҳам маҳрум бўлаётгандек ўлимтик кўринган беозоргина жонзотлар жиннига ўхшаб қандайдир ғалати, ақл бовар қилмас даражадаги шиддатли саъй-ҳаракатлар қилардилар. Уларнинг қиёғаларида, ҳар бир хатти-ҳаракатида шундай ғазаб, нафрат ва алам бор эдики, маданият арбобларининг ваҳимадан юраги ёрилаёзди.

— Қани, бу ердан туёқларингни шикиллатиб қол! Келган жойингга даф бўл! Агар тезроқ қораларингни ўчирмасанг, биздан яхшилик кутма! Йўқол бу ердан ҳамманг!..

Қўллариди таёқ кўтарган бир неча йигитлар келгиндиларга ташланмоқчи эди, оқсоқол олдини тўсиб, уришқоқларни базўр тўхтатиб қолди.

Икки томонлама музокаралардан сўнг маълум бўлдики, аллақандай ҳомиладор аёл (устига устак, бу аёлнинг пайғамбаримизга узоқроқ қариндошлиги ҳам бор экан) туш кўрибди, тушида қорнидан учта қора шоҳдор илон ўрмалаб чиқибди. Шўрободнинг фолбини ҳамда кароматгўйи Ҳожиа бу шоҳдор илонлар ичига шайтон жойлашиб олган Зафарнинг¹ кутқуси билан қишлоқлариди пайдо бўлган уч бегонанинг баъйни ўзи эканини ҳайратланарли даражада аниқ-равшан айтиб берибди. Қишлоқда бегоналарнинг пайдо бўлиши вабо, ўлат ва бошқа офатларни бошлаб келади. Шундай экан, бегоналардан имкон қадар тезроқ халос бўлмоқ керак. Мабодо ўз ихтиёрлари билан жўнаб қолишмаса, уларни ўлдириш савоби азим...

Алломаи замонлар мисли кўрилмаган кўрқувдан титраб-қақшаб ҳар бири апил-тапил ўз хаҷирларига ўтирдилар ва шу заҳотиёқ Шўрободу унинг номехмондўст одамларидан тезда йироқлашдилар. Фақат учинчи кунигина нон ва сув топиш мумкин бўлган қишлоққа етиб олдилар. Дўстларимиз бу ерда нафас ростладилар, ҳисобот ёздилар, учалалари имзо чекдилар... кейин йўллариди давом этдилар.

Орадан ўн бир кун ўтиб улар минг машаққатлару беҳисоб азоблардан сўнг, ниҳоят, Техронга етиб олдилар. Сартарошхонаю ҳаммомдан сўнг озодагина кийинган ва силлиқина тараingan дўстлар ўз ҳисобларини топшириш ниятида халқ бахти учун курашувчилар жамиятига кириб келганларида маълум бўлдики, жамиятдан ном-нишон қолмабди. Улар Шўрободда сафар-саёҳатда юрган чоғида пойтахтда ҳокимият ўзгарибдию жамият ҳам тарқалиб кетибди.

Бироқ янги министрлар кабинети янада салмоқлироқ янги бир жамият тузишга чоғланиб турганлиги ҳақидаги хабарлар аллақачон етиб кела бошлаган эди.

Рус тилидан Раҳимжон Отаев таржимаси.

¹ Ичига шайтон жойлашиб олган Зафар — Шиалар нақлига кўра ичига шайтон жойлашиб олган Зафар имом Ҳусайн ўлгандан кейингина унинг йигитларига ёрдамга етиб келган.



Людмила Ханадеева

Ёзгучининг ибодати

- Эй худойим, бергил менга илоҳий рағбат.
- Марҳамат!
- Ва оз-моз пул-мулдан, келмаса малол.
- Бемалол.
- Бир машина бўлса... сутранг, созидан.
- Розиман!!!
- Чоғроққина чорбоғ кўплик қилмасди.
- Балки шу басдир?!
- Ҳам хорижга беш бор саёҳат йилда.
- Инсофни билда!
- Каттароқ унвонга этсайдинг ноил.
- Қойил!
- Энг муҳимин унутибман — истеъдод ғами.
- Сенгами?!
- Йўқ менгамас! Фалончига бермагин уни.
- Недир мазмун!
- Шундоғам ишлари юришар доим.
- Худойим-м-м...

Русчадан Қинғир Мирзо таржимаси

◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ

Ҳалима АҲМЕДОВА. Навоий об-ластининг Қизилтепа районида туғилган. ТошДУ ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган. «Гулхан» журнали редакциясида хизмат қилади.

Венера ИБРОҲИМОВА. Ўзбек ва крим татар тилларида ижод қилади. Шеърлари мазкур тилларда нашр этилган коллектив тўпламлардан жой олган. СССР Ёзгучилар союзининг аъзоси. Жиззахда ўрта мактабда дарс беради.

Олимжон БУРИЕВ. Тожикистонда туғилган. Ўзбек тилида шеърлар ёзиш билан биргаликда тожик шеърятидан таржималар ҳам қилади. А. Жомий шеърятидан қилган таржималари китоб ҳолида нашр қилинган.

Санобар ФАХРИДДИНОВА. Шаҳрисабз шаҳрида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетида таълим олган. Ҳозирги кунда «Саодат» журнали редакциясида хизмат қилади.

Муҳаммад ЮСУФ. 1954 йили Андижон областининг Марҳамат районида туғилган. Республика рус тили ва адабиёти институтини тамомлаган. СССР Ёзгучилар союзининг аъзоси. Бир неча шеърый тўпламлар муаллифи.

Муҳаммад ИСМОИЛ. 1964 йили Ховос шаҳрида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетида таълим олган. Ҳикоялари илк бор эълон қилинмоқда.

◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ

ЁШЛИК

(«Молодость») ежесечный литературно-художественный, общественно-политический журнал На узбекском языке Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: **Х. ЛУТФУЛЛАЕВ**
Техник редактор: **Т. РАҲИМОВ**
Корректор: **М. ТУРСУНОВА**

Адресимиз:
700113, Тошкент, «Правда» газетаси кўчаси, 60-уй.

Т е л е ф о н л а р
Бош редактор — 78-94-05
Бош редактор ўринбосари — 78-49-83
Масъул секретарь — 78-97-07
Проза бўлими — 78-97-58
Поэзия бўлими — 78-77-16
Публицистика, адабий танқид ва санъат бўлими — 78-17-47

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди.

Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмасинигина қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан олинди», деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 22.09.88 й.да туширилди. Босишга 4.11.88 й. да руҳсат берилди. Р—17762. Қоғоз формати 84×108¹/₁₆. Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6. Тиражи 336262 нусха. Буюртма № 4316. Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси.

© Тошкент, «Ёшлик», № 11. 1988.
«Ёш гвардия» нашриёти.

Муқованинг 1—4 саҳифаларини
рассом **Н. Ғуломов** ишлаган